


821
M-14

Зулфия Мўминова

СУРХОНИНИҒ
МУҲТАРАМА
АЁЛЛАРИ



84

Зулфия Мўминова

СУРХОННИНГ МУХТАРАМА АЁЛЛАРИ

0739

0170

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAHSUS TATLIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

«Fan va texnologiya»
Тошкент 2009
OLIV VA O'RTA MAHSUS TATLIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

000.46

у
Ко
Н

3. Мўминова «Сурхонининг мухтарам аёллари».
Т.: «Fan va technologya», 2009. — 400 б.

Ушбу китобдан ўрин олган аёллар ҳақиқатда мухтарамдир. Уларнинг бири фермер, бири чўпон, бири кулол, бири тадбиркор, бири санъаткор, бири ўқитувчи, бири шифокор, бири темир йўл қурувчиси, бири олимпиа, бири журналист, бири маҳалла раиси, бири маҳалла маслаҳатчиси. Бирининг ўзи чемпион, бирининг ўғил-қизи чемпион.

Ойбарчин авлодлари, Термизийлар ворисларидир. Барчасининг орузи битта «Она Ўзбекистон тинч, мустақиллик абадий бўлсин».

Мазкур китоб 2009 йил — «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили»га бағишланади.

Ў78-9943-10-183-8

© «Fan va technologya» нашриёти 2009.



Кобулова Мақсуда Умаржоновна
Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари,
Вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси

СИЗГА ТАЪЗИМ СУРХОНИМИНИНГ
МУХТАРАМА АЁЛЛАРИ!

Ўзбек аёли детанда Ватани, оиласи, фарзандларини жонуси билан севувчи, ҳокисор, жонсарақ, юзлари ҳаёдан ёниб турган таъбир жонз бўлса, «Элга эна бўлгудай» яна кўплаб фазилатларини кашф этди. Оила ва жамиятдаги қадрини юксаттирди. Бу юксак қадр шубҳасиз Сурхон воҳаси хотин-қизларига ҳам тегишли эканлигини таъкидлаш қадимизда ифтихор туйғуларини уйғотди. Бутунги кунда вилоят ҳаётини ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларини, мустақилликни мустаҳкамлашда зафарли олимларини эл-юрт ишита камарбаста, филоий, фаол аёлларимизсиз тасаввур қилиш қийин.

Аёл иззатланаётган, унинг аёллик номи қадрланаётган жамиятда инсон детан номининг ҳам қадри ҳамиша баланд бўлиб келган. Бизнинг жамиятимизда хотин-қизлар аёл, она сифатида мухтарам Юртбошимизнинг юксак эҳтироми, давлат эъзозу-ардоғига сазоворликлари уларнинг жамият ва оиладаги имкониятларининг кенгайишида, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш йўлидаги кафолатларда ўз ифодасини топтоқда.

«Инсон ўзини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая борали» — дейдилар мухтарам юртбошимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият енгилмас куч» асарида. Шу ҳусусда биз Сурхондарёликлар ҳам бой тарих, юксак маданият, буюк маънавият ворисларимиз, десак муболаға бўлмайди.

VII аср охирилари IX аср бошларида яшаб ўтган мутлафаккир Варроқ Термизий оналари Тамиллабонуга атаб макбара қурдирилди. Уларнинг шогирдлари, турмуш ўртоғи Хурайдон Даврон ва қизлари Рухайдобонлар дунёнинг турт томонидан келган қизларга таъбаат,

диний ва дунёвий илмлардан сабоқ бералилар. Демак, Сурхон элини аёллари азалдан маърифатпарвар, зукко ва билимли бўлганлар. Хар бир аёlining қалбида бир она қудрати яшайди. Унинг тафаккурида тадбиркорлик, мураббийлик илми, юратида табиблик қуввати, ҳофизлик санъати бор. Ўрни келганда бу сифатларини айтиш, ўзига-ўзини нурилатириб кўрсатиш керак, токи аёл фақат оиласида эмас, жамиятда ҳам ўрни баландлигини билсин. Руҳлиниб, қувониб, шоду-хуррам яшасин! Зеро «ўз бурчинини бажаришидан мамнун одамгина эркин яшайди» — дейди Цицерон.

Бу китобдаги аёлларнинг ҳаёт чорраҳаларидан омон ўтган умр йўли, турмуш кечинмалари вояга етиб келаётган қизларимизга тинимсиз айланаётган ҳаёт чархпадатининг кўчаларида адашмасликлари учун йўлчи юлдуз бўлсин.

Эзгулик китоби-Инсонноманинг
Аёл деб битилган энг гўзал боёи.
Сиз-Ойсиз. Ибтидо нури самоннинг
Сиз ҳамма талпинган ҳаёт ортоби
Сиз арбоб, сенатор, устоз-буюк куч,
Истиқлол жабҳасин доноси сизлар!
Сиз элга кайвони-олий миллий бурч
Истиқбол зурриётини онаси Сизлар!



Ахмедова Нусқа

БАҲТИ КУЛГАН АЁЛ

1946 йил 10 июнда Сурхондарё вилоятида Шеробод туманида ишчи оиласида таваллуд топган Нусқа Ахмедова ўзининг 40 йиллик меҳнат фаолиятини мактаб, олийгоҳдаги ўқиш давлари ва меҳнат фаолияти ҳақида қувониб гапирди. Нусқа опа мактабни 1965 йилда муваффақиятли тамомлаб ўша йили Термиз Давлат институтининг филология факультетининг ўзбек тили ва адабиёти тўғрисида ўқишга кириб, ушбу олийгоҳни биринчи битирувчилари бўлиб чиқилди. 1970 йил Сурхондарё вилоят кутубхонасига кутубхоначи вазифасида ишга қабул қилинди. 1973 йил Термиз шаҳрида 12 - умумий ўрта мактабнинг кутубхона мудир лавозимига ишга ўтди.

Изланувчанлиги, тиришқоқлиги туфайли мактаб жамоаси орасида хўрматга сазовор бўлди. 1983 - 1984 йил бошланғич синфлар бўйича директор ўринбосари, 1985 - 1986 йил маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, 2002 йилда ушбу мактаб директори вазифага ўтказилди. Нусқа опа оиласи, 6 нафар фарзанднинг онаси 20 га яқин набираларнинг бувижони. Турмуш ўртоғи Шокир хожи Хўжаев билан 40 йилдан ортиқ турмуш давомида турмуш заҳматларини елкама-елка бартараф этиб енгиб келишмоқда. Фарзандлари олий маълумотли халқ хўжалигини турли жабҳаларида самарали меҳнат қилмоқда.

«Ҳаёт энг катта мактаб, хар дақиқаси бир сабоқ берали. Уни ўзлаштира олган ютқазмайди», — дейди ўз сўзида Нусқа Каримовна. Нусқа опа билан бутун Сурхондарё фахрланади. Сабаби унинг ўқувчилари республикамизнинг энг диққатга сазовор олийгоҳларида дарс беришмоқда. Энг номдор шифо масканларида эл дардига дармон бўлмоқда.

Нусқа опани кўрган одам кўзларига қараб ҳақиқий тарбиячи, маърифатли, энг ёлғиз йўғрилган ўзбек аёли тимсолини кўради.

Ҳақиқатдан ҳам Нусқа Каримовнадек эъзозли устозларнинг ҳар босган қадами, ҳар айтган сўзи кимнидир тўғри йўлга бошлайди, эзгуликни тарғиб этади. Бундай аёллар ҳақида жонингта жондек яқин, истараси иссиқ, суҳбони латиф, дилбару-дилкаш дейдилар. Зеро, Нусқа опадек гўзал қалб соҳиблари юртнинг кўрки, миллатнинг фахридир. У намунали оила бекаси. Илму-урфон соҳибаси. Нусқа опа ҳақида, муҳтарам устоз ҳақида қанча тўқинганиб гапирмайлик бари бир қамдек туюлаверди. Биз унга доимо ширин табассум, нурли тимсол бўлиб, даврларимиз кўржи бўлиб, барчани қувонтириб юраверинг деймиз.

Кийганингиз оқ ипақми,
Оқ марварид тишларингиз.
Туғамасин, туғамасин,
Савоб отли ишларингиз.

Оқ атиргул опангизми,
Ойнангизми ойна кўллار.
Сизни кўрса ойдинлашар,
Бу юраклар, бу кўнглилар.



Аннаметова Гўлбаҳор

ОЙГА ҚАРИНДОШ АЁЛ

Қуёш уфққа бош қўйиб, борлиққа осойишталик чўқа бошлайди. Яна бир меҳнат кўни ниҳоятга етиб, одамлар оилалари бағрига хорлиқ чиқариш, янги режалар ижросига куч тўллаш учун ошиқадилар.

Ҳозиргина туман Ҳалқ таълими бўлими ходимлари билан бўлган ишлар натижасини таҳлил қилиб, эртанги юмушлар юзасидан режаларни муҳокама қилган Гўлбаҳор опа Аннаметова курсига ўтириб, бир зум ҳаёлга толди. Амалга оширилагётган ишлар, туман Ҳалқ таълими, фарзандлар таълим-тарбияси йўлидаги фаолиятнинг самарадорлиги ҳақида мушоҳада юритар экан, опа ўзида ички бир қониқиш, шу билан бирга ечимини қутаётган муаммоларни ҳал этиш йўлида изланиш иштиёқи туйғусини ҳис қилди.

Ҳаёлга чўмиб ўтирар экан, шу кунгача бўлган фаолияти ҳудди кино тасмаларига тушурилгандек бир даҳзада ҳаёдан ўта бошлайди: Гўлбаҳорнинг болалиги гўзал ва мафтункор Бойсун тоғлари бағрида ўтди. У 1971 йилнинг 4 мартида энгели оилада туғилган. Гўлбаҳорнинг ота-онаси унинг ўқитувчи бўлиш, ёш авлодни қамол топтириш йўлидаги истагига оқ йўл тилаб қолдилар.

1978-1988 йиллардан мактаб даврида ўқитувчисига ҳавас қилгани сабаб, 1988-1993 йилларда Термиз Давлат Университетида рус тили ва адабиёти факультетида муваффақиятли таҳсил олди.

Иш фаолиятини Кизирик туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчиликдан бошлайди. Жамоада ўз ўрнини топа билган ёш ўқитувчи беш йил орасида мактаб директори вазифасига қалар йўлини босиб ўтди.

Ўз ишига сийқилилдан бўлган ёндашув унга жамоатчилик орасида обрў-этибор олиб келди. Мактаб фаолияти билан бирга эл дарди билан яшаиш туйғуси иктидорли раҳбарга бетона эмас эди.

Бўни яхши англаган элдошлар унинг халқ номидан сўз айтишини истадилар. 2004 йилда уни Халқ депутатлари вилоят кенгашига депутат этиб сайладилар. У халқнинг эътиборини ва ишончини қозониш мақсадида ҳам раҳбар, ҳам депутат сифатида ўз куч ғайратини аямай меҳнат қилди. Эл назарига тушди. Унинг иқтидорини ва қобилиятини муносиб баҳолаган вилоят ва туман раҳбарлари туман Халқ таълими бўлимини бошқариш вазифасини юкладилар.

Гулабхор Аннаматова 2007 йил, 16 ноябрдан халқ таълими бўлимининг илк аёл раҳбари сифатида ишта иштиёқ билан киришди. Мавжуд муаммолар ечимини топиш ва уларни дадиллик билан бартараф этиш учун ўз иқтидорини ишта соғди. Гулабхор умрини таълимга бахш этган намунали оила бекаси. У баҳорда таваллуд топгани учун ҳам гоҳ кўзимизга оқ атиргул бўлиб кўринади. Бундайлар ҳақида ой юзди, ойга қариндош санам — дейдилар. Бу сифатларни у билан учрашган, баҳслашган, ҳасратлашган ҳар битта аёл тасдиқлайди.

Паризолми палакларни,
Ўйчан кўзми, қалам қошми.
Ой санамнинг бир томони,
Оймомога қариндошми?!



Арифова Шохиди

ОЛТИН ЎТДА ТОБЛАНДИ

Инсонлар борки, турмушнинг паст - баландидан давр силсилаларидан омон ўтавердилар. Аксинча, продасининг мустаҳкамлиги, эътиқодларининг қатъийлиги бонис ҳаёт чигирнақларидан пишиб, пухта бўлиб, тобора мукаммаллашиб бордилар. Арипова Шохиди 1958 йил 1 апрелда Тошкент вилоятида туғилган. Болалигидан фаройиб математика дунёсининг сеҳру-синаотларига шайдо бўлди. Отаси тажрибали педагог Раҳмат ака қизидати истевдодни тез илғади ва унга математикадан илк сабоқларини 5-6 ёшлигидан бера бошлади.

Зеҳни ўткир эмасми, қиз аввал ўрта мактабда, кейинча 9-10 синфларда республика «Ёш физиклар ва математиклар мактаб-интернати»да аъло баҳоларга ўқиди. Тошкент Давлат университетининг «Амалий математика ва механика» факультетида таҳсил олганида ҳам билимли ва фаол талаба сифатида танилди. Университетни муваффақиятли тугатаётган бу қобилият соҳибасини деканат республика Асбобсозлик вазирлигига ишта юборганди. Бироқ Шохиди бу пайтда етти йиллик таҳсил даврида синалган курсдоши, Сурхондарёлик Ғофир Аллаев билан турмуш кўргани туфайли Сурхон заминига кетишга аҳд қилган. Ўшанда Сурхон дёёри педагогикаси юлдузи юлдузига қўйилган икки истевдод соҳиби ҳисобига бойилди. Бўни уларнинг кейинги фаолияти билан таниш кишилар таъкидлашларига шубҳа йўқ.

Шоҳидахон иш фаолиятини Термиз туманининг чекка қишлоғидаги 6-сон мактабидан бошлаб, 12 йил давомида қишлоқ муаллимнинг бarchа захмат-у қувончларини бошдан кечирди. Тажриба ва малакаси оша борган сайин у математикадан қобилияти бор болалар билан индивидуал ишлашга эҳтиёж катта эканлигини диддан ҳис қилди. 1992 йилда ўқитувчининг орзуси ушалди, у вилоят «Ёш математиклар мактаб-интернати»да дарс бера бошлади.

Шоҳида опа Халқ таълими Вазирлиги ва Британия Кенгаши томонидан бирга ўтказилган «Шахста йўналтирилган таълим» лойиҳасида муваффақиятли иштирок этиб, тренерлик ҳукукини қўлган киритгани ҳам айни мудлоо бўлди.

У чорак асрдан буён фан услубит бирлашмасини бошқариб, янги педагогик технологияни ишлаб чиқишда фаол бўлмоқда. Унинг иш тажрибаси вилоят ва республика миқёсида омалаштирилди. Шоҳида Раҳматованинг геометриядан методик қўлланмалари чоп этилган. У математикадан «Ён дафтара», «Доска - блокнот», «Доска - стена» сингари самарали ўқув воситаларини яратди. Математик формуллаларни ёд олишнинг қўлай усулларини, жалдвалларини ишлаб чиқди.

Бир қарашда енгилдек бу услубга эришиш учун ўқитувчининг муттасил изланишини, педагогиканинг янги-янги, нонанавий услублари устида эрта-ю-кеч ишлашини ёлғиз у ва ҳам турмуш ўртоғи, ҳам маслақдоши, яқин маслаҳатчиси Ғофиржон ака билгилар, ҳоло, Ушбу меҳнат самарасини Шоҳида опа ўз ўқувчиларида кўрса қувонади.

Яқинда эса Термиздаги 6-ихтисослашган мактаб-интернатининг олий тоифали ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси Шоҳида Арипованинг ўзи барчани хурсанд қилди. У «Энг яхши фан ўқитувчиси» танловининг Республика босқичида биринчи биродарларининг, борингки, жами Сурхон зиёлиларининг қалбларини фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирди.

Ҳа инсонлар бўлдики, ҳаётларида осон йўللарни изламайдилар. Улар ўз олдидиларига илму-зиё таратишдек эзгу мақсадни қўйишадди. Бу мақсад йўлидан уларни ҳеч қандай қийинчиликлар, муаммолар қайтара олмайди. Олтин ярқираб товланишидан олдин ўт-оловда тобланиддек, бундай кишилар доволлар олиб, кучга тўлаверадилар.



Абраматова Жамила

ЭЛ НАЗАРИДАН ҚОЛДІРМАСИН

Ушбу китобга тақдим этилган номзодлар орасида Абраматова Жамилаҳоннинг таржимаи ҳолларини ўқир эканмиз, уни айнан Сизларга тақдим этишга қарор қилдик. Зеро, Жамилаҳон ўзлари, ҳаётлари, фаолиятлари тўғрисида жуда чиройли, мазмунли ҳикоя қилганлар: "Мен, Абраматова Жамила 1950 йилнинг 15 мартида эса Термиз туманидаги 16 мактабда ўқидим. 1967 йилда Термиз Давлат педагогика институтининг табиат факультетига ўқишга кирдим. Менинг педагогик касбини танлашимга оиламдakilар, айнқса бобом сабаб бўлганлар. Бобом эсимни танир-танимас, менинг тақрор айтар ва оруз қилар эдилар. Мени мактабга ҳам ўзлари олиб бориб, олиб келганлар. 1972 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугатиб, ўзим таълим олган Термиз туманидаги 16-сонли ўрта мактабга ишга келдим. 2000 йилга қадар шу дароҳда кимё ўқитувчиси бўлиб ишладим. Иш фаолияти давримда ҳар қанча қийинчиликларга қарамай фарзандларимизга тўғри тарбия беришга, қолмади. Бир неча бор вилоят, республика Халқ таълими Фаҳрий ёрлиқлари билан тақдирландим. Энг нуфузли мукофотлар этаси бўлдим. Мустақиллик йилларида "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвони берилди. Мана шу тақдирловлар мени ёш бўлишга қарамай, биз, педагогларнинг меҳнатини қадрлай олди. Назаридан четта чиқармади, биз, педагогларнинг меҳнатини қадрлай олди. аввало ота-онамининг, қайнота-қайнонамнинг, турмуш ўртоғим, укаларим ва ишлаган жамоа, раҳбарларимнинг ҳиссаси беқийёслгини таъкидлаб ўтишни истардим. Мен бир умр улардан миннатдорман.

Уларга суянган ҳолда фарзандларимни ҳам туғри тарбиялашга, билимли қилишга ҳаракат қилдим. Катта ўғлим ФарМини, кичик ўғлим Тошкент Давлат университетининг бакалавриятини битирди ва Булок Британияда магистрлик ўнвонини олиб қайтди. Катта қизим Тошкент Кимё-технология институтининг бакалавр ва магистрлик дипломини олишга мушарраф бўлди. Кичкина қизим Фармацевтика институтининг 5-босқич талабаси. Ҳозир ҳам мен меҳнатдан тўхтаганим йўқ. Ёшларга кимё фанидан сабоқ бериш билан машғулман. Ҳаётимда ўчмас из қолдирган шундай воқеалар борки, уларни ҳар сафар эслганимда ҳажжонга тушаман. Талаба бўлиш, институтни муваффақиятли битириш, диплом олиш, биринчи дарс... ўқитган ўқувчиларимнинг ўқув юртларига киришлари, фарзандлар, уларнинг камоли, муваффақиятлари, иззат-хурматларини кўриш, неваралик бўлиш... Булар бари инсон учун битмас-туганмас бахтдир. Худога шукр, шундай бахт менга ҳам насиб этди. Яратган ундан айирмасин, эл назаридан қолдирмасин."

Жамилаҳон опанинг оппоқ орзулари бирин-сирин ушадди, ушала борапти. Унинг гавжум гўшаси ҳар қачон қувноқ кулуга тўла. Муаллиманинг шогирдлари вилоятда, республикада етакчи лавозимларда меҳнат қилишмоқда. Улар опа орзу қилганидек виждонли, самимий ва пок бўлишга интиладилар. Худди устозлари сингари.



Арифова Салима

ЮРАКЛАРГА ЯҚИН АЁЛ

Салима Арифова Самарқанд Давлат медицина институтини тугатган, устозлари унга илмий иш қилиб институтда қолишини маслаҳат берди. Аммо у амалиёт ва ўз билиминини синамоқчилигини айтди. У юртимиз жанубига Сурхондарёга ишга юборилди. «Эсенгиз шундай истеъдодли врач кишиюк жойларда қийналиб яшайди энди» дегувчилар ҳам бўлди.

Салима эса Сурхондарёнинг мард, меҳнатқаш, ҳалол, қалби қуёшли одамларини дардига дармон бўлганига ҳуррач бўлаверди. Бу шукроналик уни янада одамларга яқинлаштирди. Уни бахтиёр этди. Турмуш ўртоғи Мамараҳим Эргашев унга доим мадад берди. Дастлаб ишни вилоят шифохонасида жарроҳчилик билан бошлаган бўлса, 1980 йилда қизirik тумани марказий шифохонаси катталар поликлиникаси врач-онколог лавозимига ишнинг давом эттирди. 1982 йилда туман марказий шифохонаси бош врачнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, 1999 йилда катталар поликлиникаси врач бўлиб давом эттирди. Меҳр берсанг, меҳр кўрасан дейди, донолар. Одамларни улкан қалб билан ҳурмат қилган Салимаҳон қизирқда ҳурмат, эътибор топти. Туп кўйиб, палак ёзди. Оллоҳ Мамараҳим ака билан Салимаҳонга дуру-таваҳх фарзандлар берди.

Фарзандлари ҳам бирин-кетин эл қорига ярай бошлади. Қизи Шаҳноза тиббиёт бирлашмаси ички дорихона ҳамшираси, ўғли Улуғбек туман ҳокимиятида вояга етмаганлар ишлари бўйича масъул ходим, қизи Дилноза Самарқанд Давлат Тиббиёт институти талабаси, ўғли Отабек 12-линей интернати ўқувчиси.

2005 йилдан бошлаб Салима Арифова қизirik туман тиббиёт бирлашмаси бош враччи. У ҳеч қачон кабинетда бемағлол ўтирган эмас. Тоҳ шифохонага кўшимча бино қурилишида, тоҳ маҳалларда аёллар билан учрашувда, тоҳ мактабларда маъруза ўқинишда, тоҳ фермеру, пилежлар ёнша, тоҳ оғир операцияда худдас у ҳаммага, ҳар лаҳза керак. Унинг дўстлари кўп. Шу дўстларидан бири менман. Узоқ Тошкентда туриб уни жула соғинаман. У билан фахрланаман. Унга яратилган эзгуликлар тилайман.



КУТУБХОНАЧИЛАРНИНГ УСТОЗИ

Азимжонова Норҳол 1983 йил Бойсун тумани «Пасурхи» қишлоғида деҳқон oilасида туғилди. Отаси қаландаров Маманазар ва онаси Маматқулова қиммат ёшлитда вафот этган. У тоғаси Саидов Очил тарбиясида қолди. 1974 йили бошланғич таълимни «Пасурхи» қишлоғида, 1950 йили Шўрчи тумани Қари Маржс номли коллежга кўчиб келиб, ўқийшни давом эттирди. 1958 йил ўрта мактабни тамомлади. 1958 йил турмушга чиқди. Турмуш ўртоғи Азимжонов Обиджон, ҳозирги кунда нафақада. 1959 йили тумандати кутубхонага ишга ўтди. 1960 йили Тошкентдаги маданий-оқартув техникумига ўқийшга кириб, 1962 йили биттирди. 1969 йили Термиз шаҳрига кўчиб, вилоят кутубхонасида ишлай бошлади. 1974 йил oilаси билан Шўрчи туманига кўчиб келди ва шу йили туман марказий кутубхонасига ишга киришди. Марказлашган кутубхона тизимига ўтди билан кутубхона директори лавозимида ишлади, 1980 йилларга кутубхона тизимида бир қатор муваффақиятларни қўлга киритиб, 2 марта вилоят миқёсида хўрмат тахтасидан ўрин эгаллади. Натияжада кутубхона юқори натижаларга эришди.

1983 йили Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ «Китобсеварлар» жамиятининг III съездида ўзбекистондан делегат бўлиб катнашди. Москва шаҳридаги I ойлик кутубхонашунослик мадака ошириш курсида таҳсил олди.

Норҳол опа 9 нафар фарзанднинг суюқли, меҳрибон онаси. Улар бутунги кунда эл хизматида.

Катта қизи Азимжонова Жамила олгий тоифали ўқитувчи «ўзбекистон халқ аълочиси» 3-ўрта таълим мактабида ишлайди. ўғли Азимжонов Олимжон асадарчилик билан шуғулланади. қизи Азимжонова Сожида Шўрчи тиббиёт коллежи ахборот ресурс маркази филиали раҳбари. Қизи Азимжонова Шоҳида Сарносийе тумани 2-ўрта мактабининг тарих фани ўқитувчиси.

Ўғли Азимжонов Илҳом ҳарбий хизматчи, қизи Азимжонова Сабоҳат 9221-ҳарбий қисмда хизматчи, ўғли Азимжонов Баҳромжон Тошкент шаҳрида ҳарбий қисм хизматчиси, қизи Азимжонова Феруза хунарман, қизи Азимжонова Наргиза олгий тоифали ҳамшира. Иш фаолияти даврида аҳолининг билим даражасини ошириш, ҳукуматимиз қарорлари ва фармонларини кенг халқ оmmasита тарғиб этиш ва уларнинг малакасини ошириш борасида қўлидан келган барча имкониятларни ишга солмоқда. Аввало кутубхонани кадрлар билан таъминлашни асосий мақсад, деб ҳисоблаб, 20 кутубхоначинини ўқийшга жўнатиб, кадрларни тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшди.

Кутубхона қуриш зарур эканлигини ҳисобга олиб, 77000 томлик кутубхона қуришга киришди. Бу тўғрида тегишли қурилиш ташкилотларига учрашиб, лойиҳа-смета тузилиб, 1985-1992 йиллар қурилиб, ишга тушишга муваффақ бўлишди.

1988 йил «Маданий-ишлар аълочиси» кўрак нишони ва қатор туман, вилоят, республика ташкилотларининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Ҳозирги кунда Норҳол Азимжонова 1995 йилдан бўён нафақада. Рўмонлари сирғалади камалақай, Туйғулари тоғдан шошган шаршарадай Минг бор ўлиб тирилади, боғам дейди, Қаҳри келса тоғни йиқар гулдирақдай.





Алпаназарова Лолагу

ДАРСУ САВОҚЛАРДА ЎҚИ УМИНИЗ...

"Ортимиз эртаси, миллат тақдир, доно тафаккур ва дунёқарашга, ўз шаъни ва қадр қимматини англаб етатиган баркамол авлод тарбиясига боғлиқдир. Агар одам ҳаётда яхши из қолдирмоқчи бўлса, жамиятта, юртига наф келтиришни истаса, авваламбор, ўз мустақил фикрига эга бўлиши, соғлом дунёқарашга таяниб яшаши керак. Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан кўзланган асосий мақсад ҳам аслида шундан иборат" деб ёзган эди Президентимиз.

Лолагул Алпаназарова дидил, атрофидошларга ўз фикрини аниқ ошқора баён қила олиш салоҳияти билан ажралиб турадиган жамоатчи аёллардан бири.

У 1957 йил 18 мартда Сурхондарё вилояти Узун туманида ишчи oilасида туғилган. Отаси Артик Алпаназаров темир йўлда ишчи бўлган, меҳнатлари муносиб тақдирланган. Онаси Султин опа тарих фани ўқитувчиси бўлган. Хукуматимиз томонидан бир қанча медал ва унвонлар олган.

Лолагул Алпаназарова 1964 йил Узун туманидаги 3-сон умумий ўрта таълим мактабига ўқишга борган ва аъло баҳоларда ўқитанлиги учун халқаро ўқувчилар латери "Артек" да бўлган.

1975 йилда Термиз Давлат Педагогика институти "Ўзбек тили ва адабиёти" бўлимига ўқишга кирди. Шу институт қошидаги "Педагогика" кафедрасида ишлаб ўқиди. 1979 йилда шу институтни тугатиб, Термиз тиббиёт билим юртига ишга кирди.

1986 йилда вилоят Халқ таълими бошқармаси қошида мактабдан ташқари тўтарақ ишлари муассаси мудираси вазифасида фаолият юритди. 1987-1988 йилларда вилоят халқ таълими бошқармасида хатлар бўлими бошлиғи вазифасида ишлади. Иш фаолияти даврида қатор фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

1989 йил Узун туманига қўчганлиги туфайли Узун тумани 3-сон умумий ўрта таълим мактабига фан ўқитувчиси, сифатида иш фаолиятини давом эттирди ва ёшига мувофиқ нафақага чиқди.


Лолагул Алпаназарова бахтли oilа бекаси. 4 нафар қиз ва 1 нафар ўғилнинг меҳрибон онаси, 5 нафар набираларнинг севишли бувижони.

Турмуш ўртоғи Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, ҳозирги кунда эса нафақада.

2002 йилда Давлатимиз Мустақиллиги, Президентимиз ҳурматли И.А.Каримовнинг саъйи ҳаракатлари туфайли ота-бобларимизнинг улкан орзулари бўлган ва бизлар эришган орзу "Ҳаж" сафарига бўлиб қайтдим "Оллоҳта шукрлар бўлсин" дея қувониб сўзлайди, Лолагул опа.

Ҳозирги кунда эса у маҳалладошларига ўз тажрибаларига асосан маслаҳатлар бериш ва уй ишлари билан банд. Ўзи таълим берган шотирларни қамолини кўрса, беҳал қувонади. Лолагул опадек ўз касбига солиқ, юрт болаларини ҳам ўз фарзандларидек сезувчи бағри дарё муаллималар бор экан, келажатимиз порлоқлигига ишонаверса бўлади.

Божам йилларимнинг сардафтарига,
Сиз мулом камтару хоқсор тургансиз.
Лекин юрагимнинг қабултарига,
Ватан! деган сўзини хатлаб бергансиз.





Алимова Бахтигул

КУТ-БАРАКА ХАЛОЛЛИК БЕЛГИСИ

Бахтигул Алимова 1960 йил 15 мартда Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманида дунёга келган. Ёўдакка исм қўйишда ҳам катта маъно бор. Сабаби ният қилиб қўйилган исм инсонга умр бўйи ҳамроҳлик қилади. Бахтигулга бу исми ота-онаси бахтли бўлсин деган ниятда қўйилган. Бахтигул ҳақиқатан ҳам бахтли бўлди. Истараси иссиқ, одоли, меҳнаткаш бу қизни келин қилиш ниятида сўрагандар кўп эди. Унинг ўн бармоғи ўн хунар экани маҳалла-қўйда тезда тилларга тушди. Пазанда, чевар, чаккон, ширинсўз, гўзал, қувноқ-очик чеҳраси тилларда дoston бўлди. Бу таърифлар Бахтигулга муносиб эди. Мактабни битириши биланок уни турмушта беришди. Иккита фарзанднинг онаси бўлди. 1982 йилда тумандаги катта дўкон мудираси бўлди. 1986–1991 йилларда Тошкент Давлат Халқ ҳўжалиги университетиди сиртдан иқтисодчи мутахассислигини амалиёт билан биргаликда эгаллади. 1987 йилдан “Москва” Матлубот жамиятига қарашли дўконда мудир бўлди. 1998 йилдан бошлаб шу корхона университет директори, 1999 йилдан 2003 йилгача Тайёрлов савдо корхонаси директори лавозимида фаолият кўрсатди.

Мустақиллик куёшидан баҳраманд бўлган ҳар бир ўзбекистонлик фуқаролар катори Бахтигулнинг ҳам омади чопгандан-чопди. Ҳаёт ва меҳнат муштарак — онгасининг гўзал бекаси ва беш фарзанднинг меҳрибон онаси бўлди. Фарзандлари ҳам ўзи каби ота-онанинг ҳурматини жойига қўйдиган, меҳрибон бўлиб камолга етишди.

2003 йилда Бахтигул Дониёровна “Райхон” хусусий корхонаси раҳбари бўлди. 2007 йил апрел ойидан буён у “Янгиер” Матлубот савдо масбулияти чекланган жамият бошқарув раиси лавозимида намунали фаолият кўрсатмоқда.

Сурхон волийсининг энг ҳалол савдо ходимларидан бири бўлган Бахтигул опа ҳаётида нимага эришган бўлса ҳалол-пок меҳнати, инсонларга бўлган меҳр-муҳаббати тўғайли эришди. Ёрдамга муҳтож оилаларга ёрдам қўлини чўзди. Ҳамиша атрофдагиларга меҳр-оқибатли бўлди, ишончини қозониб яшди. Кўпнинг дуоси билан бошлаган ишлари уни эззуликка эришишига сабаб бўлди. Бундай ҳурмат ва эъзоз, ҳалоллиги ишларига ривож ҳамда КУТ-барака ато этаётир.





Арсланова Фатима

ИЛМ ТУЛШАНИ СОҲИБАСИ

1938 йил 10 июлда Термиз шаҳрида илмчи оиласида таваллуд топган. Отаси Арсланов Исроҳим олдин ишчи бўлиб уриш пайтида Термиз шаҳридаги "Элотишпромат" корхонасида ишлаган. 1970 йилда вафот этган. 1954 йилда Термиз шаҳрининг 5-ўрта умумтаълим мактабини аъло баҳолар билан тамомлаб, шу йилнинг А.Навоний номи Самарқанд Давлат Университетининг филология факультетига ҳужжатларини топшириб, кириш имтиҳонидан муваффақиятли ўтди. У 1959 йилда университетни имтиёзли диплом билан тугатиб, Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтига ишга келди.

Ф. И. Арсланова 1967 йилгача шу институт катта ўқитувчиси бўлиб ишлаган ва 1968 йилдан 1971 йилгача филология факультетида декан ўринбосари лавозимида ишлаган. У 1971 йилда Ўзбекистон Республикаси рус тили ва адабиёт институтининг аспирантурасига кириб ва "Русча объектли аниқловчи эрташ тапнинг ўзбек тилидаги мувофиқлиги" мавзусида илмий иш олиб борди. Унинг илмий ишига филология фанлар академиги А.Рустамов илмий раҳбарлик қилди. Ф. И. Арсланова 1974 йилда аёллар сарфида Сурхондарё вилоятида биринчи бўлиб фан номзодлиги диссертациясини мувофиқиятли ёқлади. Бунга "Ўзлашувчи эрташ тап-что боғловчиси ва унинг ўзбек тилидаги таржимаси", "Ўзлашувчи эрташ тап-как боғловчиси билан унинг ўзбек тилидаги эквивалентлари", "Эрташ ва кесими эрташ тапларнинг рус ва ўзбек тилидаги аҳамияти", "Русча ўзлашувчи эрташ тапнинг ким, нима боғловчилари ва унинг ўзбек тилидаги ишлатилиши", "Боғловчи ва боғловчи сўзларнинг функцияси", "Рус ва ўзбек тилидаги эрташ тап, кўшма тап" каби мақолаларни мисол қилиб келтирса бўлади. Ф. И. Арсланованинг "Функция союзных и союзных слов в сложноподчинённых предложениях с объектным придаточным в русском и узбекском языках" мавзусида монографияси, "Рус тилидан

ўқув қўлланмалар" каби китоблари, буюмлари ва илмий мақолалари талабалар ва ўқитувчилар учун, махсус семинарларда, махсус курсларда илмий конференцияларида амалий ёрдам манбаи сифатида қўлланилмоқда. Унинг илмий мақолалари хориж давлатларида ҳам чоп этилган. Ф. И. Арсланова илмий, амалий, раҳбарлик ишларини чамбарчас боғлаб амалга ошириши билан жамоат ишларида ҳам фаол хизмат кўрсатди. У кўп йиллар лавонининг университет кенгашининг илмий котиби филология факультетининг услубий Кенгашининг раиси лавозимларини беминнат адо этди. У «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» каби кўпгина фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Фатима Исломовна Арсланова уч ўғлон фарзандларини тарбиялаб олий маълумотли ажойиб инсон қилиб юлга етказди. Бош фарзанди хозирги пайтда Хитой Халқ Республикасида Ўзбекистон Республикасининг фавқулодда ва Мухтор элчиси. Бу билан фахрланса арзийди.

Киприклек бир бирин кучиб яшасак,
Бахтни қувончидан учиб яшасак
Минг иллар яшасак, юз йил яшасак
Бошқадан яшасак ярашармикан.





Азамова Майрам

УСТОЗ – МАЪРИФАТ ЧИРОФИ

Улуғ аждодимиз Ҳазрати Низомиддин Мир Алишёр Навоийнинг шундай сатрлари бор.

Ҳақ йўлигидега ким санго бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлса бўлмас, они ҳаққин адо юз ганч ила.

Дарҳақиқат, илм берувчи устозларнинг мақоми жуда баландир. Доно халқимиз бежиз: “Устоз отангдан улуғдир”, — дея устозга юқори баҳо бермаган. Устоз-мураббий Майрам опа ҳам ҳаёти давомида илму урфонни ардоқлаб фаолият этган ўқитувчилар сарасидандир. Майрам Азамова 1930 йилда Термиз шаҳрида таваллуд топган. 1937 йилда шахардаги “Ҳақиқат” (Правда) номидаги ўрта мактабнинг 1-синф ўқувчиси бўлди. Тавқиллаш жоизки, Майрамнинг болалиги жуда оғир даврга туғри келди. Етишмовчилик — очарчилик, “Иккинчи жаҳон уруши”, иқтисодий танглик, заҳматкаш халқнинг бошига не-не синовларни солмади, дейсиз. 1945 йилда уруш тугаб, эл-улус энди рўшнолик кўра бошлаган, бироқ иқтисодий танглик сабаб халқ ҳаёти ҳали ҳам оғир эди. Майрам ҳам 8-синфни битириб, жамоа ҳўжалигига қарашли пилачилик корхонасида меҳнат қилишга мажбур бўлди. 1950 йилда Бойсун туманида жойлашган Тўқимачилик фабрикасига ишга ўтди. Шу ерда кечки мактабга ишдан сўнг қатнаб, 9-10-синфларни намунали тугатишга муваффақ бўлди.

1953 йилда турмушга чиқиб, кўшини Тожикистон Республикасининг Ретар туманига кўчиб ўтди. Уни ўрта маълумотли бўлгани учун туман мактабига бош болалар етакчиси, ҳамда ўқитувчи сифатида ишга олишди. Чунки ўша даврда олий маълумотли ўқитувчилар етишмасди. Шу сабаб Майрам ҳам 1958 йилда Душанбе шаҳридаги Педагогика институтининг тарих факультетига сиртдан ўқишга кирди. 1961 йили уни жамоа ҳўжалиги раисининг мафкура бўйича биринчи

ўринбосари лавозимига тавсия этишди. Шу билан биргаликда ҳафтала бир марта мактабга ёшларга сабоқ берди. 1963 йили Душанбе педагогика институтини муваффақиятли тугатди. У 38-сон ўрта мактабда директор лавозимида фаолият юритди. 1965-1966 ўқув-йили даврида Майрам Азамова Садриддин Айний номидаги ўрта мактаб директори этиб тасдиқланди ва бу мактабда 12 йил лавомида самарали меҳнат қилди. 1975-1976 ўқув йилида тумандаги бошқа мактабга (Крупская номи) директор этиб тайинланди. Бу илм масканида 1980 йилгача муваффақият билан фаолият юритиб, нафақата чиқишга қарамай яна бир йил лавомида ёш авлодга сабоқ берди. Ҳаёт тақозоси билан Майрам Азамова 1981 йилда ўзи туғилиб ўсган Термиз шаҳрига қайтиб келди. Шу йили шахар ҳокимиятининг тавсиясига кўра Термиз Педагогика билим юртида фаолият бошлаб, ҳозирги қадар бу муёроқ илм масканида меҳнат қилмоқда. Бу даврда Майрам Азамова шахар Хотин-қизлар кўмитаси аъзоси, вилоят Хотин-қизлар кўмитасида “Савоб” клуби раиси бўлиб ишлади. Майрам опа Азамова 6 нафар фарзандлини оқ ювиб, оқ тараб, эл-юртта муносиб инсонлар қилиб воята етказган табаррук она ҳамдир.

Ҳаёти давомида илму урфон яловини баянлаб тутиб, барчага ўрнак бўлган азиз устоз Майрам опа Азамовага мустаҳкам соғлиқ, бахт-иқбол ҳамиша ёр бўлишини тилаб қоламиз.





ШҮНДҖЙЛАР КҮН БҮЛСА

Күнларнинг бирдла виләт тағәтәси тахрирәтигә истарәси нихәтлә исиқ, майин табәсуғи чәхрасигә ярашган бир әәл кирәб кәлди.

Мени әәллар муаммоси кўпроқ бәзәвтә қилди, — дәя охиҗта сүз бошладди. У әәллар бошита тунасттан муаммо-ю, кўрулқиларининг асосида хуқуқий билимларининг пәслигити сабаб бұлса, унинг устита әәлларимизнинг кам китоб ўқишлари, маънавий оламнинг торлигита бориб тақалди дәя у куйиниб тапирарди.

Ўшанда Аширғуя Абдурахмонованинг суҳбатини тингтаб, қорамалари — кичик қатрлар ва маънавиятта дәхлор мақолатарини ўқиб, «бу әәл тутма журналист-кү», — дегән фикрларни айтишганди.

Абдурахмонова Аширғуя хуқуқшунослик олийтоҳини 1978 йилда тутатиб, Термиз Давлат Университетига хуқуқшунослик фанидан талабаларга сабоқ берди. Виләт Адлия бошқармасида хуқуқшунос-мәслахәтчи, Тошкент шаҳар Адвокатлар рәсәсита ашвоқат, Бухоро виләтти Фижлувон тумани ФХД бұлими мулқраси, Сурхондарә виләт Адлия бошқармаси тизими ва зифатарига фәолият кўрсәтди. Бутун иши дәвомида ҳам уни әәллар олами, уларнинг турли сабаблар билан турмуш чорраҳаларига азият чекәтәтәни унта ҳамиша тинчлик бәрмәсди. Гәзәта, рәдио ва телевиденияларда “Әәл олами”, “Хуқуқингизни биләсизми?”, “Кизитиша, ёнингдла тут” каби мавзудларда чикшилар қилиб, хәтлә қоқиләттан хотин-қизларга кўмак беришита интилиб кәлди.

Оқидла уй бекәси, беш фарзандининг онаси бұлган Аширғуяни яқиндан таниганлар унта маланиятди, назоқатди, домю яхши ишларга хайрихоҳ дәб билганлар. У айрим вақтда қаттиққўл ва уғита ипоган инсон эканлигини ҳам әйтипроф әтишәди. Зәро, у тарбиялаган фарзандлар ҳам ота-онига муносиб бұлиб ўсәшди. Нурулхаммад — тадбирқор, Абдор — иқтисодчи бұлса, бирваракайита уч фарзанди: Феруза, Анвар ва Азиза — хуқуқшунос — ота-она кәсбини танлашган.

Тиришқоқ, кент мулоҳазали Аширғуя Абдурахмоновани ёлғиз ёки бекор учратиш қийин. У ҳамиша дўстлар қурушвида. Аширғуяни агрофлагитлар жонсарак кўриб ўртаниб қолишган. У тоҳ бекор танишини йўқлаган, тоҳ қўли қатта қўшниси корита яратан.

Кўнгилда бир истак туясан: атар аксарият әәлларимиз Аширғуя опалек фазилатларга әга бұлса, жамиятимиз кәлажәтидан янада хотиржам бұласан. Шундәйлар кўп бұлса. Зәро, фарзандни әәл тарбиялайди. Демак, жамият маънавияти ҳам әәлнинг маънавиятита бәглиқ. Аширғуя Абдурахмоновани виләтда кўтчилиқ танийди. Биров учун у оқидла мәслахәтчи-юрист, бошқа биров учун яхши дўст, яна биров учун әсә, шундәйгитина әәл сифатига яхши танишладди.





ЯНГИ КҮНЛАР ҒАЙРАТИ КҮТАЖАК

Осон кечдимикан унинг ёшлитиги? Айни турмуш деб аталган тахту равоннинг беэжкли пардалари ичра бахт оғушида бўлганида. Кўнгли мойли инсон билан тотли ҳаёт қурай, деб оруз қилганида ва унга интиланганда. Ҳа, тотли бўли кичик оиласидати турмуши. Лекин орадан кўп ўтмай, 1980 йилда онаси вафот этди. Бу муҳим кунни эсласа, ҳамон юраги орқага тортади. Ҳа, ота-она ўлмоқ мерос, дейдилар. Лекин онаси тўққиз фарзандининг иссиқ-совуғини ва отасини шу бош фарзанди — Зулфияга қолдириб кетди. Ўз ўғил-қизларини тарбиялаши катори жигарларига ҳам онасидек меҳрибонлик қилди. Отаси ҳам ёнида туриб, оёққа туриб олишларида, ўз бахтларини топишларида ёрдамлашди. Туриб-туриб Зулфия унн тиббиёт илминини олишга ундаган меҳрибонларидан миннатдор бўлиб қўяди. 1972-1978 йилларда Андижон Тиббиёт олийгоҳида ўқиши ҳам шу азиялари туфайли бўлди-да. У ҳам яхши билим олди, олоби-ахлоқи билан ҳаммага намуна бўла олди. Ҳуллас, ота-онасининг юзинини ерта қаратмади. Тиббиёт шунчалар мураккаб соҳа эканки, унн илмиз-илдизигача билишининг шарт. Унн чуқур ўрганмасанг, Ибн Сино сабоқларини билмасанг, Гиппократ қасамидан беҳабар бўлсанг... Бундай ҳолларда худоймининг ўзи асрасин. Зулфия ўқишни тамомлаб, она шаҳри — Термизга қайтган, унинг мақсади- беморлар билан бевосита мулоқот, уларни кузатиш, даволаш эди. I-вилоят шифохонаси кардиология бўлимида ишлади. 1979-1995 йиллар шахар I-катталар поликлиникасида терапевт-врач сифатида, 1995-2001 йилларда эса шу поликлиниканинг кундүзги стационар бўлими бошлиғи лавозимида хизмат қилди.

Инсон ўз меҳнатини қадрласа, қадр топади. Одамларга меҳрибон бўлса, унинг йўллари очилаверади. Зулфия Алимовнанинг хизмат йўллари ҳам худди шундай бўлди. 2001 йилда у ўзи ишлаётган қадрдон поликлиинасининг бош врач муовини этиб тайинланди.

2006 йилдан бери эса у шу жойининг, яъни Термиз шахар катталар поликлиникасининг бош врачидир. Шу йиллар ичида поликлиника хизмати тубдан яхшиланди. Врачлар малакаси оширилди. Турли замонавий медицина асбоблари олиб келинди. Шароит шароитдек бўлди. Беморларнинг хотиржамлигини, ишончини айтмайсизми? Айниқса, кексалар хурсанд, ахир улар бу ерга қийналиб келиб юрмайдилар. Врачлар вақти-вақти билан уларнинг уйларида бориб кўриб турадилар, дуо оладилар.

Зулфия Алимовнанинг нияти элга бундан-да яхши хизмат қилиш, фарзандларининг камолотини кўриш, турмуш ўртоғи Сурхондарё вилоят Савдо палатасининг ўринбосари Р. Давлатов билан узок ва саодатли умр кўриш. Дарвоқе, у тўрт фарзанднинг онаси, икки набиранинг буви. Катта қизи уй-жой жамтарма банки етакчи мутахассиси. Ўғли — Фарҳод Тошкент Давлат Аграр университетининг бухгалтерия соҳасини тамомлаган. Ўз соҳаси соҳиб. Кичик ўғли эса, бўлажак ҳуқуқшунос, кенжаси Дилноза ҳам яхши ораулар ниятида билим олмақда.

1954 йилда Термиз шаҳрида туғилган. Зулфия Алимовна Азизова энг кучга тўлиб, қалб кўри билан, катта тажрибига эга бўлиб ишлаётган пайти. У ХДП аъзоси. 1999-2004 йилларда Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши депутаты бўлган. Ҳаёт ҳали олдинда. Зулфия Алимовна янги зафарлар, янги ширин-шакар кунлар эса ундан ғайрат ва яна ғайрат кутаяди.



Алмардонова Дилсора



БАХТ СОҲИБАСИ

Бу гўзал оламда яшамок ўзи бахт. Кўнгил тўлиб яшамок ундан-да бахт. Бундай бахт соҳибларидан бири Дилсорахондир. Алмардонова Дилсора Мажидовна 1970 йил 3 июнда Шеробод туманида туғилган. 1987 йилда Шеробод туманидаги Собир Раҳимов номида 27-мактабни тугатди. Болалигидан ўқитувчи бўлишни оруз қилган Дилсорахон 1988 йил Термиз Давлат педагогика институтининг тоғлибаси бўлиди. Фаиларнинг отаси бўлган математика фани ўқитувчиси бўлиб, 1993 йилда Термиз туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабига келди. Ёш, қувноқ ўқитувчи тезда мактаб жамоаси ҳамда болалар билан тил топишиб кета олди. Бўлаётгани бошидан маълум дегандаридек, Дилсорахон ўзининг билимдонлиги, жамоат ишларида фаол қатнашиши билан тезда жамоа хурматини қозона олди.

Дилсора ўзи ўқитаётган синфда очиқ дарслар, мактаб бўйича эса конференциялар ўтказиб, ота-оналар ҳамкорлигини яхши йўлга қўя олди, математика фанидек оғир фанни турли хил ажойиб мисоллар билан, ўқувчиларга тушунтирди, чунки бу фан фикрни бир жойга жамлашни ўрганишга ёрдам беради. Кўргазмалар билан ишлаб ўқувчиларни математика фанига қизиқтира олади.

Компьютерни яхши билган Дилсорахон мактаб ўқувчилари билан чет эл мактаб ўқувчилари ўртасида хат ёзиш орқали алоқа ўрнатирди. Интернет тармоғидан Ресурбликадаги бошқа вилоят мактаблари математика ўқитувчилари билан алоқа қилиб, тажриба алмашиш ишларини ҳам йўлга қўйган. У интернет тармоғидан ҳар хил форумларда ҳам фаол иштирок этиб, бошқа ўқитувчиларга ўрнак бўлмоқда.

Дилсорахон 3 фарзанднинг сеvimли онажониси. Уларнинг меҳрибони. Турмуш ўртоғи ҳам касбдоши, ҳам яқин дўсти. Шу туфайли барча ишларида у яқин маслаҳатчиси. Кўз тегмасин сизларга, деймиз уларга.

Аҳмедова Улғўзи



САҲОВАТЛИ ЗАМИН ФАРАЗЛИ

Аҳмедова Улғўзи Хайдаровна 1952 йилда Шеробод туманида туғилган. Маълумоти — олми. Термиз Давлат Педагогика институтини тугатган. Ихтисоси — бошланғич синф ўқитувчиси. Меҳнат фаолиятини кутубхоначиликдан бошлаган.

1973-1974 йилларда Ангор туманидаги 13-мактабда ўқитувчилик қилган. 1974-1978 йилларда Қумқўртон туманидаги мактабда ёш авлод тарбияси билан шуғулланиш. 1978-1979 йилларда Ангор ва Қизилқум туманларидаги мактабларда фаолият кўрсатган. 1980 йилдан бошлаб Қизилқум туманидаги Охунбобоев номида давлат хўжалигида бритага бошлиғи бўлиб ишлаган. Намунали хизматлари учун 1982 йилда “Хурмат белгиси” ордени билан тақдирланган...

1991 йилдан бошлаб шу хўжаликда ташкил этилган аскаричилик хўжалигида бритага бошлиғи бўлиб ҳамда хотин-қизлар кенashi раиси яъни раис ўринбосари бўлиб меҳнат қилди. Мактабда ишлаган йиллари ўқитувчи сифатида катта хурмат қозонди. Хар бир болага чуқур билим беришга ҳаракат қилди. Болалар билан алоҳида шуғулланиш билан бира, уларнинг ота-оналари билан ҳам муносабат алоқа ўрнатди. Хўжаликда бритадирлик фаолиятига ҳам одамлар билан ишлай олди, уларни бошқариш қобилиятига эга эканлигини кўрсатди. Яъни у етакчилик қилган бритага ўз режаларини доимо хар бир соҳада муддатидан илгари ушлаб келди. У бир неча бор туман кенashi депутат этиб сайланди ва ўзи яшаётган қишлоқнинг халқи учун болалар боғчаси, ҳаммом, йўл қуриш ишларини таъмирлашда ўз депутат фаолиятини кўрсатди. Улғўзи Аҳмедова 2006 йил июнь ойидан буён “Пахтакор” қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли “Наврўз” маҳалласида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаб келмоқда. У маҳалладаги хар бир аёлнинг ўзига хос томонларини яхши билади.

Халқнинг оғирини енгил қилишда кўлидан келган барча ёрдамини аямайди, ўз ишита масъулият билан қарайди. Маҳаллада ҳар бир оиланинг яқин маслақдоши, ўзита ва маҳаллошларига нисбатан талабчан, шу билан бирта меҳрибон, ғамхўр, фидойи аёл.

Унинг беиннат хизматларини ҳукуматимиз Мустақиллигимиз байрами муносабати билан 1992 йил "Мустақиллик эсдалик нишони" ва 2002 йил "Меҳнат шuhrати" ордени билан ҳам тақдирлаган.

Ғурури тоғлардек бағанд, бойлиги, шавкатининг тенги йўқ, юксак салоҳиятли халқ вакиласи эканлиги Улғўи опанинг ёдидан бир зум ҳам кўтарилмайди. Унинг иродали буюк ажлодларнинг муносиб вориси эканлигини фидойи аёлнинг ҳар бир ҳаракати ва фаолияти исботлаб турди.



ПОРЛОҚ ЧЎККИЛАР САРИ

Илм барча даврда инсон фарзандини бағанд мақомларга кўтарган. Истиқлол сабаб ўзбек ёшларига янги-янги илм чўккиларини забот этиш имконияти яратилди. Бу йўлда тиним билмай илмий изланишлар олиб бораётган ёш олималардан бири Муаттар Алларовадир.

М. Алларова 1982 йилнинг 24 сентябрийда Термиз шаҳрида таваллуд топган. Ёшлигидан камтар, зийрак, илмга чанқоқлиги билан ажралиб тургувчи Муаттар 7 синфдагида Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номи Нафис Санъат лицейига ўқишга кирди.

Муаттар ҳуқуқшунос-юрислар оиласида воғта етди. Унинг отаси Алларов Чориев Сурхондарё вилояти қонунчилик соҳасида ёрқин из қолдирган устоз ҳуқуқшунос ҳисобланганлар. Отасининг изидан бориб у 1998 йили Тошкент Давлат Юридик институтига қабул қилинди. Ўқиниши сирдан давом эттирган Муаттар, 2001 йилда Юридик институтнинг Фуқаролик ҳуқуқ кафедрасида кабинет мудури вазифасида ишлади.

2003 йили Юридик институтнинг магистратурасига қабул қилинди. 2005 йилдан Республика Олий судида катта консультант вазифасида фаолият юритмоқда. 2006 йилдан Тошкент Давлат юридик институтининг аспиранти.

Айни даврда Муаттархон "Ўй-жой олди сотти шартномасининг ўзита хос хусусиятлари" мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқдалар. У отасининг "Ҳамиша адолат тарафида бўл", — деган ўғитини ўзита шиор қилиб олган.

Оилада Фотима-Зухра опалари, укаси Саидалибек, турмуш ўртоғи Баҳодиржонлар ҳам юристдирлар. Ўз илмий мавзусида изчил изланишлар бошлаб, матбуотда кўйлаб илмий мақолалар эълон қилаётган ёш олима Муаттар Алларовага юксак илм чўккиларини забот этишида янги-янги ижодий зафарлар тилаб қоламинз.

Юрт кўшқила баҳодирлар,
Нур дoston бўлган алобат.
Муаттар гул гулчалари
Гулистон бўлган алобат.



Ашурова Шаҳар

ЁРУҒ НИЯТ

Ашурова Шаҳар Салаевна 1951 йилнинг 25 май куни Термиз туманида туғилган. 7 нафар фарзанди бор. 1968 йилдан 1994 йилгача ширкат хўжалигида колхозчи бўлиб далада ишлаган, пилла тутган. Ҳар йили ҳар кутидан 75 килодан пилла хосили оларди. Бу меҳнатлари учун давлатимиз томонидан бир неча бор тақдирланган.

Мамлакатимизда тадбиркорликка кент йўли очиб берилганидан сўнг у ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғуллана бошлади.

“Фарзандларимни отаси иккаламиз ўз меҳнатимиз билан ўқитиб, барчасини олий маълумотли қилдик. Уларнинг ҳаммаси хозирги кунда эл-юрт хизматиди. Бири фермер, бири тадбиркор. Бири ўқитувчи, бири тикувчи, 5нафар келиним ўз қизим. Келинларимни хонадонимга тушганидан кейин ўзим ўқитиб, олий маълумотли қилдим. Улар фарзандлар тарбияси билан биргаликда мураббийлик, тарбиячилик қилиб келишмоқда. 2 нафар кўёвим бор, бири тадбиркор, бири фермер”, - дейди фаҳр билан Шаҳар опа. 16 нафар невара опанинг жонув дили. Унинг оиласи тумандаги намунали оилалардан ҳисобланади. Ўзи туман ва вилоятларда ўтказилган ташаббус кўрик-танловларида доимий равишда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган. Туман миқёсидаги байрамларида ва маҳалладаги барча тадбирларида опа фарзандлари билан биргаликда фаол қатнашib келади. Ўғиллари ҳар бир ишда у билан маслаҳатлашиб туришди. Ҳар йили кам таъминланган, ногирон, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳамда фермер хўжалигида хизмат қилувчи ишчиларга суннат ва никоҳ тўйларини ўтказишда ўз ёрдамини аямайди. Шаҳар опанинг хусусий макарон, печене, қанд ишлаб чиқариш ҳамда тикув цехлари мавжуд.

Бу жойларда хотин-қизлар иш билан банд. Ўқинида Хитой мамлакатига тажриба алмашиш учун бориб, туман учун керакли бўлган ишлаб чиқариш цехини олиб келиб ўрнатилиш ниятида опахонимиз.

Дунё армонсиз бўлмайди дейишганидек, 2002 йилда ўғли Ҳасанжон автоҳадоқат туфайли вавот этди. Унинг ўғли ҳамда келини ўз бағрида яшайди. Афсус турмуш ўртоғи ҳам 2007 йилда касалликдан вафот этди. “Даласи иккаламиз фарзандларимизни ўқитиб, уйли-жойли қилиб биргаликда муборак хаж сафарига борамиз деб ниёт қилган эдик”, — дейди Шаҳар опа. Аммо бу ниётиمиз амалга ошмади. Худо хоҳласа, насиб этса фарзандларим “Она,отам етишса олматан сафарга сизни жўнатамиз” деб ниёт қилишмоқда. Илоҳим шу кунларга етишш насиб этсин.

Ниётим юртимиз тинч, элимиз обод бўлсин. То умримнинг охиригача элимга савоб ишларим билан хизмат қиламан,бировнинг корига яраб оғирини енгил қиламан дея, эзу ниёт қилади Шаҳар опа. Ниётингиз пок, дилингиз пок аёлсиз Шаҳар Садаевна!Сизга эзу ишларда куч-қувват тилаймиз.



Абдуллаева Ханифа



НАФИС ҚАЛЪЛИ АЁЛ

Абдуллаева Ханифа Бўроновна 1962 йил 14-январда Бойсун тумани Тўзбозор маҳалласида туғилган.

1980-1982 йилларда Тошкент ижтимоий таъминот техникумига кириб, ушбу ўқишни ва аъло баҳолар билан тугатди. 1982 йил 1-августдан бошлаб Бойсун туман ижтимоий таъминот бўлимида пенсия тайинлаш назоратчиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

Турмуш ўртоғи Саидов Баҳодир ПМК-256 бошлиқ муовини вазифасида ишлайди. Қизи: Саидова Нартгза — Тошкент Давлат Низомий номидаги олийгоҳнинг биология факультетини тамомлаб, 4-сон умумий ўрта таълим мактабида ишламоқда. Ўғли: Саидов Ўткир — Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлирининг бирида талаба. Ўғли: Абдуллаев Бобур — Самарқанд ҳарбий лицейида иккинчи курс талабаси.

Истаги: фарзандларига яхши она бўлиш, умр йўлдоши билан умрининг охиригача иззат-хурматда бўлиш. Ишлаб донини равишда ёш шогирдлар тайёрлаб уларни ҳаётдаги ўрнини кўриб қувониш.

— Умуман соҳаси бўйича ҳеч ким ногирон бўлмасин, ногиронларни кўранда ва улар билан мулоқотда бўлганида уларга бўлган меҳри ошса ошар, лекин совимайди. Хурматим халқ орасида фақатгина яхши сўз эшитишдир.

Биз унга ниётингизга етинг Ханифахон — деймиз!

Ханифа опага
Аёлга гул беринг шундай гулларки,
Меҳри дарёлардан сув ичган гулни.
Аёлга гул беринг шундай гулларки,
Ишқи жонингиздан сув ичган гулни.
Айтинг париларнинг авлодидир у,
Айтинг санамларнинг синглиси ўшал.
У шундай муниса,у шундай камтар
Сизни кечиргувчи бағри кенг гўзал!



САҲНАМИЗ ПАРИШТАСИ

Ўзбек театр санъати ва мусиқа маданиятининг етук арбоби Халича Бобохонова 1923 йилнинг 11 январида Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Орасидан эрта етим қолиб, болалар уйида тарбияланди. Санъатта ҳавасманд бўлганлиги учун у ердаги драма тўғрисида фаол қатнаша бошлади. Халичанинг санъатта бўлган катта иштиёқини пайқатган алиблар Туроб Тула ҳамда Ёнгин Мирзо 1936 йилда Лоҳутий номидаги театр техникумига ўқишга киришга ёрдам бердилар. Бу ерда саҳна маҳоратидан Бобо Хўжаев ва нутқ санъати бўйича Қудрат Хўжаевлардан сабоқ олади.

Шу йил Москвада давлат театр санъати олийгоҳи қошида Ўзбек студияси ҳам ташкил этилди. Халича ҳам бир неча йилгит-кизлар билан биргаликда ўқишга жўнайди. Олийгоҳда профессор Ольга Ивановна Пижова тўғрисида таҳсил олади. Афсуски, 1941 йилда бошланган уруш ёш актрисани Тошкентга қайтарди. У йўлданма билан Сурхондарё театрига ишга юборилди. Халича Бобохонова театрининг етакчи актрисаси ва солишти сифатида бир қанча спектаклларида турли хил образларни яратди. Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи асарида" — Жамила, Собир Абдулганинг "Тоҳир ва Зухра"сида — Зухра, Хуршидиннинг "Дайли ва Мажнун"ида — Дайли, Комил Яшиннинг "Равшан ва Зулхумор"ида — Зулхумор, "Нурхон"да — Нурхон, Чингиз Айтматовнинг "Моё ер"ида — Моё ер, Қ. Абдунабиёвнинг "Амир Темури" ва "Йилдирим Боязид"ида — Она турк, Саид Аҳмадининг "Келинлар кўзғолони"да — Фармон биби, У. Ходжибеков "Арши моголон"ида — Гўлчеҳра, шунингдек, "Майсаранинг иши" спектаклида — Майсара образларини ижро этган. Бу билан у Мусиқали драма театри санъати тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Эл-юрт ҳурматида сазовор бўлди. 1994 йилда ўтказилган Республика театрларининг "Наврўз"

Фестивалида Машраб Бобоев қаламига мансуб "Ўчмасин чироқ" драмасида Халича Бобохонова яратган Жаннат хола образи "Энг яхши аёл образи" мукофотида лойиқ топилди.

Актриса умр бўйи жанкуяр ва фидойий бўлди. Вилотнинг маданият-маърифий ҳаётида фаол иштирок этди. Жамоат ташкилотлари ишида фаол иштирок этди. 1968-1970 йилларда ўзи ишлаётган театрининг директори вазифасида ҳам фаол иштирок кўрсатди. Халича Бобохоновага санъат йўлидаги хизматлари учун 1979 йилда "Ўзбекистон халқ артисти" унвони берилди. Мустақиллик йилларида актриса "Эл — юрт ҳурмати" орден ва "Шуҳрат" медали билан ҳам тақдирланди. У ҳамон Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрининг онахон санъаткори, ёшларнинг устози — маслаҳаттўйи.





Бўронова Ҳафиза

БИР САНАМКИ БАҲТИ БОРЛАРДАН!

Бўронова Ҳафиза Мустафоевна 1966 йил 27 октябрда Сурхондарё вилояти Денов шаҳрида туғилган. Отаси Бўронов Мустафо савдо ҳодими бўлган, онаси эса уй бекаси. Оилада 9 нафар фарзанд бўлиб, Ҳафиза шулардан 7-фарзанд. Ота ва онаси оддий инсонлар бўлсада, фарзандларининг тарбиясида уларнинг келажакада ўқимини инсонлар бўлиб етишишларида катта эътибор берганлар. Шу сабабли 1971-1996 йил (25 йил) давомида опа ва акалари жами бўлиб 9 фарзанд Тошкент шаҳрининг турли олийгоҳларида ўқиб олий маълумот эгаси бўлди.

Булар: 1 та отаси Тошкент Тиббиёт институтини, 6 нафар ака ва опалари Тошкент Политехника институтини, 1 та акаси Тошкент автомобиль йўллари институтини тамомлаган. Ҳафиза 1973 йил Денов шаҳри 4-ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга борди ва уни 1983 йил тугатиб, Тошкент халқ хўжалиги институтига ўқишга кирди. 1987 йил институтни ревизор мутахассислиги бўйича тамомлади. 1987-1989 йилларда олийгоҳ йўлланмаси билан Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси контрол-ревизор бўлимида (КРО) ревизор бўлиб ишга келди.

1989 йилдан 1994 йилгача Денов шаҳар матлубот жамиятида бухгалтер-инструктор ва бошқа бир қанча вазифаларда ишлади. 1991 йил март ойида турмушга чиқди. Ҳозирда оилаги 1 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Раҳмонов Иззатулла Муҳоммадиевич ҳам олий маълумотли. Ҳафиза асосий тадбиркорлик фаолиятини 1995 йилдан бошлади ва Ҳозирда давом эттириб келипти. Шунча йилдан буён турмуш ўртоғи Иззатулла ака билан бир қанча савобли ишлар бажардилар. Ҳафизахон 2002 йил декабр ойида Денов шаҳри марказида бир вақтнинг ўзида 300-350 кишига хизмат қилган “Мўжиза” ресторани куриб ишга туширди. Ҳозирда бу ерда 20 дан ошиқ ҳодим хизмат қилади.

— 2006 йилда Денов шаҳрида ёғочни қайта ишлайдиган цех, эшик ромлар асайдиган цехларни ишга туширди ва курилиш материаллари, аҳоли эhtiёжи учун керакли бўлган бошқа бир неча хил маҳсулотларни сотадиган савдо нуқта яъни дўконларини куриб ишга туширди. Бу жойда ҳозирги вақтда 15-16 нафар одамлар ишлаб рўзгорини тебратди.

— Президентимиз ва ҳукуматимиз тадбиркорларга кент йўллар очиб берганлар. Айниқса 2008 йил Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига келиб ўтказган сессияда «Бу беш йиллик Сурхондарё беш йиллиги бўлади»-деганлари ва янги инвестициялар киргизишга тадбиркорларга кент йўллар очиб бериш ҳамда уларга кўмаклашиш кераклигини айтганлари қайталан руҳлантирди. Унинг бир неча йилдан буён бирор бир ишлаб чиқариш корхонаси Қўрмоқчи бўлган орзуларининг амалга оширишга тўртки бўлди. «Амалга ошираётган ишларимиздан одамларга фойдамиз тегаетганидан, халқимиз фаровонлигида оз бўлсада хиссамиз борлигидан бахтиёрман» — дейди тадбиркор Ҳафизахон фахр-ифтихор билан.

Оқила тадбиркор тар бўлса аёл,
Қўлидаги игнаси ёй-ўқи мисол.
Аёл оқилаю эр ишбилармон,
Демак кундан-кунга обод хонадон.



Бўронова Зулфия



САҲИЙ ЗАМИНИНИ ЗАҲМАТКАШ ФАРАЗДИ

«Ерни севсанг, эл сени севди», — дейди халқимиз. Зулфия Бўронова муқаддас наъматларни ато этувчи бағри кент заминимизни севиб ардоқлайдиган, шундан барака тошган юртдошларимиздан. Унинг танлаган мутахассислиги ва бугун ҳаёт йўлига назар ташласак ҳам бунга амин бўламиз.

У 1974 йил 28 январда Сурхондарё вилояти Денов туманида хизматчи oilасида туғилган. Otаси Майрам Бўронов 1928 йилда туғилган ва 1997 йилда вафот этган. Otасининг мутахассислиги агроном бўлиб, Денов тумани «Октябр 50-йиллиги» колхози иқтисодчиси ва раиси 1983-93 йилларда Кумкўрғон тумани Пахтакор савхозида омборчи, пахта пунктида тарозибон ва бўлим бошлиғи вазифасида ишлаган.

Onаси Донохол опа эса 1938 йилда туғилган, hozирда нафақада. Зулфия Бўронова 1978 йил Денов туманидаги Фуркат номидаги 18-ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга борди ва 1988 йил Кумкўрғон туманидаги М. Ҳасанова номи 36-ўрта мактабни аяло баҳолар билан намунали туғатди ҳамда шу йили Денов туманига келин бўлиб тушди. 1992 йили Равно Узокова номи Денов педагогика билим юрти ўқишга кириб, уни 1995 йилда туғатди.

Турмуш ўртоғи Чори Амирович Кўшоқов 1965 йил Денов туманида туғилган. 1986 йилдан 1995 йилгача колхоз чорвачилик фермасида бош чўпон бўлиб ишлаган. Oilаси биргаликда 1996 йили Бандихон тумани Пахтакор ширкат хўжалигига кўчиб келишиб, Зулфия ўз иш фаолиятини 1997 йилдан Усмон Носир номи мактабда ўқитувчилик қилиш билан бошлади. 2000 йилда туман ХДПсида котиб вазифасида, 2001 йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатида «Бодалар ташкилоти» раиси, 2002 йил март ойидан 2004 йил апрел ойига қадар Бандихон туман ҳокимлиги қончилиги «Вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси» масъул котиби вазифасида ишлади.

3 нафар фарзанди бор. Ўғли Муҳилдинжон Бандихон қишлоқ хўжалиги касб хунар коллежини туғатиб фермерликда ҳисобчи бўлиб ишламоқда. Ўғли Нуридинжон Термиз тиббиёт коллежи талабаси, Шарофилдинжон эса 8-сонли мактаб ўқувчиси. Турмуш ўртоғи Чори ака Кўшоқов эса Зулфияхон билан ҳамкалам бўлиб, у бошқариб келаятган фермер хўжалигида иш юритувчи бўлиб ишлаб келмоқда. «Ташаббус» кўрик-танловининг 2007-2008 йилларда фаол иштирокчиси. Туманда хотин-қизлар ўртасида ўтказиладиган турли кўрик-танловларда қатнашиб фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Бўш вақтларида бадиний китоблар ва шеърлар ўқишга қизиқади. Нима бўлганда ҳам ўқитувчилик касбинини ҳам унутмаганда.

Зулфия Бўронова фаолиятини қузата туриб, уни давринг заҳматкаш ва илғор эиғисси дея аташ мумкинлигига амин бўласиз.

Бермоқ учун дунёга сайқал,

Олам аро одам яратган.

Шундан бери инсон тинмайин,

Шу ер узра тер тўқар ҳамон.

Ерни гўзал қилгани сайин,

Гўзал бўлар ўзи ҳам инсон.





КИЗИРИҚНИНГ БАХТИ — БАХТИГУЛ

У 1970 йил 10-майда Сурхондарё вилояти Бойсун туманида дунёга келган. Отаси Абраҳмат Бўтаев 1928 йил Бойсун туманида туғилган. Узоқ йиллар Шўрчи тумани Ф. Энгельс номидаги жамоа хўжалигида раис бўлиб ишлаган. Онаси Ўроқхон Хидирова 1928 йил Денов туманида туғилган. Уй бекаси бўлган, фарзандлар тарбияси билан шуғулланган. 1990 йилда вафот этган. Бахтигул ёшлигидан ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида ўқиб билими, жамоат ишларида иштироки ва изланувчанлиги билан устозлари ва ўртоқлари эътиборини тортиган. Муаллимларидан ҳам дўстларидан ҳам ҳар қандай кўринишда бўлмасин ўз ёрдамчини аямас, бирдамлик кўлини чуқурлаштиришга тайёр турарди. Тиришқоқлиги Бахтигулни 1987 йилда ТерДу талабаси бўлиш бахтига эришувчи учун кўмаклаштириш ва ўша беъминнат ёрдам ва маслаҳатлар билан ўзгалар оғирини енгил қилиш иштироки унга 1992 йилда Бойсун туманидаги 16-мактаб даргоҳи сари етаклаган. 1993-1999 йилларда у Кизирқ туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатди. Энг аввало бугунги ёш инсоннинг қалбига кириб олиш, унинг кўнгилга кўл солиш, болага бола бўлиб муомила қилиш орқали эриша олади ва мана шу сайы-ҳаракатларнинг натижаси сифатида 1999-2000 йилларда Кизирқ тумани "Гулшан" болалар боғчаси мудираси лавозимига лойиқ кўрилди. 2000-2006 йилларда Кизирқ тумани 17-умумий ўрта-таълим мактаби директори вазифасида иш олиб борди. Бу давр мобайнида у меҳнат ва ишчанлиги билан ўзи бошчилиқ қилаётган таълим муассасасида ислохот ва янгиликлар киритди. Ота-боболаримиз шон-шавкатининг давомчиси, билим, дунёқараш ва тафаккур борасида дунёнинг олди мамлакатлари билан беллашувга тайёр халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлиши унинг кўрсатди. Унинг халқ учун фарзандлар камолоти учун бел боғлаб хизмат кўрсатди. Унинг халқ учун қилаётган улғу хизматлари дондаси кенгайиб борди. Бахтигул Бўтаева

2006 йилдан эътиборан Кизирқ тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмагаси раиси қилиб тайинланди. Ушбу лавозимга ҳоҳлаган бир эиёли аёл тайинланавермайди, албатта. Бунинг учун у талбиркор, ҳалол, олийжаноб, мард ва меҳнаткаш, халқимизнинг бугунги ва ёрғе келажати учун садоқат билан хизмат қилишни ўз ҳаётининг мазмунини даражасида деб билиувчи инсонгина бу вазифага лойиқ кўрилади. Бахтигул Бўтаева оилада ҳам меҳрибон бека ва она. Турмуш ўртоғи Хидир Бўтаев Кизирқ тумани марказий шифохонасида фельдшер бўлиб ишлаган, қизи Шоҳсанам ва ўғли Шоҳруҳбек тарбияси билан шуғулланиш ва келажати учун қайғуришни зиммасидати энг масъулиятли вазифалардан деб билиди. Бахтигул Бўтаева зиммасидати масъулиятли ўзи яшаб турган заминдан, яшаб турган ҳар бир оиланинг фаровонлигини, омонлигини ўз саодати, Ватан равақининг бир бўлагини ташкил этувчи пойдевори деб билиди. Ёш болали аёллар, кам таъминланган оилалар, маънавий-руҳий ва моддий мадалда муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиб туриб, уларга беъминнат ёрдам ва маслаҳатларини аямали.

Истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этиб, халқимизга тинч ва фаровон турмушини таъминлашимиз учун халқимизга Бахтигул Бўтаевадек фарзанд сув билан ҳаводек зарур.





ИЗЛАРИДАГУЛЛАР УНАДИ

Одамлар бўлади, ўзи учун яшайди. Одамлар бўлади — одамлар хизматида, уларнинг ташвиши — ўйида меҳнат қилади. Ўзгаларнинг ташвишини енгиллаштиришни шараф билади, бунга деб ҳисоблайди. Бобоназарова Оққиз Тантрикуловна 1948 йилнинг 14 мартида Жарқўртон туманининг С. Бойматов колхозыда дунёга келган. Отаси шу жамоа хўжалиги ташкил бўлганда ранс бўлиб фаолият юритган. Отаси Шодмонгул аз қўли ширин пазанда бўлган. Бу оила жамолдошлари орасида ўзгача бир ҳурмат-эҳтиромга эга бўлиб, барчага ўрнак бўларди. Оққиз оналари Қирғиз ва Хонсулув синглари чаққон, зийрак бўлиб етишди. Оила муҳити уни-да одамлар ташвишида юрадиган, ўзгаларнинг ҳаётига бефарқ бўлмайдиган этиб шакллантирди. Шу сабаб бўлса керак, 1965 йилда 6-сон мактабни тамомлаши билан жамоат ишлари билан шуғулланди. Турмушта чинқиди. Турмуш ўртоғи Холмўминов ҳам олий маълумотли, тушунган, аёлининг куйи-пиши ишларида қўллаб-қувватлайдиган бўлди. Оққиз 1968 йилда Термиз шаҳридаги ҳисобчилар махсус курсига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тамомлаб чиқди. Аввалги жамонинг ҳисоби ёрдамчиси бўлиб ишлади. Кейинчалик тажрибаси орттиб, товар хом-ашёлари ҳисобчиси сифатида фаолият юритди.

Оққиз Бобоназарова 1970 йилнинг октябр ойидан Шўрчи туман маориф бўлимига, болалар боғчалари бўйича ҳисобчи вазифасига ишга ўтди. 1978 йилнинг октябр ойидан Қумқўртон шаҳар ижроия қўмитасида бош ҳисобчи сифатида фаолият олиб борди. Зиммасидаги вазифаларни доимо аъло даражада бажарайдиган бу аёлга 1981 йилдан эътиборан шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасини бажариш ҳам юклатилди. Муъассаси раҳбарлар Оққизнинг юратилган ғайрат ва шижоатини кўра билдишди. У қатъия бўлмагани, одамлар шижоатини оқиди.

1982 йилда сул маслаҳатчиси вазифаси ҳам юклатилди. Оққиз Бобоназарова намунали фаолияти учун 1985 йилда Сурхондарё вилоят судининг Мақтов ёрлиғи билан ҳам тақдирланди. У 2002 йилга қадар сул маслаҳатчиси бўлиб ишлаб келди. Қўлидан келган ёрдамчиси, маслаҳатчиси аямасди. У узоқ йиллар давомда масъул лавозимлари ишлаб келди. Хотин-қизлар қўмитасини бошқарганида ҳам маҳаллалари аёллари бошини бир жойга йитиб, уларни турли талбирларга жалб қила олди. Хотин-қизлар орасидан етакчиларини танлаб, турли кеча ва йилнинг улоштириди. Болалар боғчалари орасида ҳам кўрик-танловлар улоштириб, турли талбирлар ўтказди. Унинг етакчилиги фаолияти натижасида қатор маҳаллалари аёллари ички потенциалларини, ирода-идрокларини ишта соддидлар, истеълодларини юзга чиқара билдишар.

Оққиз Бобоназарова 2001 йил Қумқўртон «Пилла» таъкилотига бош ҳисобчи бўлиб ишга ўтди. Бу ерда ҳам иродати, таъкилотчи, филоий аёл тинч ўтирмайди. Зиммасидаги вазифаларни аъло даражада ижро этган ҳолда, жамоатчилик ишларини ҳам ундан ўтказиб сикқилидан бажаради.

Оққиз Бобоназарова қатъия фаолият юритмасин, ўзидан яхши ном қолириб, агрофидатиларнинг дуосини олиб яшамокда. Булайлар ҳақида бежиз «изларида гуллар унади» дейишмайди. Уларнинг ҳаёти ҳам гул, ишлари ҳам гул!





Баҳодирова Ҳайитгул

КУШ ТИНАР-У, У ТИНМАС

1955 йилнинг 26 июн куни Шўрчи туманида бир қизалоқ туғилдики, ой деса ойдеккина, кун деса кундеккина. Иسمىни момолари Ҳайитгул деб қўйишди. Ўзи ҳам қизмисан қиз бўлиб етишди. Оёқ-қўллари чаққон, бир нарса десанг, дарров илғиб олаётган. Мактабда ўқиб туриб, атрофга меҳр қўйди, қишлоқ ҳўжалиги юмушлари билан қизикқандан қизикди. Шу боис 1969-1981 йиллари Музработ туманидаги «Советбод» давлат ҳўжалигида олди ишчи бўлиб ишлади. 1981-1992 йилларида шу ҳўжаликда агроном, биофабрика мудирини бўлиб ишлади. Айни вақтда 1986 йили Тошкент қишлоқ ҳўжалик институтининг сиртқи бўлиминини таъмоғлади. Агрономлик дилғомини олди. Унда яна бир ноёб қобилият бор эди. Бу ундаги одамлар билан ишлаш ва ташкилотчилик қобилияти эди. Бу унга 1993-1997 йилларида «Музработ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ўринбосари бўлиб ишлаётганида жуда қўл келди. Ҳайитгул Баҳодирова икки йилча туман «Маънавият ва маърифат» бўлими бошлиғи, 1998-1999 йилларида тумандаги «Халқобод» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ўринбосари, 1999-2003 йилларида «Музработ» қишлоқ фуқаролар йиғини мастул котиби вазифасида фаоллик кўрсатди. Ҳайитгул Баҳодирова 2003 йилдан шу кеча-кундузгача «Музработ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлаб келмоқда. Ҳўш, опа бу ерда қандай ишлар қилди ва қилмоқда? У аёллар ўртасида миллий кураш бўйича 2007 йилда ўтказилган биринчи Республика кураш мусобақаси, 2007 йилда ўтказилган «Йил аёли» Республика миллий кўрик-танлови, 2008 йилда ўтказилган «Авто олам маликаси - 2008» Республика кўрик-танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади ва ҳаммага намуна кўрсатди.

Ҳайитгул Баҳодирова ташаббуси билан 2007 йилда «Музработ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «Наврўз» маҳалла гузарини қурилди. Бу гузарда хотин-қизлар учун «Ўзгаллик салони», «Тикувчилик»,

«Зардўзлик» цехи ишлаб турибди. «Дўстлик» қишлоғида ҳашар йўли билан стадион қурилди, инимлик суви таъминоти яхшиланган 3 км. йўл асфальтланди ҳамда 3,5 км. Қишлоқ йўлига тош ётқизилди. «Дўстлик» маҳалла гузарини қурилиши ҳам давом этмоқда. Гузарда 500 ўринли тўй-тантаналарни ўтказадиган жой ва хотин-қизлар учун қўшимча иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган. Ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга Ҳайитгулхоним катта эътибор беради. Биргина мисол, ҳудудда 2007 йилнинг ўзида 5250 тул дархат ва 6530 тул гул қўчати экилган. Кам таъминланган оилалар, кекса ва ёлғизларга, ногирон, меҳнат ва уруш фахрийларида моддий ёрдам кўрсатиш раҳбарнинг ҳеч қачон эсидан чиқмайди. Кейинги бир йилда бешта кам таъминланган оилга қорамол, бир неча оилга жўжалар берилди. Ҳудудда ўндан ортиқ турли миллат вакиллари яшайди. Улар ўртасидаги тотувлик ва дўстлик катта бахтидир. Ҳайитгул Баҳодирова доим бу дўстликни қадрлашга чақиради. Турли миллатларнинг «Миллий таомлар», «Миллий либослар» ва «Миллий ўйинлар» каби кўрик-танловлари ва ҳар хил тадбирларнинг ўтказиб борилишига кўмак беради.

Халқ меҳри Сизга насиб этган катта саодатдир, Ҳайитгулхоним. Шу саодат сизга доим ёр бўлсин!



Бобоназарова Назира



ОМАД ТИЛАЙМИЗ

Бобоназарова Назира Эргашевна 1962 йил 15 ноябрда Ангор туманида зиёли oilасида туғилган. Otаси — Бобоназаров Эргаш 1-умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган. Онаси — Нормуронова Хайри эса уй бекаси бўлган. Назира 1969 йилда 1-умумий ўрта таълим мактабининг 1-синфига ўқишга бориб, уни 1979 йилда олтин медал билан тамомлади. 1979–1980 йилларда 1-ўрта мактабда етакчи бўлиб ишлади. 1980 йилда Термиз Давлат педагогика институтининг тарих ва жамиятшунослик факультетига ўқишга кирди. 1984 йилда уни имтиёзли диплом билан тамомлади. Ва ўзи билим олган мактабга тарих ва жамиятшунослик фани ўқитувчиси бўлиб ишга келди. Унга берилган тавсифномада қуйилганлар баён этилган эди:

«Назира Бобоназаров 1984 йилда Ангор туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабига тарих фани ўқитувчиси бўлиб ишга қабул қилинди. Хозирги кунгача шу мактабда фаолит кўрсатиб келмоқда. Назира Бобоназарова ўзини етук педагог сифатида кўрсатди. У камтарин ва тўғрисуз, дўстларига нисбатан доим ғамхўр бўлганлиги учун касбдошлари орасида ҳурмат-эътиборга лойиқ инсон.

Назира Бобоназарова ўз устида тинимсиз ишлайди. Ўқувчилари бир неча бор туман, вилоят босқичларида «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловига голиб бўлишган. Фан олимпиадасида ҳам ўқувчилари туман, вилоят, республика босқичларида фахрли ўринларни эгаллашган. Назира Бобоназарова «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловига қатнашиб, туманда фахрли ўринни эгаллаган. У дарсларни илтор педагогик технологиялардан фойдаланиб ўтади. Ёш ўқитувчиларга доимо ўз тажрибаларини ўргатади. У бир неча йилдан буён Тарих услуб бирлашмаси раҳбаридир. Мактабдан ташқари ишларда ҳам фаол қатнашади. Назира Бобоназарова мактаб маъмурияти ва туман халқ таълимининг Фахрий ёрлққлари билан тақдирланган.

Назира Бобоназарова ақл-заковат талаб қилалитган ҳар қандай ишда ўзини кўрсата олади. Эҳтимол шунинг учундир, у 2007 йилда шу қадрдон мактабига директор этиб тайинланди. Энди унинг масъулияти бир неча баробар ошди. Масъулияти ошган сари Назира Эргашевнанинг ғайратига ғайрат қўшилавверди. Биз ҳам, сиз ҳам ана шундай ғайратли кишилар тарафдоримиз ва бундайларга омад тилаймиз. Шу жумладан, болалар мураббийи Назира Бобоназаровага ҳам.



Бойкулова Момогул



**«ОМОН ХОНА»
ХИЗМАТИ ЙЎЛИДА**

Момогул Бойкулова 1953 йил Бойсун тумани Омонхона қишлоғида туғилган. 8-9 ёшидаёқ онасининг кўлидан ҳамма ишни олган. Далада онаси билан ишлади. Илгор теримчи бўлгандиги учун у хатто катталардан кўпроқ ойлик оларди. Мақтабда ҳам аъло баҳодаларга ўқишга улгурди. Ўқитувчилар уни ҳаммага ўрнак қилишар эди.

Хозирги кунда турмуш ўртоғи Норбой ака билан тинч-тоғув яшашмоқда. 8 нафар фарзандлари бор.

“Омонхона” санаторийси Оллоҳнинг мўъжизаси билан яратилган жой. Янги очилган кезарида жуда таъмирга муҳтож эди. Момогул опа турмуш ўртоғи билан кечани-кеча, кундузи-кундуз демай ободонлаштириш ишларини олиб боришди ва натижада бу зиёратгоҳ маскан бутун дунё танийдиган гўзал масканга айланди. Момогул опа бу шифобахш масканни янада чиройли, кўкаламзор жойга айлантириш учун хозирга қадар тинмай меҳнат қилиб келмоқда. Чунки бу ердан соғайиб кетган сон-саноксиз инсонларни кўриб, уларнинг кўнгилини кўтариш, дардига малҳам бўлишни опа чин дилдан истаydi.

“Омонхона” билан боғлиқ кечган умримдан мен ҳеч қачон афсусланмайман. Шу ерда обрў топдим, кўплаб дўсту биродарлар орттирдим, раҳматлар эшитдим”, — дея ўз меҳнатидан мамнулигини сўзлайди у. Инсон саломатлигининг нақадар қатта бахт эканлигини ҳис этган Момогул опа ўзи нафақада бўлса ҳам юртдошлари соғлиғи йўлида хизмат қилишдан чарчамайди. Ҳаммага омад тилайди.

Момогул опага:

Бойсун қучоғида нурли йўл кўрдим
Сеҳру-саховатни унда мўл кўрдим.
Минг турли чечаклар ажиб очилган,
Буюқнинг бўйида Момогул кўрдим.

Чанкоғин қондиран келган азиялар,
Хасталикдан фориг чехралар гулун.
Аллоҳим ўзингга минг бора шукр.
“Омонхона” сувин берганинг учун.

Мен ҳам битта дарахт-тиграна жон.
Мен ҳам тилда дуо сажлага бордим.
Қагбда ҳаёт ишқи ёнаркан чанлон.
“Омонхона” сувин тўйиб сипқордим.



Бахромова Бибидона



БИБИДОНАНИНГ КАТТА ХАЁТИ

Бахромова Бибидона 1956 йилда Жарқўрғон туманида туғилган. 1985 йилда Термиз мактабгача тарбия ўқув курсини муваффақиятли тамомлаб, 1981-2004 йиллар давомида Шеробод Пахта заводи қошидаги боғалар боғчасида тарбиячилик қилган.

Бибидона тарбиячи бўлиб ишлаб юрган кезларидаёқ тиришқок, талабчанлиги билан бошқалардан ажралиб турди. Боғча фаолиятида ҳам ташаббускорлиги билан бошқалардан ажралиб турди. Бибидона Шеробод туман «Катта ҳаёт» маҳалласи диний маърифат, маънавий ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилдир.

Боғалар боғчаларида узоқ вақт ишлаб катта ҳаётли таъриба орттирган Бибидона Бахромовани маҳалла аҳли 2004 йилда бир овоздан Шеробод туман «Катта ҳаёт» маҳалласи диний маърифат, маънавий ва ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи вазифасига тайинлади. Бу маъсулчилиги вазифа Бибидона ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди, десак хато бўлар. Зеро у ўзини танибдони одамлар ташвишида юрди. Бунга оиласидошлари ҳам, қариндош уруғлари ҳам кўникиб қолишган. Нимани ташкиллаштириш, қандайдир танталли йиғинга одамларни жалб қилиш, тўй анжуманларни бошқариш... Ҳе, айтаверса мисол кўп. Ҳар қимта савоб керак, ҳар кун савоб иш қилиш керак, деган шиорни у тилида эмас, чин дилдан бажарилганлардан.

Бирор тadbирни ўтказишдан аввал, иш режасини муҳокама қилиш учун Бибидона маҳалланинг кексаларига мурожаат этиди. Уларнинг қимматли ўнгитларига кулоқ тутди. Қари билганини, пари билмас, дейдилар. Кекса отахон-онахонлар жўяли маслаҳатлар беришди. Ҳамда шунинг баробарида маҳалла ишита арағлашиб, андармон бўлдиларин ҳам. Ана шунанга, Бибидона Бахромова ёшу қарини сафарбар қила оладиган зўкко раҳбар ҳам.

Бировнинг уйида тўй талоруги. Бу иш ҳам маҳалла билан битди. Айниқса аёлларнинг оли-бердиси... Бибидона «Катта ҳаёт» маҳалласида ўзининг бетакор катта ҳаётини яшапти. Яшганда ҳам ёниб-ёниб яшапти. Кўнгил кўрини атрофидошларга улашиб яшамокда. Шундай аёллари бор маҳалларимиз билан доним фахрлансак арзийди.





Бердимуродова Олмаҳон

ЮЗЛАРИ ЁРУҒ, КЎНИЛЛАРИ ТЎҚ

Аёлни тулдэк нозик деймиз. Яратган унинг жуссасинида, дилинида нозик этиб бунёд этган. Аммо қалбини-чи? Кўнглини-чи? Аёлнинг ғайратини-чи? Ушбу рисолага жо бўлган аёлларимиз куч-ғайратда, шижоатда эр-ийитларни ёнида баб-баробар тенглашадилар, десак хато бўлмас. Зеро улар елкасига кўтарган эл-юрт фаровонлиги юки ҳамманинг ҳам кўнлидан келадирмас вазифа. Бизнинг аёллар ушбу вазифани бurch дег қабул қилганлар. Ҳаётларини, фаолиятларини оламлар ташвишидан айро тасаввур ҳам эта олмайдилар. Бердимуродова Олмаҳон ҳам кўнлар келиб ўзи тутилиб ўсган, узок йиллар отаси ранислиқ қилган жамoa ҳўжалитини бошқаршини тасаввур ҳам қилмаган эди. Келинг, яхшии ганини бир четдан бошлайлик...

Бердимуродова Олмаҳон Элмурзаева 1967 йилда зисин оиласида дунёга келган. 1983-1988 йилларда Тошкент Давлат Педагогика институтининг тарих факультетини тугатган. Меҳнат фаолиятини 1989 йилда Сурхондарё вилоят Денов тумани Юсуф Шомансуров номи 55-мактабда ўқитувчилыкдан бошлаган. 1989-2000 йилларда мактабда ўқитувчи, 2000-2004 йилларда Термиз шаҳрияти 11-сон «Баҳор» номи болалар бoғчасида тарбиячиси бўлиб ишлаган. Шу йиллар мобайинида Олмаҳон тажриба орттирдн. ўқитувчилар, болалар билан ишлайди, уларнинг хатти-ҳаракатини, ўй-дунёсини ўргатди. Ота-оналар билан узок ва қизгин суҳбатлар куриб, бола тарбияси муаммоларини ечишга ҳаракат қилди. Шаҳар ва вилоят «Йил тарбиячиси» кўрик танловида иштирок этиб, бир неча бор гoлиблыкни ҳам қўлга киритди. 2001 йилда республика миқёсида ўтказилган «Йил тарбиячиси» кўрик танловида катташиб, фахрли иккинчи ўринни қўлга киритган. «Эит энцикл тарбиячи» номнашисида мутолок гoлиб бўлиб, «Бола қалбининг заргари» нишонини олган. Бу катор муваффақиятлари мутасадли раҳбарларнинг ҳам эътиборидан четдан қолмади.

Уни турли анжуманларга, танловларга жалб қилишди, тажрибаси, кўникмасини оширишга имкон яратилди. Олмаҳоннинг ўзи ҳам зўжко эмасми, барча топириқларни ортиги билан, ўз вақтида бажарди. Ташаббускорлиги билан, янгилыкка интилувчанди билан ишончини оқлади. Силқилдиган қилинган меҳнат мева бермай қолмайди. Олмаҳоннинг яхши номи тилларга тушди. У ҳақида Сурхондарё телевидениясида бир неча бор кўрсатувлар қилинди. Газета-журнал муҳбирилари ҳам атрофида ҳозир-нозир бўлишди. Аммо бу шон-шухрат Олмаҳонни заррача мас қилмади. «Қайтага елкамга яна катта масъулият юкини ортди» дейди у ўзи ҳақида. Олмаҳон Бердимуродова 2004 йилдан эътиборан Термиз тумани «Янгиарық» кишлоқ фуқаролар йитини раниси лавозимида ишлаб келмоқда. Ушбу жамoанинг йитирма минг аҳолиси бўлиб, худудда 7 та маҳалла фаолият юритилди. Шу ўтган давр мобайинида Олмаҳон раҳбарлигида ушбу худудда маиший хизмат кўрсатиш нуқталари, сартарошхоналар, ошхоналар барпо этилди. Ёуал анъаналар асосида курилган тўйхона ҳам янгиарықлылар фахри хисобланалди.

Олмаҳон асл кишлоқ қизи. Кишлоқ ҳаётининг икки-чикирлари, ўзига хосликларини, халқининг турмуш шароитини жуда яхши билгани ва тушуналди. Олмаҳон отаси узок йиллар бошқарган жамoa ҳўжалити тақдирини бир кун келиб унга ҳам боғлиқ бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Бугун унга, унинг сай-ҳаракатларига оламлар тақдирини, фаровонлиги боғлиқлиги, Олмаҳонни янада куч-қувватга тўлдирди. Жонажон кишлоқининг отирини енгил қилишда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юкори кўрсаткичларга олиб чиқишда меҳнатини аймаёттир.

Хулласи қалом, Олмаҳон, турмуш ўртоғи, оиладаги барча-барча жонажон юртимиз учун, унинг иқболли ва истикболли учун меҳнат қилишни мақсад қилган ҳамюртларимиздан саналишадн. Шунданла уларнинг юзлари ёруғ, кўнлиллари тўқ.





Бобоева Раҳима

ЭЛ-ЮРТ АРДОҒИДА

Баъзан кимларнингир кўриб ҳавасимиз келади. Юриш-туриши, муомаласи, ҳатти-ҳаракатлари билан кишини лол қолдирадиганлар орамингда оз эмас. Аммо шу сифатлар ичида тан берган оламининининг бажарган ва бажарётган ишлари аъло бўлса, жамиятда, ҳаётда ўз ўрнини топаннини билсак, бир ҳавасимиз минг бўлади. Раҳимахонни кўрган-билганлар кўнглида ана шундай ҳислар ўйғониши табиий. Масъул лавозимда бўлишдан катъий назар, каттадан-кичиккача эътиборли. Бога билан болача таллаша оладиган, апрофатиларга кўлидан келганча ёрдам ва маслаҳатини аямайдиган бир дунё АЁЛ бу.

Бобоева Раҳима Муҳаммоновна 1958 йил 23 январ кунни Сарисоё туманидаги Қаҳрамон қишлоғида, қолхозчи оиласида туғилган. Раҳима идрокли, меҳнатсевар қиз бўлиб вояга етди. Ерга урса-кўкка сапчийдиган, шаллолгина қиз мактабни битириб олмай маълумотли бўлишни ният қилди. Раҳима яқинларининг оқ фотиҳасини олиб, Самарқандга равона бўлди. Бухгалтерлик ишга қачон қизиқиб қолганини ўзи ҳам билмасди. Мактабдан ҳисоб-китобга усталити, мураккаб фанларни осонлик билан ўзлаштириб, билими пухталити кўл келди. У Самарқанд кооператив институтининг иқтисод факультетини «Бухгалтерия ҳисоби» бўлимига ўқига киради. Устозлари унга алоҳида ишонч билдириб, сабоқлардан ташқари жамоатчилик ишларини ҳам юклаб қўйдилар. Талабалик — олтин давр кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади.

Раҳимахон 1979 йил олий ўқув юртини муваффақиятли тамомлаб, уйга қайтди. Раҳима ўша йилнинг 1 августидан матлубот жамиятига ҳисобчи бўлиб ишга киради. У ерда у 1983 йилнинг 15 июнига қалар меҳнат қилади. Тажриба орттиради. Касбкорининг сир-асрорларини яндада мукамил ўрганди. Бу орда уни ОРС «Сарисоё совхозводстрой» корхонасига бош ҳисобчи вазифасига ишга таклиф қилинади.

Бу лартоҳда ҳам у ўзини ҳар томонлама етук мутахассис, ташкилотчи ва жамоатчи сифатида намоён қилади. 1974 йилнинг февралдан бошлаб Матлубот жамиятига Бош ҳисобчи этиб тайинланади. Бу ерда у 1995 йилга қалар фаолият юритади.

Йиллар бир-бирини қувтаб ўтаверади. Раҳимахон Бобоева ўз вазифасини сидқилидан бажаради. Хизмат қилаётган корхонасининг ўтиш даври қийинчиликларидан эсон-омон чиқиб олишда меҳнатини, тайратини аямасди. Раҳима Бобоева 1995 йилнинг 21 ноябрдан ҳозирга қалар Сарисоё савдо ишлаб чиқариш манъулияти чекланган жамиятида бошқарув ранси вазифасида фаолият юритмоқда. Бу масъул лавозим ҳам унинг очилмаган қирраларини кашф этди. Раҳима Бобоеванинг бахту-тахти ҳам нурли, гўзал. Турмуш ўртоғи Искандар ака фермер хўжалигида бошчилик қилади. Нартиз, Дилафуз, Парвина қизлари ҳам ота-оналаридек шифоатли. Улар бир-бирларини ардоқлаб, севиб-севиллиб яшамоқдалар.



Воҳидова Ҳафиза



ҲАЁЛЛАРИ ГҶҶЛ АЁЛ

Воҳидова Ҳафиза Ғафоровна 1958 йил 29 декабрда Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманида таваллуд топган. Ҳафизахон мактабни аъло баҳоларга битириб, Тошкент кишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кирди. Талабалик йилларида у устозларидан кишлоқ хўжалигининг айниқса чорвачилигининг сир-асрорларини ўрганди.

У меҳнат фаолиятини дастлаб чорвачилик корхонасида ишчи бўлиб бошлади. 1981 йилдан 1986 йилгача Музаббот тумани хўжаликларaro чорвачилик корхонаси директори лавозимида ишлади.

Бу йиллар Ҳафизахон учун ҳақиқий, унумли меҳнат ва тажриба йиллари бўлди. У меҳнатнинг инсонга ҳақиқий бахт келтириши мумкинчилигини шунда кўрди. Дўстлар орттирди. Ҳаммаси элар бахсларида қатнашди. Яилли майсалар кўёшга интилган каби юксакликка интилди. Ҳаёлот меҳнат ўз натижасини бера бошлади. 1999 йилдан 2002 йилгача Музаббот тумани кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси фуқаролар муҳофазаси муҳандиси, назорат қилувчи мутахассиси, бош мутахассиси лавозимларида ишлади.

Ҳафизахон қайси лавозимда ишлагансин ўзининг илгор фикрлари, замонавий дунё қарашин билан ажратиб турди. Юртимизда олиб бориладиган улкан юксалишлар Ҳафизахонга ҳам илҳом бахш этди. У меҳнатдан ҳеч ҳам толиқмади. Натижада 2002-2006 йиллар Музаббот тумани "Деҳқонобод" ширкат хўжалиги бошқарув раиси, 2006 йилдан то шу вақтга қадар Музаббот тумани "Заркамар Кўрганак" ММТП раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Ҳафизахон катта оиланинг сеvimли бекаси. Турмуш ўртоғи ў раал ака Музаббот тумани "Насиба Хайдарова" фермер хўжалиги хисобчиси. Кизлари, Насиба, Нафиса, ўғли Отабеклар 3-3 ўрта мактабнинг аълочи ўқувчилари. Уйга келсанг фарзандларинг бахт-салолатини кўриб, ишта борсанг ҳамкасбларинг ютуғига шерик бўлиб яшашдан ортиқ бахт борми? Ҳафизахон шундай бахт соҳибаси. Ҳафизахон бу бахтни ҳеч бир нарсага алишмайди. Эеро ватанда бахтли одам, ҳақиқий бахтли одамлар.

Ғалиева Венера



ШИРМОЙ НОНДЕК ИССИК ҚАЛБ ЭҒАСИ

Ғалиева Венера 1950 йил Сурхондарё вилоятининг Элибаён шаҳарчасида туғилган. Отаси Аҳмад Назиманов Шўрчи машинаш хизмат кўрсатгичи уйида дурадгор уста, онаси Мухтарама Назиманова ҳам шу машинаш хизмат кўрсатгичи уйида уста тикувчи бўлиб, қарийиб 40-45 йил халқимиз фаровонлиги учун меҳнат қилганлар.

Ота- онаси унга яхши ният билан юлдуз- Венера исминини қўйиб, мактабларда аъло баҳоларга ўқишга шайроғи аратиб берганлар. Уйида ва жамоат ишларида фаол бўлгичи дея меҳнатда тоблаларлар қолаверса, халқ хизматини қилиш унинг учун ота- онадан мерос, деса ҳам бўлади.

Венера Ғалиева Шўрчи марказидаги 1-ўрта мактабни 1967 йил тугатиб, Элибаён дон қабул қилиш корхонасида хисобчи бўлиб ишлай бошлади. 1968 йил йўлданма билан Тошкент технология техникумига ўқишга борди. 1971 йилда дон маҳсулотлари таҳлилчиси мутахассислигини эгаллаб, шу жойининг ўзида меҳнат фаолиятини давом эттириб, 1972-78 йилларида Москвадаги ВЗИПТИ институтини сирдан ўқиб тугатди.

1978 йилдан то шу кунгача Шўрчида дон маҳсулотлари корхонасида таҳлилхона бўлимини мудираси лавозимида ишлаб келмоқда.

Табиатан вазминлик, камтарлик фазилатлари онасидан ўтган бўлса керак, ўзининг меҳнатга бағишлади. Малакали мутахассис бўлиб етишди ва халқ қорига ярайдиган шотирлар ҳам етиштирди.

"Меҳнат икки кўздан иссиқ" деганлари чин экан. У меҳнатдан бахт топганлар тоифасидан, айни пайтда жамолада ишлаб қадрдон дўстлар, ака- укалар, сирдош, меҳрибон ота- сингиллар, дугоналар орттирди. Шўлар билан бирга унинг меҳнати ҳам улугланди. Жамбондони билан халқимиз дастурхонига турли хилдати нон ва ун маҳсулотлари етказиб бериб, халқимиз фаровонлигига ўз хиссаларини қўшиб келмоқда. Унинг сифатли чинқилишини таъминлаш улар ўзлари учун ҳам қарз ҳам фарз деб билишди.

1995 йилда корхонанинг ишлаб чиқариётган дон маҳсулотлари ишлари мўъносиб тақдирланиб, Венера Ганиева "Олтин кўллар устаси" унвони берилди.

2002 йилда esa "Дон маҳсулотлари альяниси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Янада қувончлиси, Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллик байрамида хизматларини юксак баҳолаб, Юрбошимизнинг табриги ва "Шухрат" медали билан корхона раҳбари Уйғун Бердимуродов тантанали равишда топширғанида, шу камтарона меҳнатини улуғлаган, бағрикенг Ўзбекистон халқи олдида ўз ўрни борлигидан Венера Ганиева беҳад қувонди. "Бадалларвоз гапларга унчалик укчим йўқ, аммо мен шу юртнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман ва фарзандлик бурчимни дастурхонлардаги ширмой нонларда кўраман", дейди Венера тўққинчилиги. Биз бу ширмой нондек иссиқ қалбни юрдошимизга ҳаминша куч ғайрат ва шижоват тилашдан чарчамаймиз.

Бор юлдузлар сизга хизмат қилсалар,
Уммонлар ҳам сиз деб қуриб, тўлсалар,
Гуллар сиздан рангу нфос оқсалар,
Чаман бўлса юртан кўча-куйингиз,
Тўлармиди ҳеч тўлмаган кўнглингиз?



Гатаулина Эльдара

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Гатаулина Эльдара Нағумановна 1930 йилнинг 9 сентябрийда Термиз шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг 1949 йилда Душанбе шаҳрида тиббиёт олий ўқув юртига ўқишга кирди. Ушбу даргоҳни 1955 йилда тамомлайди. 1955 йилдан 1959 йилга қадар Тожикистоннинг Хўжанд вилоятида болалар шифокори бўлиб фаолият юритилди.

Болалар — Эльдаранинг жони-юраги эди. У олий ўқув юртида илм олаётганида ҳам, сўнг болалар шифокори бўлиб ишлаганида ҳам кимлар учун, нима учун меҳнат қилаётганини чуқур тушунар эди. Ахир унинг кўлида болалар келажати, бир боланинг бахти, бир норасиданинг тўлдек солиғи турибди. Бу ерда лоқайдликка, кўз бўямачиликка йўл қўйиб бўлмайди. Бу келажак олдидати жиноят ахир! Эльдара қабулгига келган бемор болакайларни шу қадар ардоқлар, ширин сўзи, эркашлар билан уларнинг кўнглига, беғубор қалбига йўл топа оларди-ки, хатто ҳамкасаблари ҳам хайрон эдилар. Ширин сўзининг ўзи бўлмайди, малакали шифокор учун биринчи ўринда туради. Эльдара доим ўқийди, изланади. Ўзи устида тинмай ишлади. Касбига оид қандай нашрулар китобу мақолалар бўлса, эринмай ўқиб чиқди. Йиллар уни тажрибали врач даражасига етказди.

У 1960 йилдан 1965 йилга қадар врач ординатор, кейинроқ Термиз шаҳар 1-сон шифохонасида болалар бўлими бошлиғи этиб тайинланди. Гоҳи ширин сўз, кези келганда қаттиқ қўли билан қўл остидагиларни ишта солди. Уларнинг ҳам касбий маҳоратлари ошишга сабабчи бўлди. 1965 йилдан 1970 йилга қадар 1-сон шифохонага қарашли 1-сон поликлиникада раҳбарлик қилди. 1970 йилдан болалар поликлиникаси мустақил бўлиб фаолият юртыга бошлайди. 1987 йилга қадар Эльдара Гатаулина унга раҳбарлик қилди. У бош-қош бўлган йиллари поликлиника қошида «Соғлом бола» кабинети иш бошлади.

1985 йилдан эса фризотерапия хонаси ташкил этилди. 1977 йилда бутуниттифок болалар поликленикаси кўрик танловида Эълдара Нагумановна рахбарлик қилган Термиз шахар болалар поликленикаси 2-даражали дипломни кўлта киритали. Унинг ташаббуси билан 1979 йилда Термиз шаҳрида ҳамма талабаларга жавоб берадиган кўттармоқли болалар поликленикаси курилши бошлаб юборилди. Ва бу даргоҳ 1989 йилда ишта тушали. Бутун меҳнати давомида Эълдара Гагаулдина малакали мутахассис бўлиш билан бир қаторда талабчан ташкилотчи ҳам бўлди. У атрофдагиларни уюштира олиш, уларга етакчилилик қила биллиш билан ажралиб турди.

Жамоатчилиик хизматлари, болалар соғлигини сақлаш йўлидаги самарали меҳнати, касбий филойилиги учун Гагаулдина Эълдара Нагумановна Республика, вилоятнинг қатор мукофотлари, фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. У «Соғлиқни сақлаш аьлочиси», «Хурмат белгиси» ордени, «Шавкатли меҳнати учун» медали, «Кизил Ярим Ой» ва «Кизил хож» жамиятининг олий мукофоти, «Меҳнат фахрийси» нишон ва унвонлари билан тақдирланган.

Яна бир катта мукофот борки, уни халик беради. Бу меҳрдир, бу хурмат ва эъзоздир. Бу одамларнинг оппоқ фотихалари ва дуоларидир. Эълдара Гагаулдина ана шундай юксак мукофот эгаси. Бу бағрикенглик, самимий, ардоқли, туман, вилоят ва Республикамининг фахри бўлган Эълдара опага метиндек соғлиик, битмас тутанмас бахт-иқбол тилаб қоламиз.



САМИМИЙ ҚАЛБ СОҲИБАСИ

Аёл...

У ҳақида сўз кетса кўз ўнгимизда аввало, жамиятимизнинг барча жабҳасида жавлон уриб меҳнат қилаётган, иродаси метин, жони «Қирқта»та ментзалувчи буюк сиймо намоён бўлади. У оқила уй бекаси, талбиркор, ишчи-деҳқон, ҳарбий хизматчи...

Элимизнинг тинчлигини сақлашда Ватан посбонлари билан елкама-елка хизмат қилиб келаётган ҳарбий хизматчи қизларимизнинг жонбозликлари ҳам таҳсинга сазовор. Улар кичкина жуссасида дунё там-ташвишларини кўтариб халқимиз осойишталигини кўриқлашда ҳарбий қисм аскарларининг маънавий-маърифий билим олишларида ўз меҳнатларини аймайдилар. Соҳиба ҳам ана шундай ўз касбига вафодор, кечано-кундуз эл тинчлиги йўлида хизмат қилувчи ҳарбий қизларимиздан. У ўзун туманида туғилиб ўсди. Мактабни аьло баҳоларга битиргач, Тошкент маданний оқарув техникумида таҳсил олди. 1991 йил Соҳибанинг ҳаётида чуқур из қолдирди. У Тошкент давлат маданният олийгоҳи талабаси бўлди.

Шижоатли талабалик йиллари ҳам ортда қолгач, у дастлаб фаолиятини туман марказий кутубхонасидан бошлади. Ўзун қишлоқ хўжалик техникумида маънавий ва маърифат маркази мудираси, 1999 йилдан 2001 йилгача Ўзун туман «Қамолот» ЁИХ туман Кенгашида ранс ўринбосари вазифаларини сидқидилдан адо этиб келди. Сўнгра собиқ Ж.Пирназаров номидаги ширкат хўжалигида маънавий-маърифий ишлар бўлимини бошқарди. 2000-2002 йиллар эса ҳарбий қисмда иш юритувчи лавозимида ишлади. У қисмда «Ёш четарачи» клуби раҳбари, ҳарбий қисм хотин-қизлар Кенгаши раиси, «Қамолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси вазифаларини ҳам кўнгилдагидек бажариб келмоқда. Ойида иккинчи фарзанд бўлган Соҳиба онаси Саодат опанинг ибратли ўғилларини тинглаб вояга

етди. Шунданми у оқила ва дилкаш бўлиши билан бирга кези келганда ҳақиқатга тик боқилини, кишининг хатосини ўзига англатиб тўғри йўл танлашида ҳам бегараз кўмагини азмайди. Шунинг учун ҳам ёш аскарлар уни ўз оналаридай ҳурмат қилишади, тушунмаган мавзуларида ундан маслаҳат олиб туришади. Уни ҳар дом қизгин иш палласида-тоҳ сархалларда, тоҳ аскарларни мусобақага тайёрланаётган жараёнда, тоҳда эса ҳарбий қисм газетасини нашрута тайёрлаш учун астойдил ҳаракат қилиб юрган дамларда кўп учратамиз. Ҳарбий қисмининг барча маънавий-маърифий ишлари юзидан самимият ёғилиб турган шу қизининг зиммасида. Унинг шеърини ҳам ихлоси жуда баланд, бўш вақтларида шеърлар машқ қилади. Шеърлари туман газеталарида босилиб турлади.

Баъзан Соҳибанинг жуссаси кичик бўлса-да, унинг ички дунёсида, юрагида шунчалик кучли жасорат, ироданинг мужассамлигини кўриб қойил қолгинг келади, киши. Шунда беихтиёр шоирнинг «Аёллар аёл зоти, қирқта жони бор аёл.» деб тараннум этишлари бежизга эмаслигини қалбдан хис этамиз.

Салоқат боғида чаман яратган,
Алла айтиб майин тонгини уйготган,
Дунёга қувончлар сочинб айратган,
Бахт қасрида мангу бахтлисан, Аёл.



Дамирова Шахло

КИМЁ СОҲАСИНИНГ ЗУККО БИЛИМДОНИ

1974 йил 18 июнда Термиз шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Отаси Даминов Шариф маҳаллада баобуру инсонлардан бири, касби иқтисодчи бўлсада, дунёвий фанларнинг чуқур билимдони ҳам. Шахлонинг онаси Бибинор ая узоқ йиллар Термиз туманидаги «Пола» боғалар боғчасида ҳамшира бўлиб ишлаб келганлар. Ҳозирда Бибинор ая нафақада. Шахло ёшлигидан ўқишга қизиқди. 1981 йил Термиз туманидаги А.С.Пушкин номи 8-сон ўрта мактабининг биринчи синфига ўқишга борди. Мактабда ўқиб юрганида фанларга, айниқса кимё-биология, физика, математика фанларига қизиқди. Шу билан бир қаторда мактабда «Ёшлар кўмитаси» раиси лавозимида ҳам фаолият юритиб, турли хил тadbирлар, кечалар уюштиришда, жамоат ишларида фаол қатнашди. 1991 йилда мактабни ўқишда ва жамоат ишларида эришган ютуқлари учун олтин медал билан битказиб, ўша йили Термиз Давлат Университетининг Кимё факультетида ўқишга кирди. Талабалик даврида у барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиди, чуқур билим мустақил фикрга эга бўлганлиги учун факультетдаги устозлари, курсдошлари ва факультет жамоеси олдида катта ҳурматга сазовор бўлди. Талабалик йилларида устозлари профессор Р.А.Кулмаматов, профессор Х.Тўраев, доцент Й.Журакулов, Т.А.Ҳамраев, Р.А.Аликулов, Р.Мирзаевларнинг сабоқлари, илмий маслаҳатларини чуқур қизқишлар билан тинглади, ўрганди. Бундан ташқари Шахло Даминова талабалик пайтларида ўқиш билан биргаликда, жамоат ишларида фаол қатнашди. 1993-1996 йиллар мобайнида факультет ёшлар кўмитаси котиби лавозимида ишлаб қўллаб кечалар учрашувлар уюштиришда фаол иштирок этди. Шахло Даминова 1996 йилда Университетни имтиёзли диплом билан тугатиб, йўланма билан ЎзРФА умумий ва ноорганик кимё институтига 02.00.01-ноорганик кимё мутахассислиги бўйича кундузги бўлимига аспирантурасига қабул қилинди. Шахло Даминова илмий раҳбари профессор Х.Т. Шарипов болчилигида

«Нодир металллар кимёси ва анализ» бўйича илмий изланиш олиб борди. 2001 йилда ёш олима ўзи ўқиган Термиз Давлат университетига қайтиб келиб умумий ва биоорганик кимё кафедрасига катта ўқитувчиси лавозинида ишга кирди. Ўз педагогика ва илмий-тадқиқотчилик фаолиятини узлуксиз такомиллаштирди. 2004 йилдан умумий ва биоорганик кафедраси доценти, 2005-2007 йилларда ушбу кафедранинг муdiri лавозимларида ишлади. Ҳозирда ҳам ушбу кафедра доценти сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шаҳло оилали, турмуш ўртоғи Алишер Зиятов анча йиллар ички ишлар соҳасида ишлаган. Ҳозирда эса тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Уларнинг икки нафар ширин фарзандлари бор. Ўғиллари Даминбек ва Мухаммадқодирлар болалар бoғчаси тарбияланувчилари. Шаҳло Даминова бўш вақтини оиласи, болалари даирасида ўтказишни яхши кўради. Шунингдек, у компьютер, шахмат ўйнашни, китоблар мутаола қилишни ёқтиради.



Дадаева Инобат

КҲЮНЧАК МАСЛАҲАТЧИ

1941 йил 29 август куни Сирдарё вилояти Гўлистон туманида таваллуд топган. Миллати ўзбек. Маълумоти олий. 1965 йили Низомий номидаги Тошкент Педагогика институтини география-биология факультетини тамомлаган. Олий тоифали ўқитувчи.

1974 йили «Меҳнатда ўрнатилган кўрсаткичлари учун» медали, 1978 йили «Халқ маорифи аълочиси» унвони билан тақдирланган.

Инобат Дадабоева иш фаолиятини Сирдарё вилояти Гўлистон туманидаги 2 ўрта таълим мактабидан ўқитувчиликдан бошлаган.

1967 йилдан бошлаб Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 19-сон ўрта мактабнинг тарбиявий ишлари бўйича директор ўринбосари, мактаб директори, мактаб амалиётчи руҳшуноси бўлиб ишлаган. Шу билан биргаликда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туман Партия комитетида тартибот ташвиқот бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлаган.

2004 йилдан буён Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туман «Минор» қишлоқ фуқаролар йиғини А.Навоний маҳалласида маслаҳатчи бўлиб ишлаб келмоқда.

Инобат Дадабоева маслаҳатчилик иш фаолиятини Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси анжуманига қатнашиб, конференцияда олган маълумотлари асосида маҳаллада маслаҳатчиларнинг ҳаракат дастурини тузиб олиш билан бошлаган. Амалга оширилган ишлари юзасидан иш режа ва тadbирлар тузиб олиб, ўз иш фаолиятини юритиш учун шaroит яратиб олди. Маҳаллада кўча бошиларини сайлаб олиб, улар билан ҳамкорликда иш бошлади.

Маҳалда қошида хотин-қизларнинг маънавий ва маданий сўнғисини ошириш мақсадида маҳалла марказида гўзаллик саяони, тикниш бичиш цехи, вақтларини ва маблагларини тежаш мақсадида олинқ-овқати дўкони, ошхона ва тезкор телефон алоқаси ташкил этилди.

Маҳалла хотин-қизлари ўртасида «Бали қизлар», «Энг намунали кўча боши», «Энг озода ховли» танловлари, боғлар ўртасида «Кимнинг расми чиройли», «Мақтабда ким биринчи», «Кўноқ старлар» таъбирлари ўтказилди. Қариялар ўртасида ёшларни қасбга тўғри йўналтириш мақсадида меҳнат фахрийлари билан учрашув ва суҳбатлар ташкил этилди.

Инобат опа 3 фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоғи Мамарасул Худойбердиевнинг садоқатли ёрдамчиси, қизлари Бузулайхо ва Назира ўқитувчи, ўғли Учқун эса, Жаркўрғон қурилиш корхонасида хисобчи. Улар юртимизнинг энг аҳил ва намунали oilдаридан биридир.

Сиз борсиз, яшайди ифбат — латофат,
Сиз борсиз, яшайди буюк муҳаббат,
Сиз борсиз, яшайди қалбда диёнат
Шунчалар яхшисиз, Инобат опа!



Давронова Тожиғула

ҚАДИМИЙ ТЕРМИЗНИНГ ДИЛБАР ҚИЗИ

Тожиғула Давронова — 1946 йил Термиз шаҳрида туғилган. Ёшлigidan бадий алабётга қизиққанлиги учун ҳам Самарқанд Давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирди. Ўқувчилик йилларидаёқ кичик-кичик ҳикоялари билан газетalarda иштирок этиб юртаниданми журналистикага меҳри баланд бўлди. Ишни вилоят телерадиокомитетига олши овоз операторligидан бошлаб, аста-секин боғлар учун эшиттиришлар, кейинчалик тематик ва муаллифлик эшиттиришлар тайёрлаб бориб, катта муҳаррирлик даражасига етди. Тайёрланган радиочерк, лавҳа, репортажларнинг бир нусхасини қайта ишлаб вилоят газетасига, республика радиосига овозли лавҳаларни “Саодат” журнаliga ва республиканинг бошқа газеталарига ҳам юбориб турди. Бир неча бор республика ва Иттифок журналистлар уюшмаси съезларида иштирок этди. Республика кўнча телевизия тахриратти билан ҳамкорлигига Сурхондарёда 1974 йили “Ёрқин ҳаёт” кўрсатувига Мирзохўла Раҳимов билан биргаликда бошловчилик ва ҳаммуаллифлик қилди. Кейинчалик Сайроб чинорининг хўшманзара масканида республика телерадиониесининг диктори Фарход Бобожонов билан “Олтин волий” кўрсатувига бошловчилик қилди.

1972-74 йилларда республика “Мархабо, талантлар” телефестивалларида бошловчилик қилди. Телевиение, радиола қанча муваффақиятга эришмасин, газета журналистикаси уни кўпроқ қизиқтирарди. 23 йил вилоят телерадиокомитетига ишлаб, 1986 йил илоят “Ленин байроғи” (хазирги “Сурхон тоғи”) газетасига ишта ўлди. Замондош аёл муаммолари дил кечирмалари, иши бир дунё-ю, oilаси бир дунёлиги Тожиғулини чулғаб олганли. Шунинг учун ҳам газетда кўпроқ аёл муаммолари, oilарнинг ўй-фикрлари ҳақида долзарб мақолалар билан фаол иштирок этди. 1991 йил республикада биринчи бўлиб вилоят хотин-қизлар кўмитаси қошида

“Назокат” номи билан янги нашр-газетасини ташкил этиб, муҳаррирлик қилди. Янги давр, мустақилликнинг биринчи йили бўлганлиги учун ҳам дастлабки иқтисодий қийинчиликлар билан ҳомийлар ёрдамида бир йил газетани элга танитди. Ўз ўқувчи ва муҳлисларига эга бўлди. Кейинчалик бу газета алоҳида ҳисоб рақамига эга бўлиб “Аёл ва замон” номи билан чиқа бошлади.

Тожиғул Давронова газетада ишлаб юрган бўлишига қарамай вилоятда янги ташкил этилган телекўрсатувларида ҳам илгарити тажрибасини ишта солиб “Аёл ва замон” кўрсатувига жамоатчилик асосида муҳаррирлик ва бошловчилик қилиб юрганди. Шунинг учун ҳам 1992 йил вилоят телекомпаниясига муҳаррир бўлиб ишта ўтди. Бу ерда “Оила”, “Анъана ва замон”, “Гулшан” каби муаллифлик кўрсатувлари орқали неча-неча оилаларга тасвирич билан кириб бормадди, дейсиз. Эркак ва аёлнинг бир-бирига бўлган садоқатитина оилаларга файзани кўриқлаши мумкинлигини кўрсатувларида ифодалади. Оиласи тинч эркакнинг ишида унум бўлишиги, оиласидан баҳра олган аёлига гузал ва мукаммал бўлаолишигини ёзган очерк ва лавҳаларида исботлади

Оилалар меҳрибон аёл, 4 фарзанд, 11 набиранинг севишли онаси. 2000-йилдан буён нафақада бўлишига қарамай маҳалла, шаҳар ва вилоят хотин-қизлар ишларида фаол иштирок этиб юрди.



Диллаева Ҳалима

ОТАШКАЉ ЎСТОЗ

Азиз китобхон, сизни умри давомида ёш авлодга илму-маърифат аталмиш муборак неъматни бахшила этган ўстоз, “Халқ маорифи аълочиси” Ҳалима Диллаева билан таништирамиз. Диллаева Ҳалима Шеробод туманининг “Зарабоғ” кишлоғида таваллуд топган. Ёшлик — ўқитувчилик даврида маърифатли ўстозлардан таълим олар экан, ўқитувчилик-мураббийликка меҳри тушли, қалбида бу муборак касбга нисбатан чуқур эҳтиром пайдо бўлди. Мактабни тутатгач, Қарши Педагогика институтининг “Тил ва адабиёт” факультетига ўқишга кириб, муваффақиятли тугаллади. Илк иш фаолиятини 1963 йилда 2-мактабда ўқитувчи-мураббийликдан бошлади. Ҳалима Диллаева фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири шундаки у ҳеч қачон ўз ишида енгил-елпи, осон йўлни танламади, балки илму-урфон таълим беришнинг машаққатларини доимо шараф билан оқлаб меҳнат қилди. Бу ноёб фазилат отаси Дилла Раҳимов ва онаси Олиа Ниёзоваларнинг унга берган тарбияси сабаб шаклланган бўлса ажаб эмас.

Ҳалима Диллаева 1969–1975 йилларда Ғарин номидаги “Болалар саройи” да директор лавозимини, 1975–1986 йилларда эса 2-сон умумўрта мактаб директори, 1986–1987 йилларда Собир Раҳимов номи умумўрта мактаб директори лавозимини фаолият юритди.

1987–1989 йилларда МПК-1 илм даргоҳининг директори, 1989–1990 йилларда Халқ таълимида методисти, сўнгра 1990–2002 йилларда яна 27-сон умумўрта мактаб директори лавозимини меҳнат қилди. Ҳалима Диллаева турмуш ўртоғи, раҳматли Саидмурод Норов билан биргаликда 2 ўғил ва 1 қизни ватанга муносиб фарзандлар қилиб юлға етказди. Ўғиллари — Анваржон — тумандати маданият уйи директори, Умиджон эса туман ҳокими ёрдамчиси, қизи Раънохон 42-сонли умумўрта таълим мактабиди “Тил ва адабиёт” фанидан ёлбоқ бермоқда.

Ҳалима Диллаева жамоатчилик ишларида ўз билим ва тажрибаси билан катта ҳисса қўшмоқдалар. У “Ёшлик” маҳалласи фуқаролар кенташи раиси, яраштирувчи кенташ аъзоси. Ҳалима опа 6 нафар набиранинг сеvimли бўвижониси. Фарзандлари уйли-жойли, халқ хизматида оналари каби мураббий бўлиб, ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Биз оташқалб устоз Ҳалима опа Диллаевага барча эзгу ишларида доимо муваффақият ёр бўлмоғини тилаб қоламиз.



Давлатова Моҳитоб

У БАНДИХОН ТУМАНИДАН


Кимё-биология фани ўқитувчиси, II даражали “Соғлом авлод” ордени соҳибаси Моҳитоб Давлатова 1952 йилда Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Хўшманзара ва фруеункор Пошхурт қишлоғида таваллуд топган. Маълумоти олий, оилали, 4 нафар фарзанднинг сеvimли онаси. Моҳитоб Давлатова 1974 йилда Термиз Давлат Педагогика институтини тугатиб, Бойсун туманидаги 44-умумий ўрта мактабда иш фаолиятини бошлаган. У ўзилати истеъдодлини мактабнинг бетубор шогирдларига ўтаётган дарслари жараёнида намоён этиб борди. Кимё фани хонасини замон талаблари даражасида жиҳозлаб, 200 дан ортиқ тарқатма материаллар 10 дан ортиқ стенд, 20 дан ортиқ ҳаракатли асбоблар, лаборатория тажрибаси ускуналари билан бойитди. Моҳитоб Давлатова юксак ишонч ва эътибор билан Ўзбекистон Республикаси ўқитувчиларининг 7-қуруттойига делегат қилиб сайланди. Анжуман ундаги ўз касбига бўлган эътиқод ва муҳаббат туйғуларини янада мустаҳкамлади. Мактабда кимё фанидан шогирдлари билиминини мустаҳкамлаш мақсадида “Ёш кимётар” тўғрисида деворий газетасини ташкил этди. 2000-2003 йилда туман миқёсида ўтказилган синф хоналари кўрик-танловида у ташкил этган хона “Энг намунали хона” деб топилди. Устоз доимо изланишда, бирор янгилик топса уни тезда шогирдлари эҳди-дилига етказгиси, тафаккурини уйғотгиси келди. Шу боис унинг ҳар бир сабоғи бой ва мазмундордир. Унинг ўтаётган машғулотларини шогирдлари соғиниб куттишди, амалий ифодаси билан муштараклиги сабаб узоқ эслаб қолишди.

Изланувчан, фидойи муаллима Моҳитоб Давлатова ўз билим ва малакасини мутассирли охириб боради. Республика ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институтида ўтказилган семинарда у ёзган “Замонавий дарс методларидан фойдаланиш” мавзусида курс иши I-ўринга муносиб топилди.

“Лаборатория тажрибаларини ташкил қилиш” мавзусидаги курс иши ҳам муносиб биринчи ўринни эгаллади. Кўп йиллик педагогик фаолияти, ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда миллий иштиқол ва ижтимоий тараққиёт фойдаларига салоқат руҳида тарбиялаш соҳасидаги улкан хизматлари учун 1997 йилда “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси” нишони, сўнгра эса Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармони билан II даражали “Соғлом авлод” ордени билан тақдирланди. Моҳитоб Давлатованинг 30 йиллик педагогик фаолиятини, ибратли умр йўлини тўқин ҳосилга тўлган дарахтга қиёслаш мумкин. Нетаки, унинг кимёгарлик “дарёхонаси” да сабоқ олган муносиб шотирларидан бир нечаси турли Медицина олийгоҳларини тугатиб, халққа хизмат қилишмоқда. Моҳитоб опа ибратли умрининг 53 доволонидан ошаётган бўлсада ҳамон бардам ва изданувчан. У маърифат зиссига ташна шотирлари даврасида тумандаги 14-ихтисослашган мактаб-интернатига ишлаш баробарида намунали, оқила, доно бека ва меҳрибон бўвилади. Ўз маслаҳатларини аямайди. Моҳитоб Давлатова кимё-биология фани ўқитувчиси бўлиши бу устоз Ўзбекистон Республикаси “Аёллар Кенгаши” ва Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлиқда ўтказиладиган “Йил аёли” кўрик-танлови иштирокчисидир. Бу қадр ва ҳурматлар унга фақат шараф келтирмоқда.



Давтова Муҳаббат



МУҲАББАТ ОПАНИНГ НИЯТИ УЛУҒ

Давтова Муҳаббат Шониезовна 1948 йил 6 ноябрда туғилган. 1956 йилда Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 1-ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга борди. 1966 йилда Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, ўша йили Термиз Давлат Педагогика институтининг филология факультети инглиз тили бўлимига ўқишга қабул қилинди. 1971 йилда мазкур институтни имтиёзли диплом билан тамомлади ва шу ерда лаборант, сўнгра ўқитувчи лавозимларида ишлади.

1978 йилда турмуш ўртоғи Даутов Муҳтор Кароматович хизмат вазифасига кўра Ленин йўли (ҳозирги Қизилрик) туманига ишга юборилиши сабабли, ўша туманнинг К. Раҳимов (ҳозирги “Истара”) жамоа хўжалигига қарашли “Юлдузча” ва “Пахтаой” бодалар бочаларини очиб, уларни ишга туширди. 1981 йилдан 1983 йилгача К. Раҳимов номили совхоз директорининг маинши ва маънавий ишлар бўйича муовини вазифасида ишлади. 1982 йил 5 март кўни ҳукуматимизнинг “Меҳнатда ўрнат қўрсатилгани учун” медали билан тақдирланди. 1983-1988 йилларда партия комитетининг ташкилий ишлар бўлими инструктори, партия аъзоларини ҳисобга олиш сектор мудирини лавозимларида ишлади. 1988 йилда турмуш ўртоғи бошқа ишга ўтганини бонис, Термиз шаҳрига кўчиб келишди. У шу йили Термиз Давлат университетининг инглиз тили кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи лавозимларида ишлади.

1999-2004 йилларда университетнинг инглиз филологияси кафедраси мудирини лавозимида фаолият кўрсатди. Ҳозирги кунга қадар мазкур кафедрада катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда. Шу давр мобайнида вилоятда инглиз тилини ўқитиш ва оммақалаштириш, чет тили ўқитишнинг самарадорлигини ошириш, ўқитишнинг янги метод ва технологияларини амалиётга жорий қилиш устида иш олиб борди.

Мазкур тадқиқот ва изланишлари натижасида 20 дан ортиқ илмий мақолалари республика ва халқаро миқёсдаги нашрларда чоп қилинди. Илмий-назарий конференцияларда маърузалар қилиш, ва яна 2 та услубий қўлланмалари нашр этилди.

Ушбу илмий ва амалий ишлари билан, вилоятда инглиз тили мутахассисларини тайёрлашга ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Инглиз тили бўлимини битирган мингдан зиёд шогирдлари вилоят ва республика миқёсининг турли ўқув юртиларида инглиз тилидан сабоқ беришса, ўндан ортиқ шогирдлари ҳам етакчи олий ўқув юртиларита инглиз тилидан дарс бериш баробарида, илмий изланишлар олиб боришмоқда. Олий таълимдаги фаолияти давомида бир неча марта Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг, вилоят ва шаҳар ҳокимликларининг, қасаба уюшма кўмиталарининг, университет ректорлигининг Фаҳрий ёрлиқлари ва мукофотлари билан тақдирланган.

Мухаббат опанинг 4 нафар фарзандлари уй-жойли. Эл-юрт хизматида. Ўғли — Нурали Сурхондарё экспертиза шўъба қорхонасида бош мутахассис. Қизлари: Нолира — Шеробод туманидаги мактаб-интернатнинг математика-информатика фанлари ўқитувчиси, Маврифат — Термиз Давлат университетиининг 3-курс талабаси, Малика эса Жарқўртон Енгил-саннат касб-ҳунар коллежининг инглиз тили ўқитувчиси.

Мухаббат опанинг ниётлари улufe. У етишган ва етишаолмаган ва янада улкан орзуларини, бахти-саодатини фарзандларининг ёрқин келажагида кўриш.



Жавлиева Зиёда

ШЕРОБОДНИНГ ШЕР ҚИЗИ

Жавлиева Зиёда Тошмурутובה 1951 йилнинг 15 декабрида Шеробод туманида туғилган. 1972 йил Тошкент қишлоқ хўжалиги институти иқтисод факультетини олим-аграном-иқтисодчи мутахассислиги бўйича таомлаган.

У иш фаолиятини 1972 йили Шеробод туманидаги Сурхондарё қурилиш-механизациялашган кўча колоннасида меҳнатта ҳақ тўлаш бўлими инженерлигидан бошлаган. 1973-1974 йилларда Шеробод туман Усмон Юсупов номи совхозда меҳнат бўйича ёрдамчи — иқтисодчи, 1975-1976 йилларда эса Қизилқум тумани комсомол комитетининг 1-котиби давомида ишлаган Зиёда Жавлиева 1979-1981 йилларда Тошкент вилоят Оржоникидзе туманидаги “Оржоникидзе” совхозда меҳнатта ҳақ тўлаш бўйича катта иқтисодчи, 1981-1982 йилларда Шеробод тумани “Бешқўтон” ўрмон хўжалигида бош иқтисодчиси вазифаларини бажарган. 1982 йил декабр ойидан 1998 йилгача Шеробод туманидаги РАПО, кейинчалик туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида бош иқтисодчи, умумий бўлим бошлиғи, молия бўлими, мактабгача тарбия ва спорт ишлари, қишлоқ хотин-қизлари билан ишлаш бўлимининг 1-чи тоифали мутахассиси, иқтисодий таҳлил, истиқболини белгилаш ва ислохотлар бўлими бошлиғи 1998-2003 йил 1 августгача Шеробод туман Давлат Статистика ва ҳисоблаш маркази бошлиғи бўлган. 2004 йилдан ҳозирги қалар Шеробод туман ҳоким ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раис вазифасида ишлаб келмоқда.

Зиёда Тошмурутובה меҳнат фаолияти давомида ўзи раҳбарлигидаги таъкилот ишчи ва хизматчиларининг меҳнат шарафларини яхшилаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтириш борасида хизмат қилиб келмоқда. У иш жараёнида юзата келган барча қийинчиликларни бартараф этиш ва иш самарадорлигини ошириш чораларини излаб топмоқда. Шунинг айтиши лозимки, Зиёда

Тошмуратовна бутун меҳнат фаолияти давомида туманининг кишлок хўжалиги мажсулотларини еттиштириш ва давлатга сотиш ишларини хўжаликлар бўйича режалаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Туман статистика ва ҳисоблаш маркази соҳаси бўйича малага ошириш ва статистика департаменти ҳисоботларини ижтимолаштириш, унинг сифатини оширишда алоҳида ташаббус ва тақдирлари билан иштирок этган. Ўзбекистон Республикаси "1-Фермер" ҳисоботида мавжуд техникалар ҳисобини киритиш ва уни ижтимолаштиришда ҳам ўз улушини қўшган.

Ҳозирги кунда куч ва иқтидорини туман хотин-қизлари ҳукуқларини ҳимоялаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, уларни иш билан таъминлаш, яшаш шароитларини яхшилашга қаратган.

У барча сафдошларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдати "Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3434-сонли Фармони ва унинг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги қарорининг бажаришга йўллайди. Шу аснода ўзи ҳам "Сарикамиш", кишлок фукаролар йигинидаги "Суюнчи", "Селгон" кишлок фукаролар йигинидаги "Уч ёроқ", "Таллашкон" кишлок фукаролар йигинидаги "Бойқишлоқ", шаҳар ҳудудидан "Дўстлик" ва "Катта ҳаёт" маҳаллаларини марказий тавнч маҳаллалари деб белгилаб, амалий кўзғатмали иш юритишда ёрдам бермоқда.

Туман хотин-қизларининг энг яқин дўсти, жонқуяри. Уларни эрта-кеч ўйлайдиган, тараққиёт ва оилавий бахтлари йўлида уларга йўл-йўриқ кўрсата оладиган раҳбардир. Мустаҳкам оиласи, фарзандлари унинг бу ишларда мадалкордир.



ОЙ ЮЗЛИ АЁЛ

Санам Жабборовна кузатиб турган кишида бенихтиёр шуңдай тасаввур уйғонадики, бу нузли чеҳрада йиллар, машаққатли меҳнат ва турли вазиятлар ўз изини қолдириганига қарамастан аёл ўзбек миллатига мансуб қиёфа, дунёқараш ва фазилатлар эгаси сифатидаги кўриниш эътиборни тортган.

Малумки, Ўзбекистон, асосан, кишлок хўжалигига асосланган янги аграр мамлакат. Бу халқнинг изчил, машаққатли, матонатли ва йини пайтда тажрибали меҳнат талаб этилади. Мана шундай салохиятли халқ вақиласи Санам Холмуродовнанинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолиятида алоҳида тақсиринга лойиқ жиҳатлар талай. Энг аввало, бу онахон кўнгли очик, бағри кенг, қалби қайноқ, қўли олтин аёллар тоифасидан. Бутун умрини меҳнат, фарзандлар тарбияси она замин унумдорлиги йўлида сарф қилишни ўзининг оналик, аёллик, одамийлик бурчи ва умрининг асл мазмунини деб билди. Она туپроғида ҳар бир гиёҳ хосиятини ҳар бир тош ҳар бир гишт тарихини маҳалла ва қишлоқларининг ҳар бири келиб чиқишино, авлод аждодларини билди, танийди, ўзига яқин деб билди.

Жабборовна Санам Холмуродовна 1947 йил 1 июлда Денов туманидаги собиқ "Талаб" қишлоғида туғилган. 1955 йил тумандаги 6 мактабга 1 синфга қабул қилинди. 1963 йилда 8 синфни тугатлаб, 1963-1965 йилларда Равно Узоқова номи билан юртида мактабгача таълим мутахассислиги бўйича таълим олди. 1966 йилдан эътиборан қолхозда, қолхозчи бўлиб меҳнат қилди. Пилла пахта етиштиришда намуна кўрсатди шу йилдан бошлаб А. Навоий номи қолхозда яшай бошлади. 1970 йилда мажкур қолхозда "Боғлар боғчаси" ташкил этишда бош-қош бўлган.

Санам Жабборовна ўз меҳнат фаолияти давомида Ватаннинг туллаб яшнати йўлида самарали ишлаган, қатор йиллар пахта ва пиллачиликда ўрнат қўрсатган. Узоқ йиллар илгор теримчи бўлган.

Ҳаёлот меҳнати учун ўн йилдан ортиқ туман кенгаши депутати бўлган. Санам Жабборованинг 7 нафар фарзанди бор. 4 ўғил ва 3 қизнинг меҳрибон онаси. 1) Нормўминов Бобоназар-туманда хисобчи, 2) Нормўминова Қизлархон 51-мактаб ўқитувчиси, 3) Нормўминов Баходир тракторчи, 4) Нормўминов Баҳром "Мухриддин" фермер хўжалиги раиси, 5) Нормўминов Бахтиёр туман касалхонасида фелдшер, 6) Нормўминова Сайёра уй бекаси, 7) Нормуродова Гулсара ҳамшира.

Айни пайтда Санам Жаборова нафақадолар ва элликдан ошқиб набираларининг сеvimли бўувисидир.

Санамлардан энёда санам ўзингиз,
Тонг чоғи гулдаги шабнам ўзингиз,
Куёш ойлар сизга таъзим этарлар,
Куёш, ойдан азиз онам ўзингиз.



Жўракулова Саодат

БОЙСУННИНГ ФАХРИ

Юртимизнинг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларида рўй берган туб ўзгаришлар жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилиб, ўзбек халқининг тарихий ютуғи ва мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги сайёҳ харақатлари натижаси сифатида баҳоланмоқда. Бу сайёҳ харақатларида қалби ва кўнгли эзгуликка ташна ўзбек аёлларининг ўрни беқийс. Ватанимизда кечаётган туб ўзгаришлар демократик ривожланиш жараёни халқимизнинг фидойий фарзандлари номи билан боғлиқ экан, С. Жўракуловани ҳам ана шундай жонкуяр ворислар қаторида санаб кўрсатиш мумкин.

С. Жўракулова 1964 йил 1 май куни Сурхондарё вилоят Шеробод туманида дунёга келган. Раҳматли отаси Эшқобил ака Жўракулов Сурхон қурилиш корхонасида касаба уюшмаси раиси вазифасида ишлаб келган. Онаси Рисолат Қолирова эса 6 фарзанди, 4 қиз ва 2 ўғил тарбияси билан шуғулланиб, уларни она табиатдек беғубор қалби билан ардоқлаб, суюб катта қилди. Бу мушфиқ ва меҳрибон аёл ўз юрти, она туپроғини муқаддас ва ўлмас хазина деб билгани учун бутун умр фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялашга, меҳнаткаш ва оқибатли қилиб тарбиялашга интилдди. Онасининг йўлини тутган Саодат ҳам улғайгач фарзандлари Мавжуда, Анвар, Фотима ва Зухраларни ҳар қандай кишидан талаб этиладиган меҳнат, чидам, бардош, шижоат ва матонатни ўргатди. Турмуш ўртоғи М. Қолиров бойсун туманидаги агросаннат қисб-хўна қолдери директор ўринбосари сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Унинг Шеробод даштларида кенг бағри, қалби ва беғубор кўнгли бор десак алашмаймиз. У софликни, гўзалликни, мусоффо осмондек диллик инсонларни севиб улғайди. Ватанимизнинг

шифобахш булок сувларидек покиза хавосини парвариш танламай беминнат ўсиб ётган ҳар бир гиёҳини севади. Юрт туپроғига меҳр қўйди. Юртнинг мана шундай гўзал табиати ва мафтункор тароватини тинчлик ҳосиласи деб билди.

Натижада шу тинчликни, осойишталик ва фаровонликни мустаҳкамлашни ҳар бир ўзбек фарзанди жумладан ўзининг ҳам бурчи санади. Мана шу эзгу мақсад уни нузли келажақ сари далоли олимади.

С. Жўракулова 1986 йил ТерДУнинг рус филологияси факультетига ўқишга кирди. 1986 йилдан бошлаб эса ўзининг педагогик фаолиятини бошлаб юборди. 1986-1998 йилларда Бойсун тумани 24-хунар техника билим юрти ўқитувчиси, 1998-2004 йилларда Бойсун маънавий хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, 2004-2005 йилларда эса Бойсун туман кишлоқ ва ўрмон хўжалиги касб-хунар коллежи директори вазифасини бажарувчи сифатида иш олиб борди.

Шу йиллар мобайнида С. Жўракулова фарзандлар келажати ҳамда келажақ авлодлар биздан шу муқаддас заминни яна ҳам бойиб, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун нималар қилмоғимиз керак деган саволни ҳамisha олдига қўйиб келди. Фарзандлар онги ва шуурита ҳам юрт гўзаллиги ва равнақи учун кураш туйғусини синдириб боришга интилади.

2005 йилда Бойсун туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасига тайинланган эса унинг юрт ва авлодлар келажати йўлидаги изланиш иштиёқи янада кучайди. Осори-атиқалару, бетакрор табиатни асраш унинг барқарорлиги йўлида изланиш, тинмай ҳаракат қилишга бел боғлади. Ёш оилада турмушини яхшилаш, уларни қўқаламзорлаштириш ишларига бош қўйиш, “Заминнинг обод ва унумли бўлиш учун қанча меҳнатим сингса меннинг ўзим, оилам, фарзандларим, насл-насабим шунча манфаат кўради” деган туйғу билан яшаш одамларимизнинг ҳаётга ва меҳнатга қарашини тубдан ўзгартиради ва ҳар бир инсон дёримизнинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссаларини қўшади деган фикр билан ҳаёт кечирди ва юртдошларини ҳам шу муборақ ишга жалб қилди.

Юртимиз ободлиги, осмонимиз мусаффолиги ва мустақиллигимиз абадийлиги йўлидаги интилишларининг оллоҳ кўлдасин, Саодатхон деб, тилак билдиргимиз келади бизнинг ҳам.



Жўраева Равно

ҚАЛБИ ХАМ, ЭШИГИ ХАМ ОЧИК

Жўраева Равно Ашуровна, 1965 йил 11 октябрда Термиз туманида туғилган. 1983 йилда тумандаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг тугатиб, Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институтини филология факультетига ўқишга кирди. Ўқувчилик давридаёқ уч бора республика олимпиадасида иштирок этди. Таъбағлик йилларида ҳам Фан олимпиадаларида фаол қатнашди.

1987 йилда институтини имтиёзли тугатган Равно фаолиятини ўзи ўқиган 8-умумий ўрта таълим мактабидида бошлади. Азиз устозлари қўмағида ўқувчиларга сабоқ бера бошлади. Ўзи ҳам ўрганишда давом этиб, илмнинг чексиз уммон эканлигига яна бир бор амин бўлди.

Адабиётнинг чин маънодаги ошиғи бўлган Равно Ашуровна ўзини бадиий адабиётсиз тасаввур қила олмайди. Ўзи ҳам баъзан шеърлар машқ қилиб туради. Шогирдларини она тилимизнинг чексиз қудрати ва бойлиги билан таништириш мақсадида тинмай изланади. Ёнган бу аёлати метин ирода ва чуқур билимини кўриб хайратланасан киши. Равно Ашуровна ўқитувчилар ўртасида ўтказилган турли кўрик-танлов ва таъбирларнинг ҳам фаол иштирокчисидир.

1999 йилда вилоят миқёсида ўтказилган “Йил ўқитувчиси” кўрик-танловидида иштирок этиб, фахрли ўринни эгаллади.

2001 йил июн ойи эса ўқитувчиларнинг республика анжуманида қатнашиш бахтига мўъассар бўлди. Бу ҳақда устознинг ўзи шундай дейди: “Менинг бу иштироким фахрдан кўра, масъулият ҳиссини оширди”.

Замон билан ҳамнафас бўлган устоз бир неча йиллардан буён шогирдларига она тили ва адабиётдан қўшимча дарслар бериб келади. Унинг фанини чуқурроқ билишни истаганлар учун қалби ҳам, эшиги ҳам доимо очик. Ҳар гал ўқувчилари турли олийгоҳларга ўқишга кирганида жамоа аъзолари билан бирга қувонади.

Равно Ашуровна Жўраева оиласи, фарзандлари, қолаверса ўз ўқувчилари ташвиши билан банд. Чунки устоз улар чеҳрасида буюк ўзбекистоннинг нузли эртасини кўради. “Ўқишга чанқоқ ўқувчиларим, мен сизларнинг зукко, ўқувли йигит-қизлар бўлиб етишсингизни орзу қиламан”, — дейди у. Орзуларингиз рўёбга чиқсин, Равнохон!



Жўракулова Салолат

ОМАДЛИ САЛОМАТХОН

1956 йил 21 июнда Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида энгли оиласида дунёга келди. Миллати ўзбек, ХДП аъзоси. 1977 йил Термиз Давлат педагогика институтининг “Тарихчи-хуқуқшунос” мутахассислиги бўйича тугаллаган. Олий тоифали тарихчи-хуқуқшунос, вилоят ва республикада иш тажрибаси оммалаштирилган ўқитувчи.

1977-1993 йилларда Термиз шаҳридаги Алишер Навоий номидаги 11-ўрта таълим мактаб ўқитувчиси ва шу мактабнинг бошланғич синфларида илмий бўлими мудири.

1977-1993 йилларда Термиз Давлат университети иқтисод кафедраси ва вилоят маҳака ошириш институтининг тарих кафедраси (ўриндош) ўқитувчиси бўлиб фаолият юритган.

2005 йил сентябрдан буён мажкур лавозимда ишлаб келмоқда. Умумий меҳнат фаолияти 31 йил. У ўзининг умрини ёш авлодни янгиликлар, ўз даврининг муносиб вакиллари қилиб етиштиришдек эзгу ишга бағишлаб келмоқда.

2004 йилнинг октябридан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли Республика Табаба спорт уюшмасининг Сурхондарё вилоят бўлимида “Ўқув спорт тadbирлари бўйича бўлим бошлиғи” сифатида фаолият кўрсатди.

Ўзбекистон Республика Президентининг “Халқаро кураш Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 2211-сонли Фармонини татбиқлаш, вилоятда хотин-қизлар курашини янада ривожлантириш, хотин-қизларни мардлик, жасурлик, ҳалоллик, инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда аёлларни спорт орқали соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш, аёллар курашнинг оммавийлигини ошириш мақсадида Жўракулова Салолат Қўллаб-қувватлаш ташаббуси билан 2005 йилнинг 18 октябридан Республикада ягона ҳисобланган Хотин-қизлар кураш федерацияси Сурхондарё вилоятлигига ташкил этилди.



Полвонлар юрти ҳисобланган Сурхон воҳасида “Барчиной кураш клублари”нинг юзага келишида Республикада ягона ҳисобланган Хотин-қизлар кураш федерацияси ташкил этилишида, 2006 йилнинг 14-16 апрел кунлари Термиз шаҳрида I-марофада хотин-қизлар ўртасида ўтказилган миллий курашчи қизлар фахрли ўринларни эгаллади.

Республика телевиденияси “Фан ва мерос” туркумидаги эшитиришларнинг бевосита иштирокчиси, вилоят ва республика миқёсида иш тажрибадари оммадаштирилган Жўракулова Саломат Қўшаевнанинг ёш авлодга пухта билим беришида ўзбекистоннинг келажати бўлмиш ёш авлодни жисмонан бақувват, ақлан баркамол бўлиб етишишида беқисс самарали меҳнатлари таҳсинга лойиқдир.

2005 йилнинг октябридан юзага келган Хотин-қизлар кураш федерациясини ҳанузгача бошқараётган виждонан пок, ҳалол, ҳар бир ишта масъулият билан ёндошадиган, 1992 йил “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг I йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланган, Тиниб-тинчимайдиган, серрайрат ташаббускор бу аёл ўзининг самарали меҳнати, ёш авлоднинг камолоти йўлида жонқурлиги билан вилоят аҳолисининг, спорт ишқибозларининг, ўқитувчилар ва талабаларнинг катта ҳурматига сазовор бўлган.

Ҳар бир ишта масъулият билан ёндошаётган бу аёл 4 нафар фарзанднинг онаси ва 4 нафар набирасининг меҳрибон бўвисидир.



Жўраева Турсуной



АДОЛЛТ БЎСТОНИНИНГ ГҮЛИ

Жўраева Турсуной Чориевна - 1964 йил 1 феврал Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида ҳукуқшунос оиласида туғилди. 1971 йилда Денов шаҳридаги 4-ўрта мактабнинг бошланғич синфига борди. Бошланғичдан тиришқоқ, эҷко ва билимдонлиги билан ўз тенгдошларидан ажралиб турарди. 1981 йилда Термиз шаҳридаги 4-ўрта мактабни «Намунали ҳулки ва аъло баҳолари учун» Олтин медали ва имтиёзли аттестат (шаҳодатнома) билан тугатди. Даласи тўнғич фарзандлининг муваффақиятидан хурсанд эди. Қизининг қайси касб эаси бўлиши нстагида юртанини эшитган Чори ака бунга бир оз қаршилик билдиргандай бўлди, лекин Турсуной ўз мақсаидан қайтмаслиги ва албатта отасидай ҳуқуқшунос бўлишга отасини ишонтирди ва 1981 йили Тошкент Давлат Университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. 1986 йилда мажжур Университетни имтиёзли диплом билан тугатлаб ҳуқуқшунос ихтисослигига эга бўлди.

1986-1987 йиллар мобайнида Термиз ОПС базасида юрист, 1987-1990 йилларда «Сурхан обл агропром транс» АПОда юрист, 1990-1995 йилларда Термиз совхозида юрист, 1995 йилдан хозирги кунгача Сурхондарё Вилоят Касаба Уюшмалари Бирлашмасида ҳуқуқий ишлар бўлимининг назоратчиси бўлиб ишлаб келмоқда.

Бу даврлар ичида Турсуной опа турмуш ўртоғи Асдор ака билан икки нафар фарзандини тарбиялаб воғта етказишти. Аборобек иқтисолди, кенжа ўғиллари Камолиддин бўлажак муҳандис.

Жамиятда барқарорлик, осойишталик ҳамда узлуксиз тараққийнинг таъминлинишида қомусимиз ва қонун устуворлиги алоҳида муҳим омили сифатида майдонга чиқди. Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш ижтимоий ҳаётда инсонпарвар, адолатли, ҳалқчил қонунлар қабул қилинишини такозо этади. Қонунларимизда ҳалқнинг ироласи муҳасам ифодлангани уларнинг юксак нуфузидан дарак беради.

Конуннинг устуворлиги, олийлиги давлат ва жамият ҳаётининг қатъий талабидир. Ана шу мақсадга эришишда Турсуной Жўраева ҳар бир фуқароннинг ҳуқуқий онтини ўстиришда тинмай меҳнат қилиб, жамиятимизга ўзининг камтарона ҳиссасисини қўшиб келмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, Прократуранинг фахрий ходими, учинчи даражали давлат алния маслаҳатчиси — генерал Чори Жўраевни адолат йўлида меҳнат қилаётган устоз ҳуқуқшунос сифатида шотирдлари ҳанузгача тилдан қўйишмайди. Кизи Турсуной учун дадаси устоз ва мураббий эди. Ҳозирги кунгача Турсуной опа отасининг ўғит ва насиҳатларига амал қилиб, ҳаётда ўз ўрни ва мавқеини етгаллаб, ўз касбининг устаси бўлиш истагида тинмай изланиб, ишлаб келмоқда. Шахсни қадрлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кўриқлаш — барча давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахсларнинг бурчидир.

Турсуной Чориева:

Мен Сизни гул десам, гулдан гўзалсиз,
Мен Сизни нур десам, нурдан гўзалсиз,
Мингта қиёс нечун, минг сифат нега?
Сиз чиндан гўзалсиз, чиндан гўзалсиз.
Мен Сизни шеър десам, шеърдан гўзалсиз,
Мен Сизни дур десам, дурдан гўзалсиз,
Мингта қўшиқ нима, минг сатр нега?
Сиз чиндан гўзалсиз, чиндан гўзалсиз.



Зиёдуллаева Хурматой



ХУРМАТ КЎРГАН ХУРМАТОЙ

Зиёдуллаева Хурматой 1956 йил 10 августда Сурхондарё вилояти, Сарбосиё қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. Хурматой опа 1963 йилда Сарбосиё туманидаги «Абдулла Қаҳҳор» номи 68 ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга бориб, мазкур мактабнинг 10 синфини 1973 йилда тутатди.

1973 йилда Тошкент Давлат университетининг Амалий математика ва механика факултетига ўқишга кириб 1978 йилда мазкур олийгоҳини тутатди.

Мутахассислиги математик.

Иш фаолиятини 1978 йилнинг 1 августдан Сурхондарё вилояти Статистика бошқармасида бошлаган.

1979-1991 йилларда Сарбосиё туман статистика бўлимида иқтисодчи вазифасида, 1991 йилдан шу бугунга қадар Сарбосиё туман Статистика бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келяпти. Сарбосиё туман хотин-қизлар кўмитаси раёсат аъзоси.

Хурматой опа оилали 4 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоқлари Абдурахим ака Шарипов Олий маълумотли ҳозирда «Тўпаланг Сув ГЭС қурилиш» маъсулияти чекланган жамиятда муҳандис лавозимида ишлайди. Катта қизлари Феруза 1983 йилда туғилган. У Термиз Давлат университетини тутатган. Олий маълумотли ўқитувчи.

Иккинчи қизлари Дилафруз 1984 йилда Термиз Давлат университетини тутатган. Олий маълумотли.

Кенжа қизлари 1987 йилда туғилган. Тошкент Молия институтининг 4-курс талабаси.

Ўғиллари 1994 йилда туғилган. Сарбосиё туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабнинг 9 синфда ўқийди.

Зуннунова Салтанатхон



НИЯТИ ЙЎЛДОШ БЎЛАЙ

Танишинг: Зуннунова Салтанатхон 1945 йилда Сурхон воҳасида туғилди ва шу ерда воята этди. 1962 йилда «Сурхон» совхози худудидати 3-мактабни аъло баҳоларга тамомлади. Шу йилнинг ўзидаяқ Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Унинг орзуси кишлоғидати одамлар соғлигини тиклашга, дардларига дармон бўлиш ва озор чекаётган беморларга ёрдам бериш эди. У шу ниятга олиғ маълумотли шифокор бўлиб уни кутаётган қишлоғига қайтди.

У шундай садоқат билан ишладикки, бу ерда яшовчи бирор киши ҳам унинг эътиборидан четда қолмади. У яхшигина ташиқлотчи ҳам, маърифат ва маънавиятни тушуналитан жонкуяр ҳам эди. Шу боис 1976 йилда Жарқўрғон туман партия кўмитасининг мафкуравий ишлар бўйича қотиби этиб сайланди. У 26 йил туман халқ депутат кўмитасининг иккинчи қотиби, 1990 йилда Кумқўрғон туман партия сифатига ҳам хизмат қилди. 1985 йилда Кумқўрғон туман партия депутатлари кенаш раис муовини, 1992 йил мартдан туман хокими ўринбосари ва 1992 йил июнидан то шу кунга қадар Ўзбекистон Халқ Демократик партияси туман кенаш раиси лавозимига ишлаб келмоқда. Айни вақтда 2008 йил 16 апрелидан бошлаб туман Қизил ярим ой жамияти раиси ҳамдир.

Салтанат Зуннунова 1969 йилдан 2000 йилга қадар вилоят хотин-қизлар кенаш раисига бўлган. Ҳозирда туман хотин-қизлар кўмитаси пленум аъзосидир.

У беш фарзанднинг наси. Турмуш ўртоғи ва фарзандлари унинг суянган тоғидир. Нияти фарзандларининг камолини кўриш, халққа сидқидилдан хизмат қилиш.

Завалиева Ольга



ЗАКОВАТЛИ ОЛЯХОН

Завалиева Ольга Ивановна — 1958 йилнинг 27 февралда Термиз шаҳрида ҳарбийлар оиласида туғилган.

1975 йилда Термиз шаҳридаги 10-сонли умумий ўрта таълим мактабини муваффақиятли битирди. Ҳарбийлар оиласида қаттиққўллик билан тарбияланган Оля мактабни туғатганда ҳам анчагина ишларни мустақил бажараолар эди. У дастлаб қишлоқ хўжалик бошқармасида ижро интизоми бўлимида муҳандис бўлиб меҳнат фаолиятини бошлади. Икки йил шу соҳада ишлаган қиз ижро интизомининг юритиш ишларини ўрганди, ёзув машинасининг етакчи мутахассисига айланди. Лекин олиғ маълумотга эга бўлиш кераклигини ҳис этгандан сўнг у хўжалиқларини сирдан ўқиш учун Термиз Давлат педагогика институтига топишди ва талаба бўлди. Амалиётдан ажралмаган ҳолда ўқиш ниҳоятда оғир бўлди, лекин у бу синовлардан муваффақиятли ўтиб, институтининг чет эл адабиёти кафедрасида қатта лаборант бўлиб ишлайди.

Истеъдодли рус қизини ўзбек йилги севиб қолиб, турмуш қурдилар ва шундан кейин 1983 йилда Термиз туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабига рус тили ва адабиётидан дарс бера бошланди. Мактабга келганда бир оғиз ҳам ўзбек тилини билмаган Ольга Ивановна мактаб бошларини севиб қолди ва астойдил ўзбек тилини ўранишга киришди. Тез орада ўзбек тилини, муслмон улумларини, ўзбек анъаналарини ўраниб олган Оляхон, ўзбек хонадонининг сеvimли бекасига, мактабнинг эса ажойиб, билимдон ўқитувчисига айланди. Унинг хўжалиқлар юритиш қобилиятига тан берган мактаб раҳбари мактаб расмий хўжалиқларини юритиш масъулиятини унга ишониб топишди. Мактабда ҳозирги кунда Оляхон ўз истеъдодининг кўлаб қирраларини намоён қила олди. У маҳоратли рус тили ўқитувчиси,

ажойиб пазанда, моҳир тикувчи, барча ҳужжатларни юрита оладиган ва уларни компьютерда жойлаштира оладиган ишбилармон аёлдир. У мактабда ўқазилган кечалар, учрашувлар, ҳатто туман миқёсида ўтказилдиган тадбирларни ташкилотчиси ҳамдир.

У 3 нафар фарзандини яхши тарбиялаб, воята етказган. Уларнинг барчаси ҳаётда ўз ўрнини топган. Катта ўғли — Эркин ҳозирги кунда Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармасида катта оператор вазифасида ишлайди. Иккинчи ўғли — Илҳом Термиз Давлат университетини имтиёзли тугатиб, ҳозирги кунда онасининг ҳамкасби — инглиз тили ўқитувчиси. Қизи эса тикувчи. Оляхон 6 неваранинг севимли бўвчиси. Мактабда эса ёш ўқитувчиларнинг жонқуяр мураббийси ва маслаҳатчисидир.



МУРUVБАТГА ТЎЛА КАЛБ

Зияватдинова Наргиза Тоҳировна 1974 йил 24 майда Сурхондарё вилояти Сариеё туманида дунёга келган. 1993 йилда Тожикистон Давлат коммерция ва кооперация Университетини тугатган. Мутахассислиги иқтисодчи.

Меҳнат фаолиятини 1991 йилда Сариеё туман марказий шифохонаси тиббый рўйхатга олувчилик иши билан бошлаган ва 2005 йил “Имкон” болаликдан ногиронлар ва уларнинг оилагарини қўллаб-қувватлаш марказининг ижрочи директори вазифасига ўтунига қадар қўйилган лавозимларда ишлаган.

1993-94 йилларда Олтинсой туман ҳусусий фирмасида ҳодимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи, 1994-1997 йилларда Олтинсой туман маиший хизмат кўрсатиш уюшмасида ҳисобчи, 2000-2001 йилларда Сурхондарё вилояти “Табиркор аёллар” уюшмаси ҳодими, 2001-2004 йилларда Сурхондарё вилояти “Аёллар ва ногирон болалар маънавият ва маърифат” маркази раҳбари.

Наргиза Зияватдинова иқтисодий ривожланишига қаратилган халқаро дастурларда иштирок этиб, тажриба олтирди: Корпус Милосердия 2001 йил, ОБСЕ 2002, ЮНИФЕМ 2003-2004 йил, АХР-2004-2005, CAZP 2002-2005 йил, Марказий Осиёдаги Канада дастури 2005-2006 йил.

Ўз билгим имкониятларини малака ошириш ва қўшимча таълим олиш билан кенгайтирди. Каунтерпат Консорциум томонидан ўтказилган. “Фандрейзинг”, “ННО и сооўество”, “Оценка потребностей сооўества” семинарлари, ОБСЕ Тошкент марказида тренерлари тайёрлаш ўқуви, АКШда 2002 йилда таъкикотда, CAZP дастурининг Сурхондарё минтақаси бўйича тренер-контрактери, Евразия TOT фондининг “Развитие сооўества” семинар тренингда,

“Каунтерпат Консорциум”нинг “Управление ННО” “Стратегик режалаштириш” семинар тренингларида, “Мониторинг и оценка проектов” ИХАЗД и ПИСМИ курси бўйича 2003 йил июль-ноябрдаги ўқувида, ОБСЕ тренинг марказининг 2003 йил Тошкентдаги тренерлар учун “Активизация женщин в общественной жизни в Узбекистане гражданское и правовое обучение” ўқуви, ОБСЕ тренинг марказининг 2004 йил Тошкентдаги тренерлар учун ўқувида, 2003 йил ПРООН микрокредитлаш дастури бўйича ўқув семинари, 2004 йил Олма-ота шаҳрида “Устойчивое развитие микрофинансовых институтов” халқаро конференциясида, 2006 йил Японияда ўзбекистон ва Япония ёшлари тажриба алмашуви ва ҳоказо катор масканларда ўз билим ва малакасини оширишга муваффақ бўлди.

Шу боисдан ҳам ўз имкониятлари билими ва раҳбарлик масъулияти билан бир неча йиллардан буён “Имкон” боғалиқдан нотирионлар ва уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлаш марказида иш юритмоқда. Хуллас у халқимизнинг кўнглини топиш, юрагининг оғриқ нуқталарига маълум излаш чора-тадбирларини қўллаш фикри хаёли билан яшайдиган инсон. Нартиза сувоқли ёр ва беш фарзандни ардоқлаб парварши қилаётган она.

Муруватпеша инсон дунёга яхши иш қилиш, яхши из қолдириш учун келади. Эзгу амалларингизни Олдоҳ қўлласин Нартизхон!



ФИДОЙИ АЁЛ МАСЪУЛИЯТИ

“Ватан учун жонини жабборга бериб ишлайдиган фидойи кишиларсиз ўзбекистон келажатини тасаввур этиб бўлмайди” — деб ётган эди Президентимиз. Ҳақиқатдан ҳам фидойи инсон, миллат учун қайтғуралди, ватан келажати учун бош қотиралди, ҳаммиса муайян мақсад йўлида ҳаракат қилалди ва мана шу интилишлари билан ҳам эл назарига тушадди, халқ ишончини қозонади. Мана шундай халқнинг эъзозига сазовор бўлган жафокаш Сурхон аёлларидан бири Соҳиба онадир.

У 1950 йил Сурхондарё вилоятининг Денов туманида таваллуд топган. Ўрта умумтаълим мактабининг тулатгач, 1966-1972 йиллар Республика Рус тили ва адабиёти институти (ҳозирги Ўзбекистон Жаҳон тиллари Университети)ни тамомлаган. 2005-2007 йилларда эса Низомий номидати Республика Педагогика Университетини тамомлаган.

Соҳиба Зияватдинова ўз иш фаолиятини 1972 йилдан бошлаган: 1972-1973 йилларда Сурхондарё вилояти Сарисоё тумани 4-сон ўрта мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, 1973-1985 йилларда Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани 22-сон ўрта умумтаълим мактабидида рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, 1987-1989 йилларда Тожикистон Республикаси ўратепа шаҳри 14-сон СКТУ (касб-хунаар коллежи) директор ўринбосари, 1990-1998 йилларда Тошкент шаҳри “Ависенна” марказида халқ таъбабатчиси, 1992-2002 йилларда Термиз шаҳар “Озодлик” маҳалласида пелагол, Термиз шаҳар ўқувчилар саройида методист, 2004-2005 йилларда Сурхондарё вилояти “Имкон” нотирион боғалар ва уларнинг оиласини қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари, 2005 йилдан ҳозирга қадар эса Термиз шаҳар “Нотирион боғалар ва уларнинг оиласини қўллаб-қувватлаш” маркази раҳбари лавозимида ишлаб келмоқда.

Соҳиба Зияватдинова ҳаминша интилиши, ўраниши, изланиши ва тажриба алмашиши билан ўз иш фаолияти давомида муайян ютуқларга эришди. 2003 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилган “ННТ ва ҳамжамиятлар”, “Лойиҳалар аризасини тузиш” семинари қатнашчиси бўлди, “Эдвокаси” компанияси иштирокчиси бўлди, март ойида бўлиб ўтган “ВИЧ-СПИД” семинар трененти қатнашчиси, Самарқанд шаҳрида ўтган “Лойиҳалар ёзиш”, семинари қатнашчиси бўлди, Тенерлар учун тренинг “Катталарга таълим бериш услуби” бўйича ҳамда “Эдвокаси” компанияси сертификатларига сазовор бўлди. Биргина 2003 йилнинг ўзидеёқ шу қалар кўп ҳамкорлик ташкилотлар, семинарлар иштирокчиси бўлиб, уларнинг сертификатларига лойиқ кўрилиш имкониятларига эга бўлди. Аёл киши бўлишга қарамасдан шунча ишга улгурди. Кейинги йилларда ҳам изланувчанликларини тўхатиб қўймади. 2007 йилнинг феврал ойида “Ҳамжамиятлар учун семинар тренинг режалаштириш ва ўтказиш” ЮСАИД қауңтератт Интернационалда иштирок этди. 2006 йилда “Ўзбекистонда инклюзив таълимни жорий этиш” семинар трененти қатнашчиси бўлди, Шу йилнинг апрел ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Мақтабларни эксклюзив таълимга тайёрлаш” семинарида иштирок этди.

2007 йилда унинг амалга оширган қуйидаги фаолиятларини таъкидлаб кўрсатиш мумкин. Инклюзив мақтабларни ривожлантириш, халқаро конференцияси қатнашчиси, Тошкент шаҳар “ФОПСИ” лойиҳаси, Ўзбекистонда эксклюзив таълим лойиҳаси қатнашчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ таълим вазирлигининг Оснй тараққиёт банки билан Ҳамкорликлари “Имконияти чекланган болалар учун таълим грант лойиҳаси” Сурхондарё вилоят бўйича қатнашчиси бўлди. 2008 йил 1-22 август кунлари ЮСАИД да ташкилотнинг Америка Кўшма Штатларида бўлиб қайтди.

Соҳиба Зияватдинова оилали. 4 фарзандли меҳрибон онаси, 5 набиранинг сеvimли бувижониси.



Исмоилова Марзия

КЎЁШИМ ДЕЙМУ СИЗНИ, ОЙИМ ДЕЙИНМУ

Аёлни қуёшта ўхшататилар юз бора ҳақ эдилар. Айнан сурхон муҳтарамларидан бири — Марзия олам қуёшта ўхшайдилар. Меҳри на қиш чилдасида бир элни иситиши мумкин. Ширин сўзидан муз қотган дийдалар тоши эриши мумкин. Сухбатидан сарғайишта юз тутган кўнгиллар яшилланиб, ҳаётга иштиёқ топиши, эзулик, тўзлик сари интилиши мумкин.

Аёлни ойма ўхшататилар минг бора ҳақ эдилар. Айнан Марзия олага ўхшатилар қоронгу тулдирин ой қабл ёритиб, не-не тақдирларин ёрут манзилларга олино этган. У дўст йиқилганида суянишин мумкин. У мард сиринга сирюп, даршита дардуюш. У шибар ёнида турсанг дилинг ёришай.

У омакли — уйи тўла болалар, ўғиллар, қизлар, таълимда турган келинлар. Энг муҳими у ватанпарвар, умри шу элга бахшида. Мақтаб ўқувчиллиги давридаёқ Марзия Исмоилова ҳаммадан ажрасиб туради. У ҳавас билан билим чўққиларига интилади. Ўрта мактабни битириб олам-олам орзулар билан Термиз Давлат педагогика институтининг кимё-биология факультетига ўқишга кирди. Институтнинг кириш имтиҳонларидаёқ профессорлар жамоасининг диққатига тушди. Ўқишга кирган йилидаёқ Марзия Холтожиевнани алоҳида ҳурмат билан фаоллар сарфига қўшилди. У тинмай ўқиди, изланди, устозлар ортидан эрлашди. Илмининг нурли уфқларига боқиб ёрқин келажактини кўрди.

1970 йил турмушта чикниш муносабати билан ўқилишни сиртқига алмаштирди. Шу тўғйеги 9-ўрта мактабда ўқитувчилик фаолиятини бошлаб иборди. Ўзлик турли туманлардан келин бўлиб тушган беш нафар келинчақ ўқитувчилар бир бўлишиб болалар боғчаси қуриш зарурлигини сўраб совхоз директори Хайлар Бахтовнинг олдларига бордилар. Раҳматли Хайлар ака ўқитувчи келинларнинг шайтани қайтармади, «Майли боғча кўрсатишини бошлаймиз, аммо боғчага сиз раҳбарлик қиласиз», — дедилар. Қишлоққа катта қўрилиш бошланиб кетди.

Марзия теран фикр, ғайрат-шижоати туфайли кишлоқлошлар орасида алоҳида обрў-эътибор қозонди. Ташаббуси билан очилган боғчани «Орзу» деб номлашди. Боғча кишлоқ кўржика-кўрж қўшди. Муносиб тарбиячи, ўқитувчилардан ташкил топган боғча туман ва вилоят мактабгача таълим муассасаларининг семинарлари ўталитан боғчага айланди. Марзияда раҳбарлик қобилияти борлигини кўрган туман раҳбари Чори Алматов уни туман партия комитетида ишга тақлиф этди. Шу тарика унинг умри масъул раҳбарлик фаолияти билан туташиб кетди. Бу ўз хуш-халоватидан юртдошлар таълимининг устун қўймоқ, ўз оилавий муаммоларидан юртнинг улкан, юксак, отир юкини устун қўймоқ дегани эди. Худди шундай бўлди ҳам. Бу йўлда уни турмуш ўртоғи Эргаш Мустафоқулов қўлаб-қувватлади. Баян даъа юмушлари билан бўлиб ишдан қоронғу кечга қолиб кетганида ўзи бориб ишхонада то Марзия опа ишларни тутатганича кутиб ўтиришдан бўлди.

Сабр-бардошли, сиёсий дунёқараш етук Марзия Исмоиловани 1980 йил Кумкўрғон тумани партия комитети секретари лавозимига тайинлашди. Бу — энди фақат ва фақат фидойиллик, эл-юрт ишига масъуллик демакдир. Бу йилларда у тобланди. Одамларни ўрганди, тажриба йигди.

1988 йилда эса уни чўл тумани ҳисобланган Қижарик туманига партия комитетининг секретари, 1990 йилда эса туманга раҳбар этиб тайинлашди. Бу масъул вазифаларда Марзия Исмоиловга мустақкам ирода, одамларга меҳр, вақтинлик, мулоҳазақорлик, бир сўзлик каби сифатлари кўл келди. Бу йилларда у аввало аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилашга эътибор қаратди: мактаблар, туғруқхона, шифохона, ёшлар саройи, замонавий бозор ҳам барпо этишга бош бўлди.

1992 йилда «Зафар» номли брокерлик идорасини очди. Ушбу ташкилот «Миллионер» брокерлик ташкилотига айланди. Ҳозир опа Кумкўрғон туман «Пилда» акционерлик жамияти бошқарув раиси. 2001 йилда Марзия опа Исмоилованинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан юқори баҳоланиб, «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. 2007 йил Республика «Аёллар Кенгаши» ташкилоти томонидан ўтказилган «Йил аёли» кўрик-танлови иштирокчиси бўлди.

У 3 нафар қиз, 2 ўғлининг меҳрибон онаси. Шириндан-шакар невараларининг ҳам севишли бўяси. Фарзандлари олий маълумотли-зиёли. Катта ўғли Абдумухтор магистрантурани имтиёзли диплом билан муваффақиятли тугатиб, Республикамининг нуфузли идорасида меҳнат фаолиятини бошлади. Ёш қобилиятли кадр сифатида

Япония давлатига бориб малакасини ошириш шарафига мўяссар бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси тингловчиси бўлди. Иккинчи ўғли Зафаржон иқтисодчи. У «Пиллачилик» корхонасида ҳукукшунос. «Эргашев Ҳикматилла» номли фермер ҳўжалигининг раҳбари. қизлари Шаҳно ва Насиба ўқитувчи, Нилуфар эса Термиз аэропортида иқтисодчи мутахассис. Келинлари, қуёвлари ҳам зиёли — халқ хизматида. Марзия опа фарзандларининг энг яқин маслаҳаттўйи, уларнинг тинч-тотув оиласининг посбони.

Мустақиллигимиз шарофати туфайли у мўяссар бўлган бахт-саодатни, риқ-насибани, тахтни барча фарзандларимизга ҳам насиб этишини тилайди.

Эзгуликлар Сизни асраб юрсин, Марзия опа!





Исломова Хидолат

СЎЗ — ХИДОЛАТХОННИНГ ЎЗЛАРИГА

Мен, Исломова Хидолат Тоировна 26 ноябрь 1950 йил Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида шунинг оиласида туғилганман. 1967 йилда Термиз туманидаги ўрта мактабни муваффақиятли тугатдим. Ўқини даврида Республика олимпиадасига қатнашиб, 3-ўринни эгалладим ва Тошкент Давлат университетининг “Кимё” факультетига имтиҳонсиз ўқинишга кириш учун йўлланима олишти муваффақ бўлдим. Аммо менинг қалбимда тиббиёт соҳасига қизиқишим ва яхши шифокор бўлишга иштиёқим кучли эди. Шу аснода мактабни тугатганимдан кейин Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳининг даволаш факультетига ҳужжатларимни топширидим. 1967-1973 йиллар давомида шу олийгоҳни ўқиб биттирдим. 1973-1974 йилларда Термиз шаҳар Вилоят тўғриқонасида интернатура — амалиётни ўтдим, 1974 йилдан ҳозиргача шу тўғриқонада шифокор — акушер-гинеколог, 1991 йилдан бугун эса, бўлим бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқдаман.

Хар бир оиланинг қувончи, жинслиги фарзанд бўлса, шу қувончга мен ҳам шерик бўлганимдан жуда хурсандман. “Хаёт — тўғруқхонадан бошланади”, — деб бежиз айтилмаган. Ҳомидалор, туғувчи ва туғқан аёлларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш — бизнинг асосий вазифамиз.

Оилаиман, 4 нафар фарзанднинг меҳрибон онасиман. Турмуш ўртоғим Сатторий Абдуманнон 1950 йил 4 ноябрда Термиз шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. Ҳозирги кунда виллоят Касаба уюшма қўмитасида бўлим mudiri бўлиб ишлаб келмоқдаглар.

Катта қизим — Сатторий Шохсанам Абдуманноновна 1977 йил 2 октябрда Термиз шаҳрида туғилган. Маълумоти ўрта махсус. Тикувчилик сирларини пухта ўзлаштирганлиги бонс моҳир тикувчи бўлиб етишди. Ўғлим — Сатторий Отабек Абдуманноновна 1980 йил

15 февралда Термиз шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. Ҳозирги кунда бемахонада директор ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда. Оилаим. Келиним Каттақулова Кенжаҳол Аважқулшевна уй бекаси. Қизим — Сатторий Фарангиз Абдуманноновна 1985 йил 9 мартда Термиз шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. Ҳозирги кунда “Термиз Халқаро Ҳаво йўллари” да иқтисодчи вазифасида ишлаб келмоқда. Ўғлим — Отабек на қизим — Ситора инглиз, дари, пушти, турк ва тожик тилларини билишади. Тил билгани — эл билди, юрт кўради дейишади.

Фарзандларимнинг бахти — менинг бахтим.





ОРЗУЛАРИ УШАЛГАН СОРА

Исмоилова Сора Қарши туманида туғилиб, мактаб таълимидан сўнг дастлаб Қарши шаҳрида политехника техникумининг бухгалтерия хисоби йўналиши бўйича таҳсил олиб, шу мутахассислик бўйича бир неча ташкилотларда фаолият юритди.

Соранинг болалик орзуси — ҳуқуқшунос бўлиш эди. Итилишлари уни Тошкент Давлат юридик институтининг кундузги бўлимига ўқишга киришга жазм этди. Ниҳоят, беш йиллик олий таълимдан сўнг, у ўзи қизиққан соҳа — ҳуқуқ-вилоят Адвокатлар ҳайъатининг Сарисоё туман юридик маслаҳат уйида адвокат сифатида иш олиб борган Сора Исмолова 2007 йил 21 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан Фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро фуқаролик судининг судьяси лавозимига тайинланди. Оилада бахтли аёл ҳамма ерда ҳам бахтли бўлади. У оилада бахтли. Турмуш ўртоғи — Аширқул Азимова моҳир ҳайдовчи... У ҳаммаша Сорахонни қўллаб-қувватлайди. Бир-биридан ширин дилбандлари: Гулнора, Моҳинур, Моҳинисо, Асига, Нозанинлар илмга, ўқишга чанқок.

Сора опа устозлари Тўракул Аликулов, ҳозирги кунда Сарисоё туман АЮК мудир, Жўра Мўминов фуқаролик ишлари бўйича Сурхондәё вилоят судининг раиси, Х.А. Тоғаев, фуқаролик ишлари бўйича Сурхондәё вилоят судининг раис муовини Фахриддин Ашуров, судья Жуманазар Боботов, фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судининг раиси Давлат Тўраевлардан касби учун муҳим ўқитларни ўрганганлигини эҳтиром ила таъкидлайди.

Биз орзулари ушалган Сора Баҳрамовнага омадлар тилаймиз.

Тўпрок кўча, олмали боғлар,
Китоб ўқиб, ситир боққан қиз.
Баҳордан ҳам чиройли чоғлар,
Ҳаммамизга бирдек ёққан қиз.
Сен эмасму, ўша Сорахон?!

Куёш билан бирга уйғонган,
Соҳларига дуо таққан қиз.
Чақнаб юрган, шарақлаб қулган
Кўрган дилга олов ёққан қиз.
Сен эмасму, ўша Сорахон?!





Инолета Халима

СИЗ САДОҚАТ, СИЗ МУХАББАТ

Бу кўркем аёлнинг қалби ҳам кўркем оиласи, хизмат жойи ҳам кўркем. Тил билиш, уни чуқур ўрганиш ва ўзгаларга ўргатиш савоб ишлар қаторига кириadi. Айниқса уни боғдаларга ўргатсанг уларни бошқа тилда ҳам бийрон-бийрон сўзлатиш учун уринсанг...

Халима Иноятова ҳам шундай ишларга қўл ўрган инсонлардан. У 1945 йил 4 июн кунин Оқарбулоқ қишлоғида туғилган. 1963 йилда Шўрчи туманидаги 1-ўрта мактабни тамомлагач Тошкент Давлат Педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирди. У ерда тилни чуқур билишга ошиқди. Н. Н. Толстой, А. П. Чехов, Анна Ахматованинг ижоди билан рус тилида танишди. Институтни 1968 йилда тугатиб 5-сон мактабга рус тили ва адабиётни ўқитувчиси бўлиб ишга кирди. Иш жараёнида ўзини яхши, тартибли инсон сифатида кўрсатиб, ўқувчилари ва педагогик жамоа олдига шуҳрат қозонди. Уни 1972 йилда қолхозлараро бирлашган боғдалар боғчаларига методист этиб тайинлашди.

1975 йилда Шўрчи туман ижроия кўмитасида воғта етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда масъул котиб бўлиб ишлади. Шўрчи туман ижроия кўмитасининг қарори билан Шўрчи шаҳар ижроия кўмитасига раис ўринбосари этиб тайинланди. Иш жараёнида ташқилогиллик қобилияти қўл келди. Ҳар соҳада ақлли, билимдон раҳбарлигини намоян этли. Шаҳардаги хотин-қизларнинг ардоғига эга бўлиб, фаоллиги ошди, оила тенглигини сақлаш учун қатор талбирлар уюштирди. Қилинган ишларни ҳисоб-китоб қилсангиз тап қўп чўзилганга ўхшайди. Келинг, ҳозирги кундаги ишларга назар солайлик.

1984 йилдан санатория типидати 4-сонли боғдалар боғчасида мудира бўлиб ишлади. Шу боғчани янги ташкил этишда катта жонбозлик кўрсатди. Боғчага 24 йилдан буён раҳбарлик қилиб келмоқда. Иш жараёнида боғдаларнинг соғлом бўлиши учун ҳаракат қилиб келди.

Шу мақсадда қатор ишларни амалга оширишга сазовор бўлди. Давлат дастури дастак бўлиб боғчада қурилишлар қилинди, оиласининг талбиркорлигидан олтирган даромади ҳисобидан боғча қайта таъмирланди. Боғчаси кўпгина танловларда 1, 2-ўринларни эгаллаб келди. Ҳар 4 та гуруҳда боғдаларга «Учинчи минг йилликнинг боласи» дастури асосида иш олиб боришмоқда. «Соғлом авлод», «Гўзаллик», «Мустақиллик», «Экалогия», «Жонли табиат», «Китоблар», «Миллий», «Меҳнат» ва «Навбатчи» бурчақлари ташкил этилган.

Халима опа бахтли оила бекаси тўрт нафар фарзанди, ширин-шакар набиралари, ўз ўғлидек бўлиб қолган куёвлари қуршовида пири-бадавлат умр кечирмоқда. Бир аёл учун бундан ортиқ бахт борми.

Халима опага:

Чашмадек тингловчи кўнгли қариди тўлқин яшар,
Неки тўлқин, баҳру уммон чайқалиб жўшқин яшар.
Сиз устозсиз турфа ўйлар шуъласи шамсу камар,
Ниятингиз оламча бордир фикр бўлиб тошқин яшар.
Кўксингиз синамайдир ҳислару, гул тўйгулар,
Қай бири дарёю сокин, қай бири шошқин яшар.
Сиз садоқат, Сиз муҳаббат улки имкон гуллари,
Боғингизда гул чечаклар умрдан мамнун яшар.



Ибрагимова Нодира



МЕХНАТДАН ЭЪЗОЗ ТОПИБИ:

Ибрагимова Нодира 1968 йилнинг 16 мартида Шўрчи туманида таваллуд топган. Ўрта мактабда таълим олган. Термиз давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Бу илм масканини 1991 йилда муваффақият билан битирди. Нодира Ибрагимова 1985–1989 йилларда Олтинсой туманидаги “Бинафша” болалар ботчаси тарбиячиси, 1989–1990 йилларда Олтинсой туманидаги 4-сон ўрта мактабда ўқитувчи, 1990–1992 йилларда Олтинсой туман Қорлик кишлоқ фуқаролар йиғинида клуб мудираси, 1992–1993 йилларда вилоят кўнгилтли меҳнат резервлари назоратчиси, 1993–1998 йилларда вилоят филмотека маркази тўтарак раҳбари, 1998–2001 йилларда вилоят халқ таълими бошқармаси маънавият ва кўшимча таълим бўлими мутахассиси, 2001–2007 йилларда вилоят халқ таълими бошқармаси умумий ишлар бўлими бошлиғи. 2007 йилдан буён вилоят халқ таълими бошқармаси умумий ишлар ариза ва шикоятлар бўйича мутахассиси лавозинида фаолият юритмоқда.

«Ўқитувчи камолот ичра кўзу» — деб бежиз айтишмаган. Инсон ҳаётида эришган ютуқларидан қониқиш ҳосил қилдими, демак у замондан бир қадам орқада қолди, дегани. Айниқса ўқитувчилар доимо ўз устида ишлаши, комилликка интилиб яшаши керак. Нодирахон ҳам доимо янгиликларга интилиб, изланиб яшайдиган, тиниб-тинчимайдиган аёлдир.

Нодира Ибрагимова “Халқ таълими аълочиси” дир, у бир неча бор Халқ таълими вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлигининг Фахрий ёрлиқлари билан раъбатлантирилган. У меҳрибон она, қизлари Маҳиё ва Фарангиз Термиз шаҳридаги 3-сон мактабда таълим олишмоқда, меҳнатдан эъзоз топган Нодира Ибрагимовага янги-янги муваффақиятлар ҳамда орзу умидларининг мустажоб бўлишини тилаб қоламиз.

Меҳрдан яратган гулмисиз,
Ифорта беланган дилмисиз,
Қўзлари маъноли, ўйчану,
Саодат шаҳрита йўлмисиз.
Оппоқ тонглар аро, сафолар аро,
Сизким дуолари ижобат бўлинг.
Қизлар улғайтириб, тўйлар бошида
Мудом бор бўлинг, саломат бўлинг.





Исматова Саодат

УШИНГ МАЛХАМЛАРИ КАЛБИНИ ДАВОЛАЙДИ

Саодат Исматова! У беморларни эски танишидай қарши олади. Унинг олдида келган киши ҳамма дардларини тўкиб соғланини ўзи ҳам билмай қолади. Унинг ёнида бир зум ўтирғач, ҳамма дардан халос бўлиб, енгил тортгандек бўлиб қоласан киши. Чунки у энг аввало кўнглингиз қулфига очқич топиш билан ўз ишини бошлайди.

Саодат Машариповна Исматова 1957 йил 7 апрелда Сурхондарё вилояти Шеробод тумани "Заработ" қишлоғида ишчи оиласида дунёга келган. Отаси 1915-1991 йилларда яшаб ўтган. «Кўхитанг» ўрмон ҳўжаллигида ишчи бўлган. Онаси Раҳматова Ёрфрин 1930-1991 йилларда яшган, ҳаминша оила ва болалар тарбияси билан машғул бўлган.

Саодат Исматова 1964 йилда Шеробод тумани Заработ қишлоғида 32-сонли ўрта мактабига 1-синфига ўқишга борди ва 1974 йилда шу мактабни муваффақиятли якунлаб, Андижон Давлат Тиббиёт олийгоҳида даволаниш факультетига муваффақиятли ўқишга кирди. 1980 йилда олийгоҳни тугатиб, 1981 йилгача вилоят 1-сон шифохонасининг Аллергология бўлимида врач-интерна бўлиб ишлади.

1981 йилда эса Термиз шаҳар катталар поликлиникасида терапия бўлимида тармоқ терапевт-врач бўлиб, 1993 йил октябр ойидан хозирги кунга қадар 1-терапия бўлими бошлиғи лавозимида феолият юритиб келмоқда. Поликлиникада хотин-қизлар кўнгитаси ранслигини ҳам бошқаради. Шунингдек, тармоқ хақими бўлиб, 7-тармоқда ишлади ва 13 йил давомида ҳар бир хонадонда қанча фуқаро яшайди, уларнинг соғлиғи, ҳатто оилавий аҳволи қандайлиғи билан қизқалиди, уларнинг тиббий кўриқдан ўтказиш, вақтида ёрдам кўрсатишни ўз бурчи деб билишди. Меҳнатлари инобатга олиниб, 2001 йилда «Мустақиллиқнинг 10 йиллиғи» кўжрак нишони билан тақдирланди.

Саодат Исматова оилали, 4 нафар фарзанднинг онаси.

Турмуш ўртоғи Норматхат Ниязов 1952 йилда туғилган. Темир йул ОРСда ҳисобчи, ўғли Яхё Ниязов 1981 йилда туғилган. Отаси касбини етадиган. Термиз шаҳар мулоффа ишлари бўлимида ҳисобчи.

Қизлари: Ниязова Шахноза 1983 йилда туғилган. Термиз шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникада ҳамшира. Ниязова Гулнора 1987 йилда туғилган. Термиз шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникасида дов. Ниязова Мафтуна 1993 йилда туғилган. Термиз шаҳар 8-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

Ҳам ишла, ҳам оилада ўз ўрнини топган, исми жисмига монанди саодатли аёл Саодат Исматова энг қучли малҳам деб қалбга қуйилган малҳамни ҳисоблайди. Шунинг учун бўлса керак, унинг беморлари тез тўзалади: шунинг учун бўлса керак қизлари ҳам оналарига ҳавас қилиб тиббиёт соҳасини танлашган.

Оташнафас шоир Муҳаммад Юсуф айтганидек:

Йилдан узун кунлари,

Ким кўнглини сўролган.

Ўзбекнинг хотинлари

Меҳнат учун яраган.

Қирқ йил қиргин бўлса ҳам

Ўз аҳлида туролган

Ўзбекининг хотинлари

Тоқат учун яраган.



Иноятова Суннат



СИЗГА ХАВАС КИЛИДИЛАР

Иноятова Суннат 1952 йил 8 мартда Шеробод тумани "Қорасу" кишлоғида энгил оғлаша туғилган. Сўрхон воҳасининг арчазор тоғлари, бешоён далавлардан иборат ўзаш, қўшли поз-неъматларга бой ўлка табиати билан баҳраманд руҳда ўстан бу қиз мафтўнкор тоғ жинслари, уларнинг антика ҳуусеиятлари, бетакрорлигига мафтўн бўлиб ултайди. 1960 йил Антор туманидаги Садриддин Айний номли мактабга ўқишга бориб, 1970 йил уш «Олтин медал» билан муваффақият билан тугатган, 1970-1975 йилларда Тошкент давлат университетининг кимё факултетини калонд-химия ихтисослиги бўйича ўқиб битирди.

1975-1977 йилларда ўз фаолиятини Термиз туманидаги 22-сонли мактабда кимё-биология ўқитувчиси вазифасидан бошлади.

1977-1979 йилларда эса ўз фаолиятини Мураббот туманидаги 29-сонли мактабда, 1980-1983 йилларда 33- ва 1-сон мактабларда кимё ўқитувчиси сифатида давом эттирди. 1983 йил 1 мартдан буён 36-умумий ўрта таълим мактабидида директор вазифасида ишлаб келмоқда.

Суннат Иноятова мактабни, ўз билиминини ошириш ва уни боғаларга етказишни ўз умрининг маъноси деб билди. Шу босилган ҳам мана 25 йилдирки 12 км.ли масофани яқин ҳис қилиб ҳар хил уювлар, баъзан пиеда йўл босиб фаолиятининг мазмунли бўлиши йўлида ҳаракат қилиб келмоқда.

У иккинчи уйи ҳис қилиб фаолият кўрсатаётган мактаб 1981 йилда кўриб ишта туширилган бўлса-да, жула кўп камчилик ва муаммоларга эга эди, ҳатто иситиш тизими кўрилиши чалғитиша қолган эди. Бу камчиликларни тезда бартараф этиб, 1985 йилдан ҳозиргача тўхтовсиз марказлашган иситиш тизими ишлаб келди, лекин уни ишлайтиш учун электр токи бўлиши зарур эди. 2008 йилдан эса тоқсиз ҳолда ишлайдиган иситиш тизими кўриди. Мана шу ўзгариш ва амалга оширилган ишларнинг ҳаммаси Суннат Иноятованинг кўз ўнгига бўлиб ўтди.

У ўз ўқувчилари билан баб-баровар қийнади, уларнинг қулайлиги учун тиш-тирноғи билан қуради. Шунинг учун ҳам мактаб Ола учун муқаддас ва унингилмас масканга айланиб қолган.

Таълимнинг сифатли бўлиши мутахассис калдрга боғлиқ бўлгани туфайли, энг аввало, сифатли мутахассис калдрлар топиш ва уни ишта жойлаштириш учун эзу ниятларидан яна бири ва асосийси бўлиб, Суннат опа яхши ўз фанининг билимқони бўлган ёшларни ўз мактабидан узоқлаштирмади. Аксинча, уларни кўпроқ жалб қилиш чора-тадбирларини назар кўради. Шу сабабли туман миқёсида ўқазилган фанлар олимпиадасида, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида, турли кўрик-танловларда ушбу мактабнинг ва жамоанинг ўрни бор. Кўрсаткичлар бўйича опа раҳбарлик қилаётган мактаб туманидаги фахрли ўринларда туради. Уштан 2007-2008 ўқув йилида мактабнинг бир гуруҳ ўқувчилари «Гисҳавиллик умр заволи» кўрик-танловининг республика босқичида фаол иштирок этишди.

Мактабда обонлаштириш, кўкламзорлаштириш ишлари жула яхши йўлга қўйилган ва шу сабабли 2006 йилда «Обод маскан» кўрик-танловининг туман босқичида фахрли 1-ўринини етдилашган.

Хуллас, Суннат Иноятованинг филокорона меҳнатларини инобатга олиб, 1995 йилда Халқ таълими вазирлигининг «Халқ таълими аълочиси» кўжрак нишони билан тақдирланди ва бир неча марта халқ таълими бўлимининг ҳамда туман ҳокимлигининг Фахрий ёрлигини олган. 2000 йилдан ҳозирги кунга қадар туман ХТБнинг «Хўрмат тахтасида» да ўрни бор.

Суннат Иноятованинг оиласи ҳам хавас қилгудек. Турмуш ўртоғи Рузқуллов Нормурод қариллик нафақасида. У шунинг ҳам дономо тан оладикки, ўзининг раҳбарлик фаолиятида кўп ютуқлари шу инсоннинг ёрлами ва эътибори билан бўлган. Фарзандлари Замира онаси йўлини тутган кимё фани ўқитувчиси. Ўғли Умиджон биология фани ўқитувчиси, туман Халқ таълими бўлимида услубчи. Яна бир ўғли Жўрабек эса Тошкент политехника институти толиби. Келини Нарпизхон она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. Тўрт нафар неваранинг буви.

Суннат Иноятова Сўрхон воҳасидаги энг хавас қилгудек педогоглар оиласининг бошланғич вақиласи. У ўз меҳнати, жамоаси ва фарзандлари билан фахрланиб юрса арзийди. Чунки Президентимиз таъкидлаганларидек, «Мамлакатимизнинг эртанги кунни, миллатимиз тақдири доно ва билимдон, ўз шавни ва қадр-қимматини англаб етди тан баркамол авлод тарбиясига боғлиқ».



ХАР ЕРДА ЎЗ ЎРНИ БОР

Иноятова Саодат 1950 йил 22 апрелда Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Хатак кишлоғи кенташига қарашли Хўжанок кишлоғида педагог оиласида туғилди. У Ангор туманидаги Садриддин Айнинг номи 5-ўрта мактабини 1966 йилда "аъло" баҳолар билан битирди ва шу йили Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтининг "Ўзбек тили ва адабиёти" факультетининг кундузги бўлимига ўқишга кирди. Уни 1970 йилда муваффақиятли тугатди. Саодатхон 1970 йилда Ангор туманидаги Менделеев номи 3-ўрта мактабда "Ўзбек тили ва адабиёти" фани ўқитувчиси бўлиб иш фаолиятини бошлади.

1971 йилда турмушга чиқди. 7 нафар фарзали бор, фарзандларидан 5 нафари олий маълумотли, турли соҳа мутахассислари сифатида меҳнат қилишмоқда, қолган фарзандлари олийоҳларда тахсил олишмоқда.

1975 йилда турмуш ўрнотининг ўз соҳаси бўйича ишга юборилганлиги муносабати билан Музrabot туманига кўчиб ўтди ва тумандаги 1-сонли мактабда "Ўзбек тили ва адабиёти" фани ўқитувчиси бўлиб ишлагани давом эттирди. Бу даврда Саодат Иноятова Ангор туман мактабларида ортиртган ўқитувчилик тажрибаларидан фойдаланиб, ўқувчиларни турли кўрик-танлов, олимпиадаларга тайёрлашга ташаббускор бўлиб, мактабда ўтатиغان фан кечалари, мушоира ва даяра суҳбатлари, савол-жавоб кечаларининг ташкилотчилиги бўлди. Унинг билимдонлиги, тиришқоқлиги, ташкилотчилиги кўза ташланиб, 1976 йили бошланғич синфлар бўйича директор ўринбосари этиб тайинланди. 1979 йили эса мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимида ишлай бошлади. Бу лавозимда 5 йил ишлаб, Саодат она мактабда таълим-тарбия ишларининг мутасадди яхшилатиш борисига ўз хиссасини қўшди. Мактаб бу даврда нафақат туманда, балки вилоятда ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, таълим мактабларидан бирига айланган.

Саодат Иноятова қаерда ва қайси лавозимда ишлагасин доимо изланар, янгиликларга интилар, билимини оширишга ҳаракат қиларди. Бу фаизилатларини инобатга олиб, халқ таълими бўлими 1984 йилда тумандаги энг катта ва намунали мактаблардан бири 33-ўрта мактабига директор этиб тайинланди.

1991 йил август ойида хотин-қизлар конференциясида Саодат Иноятова туман хотин-қизлар кенташ раисаси лавозимига сайланди. Туман хотин-қизларининг ижтимоий фаолиятини ошириш, турмуш шароитларини яхшилаш, ижтимоий ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза этиш, кам таъминланган оилалар, етим болаларга ёрдам масалалари доимо янги раҳбарнинг диққат марказида бўлди, бу йўналишда туманда ибратли ишлар амалга оширилди.

1999 йилда Саодат Иноятова Музrabot туман халқ таълими бўлимига мудир этиб тайинланди. Бу лавозимда унинг ташкилотчилиги, катта жамоага раҳбарлик қилиш хислатлари янада ёрқин намоён бўлди. Туман мактабларининг ўқув-моддий негизи янада мустаҳкамланди. 2000 йилда у вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи вазифасига тайинланиб, ўзининг иш даврида вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидати таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлади, халқаро ҳамкорлик яхши йўлга қўйилди, давлат таълим стандарти асосида ишлар олиб борилди, таълим муассасаларини компьютерлаштириш 24 фойздан 33 фойзга етказилди, таълим сифати ошириб борилди, вилоят халқ таълими бошқармаси республикада Фан олимпиадалари самаралорлиги ошди. 2002 йил ноябр ойида С. Иноятова Термиз туман халқ таълими бўлими мудирлигига тавсия этилди.

Саодат опа Иноятова 2006 йил сентябрдан ҳозирга қадар вилоят ўқувчиларининг "Биозкосан" ўқув услубий мажмуасида директор бўлиб ишлаб келмоқда. У ишни мажмуанинг биноси ва ташланлиқ ер майдонини обод қилишдан бошлади. Хоналари ишчи-хизматчиларнинг тинимсиз меҳнати туфайли ҳашар йўли билан таъмирланди. Аввало таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилди. Маъмура боллари обод, атрофи гулзорга айлантирилди, ўнлаб кўчат турлари етиштирилмоқда.

Саодат Иноятова 1997 йилда намунали хизматлари учун Республика Президентининг "Фахрий ёрлиғи", 2000 йилда "Халқ таълими аълочиси", 2001 йилда эса "Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиғи" кўжрак нишони билан тақдирланган.

Ирниязова Ойжамол



ОРЗУЛАРИ КАНОТ ҚОҚАДИ

Ирниязова Ойжамол Асқоровна 1950 йил 3 январда Сурхондаё вилоят Сари-Осиё тумани Чинор қишлоқ советида хизматчи оиласида туғилган.

1966 йилда тумандаги Ойдин номи 32-мактабни имтиёзли тугатган.

Ойжамол 1972-1981 йилларда Сурхондарё вилояти Ангор туманида туман бош терапевти, терапия бўлим мудир бўлиб ишлаган. Иш давомида минглаб беморларнинг соғлигини даволаб, иш фаолиятига соғ-саломат қайтишга кўмак берган.

У 1981-1986 йилларда Ангор пахта тозалаш заводи қoшида санатория-профилактория шифохонаси ташкил этиб, бош шифокор вазифасини бажарган. Ангор, Термиз тумани депутати сифатида кўп амаллари адо этган. 1986 йил 9 сентябрда Сурхондарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси қoшида санатория-профилактория ташкил қилиниб, унга яна бош врачлик вазифаси топширилди.

Ойжамол Асқоровна 1994 йил Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкисини хусусийлаштириш, рақобатни ривожлантириш ва давлат мулкисини бошқариш Республика давлат дастурига кириб, санаториялардан бирини умумлаштирди. 2000 йил санаторияни масъулияти чекланган жамият "Сурхон" шифо масканига айлантирди. Ойжамол Асқоровна бугун фаолияти давомида Сурхондарё вилояти ишчи-хизматчилари соғлигини тиклашда фидокорона хизмат қилиб келмоқда.

Ойжамол Ирнйязова доно раҳбар, ташкилотчи, сеvimли рафиқа, беш нафар фарзанднинг, 13 набиранинг меҳрибон онаси. Катта қизи — Ҳақимова Лауреат Орднуқуловна ота-она изидан бoриб, бугунги кунда Санатория бош шифокори вазифасида хизмат қилиб келмоқда. Оилали, 2 фарзанднинг онаси, врач-невропатолог.

Олим, Олил, Обил ва Лoбар каби фарзандлари ҳам ўқимини, оқил ва фидокор инсонлардир. Улар орасида фан докторини ҳам, кафедра мудирини ҳам, иқтисодчинини ҳам учратасиз. Уларнинг ҳаммаси эл-юрт хизматида. Ота-оналари каби меҳнаткаш-заҳматкашлар.





Икромова Сангиной

ТАШАБУСКОР, ЯНГИЛИКГА ИНТИЛУВЧАН АЁЛ

Икромова Сангиной 1961 йил 16 апрелда Сарисоё тумани Пирназаров жамоа ҳўжалиги Меҳнат қишлоғида дехқон оиласида туғилган. Отаси Икромов Саидназар 1904 йилда туғилган, мироб бўлиб ишлаган. Онаси Икромова Дурбиби 1916 йилда туғилган, уй бекаси бўлган.

Икромова Сангиной 1968 йил 5-ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга кириб, 1978 йил ушбу мактабнинг 10-синфини тугатган.

Шўрчи туманидаги сотувчилар тайёргаш курсини 1983 йилда тугатган. 1978 йилдан бошлаб марказий университет сотувчиси бўлиб иш фаолиятини бошлаган. 1980 йилда Нозимов Жўракул акага турмушга чиққан, ҳозирги кунда 5 нафар фарзанднинг онаси, 3 неваранинг моноси.

1980 йилдан – 1981 йилгача 1-савдо дўконида сотувчи, 1981-1990 йилгача Универмагда турли бўлимларида дўкон мудирли лавозинида ишлаган. 1990-1994 йилгача атторлик дўкони мудирли бўлиб ишлаган.

1994-йилдан мазкур дўконни хусусийлаштириб олган ва маҳсулот турларини кўлайитириб, дўконни ҳам кўлайитириб 1997-йилда «Нартиза» ишлаб чиқариш ва савдо-тижорат фирмасига айлантириб, туман иқтисодиётига муносиб ҳисса қўлиб кетмоқда. Ҳозирги кунда фирмага қарашли 3-савдо дўкони макaron ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 2та цех фаолият кўрсатмоқда ва уларда 10 нафар ишчи ишламоқда.

Туман аҳолисини нон ва макaron билан таъминлашда алоҳида намунали хизмат кўрсатмоқда.

Келгусида янги иш ўринлари яратиб, ишсизларга сонини кайтайтиришга ўзининг ҳисасини қўлишини режалаштирмоқда.

Сангиной Икромова ташаббускор, фаол, янгиликка интилувчан аёл. 20 йилдан буюн туман хотин-қизлар кўмитаси аъзоси. Тумандаги ўтказилган оммавий талбирларда фаол иштирок этади. Ўзининг ҳомийлик ёрдамини аямайди. Маҳалладати кам таъминланган оилаларга моштин ёрдам беради.

Ўзининг оиласи ҳам намунали оила. Ўғли Нозимов Фурқат 1981 йилда туғилган, маълумоти олий, оилаги Тошкент шаҳрида яшайди. Қизи Нозимова Нартиза 1983 йилда туғилган, оилаги 2 нафар ўғли бор. Ҳозир Тошкент шаҳрида яшайди. Қизи Севара 1987 йилда туғилган, оилаги 1 та ўғли бор. Денов шаҳрида яшайди. Қизи Нозимова Мафтун 1985 йил туғилган дўкон мудираси бўлиб ишлайди. Ўғли Нозимов Жаҳонгир Тошкент шаҳар Нафис санъат лицейининг 9-синфига ўқимоқда. Юз-қўзларидан доимо нур ёғилиб турувчи Сангиной онага юртнинг меҳрини қозониш осон бўлмаган. У ҳалол ва меҳнаткаш тўғри суз ва очик чеҳрали.

Ёшлар олата хавас билан қарайди. Унинг ҳомийлик ишларини батафсил ёзиб ўтирмалик. Элга бир берсангиз минг бўлиб қайтсин Сангиной она!





ҲАММА ГУЛЛАРДАН АБЬО РАЪНО

Раъно Йўдошова 1944 йилда Денов шаҳрида туғилган. Отаси Ҳамроев Йўдош совхоз ишчиси, онаси Ёкубова Бодомой 45 йил ўқитувчи бўлганлар. Денов шаҳридаги 4-ўрта мактабни 1960 йилда тугатиб, 1961- йилда Бухоро Давлат Педагогика олийгоҳининг физика математика факультетининг сиртки бўлимига ўқишга кирди ва 1966-йилда тугатди.

Иш фаолиятини 1960 йилда шаҳардаги 2-умумий ўрта мактабда бош пионервожатийликдан бошлади. 1961-1964 йилларда шу мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1964-йилда Саросиё туманига турмушга чиқди. Турмуш ўртини Ҳолбадалов Малик мактаб директори, район ижроия кўмитаси раис ўринбосари, ТУ-205 билим юрти директорлиги вазифасида узок йиллар ишлаб вафот этдилар.

Раъно опа 1964-67 йилларда 27- умумий ўрта мактабда, 1967-70 йилларда 3 умумий ўрта таълим мактабда, 1970-78 йилларда 64 ўрта мактабларда математика ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1978-1990 йилларда собиқ хозирги 2-ўрта мактабда директор бўлиб ишлади. 1994- йилда нафақата чиқди, аммо 2002-йилгача мактабда математика фанидан ўқувчиларга сабоқ берди. У иш фаолияти давомида жула кўп шогирдлар етиштирди.

8 йиллик мактабни ўрта мактабга айлантирди, кўшимча синф хоналари, ошхона, омборхона, устахона курдиришда астойдил ўз ҳиссасини қўшди. 1993-йилда эса “Мустақиллик” маҳалла фукаролар йиғини раиси бўлиб сайланди.

Унинг 48 йиллик иш фаолиятини ҳукуматимиз муносиб тақдирлади. 1970-йилда юбилей медали, 1974-йилда Республика

Педагогика ўқишида фаол иштироки учун “Фахрий ёрлик” билан, 1976-йилда “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” нишони, бир неча марта туман вилоят ҳокимлигининг Мақтов ёрлиги ҳамда Мустақилликнинг 15 йиллик юбилей медали билан тақдирланди. Раъно опа 5 нафар фарзандини эл юртимизнинг қорита ярайдиган муносиб қилиб тарбиялади. Уларнинг барчаси олий маълумотли.

Ўғли Илҳомжон технология олийгоҳини тугатган. Ҳозирда тижорат билан шугулланмоқда.

Ўгли Марруфжон қурувчи муҳандис туман Меҳнат бўлимида инспектор бўлиб ишлайди.

Қизи Сурайёхон Саратов Педагогика олийгоҳини тугатган. Тумандаги 1-ўрта таълим мактабида рус тили фанидан дарс бериб келмоқда.

Қизи Нигорахон шифокор, хозирги кунда Денов тумани Марказий касалхонасида врач лаборант бўлиб ишлаб келмоқда.

Қизи Гулнорахон Термиз Давлат Педагогика олийгоҳини тугатиб хозирги кунда 1-ўрта таълим мактабида кимё фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқда.

Бир этак шириндан шакар неварларнинг сеvimли бўвижони хозирги кунда ҳам маҳалла фукаролар йиғини раиси вазифасида ҳормай-толмай хизмат қилиб келмоқда.



Камолова Зулайхо



ОДАМЛАР ТАШВИШИДА

Сариосиё туман «Ўзғирасуғурта» ДАСК бўлими мудирлари давозимда ишлаб келаятган. Халқ депутатлари Сариосиё туман Кенгаши депутаты Камолова Зулайхо ҳам ўз жойида ишлаётган, тажрибали, малакали раҳбар аёл.

Зулайхо опа 1953 йил 23 апрелда Сариосиё туманида туғилган. 1970 йилда Сариосиёдаги А. Навоий номи 1-ўрта мактабни тугатган. 1970 йилда Самарқанд молия техникумига ўқишга киради. 1973 йилда ушбу техникумнинг «Давлат бюджет» факультетини муваффақиятли тамомлайди. Ва шу йилнинг май ойидан Сариосиё туман молия бўлимида назоратчи бўлиб ишлаб боради. Ўзи устида ишлайдиган Зулайхо катта оруз-умидлар билан 1973 йилда пойтахтга кетлади. Тошкент Халқ Хўжалиги институтининг Молия бўлимига сиртдан ўқишга кирди. 1977 йилда ушбу олий ўқув юртини битирди. 1975 йилда туман ёшлар танкилотига сектор бўлими ҳамда молия бўлими мудирлари давозимда фаолият юритди. 1981 йилда уни Сариосиё туман кишлоқ раислигига тайинлашди. 1983 йилда эса Сариосиё шаҳарчаси кенгаши раиси давозимига тасдиқ этилди.

1991 йилда бир муддат туман ҳокимлиги танкилот бўлими мудирлиги сифатида ҳам фаолият олиб боради. Зулайхо Камолова 1991 йилдан буён Сариосиё туман «Ўзғирасуғурта» ДАСК бўлими мудирлари давозимига фаолият юритмоқда.

Зулайхо опа табиатан жонкуяр аёл. Ишлари, уйлари қарда бўлмасин куйиб пишади. Нималарнингдир режасини қилади, қимларнингдир ташвишида юради. Турмуш ўртоғи фермер хўжалиги раҳбари Жабборов Сайфиддин ака ҳам аёлининг дом одамлар ташвиши билан юришга ўрганган. Кўп пайтлар уни қўлаб-қувватлаб, маслаҳат беради. Аёлининг ҳам ишини, ҳам оила, рўзгор ишларини эълай олганидан мамнун. Оиланинг бахти, устунли

муштаҳкам. Уч ўғил бу тулшанинг уч устунли. Катта фарзандлари Баҳодиржон «Сариосиётуманга» идорасида метролог бўлиб ишлайди. Ўртанча ўғиллари Баҳриддин СамДАКЙнинг 4 курс талабаси. Сафиддин эса Республика Ички Ишлари қарашли Академиянинг 4-курс талабаси. Учовдон ўғил, ота-она бир дастурхон атрофига йиғилганларида уйда тўғ тўй бўлиб кетди. Оиланинг 4 эркаги — Зулайхоннинг катта суянчилири. Меҳр ва муҳаббат қўш қанот бўлиб бу оила бошида қокиб турсин. Зеро унинг барча вакиллари элим деб, юртим деб ёниб яшамокда.





Каримова Гулбаҳор

ТАЪЛИМИНИНГ ЙОЛДЎЗЛАРИДАН БИРИ

Каримова Гулбаҳор Шаҳобиллиновна 1948 йилда Денов туманида туғилган, унинг 33 йиллик меҳнат фаолиятининг 27 йилини раҳбарлик лавозимлари ташкил этган. У кўп йиллар мактаб директорининг маънавий-маърифий ва тарбия ишлари бўйича ўринбосари, 1991 йилдан буён эса 60-умумтаълим мактабининг директори лавозимида ишлаб келади. Гулбаҳор Каримова жонкуяр ва фидойий халқ таълими ходими сифатида туман, вилоят ва республика миқёсида танланган талабчан ва ишбилармон раҳбар сифатида мактаб ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, таълим ва тарбия ишини такомиллаштириш, мактаб ишини ҳозирги замон талаблари асосида ташкил этиш учун ўзини бутун қуч ва имкониятларини сифарбар этмоқда. Ҳозирги кунда мактаб малякали педагог кадрлар билан таъминланган.

1999 йилда 60-мактабнинг «Мактабни ҳозирги замон талаблари асосида жиҳозлаш усуллари» мавзусидаги иш тажрибаси туман миқёсида оmmалаштирилди. Кейинги йилларда мактаб кўрсаткичлари туман миқёсида юқори ўрнида турибди.

Гулбаҳор Каримова раҳбарлигида мактаб биноси 2000-2001 ўқув йилида тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди. Мактаб биносини устхи қисми шиферланди, мактаб заллари қайтадан жиҳозланди. Мактабни таъмирлаш оталиқ ташиқлоглари ёрдами билан амалга оширилди. 1999-2000 ўқув йилида мактабда давлат тилини ўқитиш юзасидан тажриба-синов майдончаси ташкил этилди ва бу синов яхши якунланди.

Мактаб ўқувчилари ҳар йили туман, вилоят ва республикада ўтказиладиган фан олимпиадаларида фаол қатнашиб келдилар.

Мактаб педагогик жамоаси ўзи иш фаолиятини «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётта талбиқ этишга қаратган бўлиб, ҳар бир дарсда илгор тажриба ва янги педагогик технологияларни жорий этиб бормоқдалар.

Мактаб ўзини ўзи маблаг билан таъминлаш мақсидида ёрдамчи хўжалик ташкил этган.

Гулбаҳор Каримова «Халқ таълими аълочиси» унвони ва «Дўстлик» ордени билан мукофотланган.

Гулбаҳор онага:

Сиз борсиз боғлардан баҳор кетмагай,
Бир нафас диллардан изҳор кетмагай,
Саодат Сиз билан зинҳор кетмагай,
Ёнингиздан омад бир бор кетмагай.





ПОРЛАБ ТУРГАН КҮЁШИ

Нечун у бошқа касбни танламади. Олдий тикувчи ё ўқитувчи бўлса бўларди-ку. Ёки олдий ҳамшира. Йўқ, у бундай қилаолмасди. Чунки болалигидан оқ ҳадат кийган, кулоғига алданималарни тикиб, одамлар юратганини эшитиб аёлларни кўп учратганли. Ҳар учратганда ўшаларга ўхшатиб келаверарди. Бир кун ой-кунни етган онасининг дара чекаётгани, дўхтир опа ёрдамида бу тўлоқдан тезроқ кутилгани, чақалоқнинг ширин йитисидан ҳамма шод бўлганини кўрди-ю, орази энди қатъий ниятга айланди. Энди Зебинисо шундай дўхтир бўлади!

1958 йилнинг 28 октябр кунни Сарносий туманида Ҳабибулла Комиловлар оиласида тўзал Зебинисо туғилди. Болалигида ўртоқлари билан “дўхтир-дўхтир” ўйнаган қиз мактабни битирди-ю, Тиббиёт институтига ўқишга кирди. У берилиб-берилиб ўқиди. Врачлик сирин-асрорларини ўрганди. Айниқса, аёллар дунёси унга яқин бўлгани учун олдий халқ тили билан айтганда дояликни танлади. Акушер-гинеколог дипломи унга куч-қувват берди.

1982-1995 йилларда Зебинисо Ҳабибуллаевна Антор туман Марказий шифохонасида врач акушер-гинеколог бўлиб ишлагди. Хоҳ бемор аёллар бўлсин, хоҳ фарзанд кулаётган опа-сингиллар бўлсин-врач улар билан барабар азизт чекарди. Уларнинг кўзлари дардан форуҳ бўлиб мошдек очилганда енгил нафас оларди. Аёллар Зебунисо Ҳабибуллаевнани ўзларининг энг яқин дўстлари деб билардилар. 1995-2006 йиллар орасида ниятга қобилиятли, фикр доираси кенг З.Х. Комилова Антор туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимида хизмат қилди. Бу янада муваққаб, янада масъулиятли вазифа эди. Уни улдулайидан эмас, қанчадан-қанча хотин-қизларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашди, иштимос ва тақлифларини амалга оширди. Уларнинг дам олишлари дейсизми, китоб мутолаа қилишлари дейсизми, худдас хотин-қизлар борасида у кўл урматан иш даяри қолмади.

Биласиз, иш бор жойда қамчиликлар бўлиб туради. Зебинисо Ҳабибуллаевна иложи борича иш жараёнида юз бераётган қамчиликларни тўғирлашга уринди. У кўмита раиси сифатида қариялардан дуо олди, кўпчиликдан раҳматлар эшитди. Вақтлар ўтиб Зебинисо ўз касбини кўмсаб қолди. Худди чанқоқ одам дентизга ташингандек. Чақалоқлар интасига ташнадек. Шу боис энди у 2006 йилда ўз касбига қайтди. Шу кеча-кундузда З.Комилова Антор туман Марказий Шифохонаси “Мустақиллик” ВП акушер-гинеколог лавозимида ишламоқда. У ЛДП аъзоси.

Турмуш ўртоғи Қўчқоров Бахтиёр Алгаёрович шу Марказий шифохона врач. Улар жуда тотув яшашди, ўғил-қизларининг бахтли келажиги учун уринишди. Ойла, тинчлиги, ишлати ҳалол ва самимий муносабатлар, қолаверса, ўз устида ишлаш, ҳамон ўқиш-ўрганиш Зебинисо Ҳабибуллаевната қаноат берарди. Шу қанот-да у ҳам узок йиллар ҳамюртларига хизмат қилаверарди. Унинг шиори “Олға ва яна олға интилайлик. Порлаб турган кўшимизнинг қарига етайлик!”

Порлаб турган кўёши унинг Антори, Сурхондарёси, Ўзбекистонидир!



Кашаева Флора



БОЛАЛАРНИ ҲИЛЛАЙДИ ФАҚАТ

У мактабни битираётганида "Ким бўлсам экан?" деб Ҳиллаб ўтирмади. Чунки ким бўлиши аниқ-тиниқ эди. У болалар врачини бўлишни ниёт қилган эди. 1956 йилининг 5 апрелида Термиз шаҳрида туғилган Флора Рафиқовна Кашаева мактабни битирди-ю, кўҳна шаҳар Самарқанд сари йўл олди. Бу 1973 йилининг 5 ойлари эди. Бахт қўлиб боқди. Флора Самарқанд медицина институтига қабул қилинди. 1979 йилда эса уни тамомлади. Шу йилиёқ оламуғмул шаҳарнинг 4-болалар поликлиникасида участка педиатри бўлиб иш бошлади. 1985 йилда эса Термизга қайтди ва шаҳар болалар поликлиникасида участка педиатри вазифасини бажара бошлади. Эндора Чатауллина, қувондиқ Мадартов каби тажрибали мутахассислар унга кўп ёрдам берди, маслаҳатларини ашмади. Асли жонқуяр Флора Рафиқовна ҳам "Ўз ишининг фидойиси" деган номга муяссар бўлди. Ана шу фидойилик ва болаларга меҳр уни бош врачнинг лавозими ишлари бўйича ўринбосарни вазифасига етказди. 1999 йилда эса уни Термиз шаҳар болалар поликлиникаси бош врач лавозимига тайинлади. У ишга янада бел боғлаб киришиб кетди. Шу йилиёқ янги кўринишдаги болалар поликлиникаси қурилиши бошланди. Шаҳарда яшовчи ҳамма болаларнинг континенти эди. Поликлника бағрида кундузи стационар ишга тушади. Массаж хонаси, амбулатория хирургия маркази, ЛФК хонаси очилди. Болалар текширувдан мунтазам ўтказиб туриладиган бўлди. Омавий касалликлар олдини олиш учун курашилди. "Бу ерда ширинёшликлар, меҳрибонлар, аини вақтда қатъий фикрли инсонлар ишлайди" дейишарди ота-оналар.

Ҳозир ҳам шундай! Флора Рафиқовна болаларни жуда севади, улар учун жонини қўйди ва ҳаммани шунга чақирди. Камтаринлик, ҳушумомалликни барча ундан ўрансин, дегингиз келади. Бош врач сифатидати ташкилотчилик қобилияти унинг юксак фазилати.

Чунки у ўз билимини, билганларини ёшлардан аймайди. Унинг билганлари эса, ўзига хос мактаб, ўзига хос сабоқ. У ёшлар қалбига ўз ўзининг қалбини кўради, қизқинчларини кўради.

Флора Кашаеванинг кўп йиллик меҳнатлари ўз қадрини топти. У ўзининг кўнгли, ҳушёрлиги, ички эҳси билан атрофдагилар кўнглига йўл топаолган аёллар.



Мардонкулова Улдон



ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ

Шундай бир мақсадлар бўлдики, у ҳаётининг йўлчи юлдуз мисоли ёритиб борарди. Бу сертайрат аёл узоқ йиллар давомида тиббиёт соҳасида меҳнат қилган. У энг сингари аёлларни туғруққа тайёрлаб, кўзи ёритишга қадар тепасида мижжа қоқмай чиққан мухтарам аёл Улдон Мардонкулова 1948 йилда Шўрин туманида дунёга келган. 1955-1965 йилларда Алишер Навоий номидаги мактабда аъло баҳоларга ўқиган. Улдон опа бир уринишда Самарқанд Тиббиёт олий ўқув юртига ўқишга кирди. Шифокор бўлиш, аёлларнинг отир кунларини енгиллаштириб, тани-жонларига соғлиқ улаиш унинг энг буюк мақсадига айланишга улгурган эди. Чақалоқнинг илк «инта»сини эшитиш эса барча қийинчиликлар учун берилган олий мукофот санарди у. Улдон ўқинишни муваффақиятли бошлаб олди-ю, аммо, орадан бир йил ўтар ўтмас онаси тўсатдан дунёдан ўтди. «Мен ўқинишда бўлсам еттига ўқамни отам қандай боқадди. Улар менсиз қийналиб қолгилар» дея ўқини ташлаб уйга қайтди. Аммо отаси, барча оғирликларни бўйнига олиб Улдонни ўқинишга қайтарди. «Ўқиб катта одам бўл, болам. Сенинг оилангга ёрдамнинг шу бўлади. Юзинини ерга қаратма, болам» дея фотиҳа берди. 1972 йилда Улдон Мардонкулова олий ўқув юртини тавомуладди.

Устозлари ҳам тиришқоқ талабаларига оқ фотиҳаларини берилди. Бу орада у турмушта чиқадди. Турмуш ўртоғи ҳам врач, олий тоифали шифокор. Уларнинг икки ўғил, икки қизлари бор.

Улдон опа 1990 йилдан Кумкўртон туман туғруқхонасида бўлим бошлиғи бўлиб фаолият юритилади. Ҳар сафар чақалоқ овози эшитилганда Улдон опадан бахтлироғи топилмайдди тўғ.

Улдон опа соғлиқ-саломатлик ҳақида тўлиб тошиб гапирарди. Сабаби, касбини севади. Сабаби — у интилан, мақсади аниқ. Йўлчи юлдузи йўлларини порлатиб турибди унинг. «Икки йўл орасида» турган қизингиз борми, сингилнингиз борми, келинингизми, фразандин дунёга келгунча тепасидан кетмайди. Унинг енгил кўли фойдали маслаҳати қанча-қанча оилаларни бахтли эмаган дейсиз. Ана шундай фидойи, меҳри дарё аёллари бор ўзбек элининг.

Мирзасева Хадича



ЯХШИЛАР МАНТУ ЯШАЙДИ

Бобоҳўжаева Хадича опа 1916 йилда Шеробод шаҳрида туғилган. Тақдир опани бир ёшта тўлганда ота-онадан ажратди. Бир ёшли қизалоқ 12 ёшли акаси Абдусаммад ака тарбиясида қолди. Ота-онаси ўқимини одамлар эди. Хадича опа 15 ёшта қирғанда акалари Москвада Молия институтида сингилларини ўқитиш учун олиб кетди. Ўша ерда Хадича опа рус тилини ўрганади, лотин алифбоси бўйича саводини чиқаради. Кейинчалик олти ойлик муаллим тайёрлаш курсида ўқийди. 1934 йилда турмушта чиқди ва уйда боғалар тарбияси билан шуғулланади. Онаси саволи ва чевар аёл бўлган. Ирсиятдан ўтганим, Хадича опа ҳам чеварликдан ҳеч қарарда ўқимаса ҳам, энг яхши тикувчи бўлган. 1942 йилда турмуш ўртоғи Мирзасев Луқмон урушга кетди, 3 ёшли ўғли Низомиддин, 1.5 ёшли қизи Муқаддам, унинг фарзанди оғирроқ ҳолда қолди. 1943 йилда турмуш ўртоғидан қора хат келди. 27 ёшли аёл бошига боғаларни боқиб, рўзгор тебратиб қоби юклар тушди. Шерободдаги тикувчилик цехига ишга кирди. Солдатларга пуфайка, пахталик шим, гимнастёрка тикди. Аҳвол отир бир пайтда қизамиқ ва кўк йўтал деган бағо пайдо бўлди ва отасини кўрмаган қизалоқ Мукаррамни ҳаётдан олиб кетди. Хадича опа кўрқиб қолди. Уйдаги гилам, стол, стулларини сотиб ўғли ва қизига едилди ва даволатди. Уруш тугагач эркаклар костюм шимларини, аёллар кўйлаги ва камзулини тика бошлади. Кундузи ишхонада кечаси, лампа ёруғида тинмай тикиш тикади.

Хадича опа боғаларига — «Ўғлим сен врач бўлсанг зўр врач бўласан, қизим сен зўр ўқитувчи бўласан, орзумим шу», — деб боғаларини ўқинишга катта эътибор берар эди. Хадича опани орзулари ортиги билан амалга ошди деса бўлади. Қизлари халқ маорифи аълочиси, ўтиллари тиббиёт фанлари доктори, ҳозирги пайтда Тошкентдаги Қибрай санаториясининг директори.

Халича опа турмуш ўртоғини умрбод кутди.

У болаларини тарбия қилишда вафодорликда, меҳнатсеварликда ҳаммага ибрат бўладиган аёл эди.

Тикувчилик цехида ишлаш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол қатнашарди. Шеробод партия комитетининг пленум аъзоси, бир неча йиллар халқ судида маслаҳатчи бўлди. Болалари Тошкентда қолгач, 1962 йилда Тошкентга кўчиб келиб, «Қизил тонг» фабрикасига ишга кирди. Халича опа бу ерда ҳам палётони пишиқ ва бежирим тикиши билан ҳаммага ўрнак бўлди.

Халича опа фарзандлари, неваралари, чеваралари ардоғида 81 ёшга кирганда вафот этди. Қизи ва ўғли оналарига қанчалик меҳрибон бўлмасин, парвариш қилишмасин онасини кемтик кўнглини тўлдиролмагандай бўларди. Қизи оналари ҳақида куйидаги мисраларни ёзди:

Кечалари тикиш тикиб онам кўшиқ тўқирди,
Кўшиқ эмас у гитлерга қарғиш ўқин отарди.
Ҳижрон азоб ўқубатда ўтди келинчақ умри,
Етиб бўлун саксон ёшга кўзидан кетди нури.
Шуккур дейди онагинам берган ўғил қизингга



ЭЛНИНГ ЭЪЗОЗЛИ УСТОЗИ

Мирзаева Муқаддам Лукмоновна 1940 йил Шеробод туманида ишчи оиласида туғилди. Отаси Лукмон Мирзаев иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган. Онаси Халича Мирзаева 1997 йилда вафот этган. 1947 йилда Шеробод туманидаги 1-сон ўрта мактабга ўқишга кириб, 1957 йилда аъло баҳолар билан битирди. 1958 йилда турмушта чиқди. 1963 йилда Тошкент Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетини битирди. Иш фаолиятини Тошкент вилоятида бошлаб, Термиз шаҳрида Педагогика институти очилиши муносибати билан Термизга кўчиб келди. 1965 йилдан бошлаб Термиз меҳинина билим юртида дарс бера бошлади. 1967 йилда Термиз туманидаги Ойдин Собирова номи мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишга кирди. Қизғин педагогика фаолияти мобайнида шеърят билан шуғулланишни шу мактабда бошлади. 1974 йил Ҳамид Олимжон номидаги 12-сон ўрта мактабга ишга келиб 1998 йилгача ишлади. Иш фаолияти давомидаги ютуқлари ва самарали меҳнатлари учун 20 дан ортиқ мақтов ёрлиқларига сазовор бўлди. 1981 йилда «Халқ маориф аълочиси» унвонига, 1986 йил «Катта ўқитувчи», 1991 йил «Методист ўқитувчи», 1992 йил «Олий тоифали ўқитувчи» унвонларини, 1997 йил иккинчи даражали «Соғлом авлод» ордени билан мукофотланди. Иш жараёнида республика ва вилоят газеталарида шеърлари ва бола тарбияси ҳақидаги мақолалари, Челябинск области маляка ошириш институти билан ҳамкорликда «Математикани Шаталов методи билан комплекс анализ қилиш ёрдамида ўқувчяк ички бурчакларини йилгилди» каби мавзуларда мақолалари чоп этилган.

Муқаддам Мирзаева оилаги. Турмуш ўртоғи Зайниддин Мирзаев тарих фанлари доктори, профессор Термиз Давлат Университетида дарс беради. Икки нафар ўғли ва икки нафар қизи бор.

Ўгли Жалолиддин тарих фанлари номзоли, ҳозирги кунда докторантурада ўқимоқда.

Кизи Сурайё Шерободлати касалхонада даволовчи шифокор. Муҳайё фан номзоли, Тошкент маданият институтида дарс беради. Ўгли Сирожиддин физика фанлари доктори, Фанлар Академияси иссиқлик физикаси институтида ишлайди.

Муқаддам опа 10 набиранинг сулокли, меҳрибон бувиси бўлиб бахтли қариллиқ даврини сурмоқда. Жамоат ишларида ҳам қатнашиб туради. Вилоят Хотин-қизлар қўмитаси аъзоси.

Ўзбек аёли гўзал шарқона иффати, ахлоқий фазилатлари билан кун сайин юксалиб, ақл заковати орқали қадр-қиммат топиб боради. Муқаддамхон Мирзаева ана шундай аёллардан.

Муқаддам опа математика ўқитувчиси бўлса ҳам шеърят ва санъат шайдоси. Кичик-кичик шеърлари «Ўқитувчилар газетасига», «Аёл ва замон» газетасига босилиб туради.

Муқаддам опа ўзини педагогик фаоллиги давомида энг илгир замонавий дарсларни ўтиб уни ёшларга ўргатди. “Халқ маорифи аълочиси” деган нишонни тақиб қайтди. Очiq дарслар ўтказиб ёшларни дарсга кириб, уларга методик маслаҳатлар берадилар.

Соч оқарди, оқарди соч, майли оқарсини,
Гарчи ҳали ёш бўлсамда, барвақт бўлсамда.

Истайманки аммо фақат ҳеч ким ҳеч қачон,
Айтмасинлар оқарибди у сочини аммо қардла?

Оҳ бу савол заминиди ётар кўп маъно,
Тортилади инсон умри ва меҳнати тош тарозида.

Умр беқорга ўтмасин кимларгалир,
Яхшилик ва яна яхшилик қил.

Умрининг тарозисен болаларининг олоби ўқини, қандай инсон бўлиши билан ўлчанади. Илм ўрган ва шуғуллан, ҳалолликка болаларининг ўрат дейдилар, Муқаддам опа!

“Дунё тинч бўлсин фарзандларимиз ота бағрида ўқискииз ултайиб Ватанимизни келажagini яшнатиб юрсин!” — дея дуота қўл очадилар Муқаддам опа!



Маматкулова Рисолат

МЕҲНАТДАН ШУҲРАТ ТОПГАН

Маматкулова Рисолат 1966 йил 22 апрелда Сурхондарё вилоят Термиз тумани Паттакесар К.Ф.И. “Мангузар” маҳалласида туғилган. Оилаги. 3 нафар фарзанди бор. 1983 йилда ўрта мактабни, 1988 йилда эса Термиз Давлат университетини рус тили факультетини 1990 йилдан 2003 йилгача Термиз туманидаги 14-ўрта мактабни рус тили ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 2003 йилдан ҳозирги кунгача “Сурхон воҳиси” фермер хўжалиги раҳбари лавозиминида ишлаб келмоқда. “Сурхон воҳиси” фермер хўжалиги 2003 йил 3 январда Термиз тумани ҳокимининг 2-сонли қарори билан ташкил этилган. Хўжалик пахта, галла, пилла ва чорва маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Шунингдек, фермер хўжалиги тасарруфида мебель цехи, сартарошхона, тикувчилик цехи, тушт дўкони, алюмин эшик дераза цехи аҳолига хизмат кўрсатмоқда. 2008 йил арафасида замонавий Хитой технологияси асосида пластик маҳсулотлардан бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган минни завод ташкил этди. Хўжаликда 98 киши меҳнат қилади. 2007 йил улар 100 гектар майдонда “Наманган 77” навли пахта етиштириб, мўл ҳосил олишди. 57,7 гектар майдонда бўғдой етиштирилди. 8 га.да пилла парвартиш ушун тутзор ташкил этилган. Қолган майдонларда беда ва поллиз экинлари етиштирилди. Фермер хўжалигида 450 бош қўй-қўзи ва 100 бош қорамол мавжуд.

Хўжалик 2005 йил Хиндистон республикаси билан велосипед ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қуриш учун шартнома тузди ва велосипед йиғиш цехини ишта туширди. 2008 йилгача 20 минг лонадон ортиқ маҳсулот тайёрланиб, мижозларга етказиб берилди. Ушун йилги велосипед йиғиш цехида ногиронлар учун қасаначилик, “Мангузар” маҳалласида қаровсиз қолган стадион қайта таъмирланиб, имонавий спорт ўйингоҳи бунёд этилмоқда. Булар фермер Рисолат Маматкулова амалга ошираётган ишларнинг айримлари, холос.

Рисолат Маматкулова раҳбарлик фаолияти даврида бир неча марта Вилоят Республика миқёсида ўтказилган “Ташаббус” кўрик-танловлар галлиби бўлиб Диплом, Фахрий ёрлиқлар соҳиби бўлган. 2006 йида “Шуҳрат” медали билан тақдирланган. “Сурхон воҳаси” фермер хўжалиги эришган ютқиқлар Рисолат Шермадоевна фаолиятининг акс-салосилдир.



Маматкулова Ҳамида

ОРЗУЙИМ ЮРТИМНИ ДОИМО ТИНЧ, ЭЛИМНИ МУДОМ ФАРОВОН КЎРИШ

Ушбу порлоқ ният соҳибаси умр давомида ёш авлодга илм аталмиш улут неъматини баҳшида этган, устоз-мураббий Ҳамида опа Маматкулова бўлганлар.

Ҳамида Маматкулова 1947 йилнинг 25 июлида Бойсун туманида туғилган. Ўрта мактабни тутаттач, Термиз Давлат Педагогика институтига ўқишга кирди. Бу илм масканини 1969 йида муваффақият билан якунлаб, “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси” мутахассислиги дипломига эга бўлди. 1969–1970 йилларда тумандати 47-сон ўрта мактабида ёшларга таълим берди.

1970 йилдан 2-сон ўрта мактабида директор этиб тайинланди. Ҳамида Маматкулова иш фаолияти давомида 2-сон мактаб нафақат туманда балки вилоят миқёсида стажчи мактаблардан бирита айланди. Фан олимпиадалари, “Санъат байрами”, «Марҳабо талантлар» каби танловларда мактаб ўқувчилари доимо республика совриндларини кўлта киритишди. Бу давр мобайнида мактабни ўнлаб ўқувчилари “Олтин медаль” билан битирди. Юзлаб аълочи ўқувчилари эса юртимизнинг олий ўқув даргоҳларида таълим олиш бахтига муваффақ бўлишди.

Айни пайтда ушбу мактабни битириб олий ўқув юртиларида билим олган авлод республика, вилоят, туман миқёсдаги нуфузли идораларда ишламоқда. Уларнинг орасида фан докторлари, спорт устازلари бор.

Ҳамида Маматкулова тумандати 5-6-сон боғалар боғчасини ншта тушишида ҳам бош-қош бўлган. Ҳозирда бу боғчаларда туман аҳолисининг юзлаб фарзандлари тарбияланмоқда. Тумандати янги “Мустақиллик” маҳалласида йўл таъмир талаб эди. Ёшлар таълим олиш учун 4–5 км йўл босиб марказдаги мактабларга қатнашга мажбур эдилар. Ҳамида Маматкулова бошлиқ жамоа туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлимига ушбу долзарб масалани кўтариб асло тиним билмадилар.



Натижада маҳалладаги 6-болалар боғчаси, аввал мактаб боғча, сўнгра мактабга айлантирилди. Хозирги кунда маҳалла ёшларининг 500 дан ортиғи ушбу мактабда таълим олмоқдалар.

Ҳамида Маматқулованинг умр йўлдоши шифокор Иноятулло Умаров билан 5 нафар фарзандни Ватанга муносиб инсонлар сифатида воғта етказдилар. Қизлари Наимахон ва Нафисахонлар она касбини давом эттириб ёш авлодга таълим бермоқдалар. Яна қизлари Нилуфархон ва Машурахонлар ҳамда келини Юлдузхонлар ота касби шифокорликни танлаб элу-юрт саломатлиғи йўлида хизмат қилмоқдалар. Ўғли Мирқамол эса солиқ инспекциясида солиқ инспектори вазонимида ишламоқда.

Ушбу кунларда нафақа гаптини сураётган Ҳамида опанинг бир армони бор, бу меҳрибон онаси ҳақида китоб ёзиш аждоҳлари эл-улуста илму ирфон зиёсини таратган зотлар бўлганлиги Ҳамида опата доимо турур ва малад бўлган. Умид қиламизки, меҳрибон она, севимли буви ҳамда минглаб шогирдларининг ҳурмати устои Ҳамида Маматқулованинг армони албатта ушалажак.

Муштинлар ҳам ўзинг, буюк ҳам ўзинг,
Куюнчак ҳам ўзинг, куюк ҳам ўзинг,
Оламга таттулик суюк ҳам ўзинг,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй ўзбек онаси, ўзбек онаси.



ЭНГ ИБРАТЛИ

Мустафақулова Манзура 1974 йил 7 январда Қумқўрғон тумани “Беш қаҳрамон” жамоа ҳўжалигида ҳалол меҳнат қилиб, хозирги вақтда қарилқк гаптини сурмоқда. Отаси ҳалол меҳнат билан елириб, кийинтирган. ҳар доим меҳнат билан ҳаёт кечирган. Онаси Мустафақулова Анор ҳар доим болалар тарбиясида бўлиб, оқ ювиб, оқ тараб воғта етказди. Манзура илк бор мактаб остонасига 1981 йилда қадам қўйганда уни Ҳудойшўкуров Ортиқмамат ака очик чеҳра билан кутиб олганлиғини ҳеч ёдидан чиқармайди. 5-синфдан бошлаб 49-мактабда ўқиниши давом эттирди. У устоэларини доимо ҳурмат билан эъзозлайди. Унга устоэлари катта ишонч билдирган эди. Айниқса синф раҳбари Воитов Халилнинг берган ўғитлари унга билдирган ишончини ҳеч қачон эсидан чиқармайди. 1991 йилда шу мактабда аьло баҳодарга ўқиб, “Олтин медал” билан битирди. 1993 йилда Термиз Давлат университетининг биология факултетига ўқинишга кирди. 1995 йилдан ўқиниши сиртки бўлимида давом эттириб, 1998 йил шу олийгоҳни аьло баҳодарга якунлади.

Тақдир тақозоси билан Мустафақулова Манзура 2006 йилда Шўрчи тумани “Ялти” маҳалласига келин бўлиб тушди. У келин бўлиб тушган Аглабердиевлар оиласи туманда маҳаллалар орасида “Энг ибратли онла”лардан бири. Бунда Манзура Мустафақулованинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Манзура 1995 йилдан 53-мактабда ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқда. У ўқувчиларсиз ҳаётини тасаввур эта олмайди. Ҳар доим ҳаётга интилувчан, бирор бир янгиллик яратсам деб интиладиган фаол аёллардан. Иш фаловияти давомида бир неча марта мактаб ва ТХБнинг “Мақтов ёрлиғи” билан мукофотланган. Ҳамкасблари орасида ҳам алоҳида ҳурматга сазовор.

2007 йил туманда “Йил аёл” кўрик-танлови фолиби бўлиб, вилоят босқичида муносиб иштирок этиб, Республика Аёллар кенгашининг сертификати билан тақдирланиб, Республика босқичи иштирокчиси бўлди.

Маҳаллада ҳам энг ибратли, фаол аёллардан. У ўзининг босқичлиги, ширинсуханлиги билан ажралиб турди.

Мақтабда ўзининг меҳнати, фидойилиги билан ёшларга сабоқ беради. 2007 йилдан буён 53-умумий ўрта таълим мақтабида маънавий ахлоқий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига фаолият юритиб келмоқда.

У оилани муқаддас деб билади. 4 нафар фарзанди — Маҳбуба, Муяссар, Малина ва Кувончбекларнинг сезимли онаси ҳамдир. Турмуш ўртоғи Аллабердиев Муродулда ака билан тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда.



МОҲИР ПЕДАГОГ

Менгул Менгнорова 1962 йил 1 августда Сурхондарё вилояти Денов туманида туғилган. 1969 йилда Денов туманидаги 4 ўрта умумтаълим мақтабига ўқишга борди. 1979 йилда эса Денов туманидаги Раъно Узоқова номи билим юртига ўқишга киради.

Дастлабки меҳнат фаолиятини 1981 йил Термиз туманидаги 18 мақтабда меҳнат таълими ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1987–1990 йилларда эса Жиркўртон туманидаги 49-умумий ўрта таълим мақтабига бошланғич синф ўқитувчиси, 1998 йилдан бошлаб эса мақтаб директори лавозимига фаолият юритмоқда.

Мақтабда ўқув тарбия ишлари самардорлигини ошириш, мақтабнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш унинг фаолиятидаги асосий йўналишини ташкил қилади.

Менгул Менгнорова талабчан, интизомли ва ишбилармон раҳбар сифатида бир қатор ютуқларга эришиб келмоқда. Мақтаб ўқувчилари туман, вилоят ва Республика фан олимпиадалари фолибларига айланишган, “Умид ниҳоллари” спорт мусобақасининг Республика босқичида спортнинг Самбо ва Кураш тури бўйича мақтабнинг бир қатор ўқувчилари Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси бўлишди, ўқитувчиларнинг баъзилари эса ўз ўз билим ва маҳоратларини намоён этиб “Йил ўқитувчиси” танловларида иштирок этиш ҳаттоки фолиб бўлиш шарафига ҳам муяссар бўлишмоқда.

У ўзи раҳбарлик қилаётган мақтаб ўқитувчиларининг иш фаолиятини ниҳоятда синчқовлиқ билан кузатиб боради. Шу боис ҳам мақтабда янги пелаток технология асосида дарс ўтишининг турли ноанавий усуллари жорий этилган бўлиб айрим ўқувчиларнинг иш тажрибалари туман вилоят ва Республика миқёсида оммалаштирилган.

Хуллас, Менгул Ментнорова ўзи фаолият юритаётган мактабда таълим тарбия сифатли ва самарадорлигини ошириш ҳамда мактабнинг моддий техника базасини мустаҳкамлашда ўз билим ва тажрибасини аймак меҳнат қилиб келмоқда.

Менгул Ментнорова нафақат намунали раҳбар, балки намунали оила бекаси ҳамдир. Турмуш ўртоғи Раҳматулло Муродов Денов тумани сув хўжалиги бошқармасида назоратчи вазифасида ишлайди.

Ўғли Отаёр Муродов 1982 йил туғилган, узумчилик фермер хўжалиги бошлиғи, иккинчи ўғли Мусурмон Муродов 1984 йил туғилган, фермер хўжалигида ишчи, қизи Барчиной Муродова 1986 йил туғилган мактабда кутубхоначи бўлиб ишлайди, ўғли Фарход Муродов 1988 йилда туғилган алоқа университетида ўқийди.

Менгул Ментнорова билан бир суҳбат курган киши унинг истеъдодли шоира Зулфия Мўминова ўзбек аёллари таърифини келтириб ёзган бир шерида баён этилган ўзи ҳам қалби ҳам, иши ҳам чин гўзал аёллар сирасига киришга амин бўлади.

Мен сизни гул десам гулдан гўзалсиз,
Мен сизни дур десам дурдан гўзалсиз.
Муболаға нима минг сифат нечун,
Сиз чиндан гўзалсиз чиндан гўзалсиз!



Муҳаммаджонова Рашида

НУРАФШОН ЙЎЛЛАР

Рашида Муҳаммаджонова 1949 йилнинг 19 майда Қашқадарё вилояти Қарши туманида туғилган. У Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Улугбек номидаги 4-сон ўрта мактабни муваффақиятли тугатиб, олий маълумот олиш учун қарши сари отланди. Табiiий фанларга бўлган қизиқиши уни қарши педогогика институтининг химия-биология бўлимига етаклади. Омали чопиб, у шу дароҳнинг талабаси бўлди. У институтда йirik олим, етакчи ўқитувчилардан таълим-тарбия олди. Болагитидан китоб мутолаа қилишни севган Рашидахон илмий изланишларга бефарқ бўлмади. Сабоқлардан бўш қолди дегунча, касбита онд китоблар қатори, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарини ҳам ўқиб-ўрганди.

У ҳаётида эришган барча ютуқлари, муваффақиятлари қалити-китоб, адабиёт туфайли эканлигини яхши билди. Шу сабаб бўлса керак ҳозир ҳам талабаларидан, фарзандларидан китобга меҳрли бўлишни, кўпроқ мутолаа қилишни талаб қилади.

Рашида 1970 йилда Термиз педогогика институтида педогогик фаолиятини бошлайди. 1974-1977 йиллар мобайнида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг кундузги аспирантура бўлимида ўқийди. 1978 йилдан Термиз педогогика институтида (ҳозирги университетда) ботаника кафедрасида фаолиятини давом эттиради. 1980 йилда номзодлик диссертациясини ҳимов қилади. Биология фанлари номзоди унвонини сурхондарёлик аёллар орасида биринчилардан бўлиб олади. Рашидахоннинг илмий иши «Сурхондарёнинг асал-ширали ўсимликлари ва улардан фойдаланиш» мавзусига бағишланган. Илмий иши жуда қизқарғин, ўрганилматан жиҳатлари ҳали кўпчилиги боис, Рашидахон ҳозирга қалар кузатиш, тажриба ишларини олиб бормоқда. У илмий изланишлари юзасидан 50 га яқин мақола ва тезислар эълон қилган.

Ҳар йили республика ва халқаро миқёсда ўтказилган анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этмоқда. Унинг илмий ишлари билан биринчи мақсад-таалабаларининг ҳам илмий изланишларга чорлаш бўлса, иккинчи бир мақсади-туғилиб ўстан ерига, унинг табиатига бўлган меҳрларини орттиришдир.

Шу сабаб ҳам кунлари нурли, йўллари нурфшон, мақсадлари олий унинг!



Мамуржонова Мастура

СИЗ ГУЛГА ҶҲШАЙСИЗ, УСТОЗ!

Мамуржонова Мастура Анваржон кизи 1959 йил 20 майда Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Ж.Пирназаров ширкат хўжалигининг “Янги рўзгор” кишлоғида хизматчи oilасида дунёга келди.

1966 йил Узун туманидаги собиқ 4-ўрта мактабнинг 1-синфига қабул қилинди. Мазкур мактабни 1976 йилда тугатди.

Иш фаолиятини 1976 йилдан бошлаб ўзи билим олган 4-ўрта мактабда бош етакчиликлан бошлади.

1977 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олийгоҳининг тарих факультетига сиртдан ўқишга кирди. 1982 йилда олийгоҳни тугатиб, Узун туманидаги 4-ўрта мактаб ўқувчиларига тарих фанидан дарс берди.

1996 йилдан буён шу мактабда маънавий ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.

2004 йилдан буён “Янги рўзгор” сайлов округидан Узун туман кенгаши депутати.

Узун туман Ж.Пирназаров ширкат хўжалигида хотин-қизлар кўмитаси раисаси, “Янги рўзгор” маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар кенгаши раиси вазифасини ҳам бажариб келмоқда.

Оилаги, 4 нафар фарзанди, 7 нафар набираси бор.

Турмуш ўртоғи Мамуржонов Мамажон 1948 йилда туғилган. Касби муҳандис.

Ўғли — Мамуржонов Мансур Ж.Пирназаров ширкат хўжалигида ҳисобчи. Оилаги, 2 нафар фарзанди бор.

Қизи — Мамуржонова Машхура ҳамшира, оилаги 3 нафар фарзанди бор. Касби — ҳамшира.

Қизи — Мамуржонова Махдуза боғча тарбиячиси, оилаги 1 нафар фарзандининг onаси...

Кизи — Мамуржонова Марғуба бошланғич синф ўқитувчиси,
оилали, 1 нафар фарзанднинг онаси.

Мастура опага:

Сиз гулга ўхшайсиз аслида
Аслида гулдан ҳам гўзалсиз.
Бу қараш, бу сўзлаш, самимиятда
Боғлару, бўстондан афзалсиз.
Сиз гулга ўхшайсиз азинам
Азинам гулданда хушбўйсиз.
Оламини безовчи неки бор
Баридан, баридан хушрўйсиз.



Мирзаева Айсара

ОРЗУЛАРИ ОЙДИН АЁЛ

Айсара болалигидан фақат қайноқ ҳаёт ичида ёниб яшашни, касбига жон қуйлириб, фидойи бўлиб ишлашни орзу қиларди. Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ мактабнинг, қишлоқнинг энг олди сара қизига айланди. Атрофдати яхши одамлар, меҳрибон ўсозларнинг намунаси уни янада гўзал интилишлар сари чорлади. Отаси Номоз ака ва онаси Ойимхол опалар уни энг аввало ҳалолликка ўргатди. Отаси бир умр “Беш қаҳрамон” пахта қабул қилиш пунктида ҳайдовчи бўлиб ишлаган. Онаси олдий қолхозчи аёл, нима иш қилган бўлса, ҳаммасини қилган, кундузи пахта терган, кечалари нон ётган, кир ювган, боғаларининг кийим-кечатига қараган, кўрпа-кўрпача қовутган.

Айсара ақлини таниб ҳеч қачон онасининг тиниб-тинчиб, бемалол дам олиб ётганини кўрмаган, қачон қарамасин бирор юмуш билан банд бўларди. Жонсарақлик, кам уйқулик унга онаси Ойимхол холадан ўтган.

Орзулари осмон бўлган Айсара мактабни тугатиб, пойтахт Тошкентга ўқишга отланди. Ўша йили омад кулиб боқиб Тошкент ирригация ва мелiorация институтига ўқишга кирди. Институт унинг ҳаётида янги илм чўққиларини очди. Институтни битириб келгач Кумкўртон туман ер ресурслари хизмати бўлимида ер ажратиш муханийлиси бўлиб иш бошлади. Тиришқоқлик ва ҳалоллик Айсара Мирзаевани бутун туманга танитди. 2004 йил раҳбарлар тавсияси билан “Шуҳрат” медалига номзоди кўйилди. Ҳеч бир қаршилликсиз унинг номзоди ушбу мукофотга лойиқ топилди.

Муҳтарам Президентимизнинг имзоси кўйилган мукофот “Шуҳрат” медалини кўксига тақар экан, Айсара опа ўтган умр йўлига мамнун назар ташлади. 2007 йилдан то ҳозиргача у Кумкўртон туман табиатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи.

У бахтли онла бекаси. Турмуш ўртоғи Хушбўқ Мирзаев ички ишлар ходими бўлиб ишлаган, хозир нафақада. Ўғиллари, Ғайрат ва Равшан эл қорига яраб, талбиркорлик билан машғул. Қизи Гулжаҳон ўқитувчи. Хуллас Айсара она ҳар тонг ишта шошиб бора, кечқурун уйта шошиб қайтади. Бахтиёр шарқ аёли, ўзбекининг энгил бекасининг тинчсоли.



Мирзаева Рўзихола

БАХТ ҚАСРИДА МАНГУ БАХТЛИСАН ДЭЛ

Мирзаева Рўзихол Ортиқовна 1959 йил 15 мартда Денов шаҳрида энгил оиласида туғилган. 1966-1976 йилларда Денов шаҳридаги Е.Ғулом номидаги 6-мактабни тугатди. 1976 йилда Қарши шаҳридаги савдо техникуминининг сиртки бўлимига ўқишга кирди. Шу йили Сарносиё туманидаги савдо бирлашмасида ишлай бошлади.

1990 йилда “Ўзтрансгаз” акционерлик компанияси Муборак УМТ га қарашли Денов ГТС га ишчи бўлиб ишта кирди. Иш фаолиятини мазкур компанияда давом эттириб келмоқда.

Рўзихолнинг ҳавас қилгулек оиласи бор. Турмуш ўртоғи Венер Курбонов мазкур компанияда ишчи. Фарзандлари Феруза-олий маълумотли хуқуқшунос, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соғриндори. Фаёга — халқ хўжалиги институтига талаба. Алижон-Денов туманидаги 84 мактаб ўқувчиси.

Рўзихол учун фарзанд бахти-камолини кўришдан олтиқ бахт йўқ. Қизи Феруза Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлганда унинг қувончинини таърифлашга сўз ожиз эди. Чунки, истиқлол туфайли олши ишчининг истеълоли фарзанди Давлат мукофотида сазовор бўлди.

Ёшлар — юртимиз истиқболли, эртанги кун эгалари. Зеро, бугун йигит-қизларимизнинг ғайрат-шижоати, истеълод қирралари қир қачонгидан ҳам ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Рўзихол опанинг қизи Феруза ушбу мукофотта сазовор бўлиши барча сурхонларёлик, деновлик ёшларни илҳомлантириб юборди.

Ха, мустақиллик туфайли ҳар бир ўзбек оиласига шодлик бахтиёрлик, хусусан Рўзихол опанинг аҳил хонадонида худди шундай шуккуҳли кунлар кечмоқда.

Пойинта баҳор гуллар сочадли,
Сен учун куёш нур сандиқ очадли,
Сен учун гул-гўлча тугун ечадли,
Бахт қасрида мангу бахтлисан, дэйл.





СОҒЛОМ АВЛОД ЖОНКУВРИ

Рисоламининг яна бир қаҳрамони олий тоифали врач-гематолог, вилоят болалар бош гематологи, вилоят болалар кўп тармоқли Тиббиёт маркази гематология бўлими ординатори Муқимова Адолат Шомиразевна. Адолат Муқимова 1955 йил 1 майда Жарқўреон туманида таваллуд топган. 1972 йилда Антор кишлоғидаги ўрта мактабни аъло баҳолар, намунали ҳулк билан, "Олтин медал" та тутатган. 1978 йилда эса Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳини ҳам "Қизил диплом" билан туталган. Мактаб даврида, олий ўқув юртида ўқиб юрган кезларида ҳам шижовати ташкилотчилиги, чуқур билим эгаллаша бўлган иштиёқи, меҳнаткашлиги билан атрофдагилардан ажралиб турган. У Сурхондаё вилоят I-сон шифохонаси болалар бўлимида врач-педиатор сифатида ўз меҳнат фаолиятини бошлади. 1980 йилдан буён Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг гематология бўлимида врач-ординатор бўлиб фаолият юритмоқда. Адолат Шомиразевна вилоят бош болалар гематологи сифатида қатор самарали ишлар қилган. Республика ва вилоят даражасида олиб борилган болалар ва туғиш ёшдаги аёллар соғлиги муаммоларини ҳал қилишда, турли дори-дармон воситаларини тadbик этиб, янгилик яратилишда Муқимова Адолат Шомиразевнанинг ҳиссаси катта бўлган. У туғини-қунига улаб беморлари олдидан жилайдиган, бутун вилоят миқёсида соғломлаштириш ишларини ташкиллаштириш ва тadbик этишда жонбозлик кўрсатилган кўли тул шифокорлардан биридир. У олдида кўйган вазифаларни доим амалга ошириб келтир. Атрофдагилардан ҳам шунга талаб қила оладиган масъулиятли раҳбар аёллар сирасига кирилади. Вилоят, шаҳар ва туманлар миқёсида ўтказилган соғломлаштириш тadbирлари, турли анжуманлар, тарғибот ва ташвиқот ишларида фаол. Адолатхон матбуот орқали турли чиқишлар қилиб туради, телекўрсатув ва радио эфирлари

орқали ҳам соғлом турмуш тарзини тарғиб қиладиган шижоватли қалб эгасидир. Унинг қаламига мансуб турли услубий кўлланмалар мунтазам чоп этилиб, туман ва шаҳар марказий касалхоналарида, поликлиникаларга тарқатиб келинмоқда. Адолатнинг бош-қошигида яратилган "Саломатлик сирлари" номи радиозашиттириш тингловчилар орасида жуда машҳур. У ҳафтанинг ҳар жума кунини эфир тўлқинларига чиқади. Фуқаролик жамиятини ўргатиш институти Сурхондарё филиали томонидан уюштирилган. "Ўзбекистон мустақиллик йилларида жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда аёллар ролини ошириш" мавзусидаги давра суҳбатига ўз маърузаси билан иштирок этган.

Сурхондарё вилоят хотин-қизлар кўмитаси қошида ташкил қилинган "Аёл ва саломатлик" уюшмаси раиси вазифаси ҳам Адолат она фаолиятларидан бири. У бу ерда ҳам ташаббускорлигини, шижоватини камайтирмади.

Адолатхон бутун ҳам тиниб-тинчимайди. Бахтиёр оиласи, меҳрибон фарзандлари бу дилбар аёлнинг кўш қанотидир.



Маллаева Миноввар



ТЕМИР ЙЎЛЛАРНИНГ ФАХРИ, ИФТИХОРИ

Маллаева Миноввар 1959 йил Денов туманида туғилган. 1966-1976 йилларда ўрта мактабда аъло баҳоларга ўқиб, тугатган. 1979 йил меҳнат фаолиятини бошлаган. Шу йили Белоруссиянинг Матплов шаҳрида темир йўл КК машинистликка ўқиб келди. Миноввардаги туғма қобилият уни бу ишни тезда ўрганишига сабаб бўлди.

Миноввархон 1978 йил турмушга чиқди. Бахтли оила бекаси бўлди. У 166-Темир йўл машина бекати КК машинисти сифатида 1999-2001 йилларда “Учқулук-Мискин Султон Увайе” темир йўл қурилишида темир йўллари ўз вақтида йитиш ва йитилган темир йўллари вагонларга юклаш ишларини бажариб 29 км масофата ётқизилишида бевосита фидойилик намунасини кўрсатди. Миноввар Аминовна ўзининг бошқарувидаги КК-10 маркали крани билан йилува цехида корхонага келтирган темир бетонлар, релсларни ўз вақтида тушириши шу билан бирга аср қурилиши деб ном олган “Тошғузор-Бойсун – Қумқўрғон” темир йўл тармоғи қурилиши учун йитилган темир йўллари илчи поездларга сифатли ортиш ишларида меҳнати синган намунали ходим сифатида жамоада обрў-эътибор топили.

У иш фаолиятида юртимиз темир йўлларининг энг йирик қурилишларида бевосита қатнашгани билан унутилмас ва ўрناق бўлди. Бугунги кунда Миноввар Аминовнанинг ўз шогирдлари бор. Шогирдлари уни ўз онасидек, ўз опасидек яқин олашдилар. Унинг қамтарлиги, самимийлиги атрофига доим тажриба ўрганиш учун келган ёшларнинг қўлчилигидан бигинади.

Фарзандлари: Хусниддин, Сирожиддин, Хафиза, Феруза ҳақли равишда ўз ота-оналари билан фахрланишали.

Ахир уларнинг онаси “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳибаси.

Мирзаева Мухайё



ПЎРЛИ ЙЎЛ

Санъатшунос ва педагог Мухайё Мирзаева Сурхондарёнинг етакчи зиёлиларидан бўлган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, тарих фанлари доктори, профессор Зайниддин Мирзаев ва фахрий ўқитувчи Муқаддам Мирзаева oilасида Термиз шаҳрида таваллуд топган. Ёшлигидан санъатта бўлган қизиқиши мактабда ўқиб юрган даврида уни Термиздаги мусиқа мактабига, кейинчалик шаҳардаги санъат билим юртига етаклайди. Санъат соҳасидаги дастлабки билимларни олган, Мухайё 1985-1990 йилларда Тошкент Давлат консерваториясининг «Шарқ мусиқаси» факультетида таҳсил олиб, уни имтиёзли диплом билан тугатади. Олинган билимларини ёш авлодга бериш борасидаги оғлавий анъанани давом эттириб, ёш мутахассис 1990-1998 йилларда Термиз санъат билим юртида ишлади. Илмий изланишларга бўлган интилиш уни Термиз Давлат университетининг «Мусиқа ва тасвирий санъат» кафедрасига ишга ўтишга чорлайди. 2001 йилдан ҳозиргача Мухайё Мирзаева ўзининг илмий тадқиқотлари раҳбарлик қилган тарих фанлари доктори, профессор А.А. Маврулов раҳбарлик қилаётган Тошкент Давлат маданият институтининг «Ўзбекистон тарихи ва маданиятшунослик» кафедрасида хизмат қилмоқда.

2002 йилда Мухайё Мирзаева «Марказий Осиё педагогик фикр тараққиётда мусиқа илми ва унда мусиқий созларни ўрганиш анъанаси» мавзусида кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олади. Бу тадқиқотнинг ўзинга хос хусусияти шунда эдики, унда Марказий Осиё мутафаккирлари ижодига мусиқа илмининг педагогик моҳияти яқин тарихий тизимда ёритилган эди. Санъатшунослик, педагогика ва тарих фанлари ютуқлари асосида ажлолларимиз меросининг замонавий педагогик тафаккур истеъмолга олиб қилиниши

тадқиқотнинг кент илмий жамоатчилиқ, жумладан, хорижий илмий марказларнинг диққат-эътиборини тортди. Бу эса олимнинг кейинги илмий изланишларининг йўналишини белгилаб берди.

Дастлаб Германия Академик Алмашинув хизмати, кейинчалик Фольксваген ва Гумбольд фондлари ўзларининг грантлари билан Мухайё Мирзаеванинг Германиянинг етакчи илмий марказларида Франкфурт университетининг санъат педагогикаси институтида ва Берлин санъат университетида, 2008 йилда эса Швейцариянинг Бери санъат олий таълимгоҳида «Маланий таълим муаммолари», «Эстетик тарбия», «Европада санъат мактаблари амалиёти» мавзуларида амалга оширган илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлади. Шунингдек, олимпиа Австрия, Голландия, Италия, Дания, Греция, Франция ва Англия каби Европа мамлакатларида илмий таъриба орттирди. Япониянинг Токио Миллий санъат университети билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Мухайё Мирзаеванинг халқаро миқёсда илмий тадқиқотчи сифатида камол топишида Германиялик профессор Адельхайд Зиверт-Штаутеннинг хизматлари катта бўлди.

Илмий изланишларнинг натижалари дастлаб ўзбек тилида Ўзбекистондаги нашрларда эълон қилинди. 2000 йилда Туркиянинг пойтахти Анкара шаҳрида чоп этилган «DILIG» журналыда олимнинг хорижда нашр қилинган биринчи тадқиқоти мутахассислар ҳукмига ҳавола қилинди. Немис ва инглиз тилларини мукаммал ўзлаштирган тадқиқотчи кейинги ишларини хорижий тилларда ҳам эълон қилмоқда. Биз унга фақат бахтиёрлик тилаймиз.



ЭЛ КЎНГЛИНИ ТОПГАН АЁЛ

Мухамматова Дилбар Давронова 1965 йил 8 июн кунинда Термиз тумани “Пахтабод” қишлоғида туғилган. 1972 йилда тумандати 4-сон мактабнинг 1-синфига бортан. Мактабни 1982 йил тугатиб, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кирган ва уни 1987 йили тугатган. Сўнг Дилбар ўзининг “Намуна” ширкат хўжалигига ишга келган. Ўқиш давомида 1984 йили у Баратов Рам билан турмуш курган. 4 нафар фарзанднинг онаси. Онаси Сокиева Санобар шу қизим турмушта “чирқин, ўқинини тутата олармикан, рўзгор билан бўлиб ўқинини қолиб кетармикан?” — деб жуда хавотирланган. Лекин бундай бўлмади. Чунки опахон шу хўжаликка кўп йиллар қишлоқ фуқаролар йигитини раиси лавозимида фаолият юритган, эл-юрт хизматида бўлган аёллардан бўлиб, Дилбархонни ҳам шу хўжаликка ишлаб, эл-юрт хизматида сидқиқилдан меҳнат қилишга ундатан.

Дилбархоннинг отаси — Мухамматов Даврон ака ҳам эл-юрт хизматида. У киши қўли енгил боғалар шифокори, уларнинг сеvimли бобожонига айланган, мўътабар инсондир.

Дилбархон 1987 йил хўжалик биологаториясида агроном, 1989 йил шу хўжаликка пилла агрономи, 1993 йил хўжаликда хотин-қизлар кўмитаси раиси, 1997 йилда “Пахтабод” қишлоқ фуқаролар йигитини раиси, 2002 йил “Намуна” ширкат хўжалиги раиси, 2003 йилдан то ҳозирги кунга қадар “Пахтабод” қишлоқ фуқаролар йигитини раиси лавозимида ишлаб келмоқда. Дилбар Мухамматова — 2000 йилдан буён “Намуна” сайлов округидан Халқ депутатлари туман Кенгаши депутаты бўлиб, М. Эштемиров ва “Шарқ” маҳалласида йўл қурилиши ва кўлрик қуриш ишларини амалга оширмоқда. Бу ишлар жараёнида Дилбархон ҳудуддаги қанча-қанча фуқароларнинг муаммоларини ҳал қилиб, уларнинг кўнглига йўл топаолди. Уларнинг тўй-лари, марокалари ва яхши-ёмон кунлари

Дилбар опанинг иштирокисиз ўтмайди. Эл-юрт хизмати билан бир қаторда Дилбар опа турмуш ўртоғининг сеvimли ёри, 4 нафар фарзандининг меҳрибон онаси, қайнонасининг сеvimли келини ҳамдир. Катта қизи Динора — онасининг шофёри ва ўнг қўл ёрдамчиси, иккинчи қизи Нигора—талаба. Айни вақтда пазандачилик сирларини ўрганиб олган, тўйлар учун ширин таомлар пиширади. Ўғли Бекзод — линей талабаси—кељуисда тиббий жароҳ бўлиш орузида. КенжатоЙ Ситорахон эса 4-сон мактаб ўқувчиси. Ситорахон алоҳида иқтидорга эга бўлиб, туманда ва вилоятда ўтадитан тадбирларда иштирок этади. У 2006 йил “Сўрхоннинг жажжи гўзали” вилоят босқичи иштирокчисидир. Ситорахон расм чизиш ва тикувчиликка қизиққади. Онаси унинг келажакда машҳур дизайнер бўлишини истаЙди.

Тим қора, узун сочлари чиройли қилиб турмакланган, ораста кийинган Дилбархоннинг иш куни шу бутунги кунга шўкроналик билан бошланади. Эл-юртнинг тинчлиги, фарзандларининг омонлиги, уларнинг яхши, ширин ташвиши билан яшайдан завқланиб яшайди.



ФЕРМЕР
ХОНИМГА ЭҲТИРОМ БЎЛСИН!

1995 йилдан “Алибобо” фермер хўжалиги бошлиги лавозимида ишлаб келмоқда. Қишлоқ хўжалик соҳасини пухта биладиган, ерни ардоқлаб, муттасил мўл ҳосил олиб келадиган тажрибали деҳқон сифатида вилоят ва туманда ҳурмат топан фермер хўжалиги раҳбарларидан бири. Хўжалик жамоаси ҳамжихатлик билан меҳнат қилиб, туманнинг мураккаб иқлим шароитида ғаллачилик ва пахтачиликни барқарор ривожлантиришга эришиб келмоқда.

Фермер хўжалиги 2005 йилда пахтачилик бўйича 34 та ердан 23,4 центнердан, 79,0 тонна ҳосил олиб, режани 79,0 фойзга, 2006 йилда 46,8 та ердан 32,3 центнердан 151,1 тонна ҳосил олиб режани 101, фойзга, 2007 йилда 41,5 та ердан 32,5 центнердан 127,0 тонна ҳосил олиб режани 102,0 фойзга бажарган.

2005 йилда ғазначилик бўйича 20 та ердан 50,0 центнердан 100,2 тонна ҳосил етиштириб режани 126,5 фойзга, 2006 йилда 30 та ердан 44,3 центнердан 133,0 тонна ҳосил етиштириб режани 146,6 фойзга бажарди, 2007 йилда 30га 50,0 центнердан ғалла ҳосили олди.

Фермер хўжалиги 2005 йил 30,4 млн, сўм даромад қилиб, 4,3 млн, сўм соф фойда олган, рентабеллик 10,5 фойзни, 2006 йилда 45,2 млн, сўм даромад қилиб, 6,4 млн сўм соф фойда олган, рентабеллик 11,8 фойзни, 2007 йилда 67,0 млн, сўм даромад қилиб, 7,3 млн. соф фойда олган, рентабеллик 12,6 фойзни ташкил қилган.

Фермер хўжалиги 35 нафар аъзоларига 2005 йилда 15 тонна, 2006 йилда 20 тонна, 2007 йилда 35 тонна ғаллани мукофот ва иш ҳақи ҳисобидан берган.

Фермер хўжалиги 2005-2007 йилларда илгор ишчиларига 1,0 млн сўмлик қимматбаҳо совғалар (телевизор, аудио, видео магнитофон, ғилам ва бошқалар) билан рағбатлантирган. Фермер хўжалиги аъзоларининг фарзандларидан 10 нафарига 2005-2007 йилларда

туманидаги дам олиш оромтоҳларига бепул йўланмалар олиб бериш. Кейинги уч йилда фермер хўжалиги моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадига олинган фойда ҳисобидан 1 та ТТЗ-80 русумли, 1 та Т-4 русумли тракторлари, 1 та "ГАЗ-53" русумли автомобилларини сотиб олган.

2005-2006 йилларда "Янгиобод" маҳалласининг 1,5 км йўлга тош тўктириб таъмирлатди, 2006 йил 1,5 км чىكى зовурлар тозагаб берилди. 2007 йилда "Янгиобод" маҳалла гузарى қурилиши бошлаб юборилди.

2005 йилда нотирон, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилалардан 28 нафарига 5,0 тонна бугдой, 2006 йилда 18 нафарига 6,5 тонна бугдой бериб, хомийлик ёрдами кўрсатди. Шунингдек, кам таъминланган уч оиллага 1 бошдан қора мол, 2005-2007 йилларда туман "Кўзи ожизлар" жамиятига 500 кг бугдой 25 кг тўшт хомийлик ёрдами берган.

С. Маманова туман фаоллари ва қишлоқ хўжалик ходимлари ўртасида хўрмат-эътиборга сазовор бўлган, ўз маҳалласида ўтказилган турли хил тадбирларда ҳам фаол иштирок этади.

Тадбиркор сифатида ҳар хил тадбирларга 100-150 минг сўм атрофида ўз маблагى билан амалий ёрдам кўрсатди, маҳалла аҳли ўртасида обрў эътиборга эта.

Фермер хўжалиги абзоларига ишдан кейин дам олиш учун дада шийпони мавжуд, унда фермер хўжалиги ишчилари учун дам олиш хоналари, телевизор, радио мавжуд бўлиб, ишчилар йил давомида бепул иссиқ овқатлар билан таъминланади.

Сарвара опа 1998 йил "Шуҳрат медали" билан тақдирланган.

Сарвара опага

Ширин сўзли аёл, бол сўзли аёл,
Сутта чайилгандек оқ юзли аёл,
Ҳали кўзларингга боқиб тўймалим,
Мен яшаб тўймалим дунёда ҳали.
Ҳали сента айттар кўшиқларим кўп,
Ҳали сента айттар сатрларим мўл.
Сарварам, сарвинсан, меҳрибонимсан,
Сен ҳеч қачон сўлма Сурхондаги тул.

Маҳмудова Рауза



ЯХШИЛИК — ЕРДА ҚОЛМАС

Маҳмудова Рауза 1953 йил 25 майда туғилган. 1970 йилда Ангор туманидаги I-мактабни тугатган. Кўچилик мактабни тугатганидан сўнг нима қилишини, ҳаётини қай тарзда кўришни жиддий ўйлаб қолади. Боғалик орзулари орзулигича қолиб кетгандар, осонроқ йўл танлаб, каттароқ даромад истогандар орамида топилади. Лекин, ўқишга интилиб бир касбда ихлос қилгандар, ўз орзулари йўлида тинмай ҳаракат қилгандар кўчиликни ташкил қилади. Раузахон ҳам боғалигиланок врач бўлишни орзу қилган. "Кўнинг касаллар орасида ўтади, нима сента зарурми?" — дея пичинг қилгандар, боғалик орзуларини синдиримокчи бўлгандар ҳам бўлди. Аммо, Рауза қарор қилдики, амалга оширмай қўймайди. Унинг қарори қатъий эди.

Хуллас, мактабни тамомлаганидан, сўнг орзу йўлида Самарқанд давлат тиббиёт институтига хўжатларини топширди. Астойдил имтиҳонларга тайёрларик кўриши натижаида синовлардан эсон-омон ўтиб, Даволаш факультетига ўқишга кириди. Йиллар давомида тиббиёт соҳасини, даволаш сирларини мукамал ўрганиди, ўқиди. Устоз-мураббийларининг маърузаларини, сабоқларини қўлогига қуйди. Жамоат ишларида ҳам етакчилардан бири бўлди.

Рауза Маҳмудова курсдошларининг фахри, факультетнинг намунали талабаси эди. У билим масканини 1976 йилда муваффақиятли тамомлаши ва шу йили Термиз шаҳридаги I-вилоят касалхонасида врач ординатор бўлиб иш бошлади. 1977 йилдан 1987 йилга қадар Шеробод туманидаги Марказий шифохонада врач-терапевт бўлиб фаолият юритди. Шу йиллар мобайнида у қанчалар қанча беморларни даволади. Турли кўйилган талхис, муолажалар, маслаҳат ва ширин сўз неча-неча оилга бахтиёрлик ато этди. Рауза Маҳмудова шифохонанинг энг тажрибали ва малакали врачлари қаторидан ўрин олди. У жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этди. Ўзи ҳам турли тадбирлар уюштиришда бош-қош бўлди.

1987 йилдан уни Шеробод шаҳар ижроия кўмитасига ранс ўринбосари этиб тайинлашди. 1992 йилдан эътиборан шаҳар ҳокими муовини лавозимда фаолият юритди. Бу ерда ҳам у аввало боғлар, аёллар масаласига асосий эътиборини қаратди. Кам таъминланган oilаларга кўлдан келганча ёрдам берди. Уй бекаларини жамонат ишларига жалб қилиш, кўнларини янада мазмунли, самарали ўтиши учун маҳаллалар фаолиятини жонлантириш кераклигини сезиб, бу йўналишда ҳам ишларни йўлга қўйди. Турли талбирлар, анжуманлар ўтказиб, жамонатчилик ишларини уюштирди. Асли, шифокор эмасми, аҳоли саломатлиги масаласи унинг доимий диққат эътиборида турди. Шу сабабли Рауза Шафайзовнанинг ҳузуридан одамлар аримайди. Чунки, инсон саломатлиги унинг учун муҳим.



ИСТИҚБОЛЛИ АЁЛ!

Ернинг ҳам, элнинг ҳам тилин билади,
Дўсту-ёрларини дилин билади.
Ғалабанинг сирли йўлини билади,
Истиқдолнинг истиқболли аёли.

Гулоромхон ёшлигидан меҳнатта меҳр кўйиб камолга етди. Отаси ўрол ака, онаси Ойсоат оналар уни камтар ва меҳрибонлик фазилатларида эта қилиб тарбиялади. Ўрта мактабни аяло баҳоларга битирган Гулором биринчи уринишдаёқ Термиз давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Институтда унга илим дунёсига кенг йўл очилди. Дўст орттирди. Хатнинг аччиқ-чуққ томонларидан бохабар бўлди. Ўқишни битиргач, Ангор туман 12-умумий ўрта таълим мактабиди адабиёт фанидан дарс бера бошлади. Мамлакатимизда фермер хўжаликларига кенг йўл очилгач, турмуш ўртоғи Турғун Ўтанов билан бирга “Гулором Жайхун” фермер хўжалигини ташкил қилди. Фарандлари Меҳринисо, Шаҳноза, Беҳрузбеклар уларга мададкор.

Жами ер майлони 130 гектар бўлиб, шундан 40 гектарига ғалла экилди. 70 центнердан ҳосил олиб, туманда биринчилардан бўлиб давлатга дон сотиш шартнома режасини бажардилар, туман, вилоят ва республикада биринчилардан давлатга ғалла сотиш режасини бажарганликлари муносабати билан Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ғалла тўйида қатнашиб сўза чиқди.

90 гектарига экилган пахтадан ҳам мўл ҳосил олдилар “Гулором жайхун” фермер хўжалигида 28 нафар oilа аъзолари иш билан таъминланган бўлиб, ҳозирги кунда яна 10 нафар ёшларни иш билан таъминлаш мўлажалланмоқда.

Болалари мактаб ўқувчилари, oilа аъзоларининг ҳаммаси ҳозирги кунда эл-юрт хизматида, ака-укалари, опа-сингиллари, бири фермер, бири ўқитувчи, бири тикувчи.

Туман миқёсидаги байрамларда ва маҳалладаги барча тадбирларда фарзандлари билан биргаликда фаол қатнашиб келади. Ҳар йили кам таъминланган, ногирон, боқувчисини йўқотган oilаларга ҳамда фермер хўжалигида хизмат қилувчи ишчиларга суннат ва никоҳ тўйларида ўз ёрдамини бериб келади.

Еш авлодга таълим-тарбия бериб келадиган 11, 12-сонли умумий ўрта таълим мактабларининг ҳар бирига 1 тоннадан бўғдойни ёрдам сифатида ҳамда ушбу мактабларни таъмирлаш учун фермер хўжалиги томонидан баҳоли қудрат ёрдам кўрсатишмоқда.

Ўзи адабиётчи бўлганлиги сабабли шеърингта ихлоси бағалди. Нияти юртимиз тинч, элнимиз обод бўлсин.

Биз эса гуллардан гўзал Гулоромхонга саодатли ва узоқ умр тилаймиз.



ИЛМИГА БАХШИДА УМР

Салима опа Неъматиллаева 1934 йил 26 декабрда ишчи, зинги oilасида дунёга келган. Салима опа 1956 йилда Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактабда 10-синфни аъло баҳолар билан битирган. 1956 йилда Термиз шаҳрида очилган педагогика институтининг она тили, адабиёт ва тарих кулиётига ўқишга кирган. 1961 йилда шу институтини тугатган. Салима опа 1961 йилдан 1965 йилга қадар Термиз шаҳрида очилган 15-мактаб-интернатда она тили, адабиёт ва тарих ўқитувчиси, тарбиячи вазифаларида ишлаган. 1965 йили мактаб интернати тарқатилиши муносабати билан «Намуна» жамoa хўжалигидан, Улғабек номи мактабда ўз мутахассислиги бўйича иш олиб борганлар. 1967 йилда Салима опа oilаси шаҳра қўчиб кетганлиги сабабли, Термиз шаҳридаги Х. Олимжон номи 12-умумий ўрта таълим мактабда ўз мутахассислиги бўйича фаолият юритганлар. Салима опа ҳозирги кунда меҳнат нафақасига чиқиб, дам олимоқдалар.

Устоz мураббий Салима опа узoқ йиллар иш жараёнида халқ таълими соҳасида тинмай самарали меҳнат қилиб, ёш авлодга таълим-тарбия беришда энг самарали усуллар билан, техника воситаларидан фойдаланган ҳолда дарсларини қизиқарли тарзда олиб бортан ва юқори натижаларга эришган. Салима опа раҳбарлик қилган синфларида ўқувчилар меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғойларини ўзларига сингдириб таълим олдилар.

Мактабда 1970 йилдан то нафақа ёшгача халқ назоратчиси шифасини бажариб, катта ютуқларга эришган.

Салима опанинг иш тажрибалари муносиб тақдирланиб, 1983 йилда вилот рўзномасининг 6 январ сонида «Бизнинг муаллима» сарлавҳаси ostида мақола чоп этилди.

1983 йилда вилот рўзномасида Гофур Гулом таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан Гофур Гуломнинг «Улуғ Ватан уруши йилларидаги ижоди» ҳақидаги маърузаси беришган.

1986 йилда вилоят рўзномасида «Ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялаш» мавзусидаги мақоласи берилди.

1984 йилда «Ветеран ўқитувчи» деган унвонга сазовор бўлди. Бундан ташқари Салима опа «Катта ўқитувчи», «Методист ўқитувчи» унвонларини ҳам олиб, 1986 йилда ўтказилган аттестацияда Салима опага «Халқ таълими аълосиниси» деган юксак унвон берилди. Салима опа бир неча марта шаҳар, вилоят таълими томонидан фахрий ёрлик билан тақдирланганлар. Термиз шаҳар Халқ таълими, педагогика кабинети томонидан Салима опанинг иш тажрибаси «Илғор тажриба — оммага» мавзуси сифатида оммалаштирилган.

Салима опа ҳозирги кунда нафақада бўлсаларда, нафақадан кейин 21 йил мактабда иш фаолиятларини давом эттириб, катта ютуқларга эришди.

Салима опа ҳозирги кунда маҳалла ишларида маслаҳатчи, маҳалла аҳли билан ўтказилган тадбирларда, ёш оилалардаги муаммоларни бартараф қилишда фаол иштирок этмоқдалар. Салима опа оилада меҳрибон она, меҳрибон қайнона, бир неча набиралар ва чевараларга бувиқлар.

Салима опа 1995 йилда турмуш ўртоқларидан бевақт жуло бўлган бўлсалар ҳам фарзандларига ҳам ота ҳам она вазифасини бажардилар.

Тўрт ўғил ва бир қизларини олийгоҳларда ўқитиб, олий маълумотли қилдилар. Фарзандлари олган яхши тарбиялари, баракали меҳнатлари эвазига халқ ўртасида хурматга эгадилар.

Катта ўғиллари Хасанов Сайидили янги мактаб қурилишига муваффақ бўлиб, директорлик вазифасида ишламоқда. Иккинчи ўғиллари Хасанов Икром божхона пост бошлиғи вазифасида ишламоқда. Учинчи ўғиллари Хасанов Илҳом ҳарбий мудоффа вазирлигида кадрлар бўлимида муовин вазифасида хизмат қилиб, ҳозирги кунда ҳарбий академияда ўқимоқда. Тўртинчи ўғиллари Хасанов Олим мактабда расм ва чизмачилик фанидан, қизлари Хасанова Дилфуза эса Термиз туманидаги қишлоқ хўжалик коллежида рус тили ва адабиёти фанидан дарс бермоқда.

Салима опа ўз фарзандлари билан фахрланишлар.

Салима опанинг ёш авлодга нур улашадиган қутлуг сулоласига янги-янги муваффақиятлар ёр бўлсин, деймиш.

Насруллаева Мавжуда



ЖОНҚУВР

Мавжуда Насруллаева 1951 йил 11 сентябрда туғилган, миллати тожик, Олий маълумотли, 1974 йилда Тошкент Давлат университетини журналистика факультетини тугатган ҳозирда Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси «Ижтимоий-Иқтисодий кўрсатувлар» бўлими катта муҳаррири. Мавжуда Насруллаева 34 йилдирки, шу жамоада ситқилилган меҳнат қилиб келипти. Вилоят телерадиокомпаниясининг шаклланиши ва равнақ топишда катта ҳисса қўшган ижодкорлардан бири.

Мавжуда опа Республика ва вилоят миқёсида ўтказилган турли танловларда ҳамisha фаол қатнашиб, нуфузли ютуқларни қўлга киритиб келипти. Республика журналистлар ижодий уюшмаси томонидан ижодкор хотин-қизлар ўртасида ўтказилган «Атирдул» танлови қолиби, воҳа ижодкорлари орасида ўтказилган «Энг улуғ ва энг азиз» кўрик танлови вилоят босқичида совриндор бўлди. 2006 йилда ташаббус кўрик танловининг «Энг фаол журналист» наминацияси қолиби, кўтлаб шаҳар ва вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

Мавжуда опа «Ойла», «Муқаллас аёл», «Менинг маҳаллам», «Ободлик оstonадан бошланади», «Олтин оstonа», «Ширинтой», «Қишлоқ ҳаёти» мавзуларидаги туркум кўрсатувлари билан муҳлислар эътиборига тушган. Мавжуда Насруллаева 5 нафар фарзанднинг онаси. Фарзандлари вилоятимизнинг турли жавҳарларида меҳнат қилишди.

Ўз касбининг фидойи инсонларидан бири Мавжуда Насруллаева бундан кейин ҳам янада баракали меҳнат қилиб, ёшларни миллий истиқлол қоялари руҳида, Ватанда, эл-юртта садоқатли фарзандлар қилиб тарбиялашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади деб ишонаман.



УНИ УСТОЗ ДЕРЛАР

Низомова Марзия Насриддиновна 1966 йилда ўрта мактабни битириб, Термиз педагогика институтининг химия-биология факультетига ўқишга кирди. Институтни 1971 йилда муваффақиятли битириб, Термиз туманидаги 8-ўрта мактабга ишта келди. У иш фаолиятини ўқитувчилардан бошлади. У ёш бўлишга қарамай, тезда ўқувчи ва ўқитувчилар орасида хурмат қозонди. Дарсларни пухта, кўрғазмали қурошлар ва техника воситалари асосида қизиқарли ўтарди. Ўша пайтларда “Қуш байрами”, “Ёш табиатшўнослар” кечаларини ташкил этиб, ўқувчиларда табиатга меҳр уйғотиб борар эди. Булар ташқари, “Ёш кимёгарлар” тўрагини ташкил этиб, турли учрашув кечалар уюштирар эди. Низомова Марзия қадрдон мактабида 1980 йилдан бошлаб тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлади. У бутун куч-қудратини болалар таълим-тарбиясига бағишлади.

Унинг педагогик изланишлари, мактаб жамоаси билан ахил бўлишга назардан четда қолмади. Марзия Насриддиновна 1987 йилда мактаб директори этиб тайинланди. Мана шу кунгача 8-ўрта мактаб жамоасини бошқариб келмоқда. Бу йиллар ичида мактаб жуда юксалди. У умумий рейтинг бағл системасида туманда энг юқори кўрсаткичлардан бирини эгаллайди. Мактабда билими чуқурлаштирилган синфлар ташкил қилинган. Ўқувчилар виловат, республика миқёсида фан олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгалламоқдалар ва республикамизнинг турли олий ўқув юрталарида таҳсил олмоқдалар. Мактабда янги педагогик технология асосида дарслар ташкил қилиниб, ўқувчиларнинг дунёқарашини шакллантиришга, чуқур билим олишларига катта эътибор берилмоқда. Мактабда турли фан тўракалари ишлаб турибди.

Мактаб агро тажриба участкасида ҳар хил меваги ва манзарали кўчатлар ўстирилиб, ташиқлотларга сотилмоқда. Ер участкасидан келган маблаг ҳисобидан мактаб таъмирига ҳисса қўшилмоқда ва ҳар хил тадбирларга сарфланмоқда. Умуман Низомова Марзия бошланқ бўлган мактаб жамоаси “Таълим қонуни”, “Қадрлар тайёрлашнинг миллий дастури” асосида иш юритмоқда. 2003 йилда АҚШ Департаментининг Жамоа Алоқалари дастури танловига қатнашиб ГРАНТ ютиб олишди ва шу Грант орқали АҚШнинг Миссисипи штати Джексон шаҳрида ойлик малака оширишга бориб келди.

Мактаб 2003 йилда Халқаро ташиқлотлар билан ҳам алоқаларни ўрнатиб, бунинг натижасида турли фондларни жалб қилиб, мактаб ҳисобига 7 комплект компьютер ва 1 донна принтерга эга бўлди. Бу албатта, ўқитувчилар ва ўқувчилар учун катта илмий ва амалий фойда келтирмоқда. Олий бир мисол: мактаб ўқитувчиси Гулистон Раҳмонқулова Бирлашган Миллатлар Ташиқлоти томонидан эълон қилинган Педагогика фестивалида қатнашиб, 3 ўринни эгаллади ва интернетдан беғул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди.

Низомова Марзия компьютер кўникмаларини мактабда замонавий дастурулардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди. Низомова Марзиянинг компьютер кўникмаларини мактабда замонавий дастурулардан фойдаланиб ўтилиши натижасида бир қанча веб-саҳифалар яратилди. Марзия Насриддиновна қаерда бўлмасин доимо ўқишда, изланишда. Ўз жамоасига фан ва маорифдаги интилиқларни етказиб, ўзи бошқараётган мактабни туманда илғор мактаблар қаторига кўтарди.

Марзия опа раҳбар сифатида жамоадаги ҳар бир ходимнинг салоҳиятини яхши билди. Созандаю хонанда, шопираю ҳамшира, кўйинтки, тикувчию ва сумалакчиси ҳам жамоанинг ўзидан топилди. Марзия опа жамоадаги аёллар ҳақида қуруланиб: “Бир инитта қирқ хунар оз дейишса, бизнинг аёлларимизнинг етмиш хунари бор”, — дейди.

Марзияхоннинг 4 нафар фарзанди, шириндан-шакар 5 набираси, ҳамиша, ҳар ишда мадакдор, турмуш ўртоғи бор. Кимнинг уйи тинч бўлса, унинг иши ҳам омадди бўлади дейишди. Бу аёлга ғайратни ҳам, бахтиёрликни ҳам аввало оиласи берган.

Нормаматова Фотима



У ЯХШИЛИКЛАР САРИ ИНТИЛАДИ

Аёллар билан ишлашнинг нақадар мураккаблигини Фотима Хайитовна энди янада кучлироқ ҳис қила бошлади. Бевоёита улар билан юзлашиш, суҳбатлашиш, дардини билиш... Нета аёллар баъзан ҳаётнинг фақат нобоп томонларини кўришди-я? Нета ял-ял ёниб юришлари мумкин ва лозим бўлган жойда бундай қилишмайдилар-я, иш деса, ишлари бор, уй-жой деса, уй-жойлари, фарандлари, туллек оилалари. Уларни чароғон кўрабилиш керак, ундаги тароват ва лаззатни кўрабилиш керак. Фотима Хайитовна шуларни ўйлайди. Музробот тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси бўлибдики шуларни ўйлайди. Ўйлай-ўйлай, оқил ва донолар билан маслаҳатлашиб шундай қарорга келди. Аёлларни оила таъшишларидан олиб чиқиб кетиш лозим. Уларнинг кўнгилга йўл топиб, дилларини равшан қилиш керак. У бунта эришди. Учрашувлар дейсизми, концерт-театрлар дейсизми, тикув-бичувлар, кандологчиликлар, дейсизми? Энди у атрофидаги аёллар кўзидан нур кўрса қувонади. Уларнинг жарангли овозларини эшитса шодланади. Уларнинг беғубор кулгилари, зафарлари Фотима Хайитовнага ўзгача ғурур бахш этади. У яхшиликлар сари интилади-интилади.

Нормаматова Фотима Хайитовна 1961 йилнинг 1 январ куни Шеробод туманида туғилган. ХДП аъзоси. 1983 йилда Тошкент давлат университетини тамомлаган. Журналист. 1984-1987 йилларда Музробот туман "Меҳнат зафари" газетасида мухбир бўлиб ишлади. 1987-1997 йилларда эса Музробот тумани Бешкўтон қишлоқ кенгаши раиси ўринбосари, 1997-1998 йилларда Музробот туман "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифаларида хизмат қилди. Бу лавозимлар унга ҳаёт тажрибасини берди, журналист сифатида қаламини ўтқизди.

Мана, Фотима Хайитовна Нормаматова 1999 йилнинг 20 май кунидан бери туман хотин-қизларига бошчилиқ қилмоқда. Унинг бажармоқчи бўлган ишлари ҳали жуда кўп. Уларнинг энг асосийси аёллар онгига Мустақиллик берган эркинлик қадрини сингдириш, ҳаёт қадрини сингдириш, уларни ватан севгиси ва оилата меҳр руҳида тарбиялаш. Бу ишда кўтаринкилик сизларга ёр бўлсин, Фотима Хайитовна!





ЯХШИЛАР КАТОРИДАГИ ЯХШИ

Бандихон туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Бўрихол Норбоева 1959 йил 1 сентябрда Сурхондарё вилоят Шўрчи туманида ишчи oilасида туғилган. 1966-1976 йилларда ўрта мактабни тугатиб, не-не орзулар билан мактабни аъло баҳолар билан битирган чоғида отаси Қудрат бобо уни Қизилқум туманига ёр-ёр саздолари остида ухатиб юборарди. Шу билан турмуш, рўзор, ташвишу-қомушлар бошлангди. Бирин-кетин бир-бирдан ширин бўлган Алишер, Юлдузхонлар дунёга келди. Ҳаёт ташвишларига шерик бўлган 1981 йил Қизилқум туман Марказий шифохонасига фаррош бўлиб ишга кирди. Бу вақтда яна бир қизи — Муҳаббат дунёга келди. Аммо олам-олам қувончлар билан бахтли ҳаёт кечираётган дамда Оллоҳнинг отир синови бошига тушди. 1984 йил 10 июн кунин туман электр тармоқларида назоратчи бўлиб ишлаб келаётган турмуш ўртоғи Мамаражаб Норбоев фожиели вафот этди. 1984 йил 10 декабрда ота юзинини кўрмаган ўғли — Ғанишержон дунёга келди. Одамлар билан елкама-елка бўлиб ишлаган, улар билан ҳамнафас бўлиш инсонини келажакка умид билан яшашга ундлар экан. Бўрихолнинг ўқисик қалби яхшилар томонидан таскин топди. Дўстлари маслаҳат билан фаррош бўлиб ишлаб турган бўлса ҳам инсонларга яхшилик қилиш, халқни учун хизмат қилиш завқи тинчлик бермади. Тиббиётга бўлган қизиқиш уни 1985 йилда Термиз Тиббиёт техникумига етаклади. Елкасидан фарзандларини тарбиялаш ва ҳаётдаги тўсиқларни енгитиб ўтиш оинажони Рўзихол момонинг ҳиссаси улкан бўлди.

1987 йил ўзи илк бор бошлаган Марказий шифохонага ҳамшира бўлиб қайтди. Интиланган толе ёр деганларидек, у энди олий маълумотли бўлиши, халқ халқи ва боғалари учун кўп ишлар қилиши доимлигини ангтайди. Шу боис ишдан ажралмаган ҳолда 1992 йилда Термиз Давлат университетининг психология ва педагогика факультетига ўқишга кириб, уни 1997 йилда муваффақиятли тугатади.

Илк ўқитувчилик фаолиятинини тумандаги 9-умумий ўрта таълим мактабига бошлади. Бўрихол Норбоева 1997-2004 йилларда халқ таълим бўлимида услубчи, 11-12-умумий ўрта таълим мактабларида директор лавозимига ишлайди. Иш жараёнида турли рабатлантириш ва Фаҳрий ёрлиқлар ҳамда Муσταқиллигимизнинг 15 йиллиги муносабати билан “Қўрқак нишони” билан тақдирланди. Унинг нозиккина елкасига туманнинг 23 минг кишилик хотин-қизларига етакчилик қилишда масъулияти тушиб, 2004 йилда хозирги кунгача Бўрихол туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимига фаолият юритиб келмоқда.

Норбоева Бўрихол Қудратовна туман хотин-қизларини илгор ишларга руҳлантира оладиган, уларни бошини бир ерта жамлаб уюштира оладиган раҳбар. Унинг яна бир ютуғи шундаки, фарзандларини ҳам жамиятта фойдаси тегадиган инсонлар қилиб тарбиялай олди. У 11 нафар неваранинг бахтли бувижониси.

Ҳаёт инсонни доим синар экан. Бу синовлардан Бўрихол бошини даст кўтариб, юрак алангасини асло сўндирмай ўтиб бормоқда. Чунки унинг мақсади — яхшилик. Унинг орзуи — яхшиларнинг кўп бўлиши. Унинг ҳаёт тарзи ана шу тушунчага асосланган. Яхшилар каторида Бўрихол Норбоевадек яхшилар кўпайверсин, азизлар!



Назарова Зиёда Исомиддиновна



ЗИЁДАЛАР АСЛИ ҒОЛИБДИР

Назарова Зиёда Исомиддиновна 1957 йил 10 июл кунинда Сурхондарё вилояти Сарисоё тумани, Сарисоё қишлоқ фуқаролар йиғини «Эркин» маҳалласида туғилган. Зиёдахон болалигидан оқ шадлол қизча бўлиб ўсди. Ерга урсанг-қўжжа сапчийди. Отаси Исомиддин ота, онаси Оҳиста ая қизларида келажакда катта ишлар қўтишган бўлса не ажаб.

Зиёдахон турли талбирлар, йиғинларни ўтказишда бош-қош, дугоналари ҳам унинг ҳар бир гапига индамайгина кўникишарди, сабаби мақсадлини дўнда-дўнда тушунтира олар, ўз ортидан одамларни етаклай олиш хусусиятига эга эди. Бўйи етган қизни останаасидан совчилар аримай қолди ва Зиёдахон 1977 йилда Тоқчиён қишлоқ фуқаролар йиғини «Маданият» маҳалласига қарашли «Палтов» қишлоғининг ўғлони Хўрам Ражаповга турмушта чиқди.

Бирма-бир фарзандлари дунёга келди. У меҳрибон она бўлиб, ўғил-қизларини оқ юзиб, оқ тарайди. Аммо юрпатилари сўнмас тайрат, шижоати уни уй бекаси бўлиб қолишга йўл бермади. 1999 йилдан бошлаб, бош пудратчи бўлиб фаолият юритди. Юртимизда талбиркорликка, фермерчилик ҳаракати кенг йўл очиб берилгандан сўнг, Зиёдахон бу борда бор кучини синаб кўришни мақсад қилди ва 2006 йилдан бошлаб “Оҳиста Ғанизода” фермер хўжалигида раҳбарликдан бошлади.

Турмуш ўртоғи Хўрам ака-дуралтор уста. Унинг шотирлари бисёр. Элининг эътиборига тушиб, олқинини олаётган Хўрам ака дом рафикасини кўллаб-қувватлаб келади. Катта ўғиллари — Сафарали 27-сонли мактабда илмий ишлар бўйича директор ўринбосари. Ўғиллари Зафар “Оҳиста Ғанизода” фермер хўжалигида ҳисобчи. Баҳолир эса харбий қисмда катта сержант. Баҳриддин ўғли “Оҳиста Ғанизода” фермерининг тракторчиси. Қизлари Сарвиноз туман тери-таносил касалликлари шифохонасида шифокор,

Севарахон эса “Равно Узокова” номидаги коллежнинг талабаси. Бахтёр онининг мунис бекаси фарзандларини ҳам ватанга, эл-юртга муҳаббат руҳида тарбияламоқда.

Меҳнатда улғайган меҳнатда қотган,
Бардош фарзандисиз, бардош фарзанди,
Яшил даладарда нурларга чўмган
Кўш фарзандисиз, кўш фарзанди.

Қўли очиқларнинг йўли очиқдир
Хаёт устоз, бизлар толибдир
Нурли инсонларнинг зиёси бўлур
Зиёдалар асли ғолибдир!



Назарова Зиёда Каппаевна



ИЛМДАН БАХТ ТОПГАН АЁЛ

Назарова Зиёда Каппаевна 1962 йил 10 январда Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани "Гулистон" маҳалласида, ишчи oilасида туғилган.

У ўзининг ўқувчилик даврини Термиз шаҳридаги 2-сон мактабида давом эттирди. Мактабни имтиёзли аттестат билан битирди. 1979 йилда Термиз Давлат педагогика институтининг инглиз филологияси бўлимига ўқишга қабул қилинди.

Зиёда институтда ўзининг намунали хулқ-одоб, жамоат ишларида фаоллиги ва билими билан устозлари, тендошлари орасида алоҳида эътиборга сазовор бўлди. 1984 йилда институтни имтиёзли дипломи билан битирди.

У ўз ўқитувчилик фаолитини жонажон мактабида бошлади. Мактабда тезда устозлар ва ўқувчилар эътиборида бўлди. Ёш авлодни илмий ва маънавий тарбиялашда ўз хиссасини кўшиб келмоқда. 1991 йил Термиз Давлат университети инглиз филологияси бўлимига ишга тақлиф қилинди. Зиёда талабаларга билим бериш, уларни маънавий тарбиялашда маҳорати билан кўза ташланди. У фаоллиги давомида университетда ўтказиладиган барча семинар ва конференцияларда ўз маҳорати билан қатнашиб, талабаларни ҳам фаолликка ундайди.

Назарова Зиёда турмуш ўртоғи Турсунов Ҳамза билан тинч-тоғув яшаб, 4 нафар фарзандни тарбиялаб воёга етказишмоқда.

Кимки китобга ошно кам бўлмайди дунёда,
Илмдан бахт топган аёл-Назарова Зиёда.
Юракларга йўл фақат илм билан борилу
Шунинг учун ҳаёти меҳрда-тўғиёда.

Насимова Робияхон



ДИЛИ, ЙЎЛИ, КЎЛИ ҲАМ ГҮЛ АЁЛ

«Хунардан ризқинг унар» деб доно халқимиз бежизга айтмаган. Инсонни хунар улутлайди, унинг кўнглини ҳам халқ орасидаги мартабасини ҳам юртдошлари меҳрини қозонган, кўли гүл, дили ҳам гүлдек нозик аёл Робияхон Насимовадир.

1962 йил 15 августда Сурхондарёнинг Денов туманида туғилган. Oilада уч ўғил ва уч қизнинг кенжаси бўлган. Шунга қарамасдан Робияхон ёшлигидан ойисининг ишларида қарашин, унинг маҳорати ва тажрибасини ўрганишга астойдил ҳаракат қилар, баъзи бораларда эса билимдонлиги билан ҳатто опадаридан ўтиб кетарди. У гўзалликка қизиқар: чиройли кўйлақлар, уйларини чиройли қилиб безаш ва шунга ўхшашларга ниҳоятда қизиқарди.

Келажакда турмуш ўртоғи Иброҳим ака унинг барча орзуларини руёбга чиқарди. Улар икки қаватли бино барпо этиб, у ерда тикувчилик цехи ва ўқув курсларини ишга туширишди. (2003 й) Шундан сўнг Робияхон учун барча ижодкорлигу маҳоратини намойиш этишга имкон туғилди. Хуллас, шундан бўён мажмуада ташкил қилинган қизларга ва туман аҳлига хизмат кўрсатувчи салон, матазин ва ўқув курсларга Робияхон раҳбарлигида иш давом этаётти. У ерда тикилган элита пардалар қондоғиларга файз бермоқда.

Қизларга таълим бериш соҳасида моҳир чеварлар ишга жалб қилинди. Ҳар олти ойда 40 нафар битирувчида махсус дипломлар берилди. Робияхон аслида, ўзлари жуда кам гап, аммо кўп ишлайди, жуда талбиркор ва ишбилармон, оқилда. Уйда меҳрибон она, севимли бўнижон, нафақат уйда, балки бевосита ўзин раҳбарлик қилаётган бирча қизларга ҳам маслаҳатдош.

Кейинги асосий орузи хуусий боҭа ва қандолатчилик пехи очилди. Робияхон ота турмуш ўртоғининг ёрдами, кенгаши билан ҳамма ниятларига эриша олишга ишонади. Эзгу ниятларингиз ушласин, қўли тўл олохон!

Таниқли шоир Сирожилин Саййидиннинг «Аёл манзумаси» шеъри айни шу Робияхон Носимовадек аёлларга бағишланган бўлса керак:

Бу диерда ору номус, шайну шавқатдир аёл,
Меҳру шавқатдан яралган, меҳру шавқатдир аёл.
Олам узра бир куёш бор, битта ой бордир, вале,
Ердаги нур моҳитобон, шамси талъатдир аёл.
Она сўзи юрт сўзи бирдан нечун пайвастадир?
Бир улуг элдир, Ватандир-шунга сарҳатдир аёл.
Қўжлати кунларни ҳам чарчаттиси меҳнатлари,
Уч юз олтимиш томири иш бирла захматдир аёл.
Жон деса жононадир, жоним деса жонимдир,
Ул муҳаббат оламига манту давбатдир аёл.
Мен кошнингизнинг қаросидан дилимга хат олай,
Ваҳ нечук нозик нафосат, инжа санъатдир аёл!
Бу тўзал нозу адолар ҳеч адолар қилмамай,
Қайта-қайта жон ато эттувчи хайратдир аёл.
Умрингизнинг боғларига файз берган ҳам ўшал,
Билсангиз ҳақдин мукофот ҳамда раббатдир аёл.
Онажоним, она юртим давлатинг каби бўлмамай,
Токи сен борсан жаҳонда катта давлатдир аёл.



Норматова Машхура



ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИ

Машхура Норматова Тўхтамишовна 1962 йилда Шеробод туманида туғилган. 1979 йилда Шеробод туманидаги 27-ўрта таълим мактабини аъло баҳоларга татмомлаган.

У 1981 йилда Термиз давлат университетининг филология факультетига ўқишга кириб, 1985 йилда муваффақиятли тамомлади ва севган касби бўйича Қизилқум туманидаги 26-хунар Техника билим юртида ўқитувчилик қила бошлади.

1996 йилда Термиз шаҳрига кўчиб келганлиги сабабли 1997 йилдан Ж. Курбонов номи 13-умумий ўрта таълим мактабидида ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди. Бу даврларда она-тили ва адабиёт фанларининг сирларини ўқувчиларга ўргатишга ҳаракат қилди, «Она-тили ва сўзлар ўйини», «Отларнинг дўғавий мавнолари», Чўпоннинг «Минг жилоси», «Улғубек хазинаси» асари «Дурдона асарлар» каби мавзуларида очик дарслар ўтказган. Ўқувчилари бир неча мартаба фан олимпиада голиблари бўлишди.

Машхура Норматова 1999 йилда «Ижодкор ўқитувчи» кўрик-танловидида иштирок этиб, шаҳар босқичида 1 вилоятда фахрли 2-ўринларга сазовор бўлган.

2005 йилда «Энг яхши китобхон» курик-танловидида иштирок этиб Термиз шаҳрида 1 чи, вилоятда 2 чи ўринларини эгаллашди. У матбуотларда турли мақолалар билан доимий равишда иштирок этиб туради.

Мавнавийт соғитидан «Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли» адабиёт дарсидан Юсуф Хос Хожибнинг «Куталар билан» асари матни устидан ишлаш мавзулари бўйича 1 соғатлик сабоқ ишланмаси ҳозирги кунда вилоятда оммалашган. Мактабда «Ёш қилмашлар» тўғрисидаги раҳбари. Ўқувчилари ҳам матбуотда фаол иштирок этиб келишмоқда.

Оилаги 5 нафар фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоғи Тўлқин ака Норкулов олий маълумотли ҳозирги кунда Термиз шаҳрининг Мини банк раҳбари лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Қизи — Шаҳноза Норкулова Термиз давлат университети аспиранти, онасининг изидан бориб бугунги кунда 13-сонли Ж. Курбонов номли мактабда она-тили ва адабиёт фанидан сабоқ бермоқда.

Ўғли — Умиджон Норкулов яқинда ҳарбий хизматдан ўтаб келиб, Халқ хўжалиги институтига ўқиниш киришни режалаштирган.

Жамида Норкулов Тошкент давлат медицина академиясининг 2-босқич толиби.

Хуршида Норкулов мактабни аёло баҳоларга тугатиб олий маълумотли бўлиш ниятида.

Мирсида Норкулов ҳозирги кунда мактаб ўқувчиси.



ОНА БАХТИ — ФАРЗАНД ИҚБОЛИ...

Фарзанд азиз олоби ундан азиз,
Оруйимиз ишончингиз оқлаймиз биз.
Оқ ювиб оқ тараган ҳам ўзингиз,
Ёнимизда бўлмасангиз олам нурсиз.

* * * * *

Куёшдан ҳам зиёда меҳрингиз бор,
Дек саҳрода тикан богда гул улар.
Гар фарзанди қоқилса — чи дунёлар тор,
Айтгинг бундай меҳрли зот қаерда бор.

* * * * *

Онанг бахтин ўйласанг тар тентгдошим,
Иродали ва ийманли бўлгин доим.
Ўзгаларга ишониб сен сиринг айтма,
Онанг бахтин ўзингда деб билгин доим.

* * * * *

Дўст қилириб бўлмасман мен оворадар,
Дунёдаги энг яқин дўст — бу оналар.
Бу сўзларнинг мента ҳикмат бўлгани рост,
Бу дунёда бир танангу бир онанг дўст.

Мен онам ҳақида, куёшим Зумрад Нормуродова ҳақида гапирмоқчиман:

Она оналик бахти насиб этган жонкуяр аёл фарзанднинг қаноли барча нарсадан устун. Унинг учун сўнги урфлаги либослар муҳим эмас. Келажакда фарзандларидан умиди катта. Ҳаётида эришолмаган армонлари орзуларини бири-биридан азиз болаларининг ҳаётида кўришни истайди. Бу истак йўлида жасоратларга-да тайёр Аёл-мўжиза!

У яратувчи матонати дунёларни лол қолдирган зот. Жамиятда ҳам оилада ҳам ўрни бекиёс шунинг учун ҳам у мухтарам. Шундай яратилганига шукроналар айтилади.

Ким у мухтарам аёл у фақат олимани ёки жамоатда иш кўрсатган журналистми ёки фарзандлари қайсибир чет элда ўқиган камолта етаётган амалдор аёлларми.

Унда фақат оиласи учун яшаётган эрим, болам деган вақтда тақдир тоқозосино кўнгли амри билан ўзини тенг билмаган уларнинг назаридан пастда турадиган оиладан тушган келин. Оилата сингиб кетиш оиласини сақлаб қолиш учун минг ўлиб минг тирилган инжик эрининг кўнглини олиб бирини минг қилиб яшган аёл ҳар қандай таънаю-дашномларга чидаган, жойи келганда тош отишганида уларни тул билан сийлаган қайнонаю-қайночасини йиғлаб-сихтаб охириги манзилга кузатиб уларга ҳам меҳрибон келинлигини кўрсатиб эл орасида яхши келину, қайнопаю қайинсинглиларига ўрناк бўлган онамининг ўрнида қолган онам унвонини олган аёл ҳам мухтарамдир!

У жамиятда ўз ўрнига эга бўлган аёллар билан тенглаша оладими? У ҳам мухтарамми? Сурхондарёнинг мухтарам аёллари китобига киришга ҳар бир сурхон аёли муносиб. Бу китоб Сурхондарё аёллари учун катта ва муносиб совға. Уларнинг бажарган ишларида Барчинонинг шашти сезилиб туради. Бу китобга кириш шарафига мурасар бўлган аёллар сурхондарёнинг ифтихоридир.

Сизга эҳтиром ила Нигора.



МАНҲУ ЯША МЕҲР ДАРАХТИ

1966 йил 5 ноябрда Шеробод тумани Ғамбур қишлоғида энгил оиласида дунёга келди. 1973 йили шу қишлоқдаги Ҳамза номи 5-ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга борди. Ўқувчилик йилларида ижтимоий фанларга қизиқар, шу сабабли ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти ҳамда тарих фанлари тўрақаларининг актив иштирокчиси эди. Бир неча маротаба ўзбек тили ва адабиёти ҳамда рус тили ва адабиёти фанидан ўқувчиларнинг ва вилоят миқёсида ўтказилган олимпиадада қатнашиб фахрли ўринларни қўлга киритди. 1983 йили мактабни аъло баҳоларга битириб, онаси Турсуной опа Исмагулжоевнинг изидан боришга қарор қилди ва шу йили Низомий номи Тошкент Давлат Педагогика институтининг педагогика ва психология (мактабгача тарбия) факультетига ўқишга кирди. Талабалик даврида факультет, институт жамоат ишларида фаол қатнашиб, тўрух сардори, факультет ёшлар қотиби ҳамда «Тарбиячи» деворий газетасининг муҳаррири бўлиб фаолият кўрсатди. Шу билан бирга институт талабалар илмий-назарий конференцияларида мактабгача тарбия педагогикаси ва болалар психологияси фанларининг долзарб муаммолари ҳақида ўз чиқишлари билан иштирок этиб турди. Психология фанига бўлган қизиқиши туфайли 1987 йили доцент У.Умаров раҳбарлигида «Богча ёшдаги болаларда тафаккур ҳусусиятлари» мавзусида диплом ишینی ҳимоя қилди. 1987 йили мазкур илм дароҳини тутатиб, йўланма билан Термиз Давлат Педагогика институтининг психология кафедрасига ишга юборилди. Шу йилдан бошлаб умумий, ёш, педагогик ва болалар психологияси курсларидан маърузалар ҳамда амалий машғулотлар олиб бормоқда. 1988 йили УНЮТ раҳбарлигида республика олий ўқув юртлари орасида психология фани бўйича ўтказилган олимпиадага бир тўрух талабалар тайёранди ва улар шарафли иккинчи. 1995 йили эса биринчи ўринларни қўлга киритдилар.

Диссертация иши Москва Давлат университети психология факультети жамоаси проф. Е. А. Климов, А. И. Подольский, Л. Ф. Обухова, В. С. Мухина, А. С. Спикаковскалар томонидан баҳоланиб, уни турли фанлар чорраҳасидага бажарилган иш эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Чунки, талқиқотчилар томонидан олинган натижалардан этнография, антропология, физиология, медицина, маданиятшунослик, педагогика ва психология фанлари ўз масалларида фойдаланишлари мумкин. 1993 йили декабрь ойидан бошлаб яна университетнинг психология кафедрасида ишга қайтди ва шундан бўён катта ўқитувчилик вазифасида ишлаб келди. Шу йилдан бошлаб мактабгача тарбия бўлими талабалари учун «Ўйин психологияси» мавзусида бағишланган махсус курс ва амалий машғулотлар олиб боришмоқда, бу курс 1996 йилдан бошлаб эса, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида мактабгача тарбия мутахассислари учун ташкил этилди.

Хозирга қадар унинг қаламига мансуб 15дан ортиқ илмий мақола, 2та методик қўлланма, шунингдек «Болалар психологияси» курси бўйича 70 соатта мўлжалланган ўқув дастури чоп этилди. Айни пайтда «Болалар психологияси» бўлимида бойитиш» ҳамда «Болани мактаб таълимига тайёрлашнинг диагностика масалалари» мавзулари устида илмий изланишларни давом эттирмоқда.

2000 йил сентябрь ойидан бошлаб психология кафедраси мудири ҳамда педагогика ва психология факультети қошида ташкил этилган таълим хизматлари маркази директори ўринбосари вазифасини бажариб келмоқда. Талабчан, изланувчан, ташкилотчи инсон. Сурхондарёлик маҳаллий хотин-қизлар орасидан чиққан биринчи психолог олима.



Носирова Махбуба

ТАЪЛИМГА БАҲШИДА ИЛМ

Ўзбекистонда таълим тизimini яхшилаш, янги педагогик технологияларни дарс жараёнига тадбиқ этиш, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" нинг асосий талабларидир. Бу борадаги илмий амалий ва методик вазифаларни илм фан тизимида жорий этишдек машаққатли вазифани ўз зиммасига олган моҳир педагог Махбуба Носированинг номини алоҳида тилга олиш мумкин. У 1965 йил 24 август кунинда Денов шаҳрида туғилган. 1997 йилда Душанбе Давлат Педагогика институтининг рус тили ва адабиёти бўлиминини тамомлаган. Олийгоҳни тугатгач Душанбе шаҳридаги 63-сонли ўрта мактабда бош етакчи вазифасида меҳнат фаолиятини бошлаган. 1989 йилда Душанбе Давлат Педагогика институтининг синтаксис кафедраси лаборанти бўлиб ишга кирди. Аммо бу даргоҳдаги фаолияти натижасида у шунинг сезилки унинг қалбига, юрагига мактаб яқин, ёш болаларнинг бетубор қалби, тафаккури, кўнглига кириб бориш, уларни тушуниш ва уларга ғамхўрлик қилиш унга ҳаммадан ҳам кўпроқ хуш ёқди. 1989 йилнинг ўзиданоқ яна мактаб бағрига қайтди ва хозирги кунга қадар Кумкўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли 24-умумий ўрта таълим мактабиди рус тили ва адабиёт фани ўқитувчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

2003 йилда Х.Т.Х.Қ.Т.М.Ода ташхис маркази психологлари курсида, 2006 йилда эса умумий ўрта таълим мактаблари директорлари малакасини ошириш курсида тахсил олиб, ўз билим ва тажрибаларини оширди.

Хозирги кунда таълим соҳасидаги ислохотларни тадбиқ этишда "Таълим тўғрисидаги қонун", "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури", ҳамда 2004-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш, умуммиллий давлат дастури талабларини амалий бажаришга тирیشқоқлик билан ҳаракат қилиб, ўқувчиларнинг билиминини фан

олимпиадаларини намойиш этишда, туман ва вилоят миқёсида нуфузли ўринларни эгаллашларида педагогик маҳоратини ишга солиб, яқиндан кўмаклашиб келмоқда.

Янги педагогик технологияни илм-фан тизимига талбиқ этиш, ноанавий дарс турларини яратиб методик тавсиялар яратиш ишларини ҳам олиб борди.

Ёш авлод тарбиясига давлатимиз, халқимиз, жамиятимиз муҳим эътибор бераётгани бизга сир эмас. Қалрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасида қилинаётган амалий ишлар диққатга сазовор. Чунки Республикада мактаб ёшидаги болалар аҳолининг катта қисmini ташкил қилади. Тасаввур қилаётган бўлсак, бир неча йилдан кейин олимизга турган йигит қизлар улғайиб, сафимизга кўшилиб қолади. Улар жамиятда ўз ўринларини топиб олиб, Ватан равнақига хизмат қилувчи инсонлар бўлиб, етиштиляри учун мустаҳкам пойдевор керак бўлади. Бу ҳар бир педагог олдидан турган энг муҳим, энг масъулиятли ва долзарб вазифа эканлигини Махбуба Носирова жуда яхши билиди ва чин дилдан ҳис қилади. Шунинг учун бош мақсали — болаларимизга замонавий билим ва тарбия бериш, уларни булуғли мураккаб ҳаётда ўз ўзинини топишга кўмаклашиш, уларнинг ўз ҳоҳиш иродаси, қобилияти ва индивидуал салоҳиятини инобатга олиб таълим бериш, ўқувчини дарснинг онгли кузатувчиси эмас, балки тенг ҳуқуқли аъзосига айлантириш орқали ўз орзу истақларини рўёбга чиқаришнинг ўз бурчи деб билиди.

Махбуба Носирова фақат касбинини фидойиси эмас, балки иннок оила соҳибаси, уч нафар фарзанднинг севимли онажониси ҳамдир. Уч юрт фарзандларидан кутаётган билим ва истиқболли ўз фарзандларидан ҳам умид қилиши шубҳасиз.

Таълим тизими ислохотлари Махбуба Носировадек жонкуяр ва талабчан, заҳматкаш педагогларнинг билим ва ақл-заковатига мутож.

Бир мискин уйига кўйса қалами,
У жойини яшнатар мисоли баҳор.
Сиздан эрийди юракнинг ғами,
Кўнглини айлайди тонгдек бетубор.

Норкелдиева Найима



ЎЗЛАРИГА ҚУЛОҚ ТУТАЙЛИК

Найима Норкелдиева ўз ҳаёт йўлини шундай чиройли ёзибдики, уни ҳеч қандай ўзарттиришсиз Сизга тавсия этишни лозим топдик. Марҳамат: «Мен Норкелдиева Найима Рўзимуродовна 1963 йил 23 апрелида Сурхондарё вилояти Термиз туманида илғи оиласида туғилди.

Отам — Норкелдиев Рўзимурад 1926 йил Сурхондарё вилояти Шеробод туманида туғилган. Онам — Мустанарова Чинниҳол 1928 йили Сурхондарё вилояти Шеробод туманида туғилган. Улар вафот этишган.

Мен, Норкелдиева Найима Рўзимуродовна маълумотим — олний. 1982-1986 йиллар Низомий номи Тошкент Давлат Педагогика институтининг педагогика-психология факультетида ўқиб, тугатганман.

Мутахассислигим — мактабгача тарбия муассаси услубчиси, педагогика ва психология фани ўқитувчиси.

1986 йил институтни битириб келиб, 1996 йилгача Ангор туманидаги агросаноат уюшмаси колхозлараро мактабгача тарбия услубчиси бўлиб ишладим. 1996 йилда оилавий шароитимиз туфайли Қизиларик туманига кўчиб келиб, 2006 йилгача халқ таълими бўлимида услубчи, 2-болалар муассасаси мудираси вазифаларида хизмат қилдим. 2006 йили Бандихон туманига кўчиб келдик ва қишлоқ хўжалик касб-хунар таълими коллежиди психолог вазифасида ишламоқдаман ва оила психологиясидан дарс бермоқдаман. Педагогика соҳасида 1-тоифали ўқитувчиман. 22 йиллик фаолиятимда иллати ютуқларим учун Бошқарма томонидан бир неча мартаба раббатлантирилишлар олганман. Кейинги нақтларда ўқитувчилар спартакиадаларига қатнашганман. 2003 йил мулдралар ўртасида ўтказилган Спартакиадада кураш тури бўйича ўз вазним голиби бўлганман. Ойлагиман, 4 нафар фарзандим бор.

Турмуш ўртоғим — Норпўлатов Худойберди Шотўраевич Термиз туманида туғилган. Бандихон тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи. Кизим — Норпўлатова Умида 1989 йил 18 февралда Ангор туманида туғилган. Ўғлим — Шотўраев Санжар 1991 йилда туғилган. 14-линей ўқувчиси. Кичик ўғлим — Шотўраев Сардор 1994 йилда туғилган. 14-линей ўқувчиси. Кизим — Шотўраева Ситора 2000 йилда туғилган. 1-мактаб ўқувчиси.

Манзилим: Бандихон тумани «Бандихон» маҳалласи.

«Мен нимани истайман? Истагим — юртимиз тинч бўлсин, ёшларимиз ўсиб-ўнсин. Улар қатори менинг фарзандларим ҳам».



Норқулова Хусния

ЭХТИРОМГА МУНОСИБДИР У

Лавҳамизни нега шундай гап билан бошлагътанимизни ҳозир тушуниб оласиз, ҳурматли ўқувчи. Норқулова Хусния Шокировна 1960 йил 1 январда Шеробод туманида туғилган. 1967 йилда тумандаги А. С. Макаренко номи 1-ўрта мактабга ўқишга борди. 1977 йилда ушбу мактабни тугатди. 1979 йилда Термиз Давлат Педагогика институтига ўқишга кириб, 1983 йилда физика-математика факультетининг математика бўлимини тугатди. Иш фаолиятини 1978 йилда туман халқ маорифи бўлимида котиба вазифасидан бошлади. 1980–1981 йилларда «Чўл чамани» номи болалар комбинатига тарбиячи, 1981–1985 йилларда А. Хидоят номи 14-ўрта мактабда ўқитувчи, 1985–1991 йилларда «ғунча» болалар боғчасида мудир вазифасида ишлади. 1991 йил август ойидан бошлаб, Шеробод туман халқ таълими бўлимига қарашли 27-умумий ўрта таълим мактабида математика фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқда.

Хусния Шокировна мактаб услуб бирлашма раиси ҳамда дарслари туман вилоят миқёсида оммалаштирилган. 2005 йилда «Математика дарсларида кўшимча манбаълардан фойдаланиш», 2008 йилда «Физикадан ноанъанавий дарсларни ташкил қилиш ва ўтказиш» каби услубий кўлланма ва бир қанча рисодалари чоп этилган. У 2005 йилда «Халқ таълими авлочиси» кўрак нипони билан таъдирланган.

Меҳнат ва етти фарзанд тарбияси — булар бири-биридан зарур бурч — вазифалардир. Уларни аъло ижро этишга уриниш Норқулова Хусния Шокировнанинг кўнгил хоҳиши ва бош ниятидир. Ҳозирда туманинг У. Тўропов номи жамоа хўжалигига қарашли «Балхитўзар» маҳалласида истиқомат қилаётган жонкуяр аёл турар жойи оммавий ишларида ҳам фаол қатнашмоқда.



СУРХОНДАН ЭСТАН САБО

“Кўёш ватани бўлганиданми, — деб ёзган эди Ўзбекистон халқ шори Нормурод Нарзуллаев, — офтоб илк саломини Сурхон дёрига беради. Хароратини меҳр билан сочганидан баҳор ҳам биринчи марта кулиб боқади. Бодомлар гуллаб, кўклагини бошлаб келади. Бу муқаддас ўлка улўф ажждларимиз маскани, бахшилар ватани, полвонлар дёри. Ўзбек шеърини ва наср бешитини айни пайтда тебратётганлар ҳам ана шу кутлуғ тўшада тугилиб, камол топпан фозил инсонлардир. Сурхондарёлик қаламқаш қизимиз Шахноза Норкулова ҳам ана шу муҳитдан баҳраманд бўлиб, қалам тебратмоқда, ижода ўз йўлини топиш учун изланмоқда”.

Бу сўзлар шоира ижодига берилган илк баҳодек жаранглаётгани бежиз эмас. Чунки Шахноза шеърини меҳр кўйди, шеъринг эса унинг нозик бармоқларидан ушлаб, олға интилмоқда. Шахноза Норкулова 1984 йилнинг 24 июлида Сурхондарё вилояти марказида зинди оиласида туғилди. Отаси Норкулов Тўлқин — иқтисодчи-хисобчи. Онаси — Норматова Машхура эса ўқитувчи. Термиздаги 13- мактабда она тили ва алабиддан дарс берди. Серфарзанд оила. У мактабда ўқиб юрган йиллари жуда фаол бўлди. Ижодий кечаларда, турли талбирларда, фан олимпиадаларида иштирок этди. 2001 йили иншоолар кўрик-танловининг вилоят босқинчида II ўринини, “Нафосат” ёш қаламқашлар шўбасида эса биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, илк шеърлари “Сирдош юлдузлар” мажмуасидан ўрин олди.

2001 йили 13- мактабни аъло баҳоларга тамомлаган Шахноза Норкулова Термиз Давлат университети филология факультетига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. Ўқиб даврида у алабий изланишлар олиб борди. М.Юсуф, С.Сайид, Иқбол Мирзолар ижоди билан шугулланиди, маърузалар қилди. Алишер Навоий номидаги стипендиат бўлди. 2004 йилда “Янги аср авлоди” нашриёти унинг

“Сурхондан эстан сабо” илк шеърини тўпламини нашр этди. Ижодкор киз, шунингдек Бухоро Давлат университети қошидаги Фанлар Академиясида бўлиб ўтган “Ижодкор ёшлар ва фан-техника тараққиёти” мавзусидаги илмий конференцияда Фаргона Давлат университетида бўлиб ўтган Фан олимпиадасида фахрли ўринларни эгаллади.

Унга матистратурада ўқиш ҳам насиб этди. Назарий билимларини янада бойитди. 2007 йили филология фанлари академ магистри” илмий даражасини олди. 2007-2008 ўқув йилида аспирантурага қабул қилинди. Мўғтоз адабиёт, айниқса хазрат Алишер Навоий ғазаллари унинг кўнглини ром этарди. Шу сабабли талқинлари”мавзусини танлади. Энди у илмий раҳбари И. Хақкулов кўмагида Навоий ижоди, айниқса унинг ғазалиёти билан яқиндан танишмоқда, ўрганмоқда, изланмоқда.

Ижодкоримизнинг “Она тилим” шеърлида куйилаги сатрлар бор:

Сени севган фарзандларинг
Куйлайди, билгин, ҳар дам,
Ўшаларнинг орасида
Бордир қизинг Шахноз ҳам.

Шеъринг ва илм бобида парвоз этаверинг, Шахнозахон!





ЯХШИЛАР ЎЛМАЙДИ

(Онам Юлдуз Норкулованинг хотирасига бағишлайман)

Кекса ёш ҳар кимки ҳаётга етар
Ҳаммаси изма-из бир келиб ўтар
Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий
Кетдилар, кетамиз, келишар кетар.

Умар Ҳаёём

Онажоним, менинг меҳрибон онажонингнам.

Ҳанузгача орамингда йўқлигига инсоним келмайди. Кўзимнинг юмшиган билан ҳаммаша нур ёғилиб турадиган чеҳраси кўз олдимида таваллудлади. Ҳаёлимда ҳозир эшик очилиб, кириб келадигандай... Лекин яхшилик дунё қаби боқийдир. Батри тоғдек, баландҳиммат яхши одамлар нафакат биз фарзандлари, балки дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари қалбида ҳам мангу яшайди. Онажоним меҳри қайноқ, бамисоли дарё эдилар. Бизга ёшлгимиздан берган насиҳатлари, ўғитлари, сабоқлари ҳамон қулоғим остида жаранглайди. Айниқса, “Кўч илмида” ҳаммаша илмга интилсангиз, хунар ўргансангиз ҳеч қачон хор бўлмайсиз”, — деган таълими шуғримга сингиб кетган. Ўзи ҳам жулда билимга чанқоқ инсон эди. Доимо ниматдир интилар, изланар эди. Илм, хунар ўргангилар оғласида дунёга келган қўнғулукқа доимо пораёб турсин деган мақсадда ота-онаси “Юлдуз” деб исм қўйишди. Ўрта мактабни имтиёзли аттестат билан тамомлаб, ўқийшда ҳамда меҳнатдаги аъло ютуқлари ва намунали хулқи учун “Олтин медал” соҳибаси бўлиш насиб эди. Шу йили Беруний номидаги Тошкент политехника институтига кириб, 1980 йилда институтнинг “Умумий овқатланишни ташкил қилиш технологияси” ихтисоси бўйича ҳам имтиёзли тамомлади ва “муҳандис-технолог” мутахассислигини олди.

Онажоним ўзининг меҳнат фаолиятини 1980 йилларда Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатига мастер лавозимида ишлаб билан бошлаган.

Тақдир тақозоси билан Самарқанднинг тўзал қизи ўзининг вафоси, бардоши, гўрури билан қадимий Сурхон воҳасида ўз бахтини топти. Тўрт ўғилнинг ичиди ёлғиз қиз бўлишга қарамай у Сурхондарё Алпомишига турмушга чиқиб, шу ерларда ўз ҳаётини давом эттирди.

Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани дон маҳсулотлари ҳиссалорлик жамияти қошидаги “Дўстлик” боғлар боғчасида ошпаз, тарбиячи ва боғча мудираси лавозимларида фаолият юритди. Кейинчалик “Шўрчи дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти мақарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи бошлиғи лавозимида ишлади.

Ташкилотчилиги, ширинсўзчилиги, инсонлар қалбига осонгина йўл топа олиши туфайли бўлса керак қарийб 10 йил давомида, яъни умрининг охиригача шу жамиятда бошланғич касба уюшмаси қўмитаси раиси лавозимида ишлади. Олдига келган ҳар бир инсонга, катта-кичик ишчи холмига бир хил илқик муносабатда бўлиди. Ҳар бирини ўзининг опа-сингилисини, ака-укасидек кўриб, кўлидан келган ёрдамнинг ачмасди. 1500 мингта яқин ишчи-хизматчиларнинг дардига дармон бўлиб, яхши-ёмон кўнгида энг биринчи кўмакчиси, сирдоши эди.

Онажоним бўш вақтларида доира, рубоё мусиқа чолгу-асбобларини маромига етказиб чалар, набираларига ҳам ўргатаётганига тавоҳи бўлардим. Ҳаммасидан ҳам кўра араб тилини мукамал ўргатгани, муслмончилиқ урф-одатларини маромига етказиб ало этиши мени ҳайратга соларди. Араб тили ва муслмончилиқ сирларини менга ҳам ўргатган. Адабиётга қизиқишим ҳам онамдан ўтган бўлса керак. Айни пайтда улардан олган билимларим ҳаётимда менга катта ёрдам бермоқда. Булардан ташқари улар тулларни, уларни парварши қилишни жулда ёқтирадилар. “Одам кўчат экса ўз номини экди”, — дердилар. Рост айтган эканлар. Онажоним эқтирган кўчатлар, арчалар ҳозирда қад ростлаб, забардаст дарахтларга айланган, уларни ёлга солиб, кўчаларни ялнатиб турибди.

Олдига ҳам меҳрибон она, вафолор ёр бўла олди. Уч фарзандли воғта етказиб, олий ўқув юртларида ўқитди, ҳавас қилса арзийдиган тўғлар қилди, қизларини чиқарди, набиралар кўрди.

Онажон... Сиз ҳаётимиз чироғи, қишда офтобу ёзда совмиз бўлган экансиз. Қани эди вақтни бир лаҳзатгина ортга суришининг илгожи бўлса-ю, сизни тўйиб-тўйиб кўчсам, юратимдаги барча ҳис-туйғуларимни баён этсам... Лекин йўқ! Ҳаётнинг ўз қонун-қонидлари бор. Биз эса уларга риоя қилишга мажбурмиз. Одам муаққат яшаса-да, фарзандлари умрини давом эттириб, абадийлаштиради. Биз ҳам сиз қилиб ултурмаган ишларни давом эттиришга, кўзланган мақсадларингизга етиб боришга, ушлаган орзуларингизни рўёбга чиқаришга астойдил ҳаракат қиламиз.

Онажоним... Сиз асло ўлганингиз йўқ! Сиз бизнинг қалбимизда, юратимизда манту яшайсиз.

Кўзларимнинг қароғида алам билан армон қолди,
Сўзларимнинг бўлоғида ҳижрон деган уммон қолди.
Ўтапман кўп қатори бир шодлик бир қайғу билан
Ортимдан боғ яратувчи ўғлим қолди, қизим қолди!

Ўтганларни Оллоҳ раҳмат қилсин!



АЛПОМИШУ БАРЧИНОВЛАР ОНАСИ

«Муҳтарам аёллар сафидан ўрин олишимга аввало Оллоҳнинг мента инояти, кейин ота-онамининг берган тарбияси, деб биламан», — дея ўз умридан гурурланади Ўғилбой ота.

Отаси — Султонов Норбой — 1990-1986 йилларда яшаб ўтган. Олдий меҳнатқаш, камтарин, хожатбарор киши бўлиб 9 ёшидан қассобилик қилган. Собик иттифок даврида (Улуғ Ватан уруши даврида) етим, бошпанасиз қолган инсонларга оталик қилган. От спорти (улоқ кўпқари)ни жуда севаган.

Онаси — Жумаева Курбоной хозир 86 ёшда. Ота-онасининг боқиб олган фарзандлари жуда кўп. Қалби кенг, ҳушчақчақ, бакуват Тумариста ўхшатади Ўғилбой ота онасини.

Улар оилادا 5 ўғил, 7 қиз. ҳаммалари яшаш турмуш тарзида камлик, хорлик кўрмай ўсиб-ўлтайди. Оилаларида ака-укалари отанинг орзуларини ушатиши учун ҳисса кўшишди. Улар «Чавандозлар» деган юксак номга арзийдиган бўлди, чунки иттифок даврида ва хозирга қадар улар «улоқ кўпқари»дан республикада «чавандоз» номи билан аталиб келишмоқда.

Ҳозирда кенжа укаси — Ўринбой Норбоев Сурхондарё вилоятида «Улоқ кўпқари» Федерацияси Президенти. Учинчи авюёдлари, яъни уларнинг фарзандлари ҳам шу юксак номга муносиб бўлиб келишмоқда.

«Отажоним мени туғулганимда Ўғилбой деб исм қўйганлар ва изидан кетма-кет ўғиллар беришини сўраганлар. Худди шундай бўлган, мендан кейин уч ўғлон укаларим дунёга келишган. Ҳатто қиз сингилларим ҳам барчиной келбагли полдон қизлар бўлишган. Шунда отам мени уларга нисбатан жуссам кичикроқ бўлгани учун «Митинка», буям эса Умида деб эркалашган экан. Хуллас, мени вилоятда Умида Султоновна деб танишадилар», — деб айтади Ўғилбой ота.



ШЕРОБОДНИНГ САНАМИ

У 1946 йил 10 феврал ойида Шеробод туманида туғилган. Мактабни адо даражада тутатган. Мактабда ўқиб юрган пайтида мактаб комсомол ташкилотининг секретари лавозимини ҳам олиб борган. Ушша пайтларда, яъни 1962 йилда ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари бўлар эди. Ташаббусни қўллаб у ҳам «ишлагичлик» бригадасида мактаб-интернат қонили ишлаб чиқариш аэроларини ташкил этиб, давлатда пилла планини бажаришида ўз хиссасини қўшган. 15 ёшда унга Республика ёшлар 1-чи Ёшлар сўётида иштирок этиш насиб этган. 1964-1970 йил Андижон Давлат тиббиёт олий оҳини битириб, «ўқувар ёшлар сўфидида у ҳам вилоятнинг Музробод (собиқ Гагарин) туманига врач-акusher-гениколог бўлиб Вилоят Соғлиқни сақлаш бошкармасининг йўлланмаси билан ишга бориб, у ерда 12 йил яшадди. Бирта ўқиган курсудоши Дўстмурод Каландарова турмушга чиқди. Турмуш ўртоғи хирурт, у жа акушер-гинеколог, улар «ўлдан бахтларини ҳам, тахтларини ҳам топиб, элни нажариди хизмат қилидилар. 3 нафар фарзанди волига етказишди. Катта ўғли — Каландаров Файратбек — тадбиркор. Унинг фарзандлари — Шоҳрустам 1994 йил ва Абдурауф 1995 йил туғилган. Маҳаллада ўсимирлар орасида футболнинг келажги турнирида ўз маҳоратлари билан ютуққа эришган.

Ўртанча ўғли — Каландаров Азамат-Али — ҳуқуқшунос, ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи. Икки фарзанди бор. Икки қарра қарат ўйинча Жаҳон кубоги соҳиби. Ўғли Азамат-Али Усмон Азим томонидан яратилган асирни Пулат Файзиев режиссёрлигида икки қисмдан иборат «Алпомиш» киносининг бош қаҳрамони Алпомиш ролини ижро этган. Ҳозирги кунда Республика олий спорт маҳорат мактаби директор муовини лавозимида ўз билими ва маҳоратини замай меҳнат қилмоқда. Унинг катта ўғли - Бакр Сидиқ 1999 йилда туғилган, отасининг изидан бормоқда. Бу йил ёшлар ўртасида бўладиган дзюдо кураши бўйича Испанияга йўланма олган.

Кенжакой ўғли — Каландаров Дилмурод — иктисодчи. Тадбиркор. Битта фарзанди бор. Инги замонавий андозалар асосида ташкил қилинган Риконс Термиз МЧЖ кўчмас мулк агентлиги директори. Спортчи «Чарм кўлқоп» устаси, ёшлар орасида бўлиб ўтган Республика мусобақалари, халқаро турнирлари голиби.

1975 йилдан токи хозирга қадар узлуксиз меҳнат жараёнида қишлоқ, туман, шаҳар халқ депутатлари кенгаши аъзоси бўлиб юклатилган депутатлик вазифаларини бажариб келмоқда. Унинг беқисс хизматлари эътиборга оlinиб, Ўғлиой Норбобева 2006 йил 28 августда Президентимиз томонидан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Омонова Санам Кенжаевна Шеробод тумани «Туз» қонили жойлашган боғалар боғчаси мудираси. Олий аёл, меҳрибон она, талабчан раҳбар, оли қайнона, саҳий буви, вафодор хотин, қайнони қўшни, тежамкор бека, дилкаш дўст. Ҳозирги шароитда йўқдан бор қилиш унинг ҳислати. Иш жойида уйда ҳеч бир нарсани «бежерак» деб отиб юборишга йўл қўймайди. «Тежамкорлик-ҳасислик эмас» унинг шиори. Қайфияти яхши бўлса рўзгориди бир куннинг анча юмушларни ўйлаб топади ва бажаради, бошқаларни ҳам беқор қўймайди. Олти нафар фарзанди, келини, куёви, икки невараси бўлсада, кўчада ўйнаб юрган боғаларни боғчада ёки уйига чақириб олиб, иш ўрталади. «Беқор юрган боғаларни кўрсам тинчим йўқолади» дейди у.

Фарзандлари Отабек, Соҳиба олий маълумотли муаллимлар, онилаги, Ойбек — молия ходими, Улғубек — алоқа муҳандиси, Одил — Термиз Давлат Унверситети талабаси ва кенжа қизи Гули — мактаб ўқувчиси.

Турмуш ўртоғи Баҳром ака қурувчи муҳандис. Турмуш ўртоғини ҳурмат қилади, лекин кўп эркатлиб юбормайди.

Санам асгида тоғли «Вандоб» қишлоғида ўсган. Шарқирок сувар, сулим боғлар, тоғ ҳавоси унинг бутун ҳаётида мужассамлашган. Ҳаётда урғиб турадиган камчиликларини енга биллишдаги қобилияти, ҳар қандай ёмонликка, ёвузликка тўғри кўз билан қарай биллиши, теварак атрофга меҳр бера олиши, ажаб эмас шу тоғларнинг тоза ҳавосидан нафас олиб, энгил суваридан ичиб, ўсиб улғайишидан бўлса.

У ишлайдиган жамоада шу ҳудуднинг 70 фоиз боғалари боғчага жиёб қилинган. Улар учун ҳамма шароитлар муҳайё. «Мустақиллик бизга нима берди?» деган саволга жамоа аъзолари «Биз Мустақилликка нима бердик?» деган савол билан жавоб берадилар. Дарҳақиқат, «Ватан остонидан бошланади» деганларидек, боғалар боғчасидан бошланади.

Яхши тарбия нафақат тайёр дастур ва кўникмалардан, балки информатсион янгиликлар, фантазия, ишбилармонлик фикрлаш, яратувчанлик билан бирга олиб бориладиган қилаётган ишимиз кўзга кўринади, дейди мулдира. Бунинг учун изланиш ва яна изланиш керак.

Бирор кишининг яхши, ёмон томони тўғрисида гапирилса “Қонида бор унинг дейишди”. Санамнинг отаси Кенжа бобо умр бўйи раҳбар бўлиб ўтган. Санам боғча мудираси бўлмаган, деб ўқиматан эди. У аслида рус тили ва адабиёти ўқитувчиси. Энди турмуш кўртан йилларида турмуш ўртоғининг тақлифи билан у ишлайдиган Музабод туманига кўчиб боришди. Ёш боласи борлиги туфайли мактабда ишлай олмай, ўша ердаги 4-5 та болалар боғчасида рус тилини ўқитишни ташкиллаштирди. Шу сабаб бўлиб, мактабгача тарбияга боғланиб қолди. Боғча фаолиятида асосий эътиборни болаларнинг соғлиғига, чиниқишига эътибор беради. У ишлаётган боғчанинг йўналиши ҳам спорт соҳасидир. Ҳомийлар томонидан спорт майдончалари ҳар хил жихозлар билан тўлдирилган. Машгулотлар ўз вақтида мунтазам олиб борилиши билан бирга, айниқса кичик гуруҳ болаларнинг соғуқ исениклдан муҳофазаланишига, уларнинг ички кийимларининг ҳўл куруқлигини, керак бўлса ҳар-ҳар замонда кузатиб туришдан эринмайдиган мудира биннинг Санам. Боғча серқирра мўассаса. Буни бир катта оилга қиёс қилса бўлади. Шу оиланинг бекаси Санам ҳўзур-ҳаловатда яшаш нимаининиям билмайди. Болаларнинг кийқирини, улар атрофидати гуллар, табиат сўлимлиги, ҳодимларнинг хўшмуомаллиги у учун катта ютуқ, бойлик.

Санамнинг ёшлигида қишлоқ боғча дєрди бўлмаган қишлоқларда. Шунинг учун ҳозирги мактабгача ёшлиги болаларни мактабга албатта тайёрлаб бориш керак. Бунинг учун кичик-кичик қишлоқларда боғча бўлмаса ҳам, улар учун шароит яратиб саводхонлик гуруҳи очиб, ҳар бир болани мактабга тайёрлаш режалари Санамга тинчлик бермайди. У ҳеч қачон ишдан чарчаб эриқиб келмайди. Чунки уйда ҳам шу шовқин. Уйга келиб невараларини бир-бир бағрита босиб тарбиячиға айланали, кейин яна тўн, тонг, яна бир раҳбарлик югур-югурлари.

У ҳаётда учрайдиган аччиқ чуқуқ гапларни беомолл қарши олади. Чунки у шундай хислатли инсонки, бўладиган воқеа унинг тушида аён бўлиб туради ва у шунга қараб иш тутали.

Шунинг учун у айтдики, «Менинг оллоҳим бор, оллоҳим!» деб, ва Санам опа азиз ўқувчиларга шунни тилайдики, ҳар бир ишингизда Оллоҳ мадақдор бўлсин деб!



МАОРИФНИНГ
МАЪРИФАТЛИ ХОЛИМАСИ!

Ўзбекистоннинг келажатига умид билан қарайдиган ва мана шу порлоқ келажакни яратишда ўзини бурчи деб биладиган аёли бор экан юртимиз эртасига ишонч билдиришдан кўрқмаймиз. Чунки аёл энг аввало ўз фарзандининг тарбиячиси Қолаверса, маорифимизнинг меҳнатқаш фидойилари ҳам аксарияти аёллар. Бунга аслида асосий сабаб болани оналар сузди тушунали, тарбиялайди. Ўз билим салоҳияти ва педагогик маҳорати билан ҳамкасблари эътиборини қозонган. Меҳрибонлиги болажонлиги билан шотирлари эъзозинга сазовор бўлган, камтарлиги, меҳнатқашлиги ва ширинеҳандлиги билан маҳалла қўй кўнглини олган. Қўрилиши, хатти-ҳаракатлари, андилао салоқатидин ҳақиқий ўзбек аёлига хос сифату фазилатлари билиниб турган инсонни урғатанмисиз. Мен эса урғатандайман. Маърифатнинг ҳақиқий “чирғобондари”дан ўзбекнинг маърифатли аёллари издошларидан бири Гулбаҳор Очилдиева Бўриева 1956 йил 9 мартда туғилган. 1963 йил Ўзун туманидаги Ҳамид Олимжон номи 52-ўрта мактабнинг 1 синфига ўқишга келган. Мактабни 1973 йил имтиёзли тугатиб Душанбе Давлат Педагогика Институтининг педагогика факультетига ҳўжжат топширган ва 1-курс талабаси бўлган, институтни 1977 йил муваффақиятли тугатиб, ўзи ўқитган 52-ўрта мактабга ишга келиш. Ишни мактабда пионервожатийликдан бошлади. Утган давр мобайнида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлади. 2003 йилдан бўён, ҳозирги кунга қадар ўзи ўқитган мактабда директор вазифасида ишлаб келмоқда. Оилалик. Турмуш ўртоғи “Гулбаҳор-фидоас” фермер хўжалигини бошқаради.

4 нафар фаранди бор. 3 қиз, 1 ўғил. Катта қизи Шаҳноза Ўзбекистон Республикаси жаҳон тиллари Университетининг Халқаро журналистика факультетини тугатиб, ҳозирги кунда ишламоқда.

Иккинчи қизи Феруза Низомий номи Тошкент Давлат Педагогика Университетининг касбий таълим факультетини тугатиб, ўқитувчи бўлиб ишламоқда. Ўғли Фирдавжон Тошкент Иқтисодиёт Университетининг солиқ ва солиққа тортиш факультети 3-босқич талабаси. Кичик қизи Шоҳиста Ўзбекистон Республикаси Жаҳон тиллари Университетининг рус филологияси 1-босқич талабаси.

Мана шу қайлардан кўриниб турибдики, Гулбаҳор Очилиева фақат юртдошлари фарзандларини эмас ўз фарзандларини ҳам фидойи ва маърифатли қилиб тарбиялаш учун интилан эшлардан. Президентимиз айтганларидек, “Ҳар қандай жамоани ҳар қайси жамиятни ҳар қандай муҳитни авваламбор аёлларимиз обод этади.” Гулбаҳор Очилиевадек маърифатли муаллималар маърифатли оналар ватан равақининг посбонларидир.

Сиздан ўзга она каби суярмиди,
Хато қилсам, биздан ортқ куярмиди?
Эй, жонсарақ, меҳридарё азиз устоз
Шотирдинтиз меҳрингизга тўярмиди?



Омондавалтова Хумор

ХУМОР ОНАНИНГ ЎТЛИ ЮРАГИ

Хумор опа Омондавалтова масъул ишларда ишлаган аёл. Ҳаёт уни қаерларга юбормасин, қай бир вазифани нозик елкасига қўймасин, бари-барини эплаган. Турмушнинг турли синовларидан, умрининг ҳар хил сўқмоқларидан ҳалол ва поклик билан ўтган. Фидойилик, меҳнатқашлик унинг умри максали бўлган ва шундай бўлиб қолган. Хумор Омондавалтованинг отаси — Омондавалтов Ҳолматов узоқ йиллар пахтачилик билан шуғулланган. Кўл остида қатор одамлар меҳнат қилган. Керак пайт ширинсўз билан, керагида қаттиққўллик йўли билан ишга солган. Уларни жамоани уюштира билишдек қобилият Хумор опага отасидан ўтган бўлса не ажаб. Онаси — Обод ая зукко, меҳнатқаш аёл. 1920 йилда туғилган бу момо хозирда қизини ва қолган фарзандларини дуо қилиб, неварачевралар куршовида нур тўкиб ўтиради.

Хумор Омондавалтова 1965 йилда Термиз Давлат педагогика институтининг химия-биология факультетига ўқишга кириди. Маъжур илм даргоҳини 1970 йилда муваффақиятли тамомлайди. Илк меҳнат фаолиятини 1970-1976 йилларда Шўрчи туманидаги 24-сонли ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб бошлайди. 1976-1978 йилларда М. Ҳасанова номидаги мактабда иш тажрибасини орттиради. 1978-1980 йилларда “Пахтакор” жамоа хўжалигига директор. Бу вазифада ҳам у одамлар билан янада яқин бўлиш. Кўпчиликни уюштира билишдек қобилият кўн келиди. У зиммасидаги барча вазифаларни вижлонан бажарди. 1980-1982 йиллар давомида 11-мактабда директор бўлиш. Унинг ўз жамоаси, ўз ўқувчилари бўлиб, барча-барча ҳамжихатликда ишлашга интилади. 1982-1985 йилларда 8-ўрта мактабда директор, 1985-1992 йилларда “Қизилқоғ” кишлоқ фуқаролар йиғини раиси, 1992-2000 йилларда туман ФХД раисини, 2000-2003 йилларда “Қўшқўтон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, 2003-2007 йилларда “Ғалла-Пахтакор” фермер хўжалигини бошқариш.

Азиз муштарий, мана ушбу саналардан маълум бўлиб турибдики, Хумор опа қай лавозимда, ким бўлиб ишлагасин, масъулиятни қўймаган. Шундан-да, унга катта вазифа ва лавозимларни ишониб топширишган.

Келинг, Хумор Омондавлатованинг дил сўзларига қулоқ тутайлик. Бу изҳор сизларни, бағри кенг, оламохун аёл билан яқинроқ таништирса. "Мен қўлимдан келганча Ватаним, халқим учун фидойи бўлиб ишладим. Давлат ва жамоат ишларида бош-қош бўлиб, фаол иштирок этиб келдим. Дилимда орзу-хавасларим ва файратим бир дунё бўлиб, жўшиб турибди. Хали бардамман. Халқим учун меҳнат қилишга, кучим ҳам, файратим ҳам етади!"

Хумор Омондавлатованинг хизматлари давлатимиз томонидан бир неча бор тақдирланган. 1992 йилда "Мустақилликнинг 1 йиллиги" кўрак нишони, 2001 йилда "Мустақилликнинг 10 йиллиги" кўрак нишони, «Шуҳрат» медали, бир нечта Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Тангри уни хушхуш фарзандлар билан ҳам сийлаган. Ўғил-қизлари олий маълумотли, турли касбларни эгаллаган бўлсалар-да, оналари сингари виждонан меҳнат қилишди. Хумор опа 9 нафар эрка набиралари қуршовида пири-бадавлат бўвижон бўлиб, умртўзoronлик қилмоқдалар.



Ортиқова Розия

МЕҲНАТДАН БАХТ ТОПГАН АЁЛ

Ортиқова Розия 1949 йилда Денов туманида туғилган. 1966 йилда 23-ўрта мактабни битириб, Термиз шаҳридаги ҳисобчилар тайёрлаш курсида ўқиди. 1967 йилда Термиз давлат педагогика институтининг "Ўзбек тили ва адабиёти" факультетига кириб, 1971 йилда имтиёзли диплом билан битирди.

Иш фаолиятини Музработ туманидаги 19-сон умумтаълим мактабида ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилигидан бошлади. 1972 йилда Музработ тумани "Оқтошобод" қишлоғида янги ташкил этилган саккиз йиллик ўрта мактабга ишга тақлиф этилиб, мактабда адабиёт фани ўқитувчиси бўлиб ишлади. Унинг меҳнатларини муносиб баҳолашиб, 1984 йилда "Катта ўқитувчи" унвони билан тақдирланди. Дастлаб мактабда тарбиявий ишлари бўйича директор ўринбосари, 1991 йилдан буён мактаб директори лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Розия опа раҳбарлик фаолияти давомида кўтлаб ибратли ишларни амалга оширди. Унинг раҳнамолигида педагогларнинг билим салоҳияти ошди. Ўқувчиларга берган меҳри туфайли мактаб билимдонлар жамоасини қатор кўрик танловларда нуфузли ўринларни олишга эриштирди.

Розия Ортиқова меҳрибон, самимиятли лекин қатъий раҳбар. Зеро, комил инсонни тарбиялаш учун педагог шундай олийжаноб бўлмоғи зарур.

Оилаги: 4 нафар фарзанди бор: Қизлари — Муқаллас, Гулнора, Муқаллам. Ёузл олий маълумотли ўқитувчи фарзандлари унинг изюшин, касбдоши бўлганлиги, жамиятта, инсонларга нафи тегалтиган инсон бўлганлигидан беҳалд фахрланади.


Розия опага:

Аёлнинг шайнига дoston тутамас,
Тутамас аёлнинг номига алъор.
Чунки, у эртаклир ниҳояси йўқ,
Чунки у юракда гуллаган баҳор.

Шулардан биттаси Розияхон ая,
Тиллога топилмас айтган ҳар сўзи.
Мангуликка доир қилган ишлари,
Гулга ўралгандир бостан ҳар изи.



Пардаева Рисолат



ШОИР ҚАЛБ ТАДБИРКОР АЁЛ

Пардаева Рисолат 1961 йил 28 ноябр куни Сарисийё туманида таваллуд топган. Сарисийё туманидаги 20-ўрта мактабда таҳсил олган. Тиришқоқ ва зийрак қизалоқ мактабнинг жамоатчилиқ ҳаётида фаол иштирок этиб ўстозларнинг ишонган ўқувчиси, синфдошларнинг эса яқин сирдошига айланган эди. Рисолат болалигиданоқ адабиёт, шеърят оламининг шайдоси бўлиб, турли тadbир ва йиғинларда ўз машқлари билан иштирок этиб келган. У олий адабиёт дароҳларини битира олмаган бўлсада, шоирона юраги, гўзалликка ошuftа кўнгли амри билан то ҳануз шеър ёзиб келади. Унинг нозик ташбеҳлари, солда, аммо самимийлик билан битилган шеърлари давраларда тез-тез жаранглаб туради. Шу сабабли ҳам у бор давра ўзгача файзга эга.

Рисолат Пардаева 1980-1981 йилларда ўзи таҳсил олган мактабда бош ошпаз бўлиб ишлади. Аввалгига жуда кўп қийналди. Озгин, нимжонгина қизча, ҳатто туман марказини яхши билмайдиган ошпаз бир катта мактабнинг ўқитувчию ўқувчиларга, фаррошларини хизматчиларига, жами 500 кишига овқат тайёрлаб, чой-нон ҳозирлаши керак эди. Зиммасидати вазифасини аъло даражада бажаришга кўниккан Рисолат бу ишни ҳам аъло даражага бажарди. Пиширтган таомлари ҳаммага манзур бўлди. Туман марказидан келган текширувчилар ҳам унинг ишида камомад топмадилар. Кайтага, маълумотини оширишни маслаҳат бериб, ўқув юртига йўланма беришди. Рисолат уйдатишларга билдирмай Термиз кооператив техникумига хужжатларини топширди. 1982 йилда товаршунослик бўлимига ўқишга кириб олди. Унинг бу муваффақиёти ота-онаси учун кутилмаган совға бўлди. Қиз бу дартоҳда ҳам аъло ҳулиқи, меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги билан ажралиб туради. Ўқишнинг тамомлагандан сўнг мутасадли раҳбарларнинг кўрсатмаси билан катта бир дўконга мултира этиб тайинланди. Бу орада турмушта ҳам чиқди.

Синфдоши Исмоил Тўраев анчадан бери Рисолатни кўз остига олиб қўйган эди. Катталарнинг дуон-фотихаси билан икки ёш турмуш қуришди. Рисолат Пардаева 1995 йилга қадар турли савдо дўконларида етакчи раҳбар бўлиб фаолият юритди. 1995 йилда Республика Президентининг хусусий талбиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги қарори қабул қилинганидан сўнг, «Шўхрат-1» кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш савдо ва тижорат ишлаб чиқариш фирмасини ташкил қилди ва раҳбарлик масъулиятини ҳам ўз зиммасига олди. Шунинг билан бир қаторда Ушун туманидаги деҳқон бозорига савдо дўкони ҳам қурди, ҳисоб-китоб, банк ишларини ҳам ўзи бажара олди. Шундоққина бозор ёнида аҳоли кентига майдонни чиқинди ахлат ташлайдиган ерта айлантирган эди. Рисолат бу фариптасиз жойларни ҳам обод қилди. Туман ҳокимлигининг розилиги билан ахлатларни тозалатирди, ерни асфалтлатди, кўчаларни тозалатирди ва автоуловлар тўхташ жойига айлантирди. Энт асосийси бу иш билан аҳолининг дуосини олди. Рисолатнинг олти фарзанди ҳам оёққа туриб олди. Катта қизи ўқувликка чиқиб, онасининг ёнига кирди. Улар иккови ташкил қилган тикувчилик цехининг фаолияти ҳам тасанноларга сазовор.

Ҳозирги кунга қадар Рисолат Пардаева билан 50-60 киши бирга ишлайди. Унинг янги-янги режалари амалга ошмоқда. Болалигидан олдига қўйган мақсадини бажаришга кўниккан, таважжалчиликдан қочмайдиган, «ушлаган еридан кесадиган» қаҳрамонимиз ҳали бизни янада ушкан зафарлари билан қувонтириши таъбиий. Эеро унинг ҳаёт тарзи шундай. Бошлаганини ниҳовсига етказиш, доим олдига интилиш, фақат ўзи учун эмас, ўзгалар учун ҳам ишлаш ва яшаш — унинг шиори. Омаднингизни берсин, шир қалб талбиркор опа!

Бағри оташ, гул юзидан ой уялар,
Тарихдаги Тўмарисдай мард қиялар,
Най йиғлатар дарди гоҳо кулиб туриб,
Хайрон этар сочларини қирқга ўриб.



Пирназарова Ражабой

ИЗЛАНИШЛАР ҲОСИЛАСИ

Инсон яхши истақлар билан ҳаётга келади, яшайди, фаолият кўрсатади. Бу фоний оламни тарқ этганида эса фақат эзгулик уруғларини сочиб кетган инсонларгина эсланади, ёлга олинади. Ражабой Пирназарова ёни мана шундай нузли хотираларни эста соғалдиган фаолият соҳибаси эди.

У 1926 йил 27 июлда Сўрхондарё вилояти Бойсун туманида туғилган 1946-1947 йилларда ўрта мактабни якунлаганидан сўнг 1957-1962 йилларда Ҳамза номидаги Қарши педагогика институтини, 1967-1969 йилларда Москвадаги Олий партия мактабига тахсил олди. Унинг икки акаси бўлиб, каттаси Тўхтамши Пирназаров 2-жаҳон урушида Украина остоноаларида душманга қарши курашда қаҳрамонларга ҳалок бўлган. 1945 йилда Донецк вилоятида дафн қилинган. Кичиги Пирназаров Эргаш эса 1942 йилда ҳалок бўлиб, Шарқий Пруссияда дафн қилинган.

Пирназарова Ражабой онга қурмалди ва фарзандлар ҳам қўрмалди.

Балки бутун умри яшайдигани ўз тарбиясига олиш ҳамда халқ хизмати

бағишлади. Балки у яшатган йиллардаги оғир шароит уни бош-бутун

ишта шўнгишга, Ватан учун хизмат қилишга мажбур этгандир.

Ражабой Пирназарова иш фаолиятини 1941 йил август ойидан халқ маорифидан бошлади. Аввал 6-сон Киров номи мактабда кейин август ойида эса тумандаги 27-сон Ушинский номи мактабда ўқитувчилик қилди. 1946-1947 йилларда Бухоро Педагогика институтининг таъомлади ва 1947-1948 йилларда Киров номи мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб юрди. 1948-1950 йилларда эса Бойсун туман Комсомол ташкилотининг биринчи секретари бўлиб ишлади. 1950-1957 йилларда 6-сон Киров номи мактабда директор вазифасида ишлади. 1957-1962 йилларда Қарши Педагогика институтини тутатиб келиб, 1962-1963 йилларда Бойсун туман 1-сонли Ленин номи мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. 1963-1966 йилларда уни 2-маротаба

6-сон Киров номили мактабига директор қилиб тайинлашди. 1966-1967 йилларда туман партия кўмитасида идеология бўйича секретари, 1967-1969 йилларда Москва олий партия мактабининг тингловчиси, 1967-1970 йилларда вилоят партия кўмитаси инструктори, 1970 йилдан 1975 йилга қадар эса вилоят ижтимоий таъминот бўлими мудирини лавозимларида ишлаб келган.

1975-1977 йилларда эса Термиз тиббиёт билим юртида тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, 1977 йилдан то нафақатга чиққунга қадар Бойсун туманидаги учқомбинатда директор лавозимида ишлаб келди.

Ражабой Пирназарова жамият олдиди халқ маорифи борасида қилган ишларини инобатга олиб, бир қанчаа орден, медал ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.

1948 йилдан 1969 йилгача Бойсун туман ижроия кўмитаси депутати бўлиб келган. 1948-1954 йилларда эса вилоят ижроия кўмитасининг депутати бўлган. 1966-1967, 1970-1975 йиллардан вилоят кўмитасининг номзод аъзоси бўлиб келган. Умуман бир неча йиллар Бойсун туман ветерандар Кенгаши раиси лавозимида ишлади.

Ражабой Пирназарова урушнинг охирига қадар халқ учун ёшлар тарбияси учун хизмат қилди. Ҳамиша ташкилотчилик ишларида қатнашди. Халқ фаровонлигини ўйлаб яшади. Унинг самимийлиги, унинг меҳрибонлиги ва элпарварлиги ҳалигача юртдошларининг ёдидан кўтарилган эмас.

Эй сен жаннат гули, эй булбул йўк,
Эй, сен дили дoston, ammo тили йўк.
Эй сен бўстонини тарқ этган кумри,
Эй сен мудом ёнган, ammo кўли йўк.
Эй, сен менинг ўзим жонсабил жоним,
Тошлар орасидан сизган армоним.
Ошиқ кўзларингнни малаклар юмсин,
Рухингга осмонлар муборак бўлсин!



Пўлатова Сожида



УМИДЛАРИ ОСМОН АЁЛ

Пўлатова Сожида Усмановна 1948 йил 1-январда Тожикистон Республикасининг Ҳисор туманидаги Четтўра кўрғони яқинидаги Чимкўрғон қишлоғида деҳқон oilасида тутилди. 1955 йилда ўз қишлоғидаги бошланғич мактабнинг биринчи синфига ўқишга борди. 1958 йилда Сожидахонларнинг oilаси ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги ВЛКСМ 30-йиллиги (ҳозирги Кумкўрғон туманидаги «Беш қаҳрамон» фермерлар уюшмаси) га кўчиб келишди. Сожидахон шу ердаги 34-сон А.Навоий номидаги мактабда ўқиниши давом эттирди. 1966 йилда у ўрта мактабни тугатиб Украинанинг Луцк Давлат Университетининг филология факультетининг рус тили ва адабиёти бўлиминини мувоффақиятли тугатиб ўз юртига қайтди ва ўзи ўқиган мактабда ўқитувчи бўлиб иш бошлади.

Сожидахон Пўлатова 1973 йилда турмушта чиқиб Сурхондарё вилоятининг Татарин тумани (ҳозирги Музработ) га кўчиб келади ва у ерда туман комсомол кўмитасида бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. Сожидахон oilаси билан 1975 йилда иш юзасидан янги ташкил этилган Ленин йўли (ҳозирги Қизилрик) туманига юборилди. У ерда Сожида Пўлатова район партия кўмитаси инструктори, бўлим бошлиғи ўринбосари лавозимларида ишлади. 1986 йилда Тошкент олий партия мактабига ўқишга юборилди. 1986 йилда Тошкент йилда имтиёзли тугатиб ўз туманига қайтди. 1992 йилгача Ленин йўли район партия кўмитасида тарғибот ва ташвиқот бўлими бошлиғи лавозимида ишлади. 1992 йилда Сожида Пўлатова Ленин йўли туманидаги Сарик кўрғони фуқаролар йиғини раиси, 1994 йилда фарзандларининг ўқишлари учун шароит яратиш мақсадида Термиз шаҳрига кўчиб келади ва иш фаолиятини Термиз Давлат Университетида рус тили ва сиёсатшунослик фанларидан ўқитувчи бўлиб давом эттирди ва шу ердан нафақатга чиқди.

Сожида Усмановна ўз иш фаолияти давомида ўзини фақат ижобий томондан кўрсатадди. У нафақат билимдон, оқилга аёл балки камтарин, меҳрибон, маслаҳаттўй инсон сифатида ўз ҳамкасблари ўртасида обрў-эътибор қозонди.

У Сарик Кўрғон фуқаролар йиғини раисаси бўлиб ишлаганида кўрғонни газлаштириш, йўللарни асфальтлаш, кўкаламазорлаштириш каби ишларни амалга оширди ва кўрғон фуқаролари орасида ишбилармон, талбиркор раҳбар сифатида обрў қозонди.

Сожидахон нафақат оқилга, талбиркор раҳбар, балки солиқ, вафодор турмуш ўртоғи, меҳрибон она сифатида ўз оиласи маҳалладошлари хўраматига сазовор бўлди. У турмуш ўртоғи Нарзулла Туреунов билан 35 йил давомида турмушнинг аччиқ чуқуқларини бирта тортди ва тўрт ўғил фарзандларини бутунти кунда эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб воғта етказди. У тўё барча орзуларига эришгандай, лекин Ватаннинг буюк келажати, фарзанд, невараларининг порлоқ келажатини кўриш иштиёқи билан яшамоқда. Шоир қуйилаги мисраларни тўё унинг тилидан биттандай:

Орзуларим хўп кўп манним,
Барчасига етсам дерман.
Энг аввало она замин,
Доим яшнаб турса дерман.

Она Ватан, она юртим,
Мангу-абад турса дерман.
Шу заминда ҳар бир инсон,
Шоду-хуррам юрса дерман.

Олгоҳ ҳар бир инсонга Сожида опата ато этган ҳаёт йўлидай ҳаёт йўлини ато этсин.



Панжизева Насиба

ИЛМ ГУЛШАНИ СОҲИБАСИ

Панжизева Насиба Норматхатова 1973 йил 11 январ кунда Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида энёли оиласида туғилди. 1980-1990 йилда Термиз шаҳридаги 6-сон ўрта умумтаълим мактабида ўқиди.

Панжизевлар хонадонини илмга ташна, энёли оила бўлганлиги бонс Насиба ҳам отаси Норматхат ака йўлидан бориб, филолог бўлишга аҳд қилди. 1991 йилда унга омад қилиб боқди. У Термиз Давлат педагогика институтининг инглиз филологияси бўлимига ўқинишга қабул қилинди.

Насиба институтда ўзининг намунали хулқ-оқоли, илмга чанқоқлиги, жамоат ишларидаги фаолияти билан талабалар ва устозлар орасида алоҳида хўрамат эътиборга сазовор бўлди ва 1995 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугатди.

Насибадаги илмга бўлган қобилиятини сезган институт раҳбарияти уни кафедрага ишга қабул қилди. Илмга чанқоқлиги ва изланишлари натижасида Насиба 1999 йили Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг кундузги аспирантурасига конкурс асосида хужжат топширди. Имтиҳон ва синовлардан муваффақиятли ўтиб аспирантурата қабул қилинди.

Насиба Панжизева филология фанлари доктори, профессор Ашурова Дилором Умаровна раҳбарлигида киёсий тилшуносликни долзарб муаммоларидан бири "Инглиз ва ўзбек тилларида шахсни баҳолаш номинацияларининг когнитив жиҳати" мавзусида номзодлик диссертацияси устида иш олиб борди.

У номзодлик диссертацияси устида ишлаш жараёнида Москва давлат кутубхонасида ишлаб, Москва давлат университети ва Тилшунослик институтини профессор-ўқитувчилари филология фанлари доктори, профессор М.И.Расулова, филология фанлари номзоди доцент И.А.Силикова каби олимлар билан илмий ҳамкорлик қилди.

Насиба Панжиева 2004 йилнинг 8 апрелда Ўзбекистон Миллий

университети қошидаги ташкил этилган ихтисослаштирилган Илмий Кенгашида “Инглиз ва ўзбек тилларида шахсни баҳолаш номинацияларининг континент жихати” мавзусидаги номзодлик ишини муваффақиятлн ҳимоя қилди ва ўзининг илмий қобилиятини яна бир бор намойн этди.

Номзодлик диссертациясининг назарий ва амалий аҳамияти. 1) биринчи маротаба баҳолаш семантик майдони доирасида шахс номларининг континент таҳлили амалга оширилмоқда; 2) номлаш табиати ва уларнинг таркибий семантик, семантик-стилистик, прагматик, когнитив, этнолингвистик хусусиятларини аниқлаш аниқликдир; 3) инглиз ва ўзбек тилларида шахсни баҳоловчи номларни қиёсий ўрганиш илк бор амалга оширилмоқда; 4) қиёсий типологик таҳлил асосида инглиз ва ўзбек тилларида шахсни баҳолашнинг миллий-маданий хусусияти аниқланмоқда.

Тадқиқот материаллари олий ўқув юрларида инглиз ва ўзбек тилларини ўргатилишида, инглиз ва ўзбек лексикологияси, қиёсий типология, семантика, стилистика, таржима назарияси ва амалиёти лексикографиянинг назарий ва амалий машғулотларида қўлланилиши мумкин.

Хозирги кунда Термиз Давлат университети инглиз филологияси кафедрасининг муdiri лавозимида фаоллиг кўрсатмоқда.

Насиба Панжиеванинг йипирмадан ортиқ илмий оммабон мақолалари хорижий ва республика матбуотларида чоп этилган. У хозирги вақтларда қиёсий тилшуносликнинг долзарб муаммолари устида изланишларини олиб бормоқда.

Насиба ҳаётта оптимистик руҳ билан қарайди. Оиласи ҳақида: Турмуш ўртоғи Саидов Шомил энергетик-инженер, бир ўгли бор.

Насиба Панжиева айни пайтда инглиз тилида электрон дарсиклари устида ишламоқда.

Насибата эзгу ниятлар ҳамроҳ бўлисин деб қоламиз.

Пардаева Инобат



ЯХШИЛАРНИНГ СИРДОШИ

Пардаева Инобат 1967 йил 10 март куни Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани «Сауртепа» маҳалласида хизматчи оиласида туғилган. Пардаева Инобат Рўзиевна дастлаб Шўрчи туманидаги собиқ Гастелло номили хозирги вақтда Э.Мавлонов номидаги 20-умум таълим мактабига 1974 йилда устози Назар Донийёровдан аlyфибо сабоқларини ўрганди. Ушбу мактабни 1984 йил муваффақиятлн тугатлаган, 1985 йил Термиз қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга кирди ва 1987 йилда хисобчи-иктисодчи мутахассислигини олди. 1987 йилдан бошлаб собиқ Ж.Хўжамйёров номили ширкат хўжалигида хисобчи сифатида ўз иш фаолиятини бошлайди. 1987 йил 5 августда Донаев Ботирга турмушта чиқди. Отаси алоқа бўлимида мунтазам 40 йил фаолият кўрсатди. Онаси 40 йилдирки, тадбиркорлик фаолиятини олиб бормоқда. Қайнонаси Сафарова Қизларсара Бухорода ўтказилган фольклор этнографик ансамбллар кўрик-танловида фахрли II-ўринни эгаллаб қайтди.

Пардаева Инобат Рўзиевна 2004 йилдан бошлаб Шўрчи туманидаги «Сауртепа» маҳалла фуқаролар йиғинида Диний маърифат маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи вазифасида ишлаб келмоқда. Иш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарори ва фармонларининг ижросини таъминлаш юзасидан аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги нотинч ва доимий рўйхатда турувчи оилалар билан мунтазам иш олиб бормоқда натижада жуда кўплаб оилаларнинг ажраллиб кетишларининг олди олинди.

Маҳаллада, туманда ва вилоятда бўлиб ўтган «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танловида фахрли III-ўринни эгаллади. Пардаева

Инобат Рўзиевнинг қиз 1991 йилда туғилган Турапова Саганат Ботировна «Зулфияхоним» номидаги Давлат мукофоти курик-танловининг туман босқичида Фан йўналишидан фахрли I-ўринни эгаллаб вилоят босқичида иштирок этди.

Маҳалла ҳудудида ташкил этилган кураш тўғрисида маҳалла қизларининг иштирокини таъминлаш мақсадида елиб югуриб, маҳалла қизларидан Турапова Сабохат Ботировна, Ташанова Севара Ҳолназаровналар кураш бўйича туман босқичида I-ўринни эгаллаб, вилоят босқичида йўлланма олинди.

Пардасев Инобат Рўзиевнинг халққа қилган хизматлари инобатта олинди. Президентимиз томонидан 2006 йилда Мустақилликнинг 15 йиллиги кўрак нишони билан тақдирланди. Ҳозирги кунда 5 нафар фарзанднинг онаси ва 1 нафар набиранинг сенимли момоки ҳисобланади.

Аёл алла айтар бешик ёнида,

Аёл фармон берар кўшк ёнида,

Аммоки аёлни ҳаёли тўлда,

Аммоки аёлни сўрагани ишқ.

Аёл йиғлаб чиқар бавзида тунлар,

Аёл юриб чиқар чўғлар устида.

Аммоки аёлни ҳаёлида боғ,

Аммоки аёлни сўрови меҳр.



Поёнова Гулбаҳор

ИБРАТЛИ УМР ЗАВРАҚЛАРИ

Кимё-биология фани бўйича олий маълумотли ўқитувчи-мураббий, агроном-олима Поёнова Гулбаҳор Усмоновна 1953 йилнинг 15 майида Шеробод туманида таваллуд тошган. Унга "Гулбаҳор" исмини бобоси Усмон ота ва буvisи Бибисора момолар яхши ниятлар ила қўйишган. Қалбида гўзал баҳорнинг ҳайрат-ҳаяжонлари, мафрункорлиги-ю, ифрор тўла шабодаларининг илқлиги жўш уриб утгай бошлаган қиз, ўқувчилик йилларидаёқ илмга ташналиги ва тиришқоқлиги билан кўпчилик тенгқурларига ўрناк бўлди. Гулбаҳор мактабни тугатиб, 1972-1977 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг химия-биология факультетига ўқига кириб, уни муваффақият билан тугатди. Иш фаолиятини қадрдон юрти Шерободдаги СПТУ-5 или маканида ёшларга химия-биология фанидан сабоқ беришдан бошлади. Бу даргоҳда 1979 йилгача фаолият юриттач, сўнг 1979-1984 йилларда Шеробод туман СПТУ-5 касба уюшмаси кўмитаси раиси лавозимида ишлади. 1984-1999 йилларда Шеробод туман "Деҳқончилик саноати" касба уюшма кўмитаси ўринбосари лавозимида меҳнат қилди. Шу даврда яъни 1987-1992 йиллар давомида Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг сиртки бўлимида таълим олиб, олий маълумотли агроном бўлиб еттишти.

Гулбаҳор Поёнова 1999-2002 йилларда Шеробод туман ҳокимлиги ҳузуридаги воғта етмаганлар ишлари бўйича комиссияси масъул котиби бўлиб фаолият юритди. Гулбаҳор опа 2002 йил 2 сентябридан Шеробод туман атросаноат мажмуий ҳодимлари касба уюшма Кенгаши раиси бўлиб меҳнат қилмоқдалар.

Гулбаҳор опа 3 фарзанд ва 4 набиранинг азиз волидаси, сенимли бувижониси. Гулбаҳор опа зиёли ўқитувчилар хонадонига келин бўлиб тушган пайт ҳам 1977 йилнинг 31 марти, яъни гўзал баҳор фаслига тўғри келган эди. Ҳаёти ибрат мазмунига тўла

Гулбаҳор опага ҳавас қилувчилар, унингдек бўлишни оруз қилувчилар бисёр. Зеро, илму маърифат соҳибаси Гулбаҳор Поёнова устоз шоир Ғафур Ғулом ёзганидек умр дафтарини яхшилик ва ҳалоллик шоҳ сатрлари билан безатган Ватандошларимиздандир.

Азиз асримизнинг, азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир шоҳ сатрлар-да.
Безамок чоғидир умр дафтарин.



Пардаева Эркиной



ЭЗГУ-НИЯТ ҚАНОТИДА

У дом иш столига келиб ўтирганида ҳаёлидан бир хил ўй ўтади. Бутун кимнинг оғирини енгил қила оламан? Нима яхшиликлар кўлимдан келади? Кимнинг ҳожатини чиқара оламан экан? Балки бу кимлар учундир қизиқ гаплар, тушунарсиз ҳаёт тарзидир. Аммо Эркиной Пардаева ва яна юзлаб, минглаб у сингарилар бировларнинг ташвишини ўзиники деб били олади, чорасиз қолганларга, бошига турли қулуфат ва синовлар тушган замондошларига ёрдам қўлини чўзишни, уларнинг дардини ўзиники дея билишни умрларининг мазмунига айлантирганлар. Эркиной болалигидан ноҳақликка чидай олмасди. Кўча чангитиб юрган кезлари ҳам дугоналари ораларидан гап ўтса Эркинойга мурожаат қилишган. Мактабда ҳам, кейинчалик олий ўқув юртида илм олган кезлари ҳам унинг адолатпарварлиги, ноҳақликка бўлган исёни умр йўлини, тўғри танлаганлигидан далолат, бериб туради.

Пардаева Эркиной Жумаева 1956 йил 3 октябрда Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида туғилган. Мактабни муваффақиятли тамомлаганидан сўнг пойтахтга йўл олади. Кўнгилнинг амри — хукукшунос бўлиш истаги уни тинч қўймайди ва у ҳужжатларини Тошкент Давлат университетининг хукукшунослик факультетига топширади. Ушбу билим масканини 1980 йилда сирдан тамомлайди. Аммо меҳнат фаолиятини ундада аввалроқ бошлайди. Зукко, билимга чанқок, ёниб турган қизнинг дадил, бурро сўзлаши, бажара билиши аниқлигини аниқларди. Эркинойни 1973 йилда Сурхондарё вилоят судита суд мажлиси котиби, девонхона мудбири вазифасига тайинлашди. 1982 йилда эса вилоят адлия бошқармасида инспектор бўлиб хизмат қилди. Бу ерда ҳам иқтидори, билими ва ғайратини камайтирмади. Танлаган йўли, эзу мақсадлари рўёба чиқиши учун жонини бериб ишлади. Кимлардир унинг ютуқларидан қувонди, кимлардир ёш қизнинг шундай иқтидор эгаси эканлигига ишонмади.

Кимлардир ҳавас қилин. Аммо барча-барча келажакда Эркиной етук мутахассис бўлишга, ўз ишини ишдан-ишга келтириб беришга ишонарди. Эркинойни Жарқўртон туман судининг судьяси давонимга тайинлашганда ҳам ажабланганлар ҳам бўлиди. Ахир Эркиной барча вазифаларни уйда келтириб чиқди-да!

1987-1988 йилларда қаҳрамонимиз Термиз туман маслаҳат уйида адвокат, 1988-1996 йилларда эса Сурхондарё вилоят алийи бошқармасида бош маслаҳатчи бўлиб фаолият юритди. 1996-2004 йилларда Сурхондарё вилоят алийи бошқармасининг бошлиғи ўринбосари этиб тайинланди. 2004 йилдан ҳозирга қалар у Сурхондарё вилоят алийи бошқармасида Нотариат, ФХД ва адвокатура бўлими бошлиғи давонимда ишлайди.

Эркиной Пардаева қаерда бўлмасин, қайси давонимда ишласин, доим вазифаларни сиз қилишдан бажариб келган. Унинг қолган маслаҳатчи ёрдам сўраб келганлар, кўнгиллари ёруғ бўлиб чиқиб кетганлар. Эеро, Эркинойнинг кўнгил ёруғ, мақсали эзу. Шу эзу нияти сурхон аёли доим бахту-саодат қанотида парвоз қилсин, дея тилак билдирамиз биз ҳам.



Пирнафасова Муҳаббат



СИЗ ХАМ ДУОГА ҚЎЛ ОЧИНГ

Танишинг: Пирнафасова Муҳаббат Саловна, 1968 йилнинг 20 март куни Шовот туманида туғилган. Ўзбекистон халқ-демократик партияси аъзоси. Олий маълумотли. 1992 йилда Самарқанд Давлат университетининг кўнгули бўлимини тамомлаган. Маълумоти бўйича мутахассислиги — биолог. Меҳнаткаш, қийинчиликлардан қўнмайдиган фидойи инсон. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма:

1992-2001 йй. — Шеробод туманидаги 27-мактаб кимё-биология ўқитувчиси;

2001-2005 йй. — Шеробод академик лицейи кимё-биология ўқитувчиси;

2005-2006 йй. — Шеробод кишлоқ хўжалик касб-хунари коллежи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари;

2006-2008 йй. — Шеробод кишлоқ хўжалик касб-хунари коллежи директори;

2008 й.х.в. — Термиз тумани Халқобод педагогик-ижтимоий касб-хунари коллежи директори.

Устозлик — буюк наъмат. Чунки бундай иқтидор ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Айниқса, раҳбар бўлиш учун олий педагогик иқтидор етишмайди. Унга, албатта, ташкилотчилик қобилияти ҳам кўпилини шарт. Муҳаббат Саловна ҳар икки фазилат ҳам мавжуд, қолверса у доим ўз устида ишлайди, янгилликка интилади. Талабаларнинг яхши билим олишлари учун яхши шароитлар яратишга интилади.

Юрт боғлани катори Шоҳрух, Илёс, Зарнигор, Салоқат каби ўғил-қизларнинг ҳам камол топишини, халққа муносиб хизмат қилишларини истади. Турмуш ўртоғи Шамсиддин Икромов билан фикрлари, маслаҳатлари доим бир ердан чиқадилар. Чунки Шамсиддин ҳам ўқитувчи. Туманидаги 27-мактабда дарс берадилар. Қариллик таълимни сурхондан қайнонаси Марзия она Абдуллаева уларни доим дуо қилади: «Умрингиз узоқ бўлсин, доим юрт қорига яранглар!» Биз ҳам бу дуога қўл очамиз омин!», дея.



МАЪНАВИЯТ ФИДОЙИСИ

Воҳамизнинг қайси гўшасига бориб, ҳозирги ўрта ва катта авлод вакиллари, айниқса, зиёлилар билан суҳбат курсангиз, вилоятнинг маънавият ва маданиятини юксалтиришга катта ҳисса қўшган ва қўшаётган юрт фарзандлари қаторида Любова Раҳимовна Ражабованинг ҳам номи тилга олинади.

Сўлим Саросиё туманида туғилган Л. Р. Ражабова 1962 йили Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг немис тили факультетини тугатиб, Термиз шаҳридаги Охунбобоев номи мактабда икки йил муаллимлик қилди. 1964 йилнинг август ойидан вилоят ёшлар ташкилотининг котибаси вазифасига ўтказилди, унинг бундан кейинги фаолияти бевосита раҳбарлик, тарбиявий ва ташкилотчилик ишлари билан узвий боғланиб кетди. Сиёсий билимини оширтган, Саросиё тумани фирқа кўмитасида котиба, вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиги, вилоят ижроия кўмитаси раиси ўринбосари, вилоят ҳокимининг ўринбосаридек катта ва ўта масъулиятли лавозимларда ишлади.

Любова Раҳимовна 1971-1981 йилларда қарийб ўн йил вилоят маданият ишлари бошқармасини самарали бошқарди. Ғайратли ва ташкилотчи раҳбар воҳа маданиятини юксалтиришда жуда кўп куч ва меҳнат сарфлади. Шу даврда вилоят кутубхоналари марказлашган тизимга ўтказилди. Жуда кўп жамoa хўжаликларида бадийий ҳаваскорлик дасталари ташкил этилди. Шўрчи ва Шеробод туманларида замонавий маданият саройлари, Термизда вилоят мусикали драма театри биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ютуқларнинг барчасида жуда кўплаб ташкилотчилар қатори вилоят маданият соҳаси раҳбари бўлган Л. Р. Ражабованинг ҳам ўзига хос муносиб ҳиссаси бор.

1981-1993 йиллар мобайнида Любова Раҳимовна вилоят ижроия кўмитаси раиси ўринбосари, сўнг вилоят ҳокимининг муовинидек катта лавозимларда ишлар экан, вилоят ижтимоий соҳасининг маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, кинолаштириш, матбуот каби ўнлаб йирик тармоқларига бевосита мутасадлилик қилди. Ижтимоий соҳанинг ниҳоятда кенг-қамровли бу мажмуасига раҳбарлик қилиш кишидан ўта чуқур билим, қатъиятлик, маҳорат ва куч-қувват талаб қилади. Бу хусусиятларнинг барчасини ўзида мужассамлаштиргани учун у ҳам бу вазифаларда токи меҳнат нафақасига чиққунига қадар самарали меҳнат қилди, одамларнинг чексиз ҳурматига сазовор бўлди.

Тиниб-тинчимас оланинг меҳнатлари доимо юксак баҳоланиб келинган. У ордон ва медаллар билан тақдирланган. «Ўзбекистонда хизмат кўраётган маданият ходими» фахрий унвони соҳибаси. Бир неча марта вилоят Кенгашларида депутатликка сайланди.

Олдий инсон сифатида ҳам у бахтта сазовор. Бир ўғил ва бир қизининг суякли онажониси, 4 набиранинг меҳрибон момажониси.



Раҳмонова Жангил



АГАР АЁЛ ТАДБИРКОР БЎЛСА...

Раҳмонова Жангил 1954 йил 20 февралда Денов тумани Халчаён жамоа хўжалигида туғилган. Жангил 1960 йил Пушкин номида ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга бориб 1970 йилда аъло баҳоларга битирди. Шу йилда Термиз Давлат Педагогика Институтининг чет тиллар факультети, олмон тили бўлимига ўқишга қабул қилинди ва 1975 йил муваффақиятли тугатди. 1975 йилдан 14-ўрта таълим мактабида педагогик фаолиятини бошлади ва 1980 йилгача ва шу йилдан 1983 йилгача 27-ўрта таълим мактабида ишлади. 1983 йил сентябр ойидан 33-мактабида то нафақата чиққунича, яъни 2004 йилгача ёшларга олмон тилидан таълим тарбия берди. Жангил опанинг меҳнатларини Давлатимиз муносиб тақдирлади опа 1994 йил Халқ маориф аълочилиги унвонига сазовор бўлди. 2000 йил эса «Шуҳрат» медали билан муносиб тақдирланди. Опанинг турмуш ўртоғи ҳам олий маълумотли агроном, кўп йиллар қишлоқ хўжалиги ишларида самарали меҳнат қилиб келди. Қолхозда агроном, бош агроном, Истара хўжалигига раис бўлиб ишлади ва хозирги кунда нафақада. Нафақада бўлса ҳам «Кувончбек Жовлиев» фермер хўжалигида бошлик бўлиб ишламоқда. Опа шундай қалби тоза, меҳри дарё турмуш ўртоғи борлигидан фахрланиди.

Жангил Раҳмоновани 5 нафар фарзандлари ва 16 нафар набиралари бор.

Тўнғич ўғиллари Шуҳратжон Сатторов вилоят ИИБ ҳолими. Агар аёл талбиркор бўлса оилата кут барака кирди.

Беш фарзандли тарбиялаб воята етказиш ва олий маълумотли қилиш учун турмуш ўртоғи билан доимо чорвачилик — деҳқончиликни ривожлантириб кўш қанот бўлиб хизмат қилганлар. Доимо ҳалол яшаган ардоқли аёл Жангил опага, бошингиз тўйдан чиқмасин — деймиз.

Равшанова Гулнора



САНЪАТДАН САОДАТ ТОПДИ

Равшанова Гулнора Ҳасановна — 1946 йилда зиёли оиласида туғилган. 1970-1975 йилларда Термиз Давлат Педагогика институтининг филология факультетини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини Сўрхондарё вилоят мусиқали драма театрида бошлаган ва хозиргача шу театрда самарали меҳнат қилмоқда. Истеъдодли актриса театр сахнасида 100 дан ошиқроқ ранг-баранг образлар яратди. Унинг юксак маҳорати ҳукуматимиз томонидан 1987 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони билан тақдирланди, 2004 йилда эса унга «Ўзбекистон халқ артисти» юксак фахрий унвон берилди.

Иқтидорли санъаткор Гулнора Равшанова томошабинлар ҳурматиغا сазовор бўлган. У вилоят санъати ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшди, аҳолининг маърифий, маънавий ва эстетик тарбиясини шакллантиришни ташкил этишда алоҳида фаоллик кўрсатиб келмоқда. Гулнораҳоним аҳоли бarchа қатламларининг маданий ҳорлик чикаришини ташкил этувчилардан бири сифатида ҳам эл-юрт орасида танилди ва катта ҳурматга эришди. Актриса ўз ижодий йўлида Ҳамзанинг «Майсаранинг иши»да — Майсара, Комил Яшиннинг «Нуруҳон»ида — Нуруҳон, Шилдернинг «Макр ва муҳаббат»ида — Леви Милфорд, Эркин Воҳидовнинг «Стамбул фожияси»да — Саодат, Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзғолони»да — Сотти, Ш.Бойбековнинг «Тақдир эшиги»да — Аёл, Ш.Пардаевнинг «Осмонсиз уй»ида Ч Биби, Чингиз Айтматовнинг «Момо ер»ида — Тўлганой, Қ. Абдунабиевнинг «Амир Темура ва Йилдирим Бояз»ида — Бибиҳоним ва Она турк, УсмонАзимнинг «Алпомишнинг қайтиши»да — Кунтуемишбека каби турли характердаги образларни яратди. В. Вишневскийнинг «Хатбахш ўлим» асарида — Комиссар, Чингиз Айтматовнинг «Момо ер»ида — Тўлганой, Х. Расулнинг

«Фаришта»сида — Ҳурият роллари учун «Йилнинг энг яхши аёл роли» мукофотлари сазовор бўлган. 1976 йили С. Ҳўжаниёзовнинг «Семаганта суйкалма» мусиқали комедиясидаги Ойсара роли учун телевизион театрлар фестивали галиби бўлди. Шунингдек, актриса бир қатор халқаро театр фестиваллари ва кўрик-танловлари галиби ва иштирокчиси ҳамдир.

Ўғлинора Равшанова 6 ёшдан бўён сахнада. Онаси — Ўзбекистон халқ артисти Халича Бобохонова, отаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Х. Муҳиддинов. У ота-онасининг санъат йўлидаги анъаналарини давом эттириб келмоқда.

Ўғлинора Равшанова 3 фарзанднинг меҳрибон онаси, 7 нафар набираларининг сеvimли бувиси ҳамдир. У мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий-иқтисодий ислохотларни аҳоли орасида тарғиб этишда барчата намуна бўлмоқда.

Раҳимова Ҳосила



ЎЗБЕК БУЛБУЛЛАРИДАН БИРИ

Ҳосила Раҳимова 1975 йилда туғилган. Денов туман маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги “Навнихол” халқ рақс ансамблида 1990 йилдан бўён фаол қатнашиб келмоқда.

У 1992 йилда иқтидорли боғалар Республика кўрик-танловида 1-ўринни, 1993 йил “Марҳабо талантлар” Республика кўрик-танловида лауреатлиқни, 1998 йил “Ўзбекистон-Ватаним меним” кўшиқлар кўрик-танловида Республикада 3-ўринни эгаллади.

1999 йил “Алпомиш” дostonи яратилганлигининг 1000 йиллиги, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги тадбирларида фаол иштирок этди.

2002-2005 йилларда ўтказилган “Бойсун баҳори” халқаро очик фольклор фестивалининг ҳам доимий иштирокчиси.

2004 йилда Шимолий Кореянинг Пхеньян шаҳрида ўтказилган “Апрель баҳори” Бутунжаҳон миллий фольклор фестивалида “Олтин арфа” мукофоти соҳибаси. 2004 йил Германиянинг Бон шаҳрида ўтказилган “Фудерс” фестивалида фольклор йўналиши бўйича мутлоқ галиб, 2008 йил Малайзиянинг Мелакка шаҳрида ўтказилган Осие ва Шарқ мамлакатлари “Нусантара” ўн биринчи фольклор фестивалида “Узун сочи маликаxonим” мукофоти сазовор бўлган. Шунингдек у Туркия, Козогистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон давлатларида ҳам ўз дастурларини намойиш этган.

У бундан ташқари Сурхондарё вилояти ва туманларида ўтказилган “Наврўз” умумхалқ байрами, Мустиқиллик байрамларида халқ кўшиқларини, лапар ва яддаларини, айтишувларни маромига етказиб, моҳирона ижро этганлиги учун санъат севар халқимиз қалбидан жой олди ва уларнинг олқишига сазовор бўлди.



Ҳосила Раҳимованинг беминнат хизматлари, камтаринлиги, элнинг олқиши ва дуосини олганлиги эвазига 2008 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига лойиқ деб топилди ва сазовор бўлди. Мукофот муборақ бўлсин! Ҳосилахон!

Гуллар кўп уфори дунёни тутар,
Кўшиқ кўп изхори дунёни тутар
Қизлар кўп рафтори дунёни тутар
Ҳеч биттаси Ҳосилага ўхшамас.
У куйласа ой-юлдуз салом берад,
У куйласа булбуллар салом берад,
Кўшиқчи кўп ким-кимга илҳом берад,
Ҳеч биттаси Ҳосилага ўхшамас.



КЕНГАШ РАИСАСИ

Рўзиева Селбинийёз Атаевна — 1952 йил 7 апрелда тутилган. 2005 йилнинг 14 январидан ҳозирга қадар вилоят ўқувчилар ижодий маркази директори вазифасида ишлаб келмоқда. Селбинийёз Рўзиева интизомли, зинирак, тадбиркор ва ташаббускор, ўзи ва бошқаларга талабчан раҳбар сифатида танилган. Унинг ташаббуси ва раҳбарлигида Термиз шаҳар ўқувчилар саройи, вилоят ўқувчилар ижодий маркази фақат ўқувчи-ёшларига эмас, балки уларнинг ота-оналари ва жамoa ташкилотлари ҳурмат қилишadi. Селбинийёз Атаевна шотирдларига ўз ҳаёт тажрибаларини беминнат сингдириб бормоқда. Февл-автор: камтарин, тўғрисиўз, босиқ, дўстларига ва кўл остидаги ходимларига нисбатан дoм ғамхўр, меҳрибон. Оилаги, уч фарзанднинг онаси. Унинг фарзандлари олий маълумотли бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб ўзгaларга намуна ва ибрат кўрсатмоқдалар. Селбинийёз опа шаҳар маҳалла жамғармасида 16 йил оқсоқоллар кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсатиб, шу давр ичида 257 нафар кам таъминланган оила фарзандларини ҳомийлар ҳисобидан суннат қилиш, Темирйўлчи маҳалласи аҳолисини таз билан таъминлаш масаласини ҳал қилди. У аҳоли турмуш тарзини яхшилаш эвазига халқ ҳурматиға сазовор бўлди.

Рўзиева Селбинийёз Атаевнанинг оиласи темирйўлчилар оиласи сифатида шаҳар ва вилоят аҳолисига танилган. У Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Селбинийёз Атаевна “Халқ таълими аълочиси” деган юксак унвонга сазовор.

Гулдан чиройли аёл,
Гул бўлиб гуллаб юринг.
Ёш авлодни дoмo,
Яхшиликка йўллаб юринг.



САЛОМАТЛИК ПОСБОНИ

Рамазонова Саломат Жамолддиновна 1950 йил 1 октябр кунда Сурхондарё вилоятининг Сарисоё туманида туғилган. 1967 йилда ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга қабул қилинди. Мазкур дароҳуни 1973 йилда муваффақиятли тамомлайди. Ўқув йиллари талабалик даврини ёлга олганда Саломатхон тўқинганиб кетади. Катта ҳаёт билан илк танишуви, дугоналари даврасида ўтган шўх шодон кечалари, талабаликнинг олтинга тенг йиллари...

Устозлар уларнинг ўтиглари бари-бари бутунги кунларига асос бўлди. Йилларнинг шамоли ёшлик хотираларини астой ўчириб юбормайдн. Қайтага, ўша тўзал дамларни хотирасига янада мустаҳкамлади. Болагитиданоқ шифокор бўлишни оруз қилган Саломат Тошкентда ўқиб юрган кезларидаёқ, мазака ортиришга улгурди. Тўғри у бирор дароҳда шифокорлик қилмади. Аммо устозларидан, мураббийларидан касбий сирларини мукаммал билиб олди. Бировларнинг дардига дармон топишни, кўлидан келганча одамлар учун хизмат қилишни умрининг асосий мазмунига айлантира билди. Шунданга ёшлигини, талабалик йилларини алоҳида бир энгикнш билан хотирайди.

У 1973-1974 йилларда Денов туманидаги марказий шифохонада интернатурага ўтади. 1974-1975 йиллар Сарисоё туман марказий шифохонаси Катталар поликлиникасида терапевт шифокор бўлиб фаолият юритди. Бу тажрибаги шифокор хузурига келган бемор борки, кўнгилги кўтарилиб, руҳланиб чиқиб кетарди. Сабаби, очик чеҳра, ширин сўзининг, тўғри кўйилган ташхис ва чора-тадбирлар беморларнинг дардига дармон бўларди.

Саломат Рамазонова 1975 йилдан 2002 йилга қадар Сарисоё тумани марказий шифохонаси физиотерапия бўлими бошлиғи, 2002-2003 йиллар шахар I-сон шифохонаси бош шифокори, 2003-2007 йилгача

Сарисоё туман марказий шифохонаси бош шифокори лавозимларида фаолият олиб борди. 2007 йилдан то ҳозирги кунга қадар туман тиббиёт бирлашмаси Физиотерапия бўлими бошлиғи лавозимига ишлаб келмоқда.

Саломатхоннинг самарали меҳнати 2006 йилда "Соғлиқни сақлаш аълочиси" медали билан тақдирланди.

Бахтли оиланинг бекаси Саломатхоннинг турмуш ўртоғи Я.Н.Рамазонов билан тўрт нафар фарзандни камолга етказишди. Болалари ҳам ўзлари каби тиришқоқ, зеҳнли, ўзадар дарди билан куйиб пишадиган, вижлонли бўлиб етишдилар. Барчалари олий маълумотли.

Дунёда одамларга яхшилик қилгин экан, шунда гул умринг янада гулдайди, кўлингдан келганча яхшилик қилгин экан, шунда яхшилик қайтади.

Худди саломатлик посбони Саломатхоннинг ҳаёти сингари. Гуллари, нурлари беланиб юринг, Саломатхон!



Рамазонова Норҳол



ДУОЛАРИ НУРЛИ МОМО

Фарзандлар камолини кўрмоқ саодат албатта, бироқ она юрт истиқболини кўрмоқ ҳам улғу бахтидир. Норҳол ая Рамазонова ана шундай бахту саодатта мушарраф бўлган нуруний онахонларимиздан.

Норҳол Рамазонова 1934 йилда Жаркўрғон туманида туғилиб, шу ерда вояга етди. Турмуш ўртоғи, забардаст инсон, «Сурхон» хўжалигининг 11-бўлим бошлиғи ўроқ Худойбердиев билан 25 йил тинч-тотув ҳаёт кечирди. Умр бевафоллик қилиб, 1975 йилда касаллик туфайли турмуш ўртоғидан жузо бўлди. Меҳнатларда тобланган аёли тақдир зарбаси бука олмади. У ўн нафар фарзандни оқ ювиб-оқ тараб улғайтирди, камол топтирди. Бу фарзандлар Ватанга муносиб инсонлар бўлиб, турли жабҳаларда эл-юрт равнақи йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишмоқда.

Кенжа қизи Рисолат Худойбердиева отаси номидаги яъни «Ўроқ Худойбердиев» номили маҳаллада «Диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» даврозимида мувофакият билан фаолият юритмоқда. У 2007 йил «Энг намунали диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича» маслаҳатчи кўрик-танловда Хоразм шаҳрида ўтказилган Республика босқичида фахрли биринчи ўринни кўлга киритди. Ҳозирги кунда Норҳол ая 51 та набира, 47 та чевараларнинг суюкли момоси бўлиб, ҳаёт гаптини сурмоқдалар. Ўзбек оналарига бағишланган ушбу шеър Норҳол ая Рамазоновага ҳам тегишлидир:

Муштинпар ҳам ўзинг, булоқ ҳам ўзинг,
Куйинчак ҳам ўзинг, куюк ҳам ўзинг.
Оламга татирлик суюк ҳам ўзинг,
Пайт келди айтмоққа, тапнинг хонаси,
Эй, ўзбек онаси, ўзбек онаси.

Раҳимова Курбоной



МУРУВВАТПАВАР

Раҳимова Курбоной Абдуллаевна 1960 йил 10 июнида Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, Оқтумшўк қ.ф.й. Кўшгетирмон кишлоғида туғилган. Отаси Раҳимов Абдулла ака Улғу Ватан уруши ветерани, кишлоқни боғу-роғларга айлантирган хўматли боғбон бўлган. Онаси Таипова Айбиби момо маҳалла аҳлининг меҳрибон, муштинпар, уйим-жойим деган аёлларидан бири эди. Ақаси Жўманазар ўқитувчи-мураббий.

Курбоной 1968-1978 йилларда Йўлдош Охунбобоев номидаги 11-ўрта мактабни аъло баҳоларда муваффақиятли тугатлади. Харакачанлиги, боғаларга бўлган муҳаббати сабабли 1977-1984 йилларда “Октябрь 30 йиллиги” колхозни қошидаги “Қалдироч” боғалар боғчасида меҳрибон тарбиячи бўлиб ишлади. Лекин ҳуқуқшунос бўлиш ниятига уни Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига етаклади. Тиришқоқ, уйдабурро Курбоной оғий дартоҳда олий маалакли мутахассисликни етатлади. 1989-1990 йилларга у Сурхондарё вилояти Алтия бошқармасида нотариат бўйича етакчи маслаҳатчи бўлиб хизмат қилди, инсонларнинг мушкуллини енгил қилишда улгарта сидқилидан кўмак берди. 1990-1998 йилларга Сурхондарё вилояти Сароисёе туманида Давлат нотариуси вазифасида ишлади. У ҳар бир инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилишга, уларнинг манфаатларини қонуний йўл билан расмийлаштиришда ўзининг ишбилармонлиги, амалиётдаги тажрибалари унга кўл келди.

Курбоной опа Сурхондарё вилоятида биринчилардан бўлиб хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идорасини ташкил этди. 1998 йилдан то ҳозирги кунга қадар Сурхондарё вилояти руҳий касалликлар шифохонасига, ўзи ўн йил билим олган 11-сонли

мактабга. Тўғаланг қошидаги мурувват уйига хайр-эхсон қилишдан ташқари шу ташкилотларнинг мушкулларини осон қилишда ёрдамини аямайди. Шунингдек, маҳалладаги ҳар йили оилавий шаронти оғир, боқувчинини йўқотган ва ногиронларга, кексаларга ҳам ўз мурувватини кўрсатиб, хайрия талбирлари ўтказиб, савоб ишлар қилади. Инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиш Курбоной Раҳимованинг энг олийжаноб инсонпарварлигидан, мурувватшешагидан бири десак арзийди.



Раҳмонова Ҳилола

АЁЛ МЕҲР БУЛОҒИ

Тақдир экан Ҳилола Раҳмонова 9 ёшида онадан етим қолди. Акаси Нурмамат Юсупов ота-онасини ўрнини босиб, оқ ювиб, оқ тараб катта қилди. У акасининг ва янғасининг қилган меҳрибончилиklarини миннатдорчилик билан кўзда ёш ила эслайди.

Тасолифни қарантки, у 5 ёшидан онасиз ўстан Эшдавлат исмли йигит билан турмуш қурди. Ҳар иккаласи ёшлиқдан меҳнатга, илмга, меҳр-оқибатга боғланиб катта бўлишган. Никоҳ тўйларидан кейин улар бир-бирита суяниб, юракларини кемтик жойини тўлдириб яшай бошлагачи.

Эшдавлат ака меҳнат фаолияти давомида олдий ҳисобчи, бригадирликдан то Ўзун туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Депутатлигигача бўлган йўлни босиб ўтди. Бу йилларда Ҳилола опа унга таянч, маслакдош, сидрош бўлиб яшади. Бирор марта бу аҳил оилада овоз бағанди чикқан эмас. Яратган уларни ширин-шакар фарзандлар билан сийлагди. Фарзандлари: Нуратилло, Соатмурод, Феруза, Дилфуза, Тўйғуноя, Юлдуз, Бибижамилалар бутун нуфузли ташкилотларда ишламоқдалар. Турмуш ўртоғи давлат ишлари билан юрганида Ҳилола опа фарзандлари тарбиясини рисоладагидек олиб бортгани ўз самарасини берди. Болалари меҳнатқаш, тўғрисуз, ҳалол бўлиб улғайди.

Эшдавлат ака нафқага чикқач, Ҳилола опа билан фермер хўжалиги ташкил этиб, белли маҳкам боғлаб иш бошлашди. Пилла, ғалла, пахтадан юкори ҳосил олиб, меҳнат билан йикқан сармоysi эвазига ҳаж зиёратига бориб келди. У кўли очик фермер, шунинг учун йўли очик.

Осмонда ой — Ҳилола,
Ерда сиз танҳо она.
Гулдек очилиб юринг,
Қариманг, асло, она.





ЖОНКУҲАР МУАЛЛИМА

Ортимизда ҳаётини ёш авлод тарбиясига — камолотига бағишлаган ўқитувчи-мураббийлар сулолалари кўлиб топилди. Қаҳрамонимиз Гулистон Раҳмонкулова ҳам ана шундай ўқитувчи-мураббийлар сулоласининг муносиб вақиласидир.

Раҳмонкулова Гулистон Жуманазаровна 1969 йил 22 сентябрда Ангор туманидаги энди онлада таваллуд топган. Отаси Жуманазар ака ва онаси Саломот опа ҳам педагог бўлиб, узоқ йиллар давомда тумандаги 16 ҳамда 21-сонли мактабларда ўқитувчи-мураббий, директор лавозимларида фаолият юритишган. Ўнга фарзандининг онаси, “Халқ маърифати аълоҳисси” унвонига сазовор бўлган Саломот аянинг 8 нафар фарзанди етук педагог бўлиб етишди. Онласида олтинчи фарзанд бўлган Гулистон 1987 йилда Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика университетининг география педагогика бўлимига ўқишга кириб, уни 1992 йилда имтиёзли диплом билан муваффақиятли тугатди. “Қиз бола палаҳмон тоши”, — дейди халқимиз, у ўзи учун қадрдон бўлиб қолган Термиз шаҳрита келин бўлиб тушди. Иш фаолиятини ҳам Термиз туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабида бошлади. Гулистон ёш бўлишига қарамай, мактаб жамоасида ўз ўрнига эга. Даре ўтишининг янги-янги усулларидан фойдаланиб, ҳамкасбларини ҳам ўз услубларининг сир-синаотидан бохабар қилиб келмоқда. Гулистон 2006 йилда бўлиб ўтган “Кузи онлайн фестивали”нинг “Ижтимоий фандарни ўқитиш бўйича энг яхши даре” номинациясида иккинчи ўринни олди.

2007 йилда эса А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг “Замонавий даре” II-кузи онлайн фестивалида “Ўқув фанини ўқитишда АКТдан энг яхши фойдаланиш” йўналишида голибликни кўлга киритиб, диплом билан тақдирланди. Гулистон Раҳмонкулова

2008 йилда интернет тармони орқали эълон қилинган “Аёл ва замон” мавзусидаги иншоолар танловида иштирок этиб, мутлоқ голиб деб топилди ва диплом билан тақдирланди.

География фани ўқитувчиси Гулистон Раҳмонкулова ёш авлодга жонажон Ватанимиз табиатини нафакат синфда балки ўқувчиларини вилоят археология музейи, хайвонот боғи каби маканларга олиб бориб, ўзбекстоннинг географик тарихи, ўсимликлар дунёси билан яқиндан таништириб, уларни муборок Ватанини англашдаги дунёқарашларини кенгайтириш йўлида жонкуярлик қилмоқда.

Гулистон вилоятдаги “Пайғамбар ороли” кўриқхонасидаги хайвонот ва ўсимликлар дунёсининг ўзига хослигини, уларнинг “Қизил китоб”га кирган ноёб турларининг махсус картотекасини тузган мураббий ҳисобланади.

Гулистон уч фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоғи Сурхондарё дон маҳсулотлари АЖда фаолият юритишди. Ёш жонкуяр муаллимата илму-маърифатни таратишдаги эзгу ишларида зафарлар тилаб қоламиз.



Раимназарова Улдона



ТАШВИШЛАРДА БОРДЕК ХАЛОВАТ

Раимназарова Улдона Холиёровна 1965 йил 25 августда Шўрчи туманида туғилган. 1972-1982 йилларда 21-мактабда ўрта таълимни олди. 1982-1985 йилларда Кумкўрғон туманидаги 21-мактабда бош етакчи вазифасида ишлади. 1985-1990 йилларда Термиз Давлат институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида тахсил олди. Педагогик фаолиятини тумандаги 27-ўрта таълим мактабидан ўтади. Ўқувчиларни чин юракдан яхши кўриб, педагогик маҳорат билан ёнлашиб дарс берди. Ўқувчилари туман, вилоят Фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллашди.

У янги педагогик технология асосида дарслар ўтди, ўз устида ишлади, мунтазам изланишда бўлди. У. Раимназарованинг 18 йиллик педагогик маҳорати 2000 йилдан эътиборан Кумкўрғон туман Халқ таълими бўлими Методика кабинетида ўзбек тили ва адабиёт фани методисти вазифасига етказилди.

Хозирги кунда (2004-2008 йй.) маънавий ахлоқий тарбия бўлимида мутахассис, хотин-қизлар кўмитаси раиси вазифасида ишлаб келмоқда. Унинг педагогик ва раҳбарлик вазифалари давомида “Диктантлар тўплами” (1-4-синфлар учун) методик тавсия китоби, “Биз гиёҳвандликка ва ОИТСга қаршимиз!” мавзусида методик хат, “Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар туркум фанларда инновацион дарс усуллари” мавзусида методик тавсияси ҳамкасблари томонидан қўллаб-қувватланди.

Муҳтарам Президентимиз Исроом Каримовнинг “Юсак маънавий — енгилмас куч” асари асосида методик хатларни яратди ва барча умумий ўрта таълим мактабларига етказди. Улдона Раимназарова 2008 йилда “Йилнинг энг яхши методисти” кўрик-танлови вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида фаол иштирок этган.

“Энг тажрибали ва ташаббускор методист” номинатсияси дипломи билан тақдирланган. Унинг қўллаб мақолалари ва методик тавсиялари, ўтказган семинар, давра суҳбатлари ва олиб бораётган ишлари оммавий ахборот воситаларида ёритиб боришмоқда.

Улдона Раимназарова оилали, 4 нафар фарзанднинг меҳрибон онаси. У ўз олдига таълим соҳасида янада етук ишларни амалга оширишни, Кумкўрғон тумани, қолаверса Сўрхондарё вилоятидаги таълим самардорлигини оширишда ўз ҳиссасини қўпишни мақсад этиб қўйган.





Рӯзиева Шодмонӣ

ҲАТИДАН МИННАТДОР АЁЛ

Шодмонӣ Рӯзиева 1946 йилнинг 9 октябрида Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида энгил оиласида туғилди. 1951–1961 йиллари Қарши туманидаги I-ўрта мактабни олтин медал билан тамомлади. 1961–1964 йиллари Қарши тиббиёт билим юртида ўқиб уни ҳам имтиёзги диплом билан битирди. Сўнгра I-вилоят шифохонасида мутахассисинг бўйича ишлади. Шодмонӣ Тилоловна 1968–1973 йиллари Қарши Давлат педагогика институтининг биология бўлимида тахсил олди. Шундан сўнг у Қарши шаҳридаги 5-ўрта мактабда муаллимлик қилди.

Шодмонӣ Тилоловна 1978 йилдан буён Термиз Давлат университетига биология, физиология фанларида сабоқ бериб келмоқда. У моҳир педагог, ёшларга чуқур билим беришни юксак бурч деб билади. Ҳар бир дарсага ижодий ёндошган ҳолда пухта тайёрларлик кўради, кўргазмали воситалардан самарали фойдаланади. У ҳар бир дарсини педагогик усулларида фойдаланган ҳолда ҳар бир талабаларнинг оғитида сингдиради. Бугина эмас, опа шотирини ҳаётга, оилага тайёрлашда ҳам бебаҳо хизмат қилиб келмоқда.

Рӯзиева Шодмонӣнинг 35 йиллик баракали меҳнати давомида ёзилган 20 дан ортиқ ўқув-ўқувчи қўлланмалари, юзга яқин илмий оммабоп мақолалари ёш авлодни яхши билим олиш ва тарбиясига қилинаётган бебаҳо хиссақисдир. Фикримизнинг дилини сифатида унинг «Фан» нашриёти чоп қилган «Болалар анатомияси ва физиологияси» фанидан марбуза ўқиш услуби» рисоласини кўрсатиш мумкин.

Шодмонӣ опа катта оиланинг бекасидир. Турмуш ўртоғи, таниқли профессор Абдумўмин Рӯзиев 7 фарзанди одобли, меҳнатқаш. Рӯзиева ажойиб инсон, моҳир педагог, меҳрибон устоз. Бир вақтлар мактабда ўқитган ўқувчиси Мовлулаҳон шундай мактуб ёллаган экан:

«Термиз Давлат университетига устозлик қилаётган собиқ муаллиминга: Азиз устоз, Сиз бизга факат билим бериб қолмадингиз, балки Сиз бизга ҳаёт дарсини ҳам ўрганиб боришга ёрдам бердингиз, Сизнинг биз, ўқувчиларга бўлган меҳрингиз бағрингиздек кенг эди. Сизнинг бўлак бир шаҳарга келин бўлиб кетганингизни эшитиб қолдим, тизза қатор кўз ёши қилдим. Сизни кучиб синфдошларим номидан алангалик салом йўлайман, Мовлула».

Шодмонӣ опа бундай хатларни кўп олади ва барчасига жавоб йўллашга вақт топади. У ўз фарзандлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирди:

Биринчи фарзандим Машкура бизни қувончларга буркаб юборди. Шу қизим тимсолида фарзанднинг ҳаётда зарурлиги ва ширинлигини чуқур хис қилганман. Ўғлим Алишер ҳаётим давомийлигига биринчи замин яратиб берди. Мақсуда, Дилором ва Дилфуза қизларим бизнинг йўлимиздан кетишди. Улар мактабда дарс беришмоқда. Бу — фахр эмас-ми?!

Ойбек ўғлим — «Жанубий Ўзбекистон Агроекономика мажмуаси ривожланишининг худудий хусусиятлари» мавзусида номзодлик диссертацияси ёқлаган (2002 йил), ҳозирги кунда Термиз Давлат университетининг ижтимоий-иқтисодий факультети декани. Отабек ўғлим — Вилоят Иқтисодиёт Бошқармасида бўлим бошлиғи.

Ҳар бир оната ҳам ўз фарзандлари билан шундай фахрланиш насиб этсин!





КЎНГИЛГА ЙЎЛ

Хурматли китобхон, келинг гапни Муборакхоннинг ўзларидан эшитайлик:

“Мен, Муборак Рӯзихунова, Сурхондарё вилоят телерадио компанияси ахборот бўлимининг катта муҳаррири ва дастур бошловчисиман. 1960 йилда Сирдарё вилоятида туғилганман. 15 йилдан буён ижодкорлик ишimini давом эттирипман. Ўзим Тошкент театр ва расомчилик санъати институтининг “Драма ва кино актёри” факультетини тамомлаганман. Ўзининг шўхлигим, кўнглим очқилги учун дилкаш суҳбатдош дейишди. Мен ҳамма яхшиликларни яхши кўраман, ҳавас қиламан. Инсонни кийиниши ҳам, кўриниши ҳам, сўзи ҳам, энг асосийси – қалби ҳам тоза, тўзал бўлиши керак. Турмуш ўроғим — Ҳамид Орипов олийжаноб инсон. Ҳамма ютуқларим шу кишига боғлиқ. 3 фанзандим бор. 2 қиз 1 ўғил. Ўғлим Анвар ҳалқаро тармоқлар бўйича иқтисодчи. Қизим Нозимахон услубчи, интэлиэ тили ўқитувчиси. Кенжам — Фарантэз эса тиббиёт коллежи талабаси.

Ўзим ҳам онланинг кенжасиман. Телевидениеда ишimini суҳбатчиликдан бошлаганман. Кўнглиб кўрсатувлар тайёрлайман. Албатта, турли мавзуларда. Шундан хурсандиман. “Кўнглига ташриф” муаллифлик кўрсатуви кўнглиб телетомошабинларга манзур бўлмоқда. Мени журналистика соҳасига киришимда, уни ўраниб, муваффақиятларга эришимда устозим, Вилот телекомпанияси директори Ўрол Сафаровнинг хиссаси беқийс. Мен улардан чексиз миннатдорман. Аёллар доимо ижодкор, тўзал, ширинсуҳон, назокатли, оналаримиз маслаҳатчи бўлмоқлари лозим. Булар онла мустаҳкамчилига катта рол ўйнайди. “Кўнглига ташриф” муаллифлик кўрсатувининг доимий шiori “Яхшини кўриб ҳасад қилма, ҳавас қил”. Менинг мақсадим ушбу кўрсатув орқали кўнглиларга ташриф бўлиб одамларни эзуликка, яхшиликка ундаш”.

Омон бўлсак, телесэкрэн орқали учрашаверамиз.



ТИРИК ТАРИХ

Муҳтарам онахон! Халқимизнинг сеvimли фарзанди, Сурхондарёнинг вилот сифатли таркиб топишига муносиб ҳисса қўшган инсонлардан Турсуной опа Самиева ҳозирги кунда орамизда йўқ.

Турсуной Каримовна Самиева тоғли Бойсун туманида таваллуд топишлар. Юртимизда рўй бераётган ижтимоий ўзгаришларнинг фидойиси бу киши, ундаги таъкилотчиликка бўлган истеводли, ёшларга хос ғайратини тез пайқадилар ва мактабга жалб қилишди. Шу билан бир қаторда бу киши мактаб, жамоат ишларида фаол иштирок эта бошлади. Айниқса, ёш қизларни мактабга жалб қилишда, ижтимоий фойдали меҳнатта тортишда жонбозлик кўрсатганлиги уша давр раҳбарларининг эътиборига тушди. У киши 1937 йилдан бошлаб оқруг етакчилар билан ишлаш бўлимининг мудирин, Денов туман етакчиларининг раҳбари ва 1941 йилдан вилот партия комитетига ишлай бошлади.

Уруш йилларида вилот партия комитетига бўлим мудирин, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича обком секретари, партия мактабига ўқитиш, вилот ижроня комитети раисининг муовини, Термиз шаҳар, Бойсун ва Шеробод туманлари ижроня қўмитта раиси, вилот ижтимоий таъминот бўлимининг мудирин, маҳаллий саноат бошқармасининг бошлиғини ва ҳаётининг охири кунига қалар вилот давлат суғурта бошқармаси шахсий суғурта бўлимининг бошлиғини бўлиб ишлади.

Турсуной опа Самиеванинг баракали меҳнатлари юқори баҳоланган. У кишининг кўксини утча Хурмат белгиси ордени, қатор медаллар беэади. Т. Самиева «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийиси» унвонига эга. У киши 2 марта Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты, 48 йил вилот Советининг депутаты, 35 йил халқ судининг маслаҳатчиси бўлганлар. 7 марта Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланганлар. 24 йил давомидда вилот хотин-қизлар кенгашининг раиси бўлиб ишлади.

Турсуной опа Самиева умрининг сўнги дамига қадар вилот хотин-қизлари Кенташининг фахрий аъзоси бўлгандлар.

Биз эзгуликнинг рангини биламизми? Ҳа, у оқ рангга бўлади. Йўқ, йўқ у мовий рангга. Булутлар рангига, беминанат чашмадек булутларни тўсаси. Йўқ, уларданга олнсроқ чексиз уммон олушида. Йўқ у бизнинг қарашимизда, шундоққина ёнимизда турибди ўн сажжиз минг оламнинг таровати ўзи бир эзгулик эмасми? Инсонга ҳаёт бахш этувчи нафис сув, тупроқ, олов бир эзгулик эмасми? Оламни ўз ақлу тафаккури ётдуси билан мунаввар этган инсон бир эзгулик эмасми? Бутун вужудидан тўзаллик ва мурувват бақикитан аёл бир эзгулик эмасми? Азиз инсоннинг юзига бир зум меҳру-шавқатда тикилиб, унинг борлигига шукрона қилишининг ҳам ўзи бир эзгулик эмасми?

Турсуной опа! -биз учун тарих, ҳақиқат, меҳр тўла қалб эди, у кишини эъзозлаш, у кишидан ўрганиш ва ҳатто бир оғиз сўхбатларидан баҳраманд бўлишни ҳар бир ўғил-қиз орзуси эди.

Опани хотирлаб шонининг куйидати мисраларини ёд оламиз:
Тошлар титраб-титраб гулга айланса,
Кўнгиллар бир-бирга кўлга айланса,
Афсуслар кўзларда гулга айланса,
Бошқатдан яшасак, ярашармикан.



Бу аёл ҳақида фахр ва гурур билан гапирсанг арзийди. Чунки у фидойи инсон. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган опамиз Сайдалиева Мухтарам 1936 йил 16 январда Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида дунёга келган. 1943 йили мактабга борган. Ўқишга ҳаваси бағалдиги туфайли-ми, ёки бошланғич синфда ўқитаётган устозларининг жонқуярлигиданми ўрта мактабни 1953 йили аъло баҳолар билан тугатган. Шу йилнинг ўзидея Самарқандда Алишер Навоий номидаги дорилфунуннинг филология факультетига ўқишга кирган ва 1958 йилда уни муваффақиятли тугатиб, олий маълумотли филолог, тил-адабиёт ўқитувчиси мақомига эришгандан сўнг Мухтарам Сурхондарё вилояти халқ таълими бўлимига ишга юборилган. Педагогик фаолиятини у Термиз шаҳридаги мактаблардан бирида юқори синфларга дарс бериш билан бошлаган.

«Ўқитувчиликни жуда орзу қилардим, «орзумига етдим», — деб жон-дилдан иш фаолиятини бошладим», — деб хотирлайди у. Мактабда ўқитувчилар жамоасининг кўпчилиги ўзини ўқитган, тарбиялаган устозлари эди. Шунинг учун уларнинг ишончларини оқлаш мақсадида ҳавас билан дарс бериб, тез орада илғор ўқитувчилар орасидан жой олди. Болалар билан тил топишиш, улар онгига билимни сингдириш мақсадида тинмай меҳнат қиларди ёш устоз. Ҳали-ҳали ўша йиллардаги чаққонлигини, ўқитувчилик ижодкорлигини ҳозирги кундаги меҳнат гаштини сурётганда кўп эслайдилар. Қўлида ўқитган шогирдлари ширин-ширин ва жуда қизик ўтган ўқувчилик давларини эслашиб, ҳурмат билдиришади. Мухтарам Сайдалиева иш фаолияти даврида 28 йил мактаб директори бўлиб ишлагани. Ўша кизгин иш даврида катта-катта муваффақиятларга эришди, қадрини топишди. «Ўзбекистон халқ маорифи аълочи» медали соҳибаси ҳамда турли нишонлар соҳибаси бўлди.

Муҳтарам опа турмуш ўртоғи Исомиддин Отакулов билан бахтли умр кечирди. 5 фарзандни тарбиялади.

Фарзандлари эл ичида эътиборли, ўз оиласи, Ватани, халқи учун хизмат қилиб яшашмоқда. Шунинг учун Муҳтарам опа ўз хизмати ва оналик бурчидан фахрига бўламоқда.

«Мен бахтли оналар каторидан жой олганимни ҳис қилиб, Олгоҳга шўкроналар айтман. 16 невара ва 2 чеваранинг меҳрибон бўвисиман», — дейди яна Қахрамонимиз. Биз ҳам уларга узоқ ва самарали умр тилаймиз.



Сафарова Муқаддас

ДОИМО ОЛИНГА ИНТИЛИМОҚ КЕРАК

Сафарова Муқаддас Иброҳимовна 1966 йил 29 декабрда Денов туманидаги Хайдаробод қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Остона" маҳалласида энгил оиласида дунёга келган. Отаси Иброҳим Сафаров, онаси Хурсаной Солиқовалар ўқитувчи бўлишган. Бугунги кунда улар нафақада. Беш фарзандларининг ҳаммасини олий маълумотли қилишган. Болаларининг бири ўқитувчиликни танлаган бўлса, иккинчиси ҳамшира бўлди. Бирлари иқтисодчи бўлса, яна бирови талбиркорлик билан шуғулланмоқда. Мактабда ҳам Муқаддаснинг ўрни ўзгача бўлган. Синфида-ку унга тенг келадиганлар кам эди. Дарсда дейсизми, дарслар ташқари жамоатчилик ишларида дейсизми, у биринчилиكنи қўлдан берган эмас. У ёл олган шеър фузалар дээрли барча йиғинларда жарангларди. У бошқарган талбир ва анжуманлар ўзгача бир файз билан ўтган. Шундан бўлса керак ўқитувчилар ҳам Муқаддасга ўзи тенгқурларини бошқаришни, ишта солишни ишониб топшириб қўйишган Бу фаол қиз дарсларини ҳам аълога ўқиб, имтиҳонларни топшириб, ҳаммани шошириб қўярди. Муқаддас Сафарова 1984 йилда 30-ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, пойтахт томон йўл олди. Тошкент Педагогика институтига кириб ўқишни ният қилди. Уни бу йўлдан қайтаришга уринганлар ҳам бўлди. Ахир азим Тошкентнинг энг катта, нуфузли олий ўқув юртига киришнинг ўзи бўладими? Чекка бир жойдан келган олий қизнинг билими етмайди, дейишди. Деганлар тапириб қолавердишди. Муқаддас эса ўз кучига, омадига ишонди. Мени ўзгалардан кам жойим йўқ, "Доимо олинга интилимoқ керак", деган танини шпор қилиб олди ўшанда. Ва бу унинг бир умрлик шпорига — мақсадига айланди. Нима бўлганда ҳам орқага йўл йўқ, доимо олинга интилимoқ керак! 1991 йилда олий ўқув юртини муваффақиятли тамомлаб, қизларон туманига қайтди. Туман болалар касалхонасида врач-педиатор бўлиб иш бошлади. Ўқитилари, изланларни қўл келди ўшанда.

Қанчадан-қанча болажонларнинг дардига дармон бўлгани дейсиз. 1995 йилда Муқаддасхон Сафаровани “Чуқурқинлоқ” қишлоқ врачлик пункти мудури этиб тайинланди. Энди у нафақат болажонларга, уларнинг ота-онаси, яъни катталарга ҳам ёрдам бера бошлади. Муқаддас ўзи сезмаган ҳолда яқин атрофдаги хотин-қизларнинг энг яқин кишисига айлана борди. У ўз иш жойида ўнлаб одамларни қабул қилса, уйга келганида яна шунча одамнинг ҳожатини чиқаради. Врачлик касб эмас, бу ҳаёт тарзи, — дейди Муқаддасхон. 2006 йилнинг май ойидан уни масъул давозимта ишга тақлиф этишди. Денов туман ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси вазифасига ўтишга рози бўлди. Эндilikда у янада кент-қўламда фаолият олиб бормоқда.

Бу дилбар аёлнинг оиладати бахти ҳам бутун: турмуш ўртоғи Икром Алиқулов Хайдаробод педагогика коллежиди ишлайди. Ўғиллари Ўткир ва Равшанлар — икки қаноти мисол учқурдирлар. Бу оила доим илгари интилади. Уларнинг улкан орзулари рўёбга чиқади. Бу аниқ!



Саломова Барно

КЕЛЖАК ҚАЙГУСИ

Саломова Барно 1949 йил 27 декабрда Термиз тумани Янги-ариқ жамоа хўжалигида туғилган. 1955 йил Термиз туманидаги 16 умумий ўрта таълим мактабинини тугатиб, Термиз Давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Барно институтни муваффақиятли тугатиб, Термиз туманидаги 8 умумий ўрта таълим мактабига рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишга келди. Ўз фаолиятини ўқитувчиликдан бошлади. У ёш бўлишига қарамай, тезда ўқувчи ва ўқитувчилар орасида ҳурмат қозонди. Дарсларни пухта, кўрғазмали қуроллар ва техника воситалари асосида қизиқарли ўтати. Жамоадати ҳар бир абзоннинг ўй-хаёли, фикри Барно опата сир эмас. Улар ҳам устозни ўзларига чин маънода “опа” деб билишди. Муамоларини ҳал қилишда дастлаб Барно Саломовага мурожаат қилишди.

Қаҳрамонимиз хушовоз хонанда, унинг ёқимли овози билан айтган кўшиқлари мактаб тадбирларининг кўрки ҳисобланади. У бир неча марта туман, вилоят ўқитувчилари ўртасида ўтказилган баълиий “қиқишларда ҳам иштирок этган. Яхши раққоса, моҳир тикувчи ҳам. Мактабнинг барча безак ишларида дизайнерлик қилиш ҳам Барно Саломованинг истегдоди. Устоз бутунги кунда шогирдларининг фарзандларига ҳам таълим-тарбия бериб келмоқда. Ҳар бир ўқувчининг оилавий шароитдан келиб чиқиб улар билан яқин муносабатда бўлгани учун тезда тил топишиб кетади. Барно опанинг педагогик изланишларини ҳисобга олиб, 1992 йил маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари қилиб тайинланди. Ўша пайтларда “Наврўз”, “Гуллар”, “Санъат” байрамлари ҳар хил кечаларни ташкил этиб, турли учрашувлар, кечалар уюштирар эди. У бутун куч-ғайратини бошлар таълим-тарбиясига бағишлади. Барно опанинг турмуш ўртоғи Баҳром ака узоқ йиллардан бўён савдо соҳасида фаолият юритишга қарамай маорифни чуқур тушунади.

Аёлининг иш фаолиятида донм маънавий кўмак бериб келади. Шу сабабли бўлса керак, фарзандларининг тўртталаси ҳам олий ўқув юртида таҳсил олган. Ўғли Ойбек эса яқинда Ўзбекистон жаҳон тилилари университетини натижасиз тугатиб, малакасини ошириш учун хорижий мамлакатлардан бирита йўланма олди. Бу ютуқлар Барно Салимовани янада ғайрат билан фаолият юритишга асос бўлади. Уни янгидан-янгидан ютуқларга эриштишга илҳомлантиради. Зеро, ўзи устида ишлаган муаллиманинг меҳнати серҳосил мева беради. Бу ширин-шакар медаллар — бизнинг келажатимиздир.



Сатторова Беккамтош



КАКАЙДИ ФАХРИ

Сатторова Беккамтош 1953 йил 28 декабрда Сурхондарё вилоятининг Жаркўрғон туманида туғилган. 1961-1971 йиллар давомида Ломоносов номидаги ўрта мактабда таҳсил олган. Ташкилотчиликда ўртоқларини уюштириб билишда Беккамтошга тенг келадигани йўқ эди ҳисоб. Барча йигитлар мактабда ўтказиладиган тантаналарда унинг иштироки табиий бўлиб қолганидан устозлари бирор топшириқ беришгаётганда Беккамтошнинг бўлиши — бўлмаслигини ўйлаб ҳам ўтиришмаган. Зукко қиз синфдошларининг жонидили эди. Хатто бир кўчада яшайшган тенгдошлари, ёши катта, болалар ҳам Беккамтош деса, қошига учиб борулдек эдилар. Йиллар ўтди. Беккамтош мактабни тамомлаганидан кейин Лалмикор посёлоксизда болалар боччасига ишга кирди. Унинг тарбиясидаги болалар ҳам онажонларини севиб қолишди. У худди малакали мутахассисдек ўғил-қизларнинг кўнгиллини топа билди. 1971 йилнинг ноябр ойидан эса мактабга ишга чорлашди. Етакчилик вазифасига. У яна қадрдон муҳитига тушиб қолди, энди кунининг катта қисmini мактабда, ўқувчилар даргоҳида ташкилотчиликда ўтказди.

1973 йилда кооператив билим юртини тугатган Беккамтош мутасадди ташкилотда ҳисобчи бўлиб ишлади. Турмушга чиқди. Сўнг Жаркўрғон туманидаги Шарқ Юлдузи жамоа хўжалигида котиба, сўнг қадрлар бўлимида бошлук, нафақа ва махсуслот бўлимида катта ҳисобчи бўлиб фаолият юритди. 1986 йилда Термиз қишлоқ хўжалик техникуми бухгалтерия бўлимига ўқинишга кирди. Билим доирасини кенгайтирди. Олган билимларини яна ишда қўллади. Масбул давозимларда ишлаганида ҳам тиришқоқчилигини янгиликка ўчилиги, қўйилган мақсад сари опинмай бора билишини намоён этди. Фидойий, меҳнаткаш Беккамтош Сатторова бир неча марта фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Икки марта қишлоқ советига депутатликка номзод бўлди. Шарқ Юлдузи жамоа хўжалиги халқи орасида у алоҳида ҳурматга, иззатга сазовор, бу даргоҳда у 26 йил меҳнат қилди.

1999 йилнинг июн ойидан буён туман ҳокимлигининг қарори билан Какайд қишлоқ фуқаролар йиғини қотибаси ҳамда кўрғон фуқаролар йиғини хотин-қизлар кенгаши раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Сурхондарё вилоят Жаркўрғон туман Какайд қўрғони фуқаролар йиғини раиси Беккамтош Сатторованинг қисқа таржиман ҳоли шундан иборат, унинг ҳақида янада кўпроқ билмоқчи бўлсангиз, унинг тўғрисида илиқ гаплар, олқиш дуолар эшитмоқчи бўлсангиз Какайдга ташриф буюринг. Бу ернинг ширинсуҳан аҳлиси Беккамтошнинг савобли юмушлари, турар-турмушлари ҳақида узоқ ҳикоя қилиб беришди. Бу дилбар аёлнинг намунали оиласи тўғрисида мароқланиб гапиришди. Марҳамат!

Баҳор боғларидай дўсту ёронлар,
Кулбагнинг тўлдирсин меҳру зийёта.
Доимо яшлагин суриб давронлар
Муҳаббат бер, ишқ бер дунёга.



КЎЗЛАРИДА ЮЛДУЗИ БОР УНИНГ

Людмила Викторовна 1952 йил 27 сентябрда Украина Республикаси Болдан Хмельницкий вилояти Изяславск туманида дунёга келган. Ўрта мактабнинг 8-синфини битириб, касб эгаллаш мақсадида Херсон шаҳридаги касб-ҳунар билим юртига ўқишга бориб, токар ва слесарлик касбини эгаллайди ва йўланма асосида «Херсонск» комбайнларини ишлаб чиқарилган Петровский заводида ишчи бўлиб ишлаган. У 1970 йилда Херсон давлат Педагогика институтининг умумий техника факультетига ўқишга кириб, ўзбекистондан ўқишга борган ўзбек йигити Ментбой Саттаров билан танишиб, оила қуришга аҳд қиладилар.

Людмила Викторовна турмуш ўртоғи олийгоҳни тугатиб, Ватанига қайтаётганида, ҳеч иккиланмасдан 2 нафар фарзандини олиб, биргаликда Шўрчи туманига қайтишди. У ҳозирда Ўзбекистонни Ватаним деб тан олган. 1973 йил август ойларидан бошлаб, Шўрчи туманидаги 68-маҳсус мактаб-интернатда меҳнат таълими фанидан ўқувчиларга дарс бера бошлайди. 1980-1984 йилларда тумандаги 11 ва 18-мактабларида рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериш баробарида Термиз давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини имтиёзи билан билан тамомлаган. Л. Викторовна 1984-2002 йилларда 33-мактаб ишларидан ташқари, туман рус тили ўқитувчиларининг услубий бирлашмасига раҳбарлик қилиб, кенгашларда рус тили фанини ўқитишга оид матбуззлари билан қатнашиб келган. Унинг очик дарслари мактабларда оммалаштирилган. Иш фаолияти даврида кўплаб шотирлар тайёрлаган. Улар айни пайтда туманимизнинг мактабларида ёш авлодга сабоқ бериб келмоқдалар. Ўз бахтини меҳнатда топган.

Украин қизи Л.В. Саттарова турмуш ўртоғи 122-кар боғалар интернати-мактабининг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Ментбой Саттаров билан «Кўшканот» бўлиб, 3 нафар фарзандларини тарбиялаб, набираларига ғамхўрлик қилиб келаятир. У никоҳ тўйини шундай эслайди.

... Мулла бегиладан пичогини олиб ёнига қўйди. Мен ва эримни мулла олдида ўтиргизишдилар. Мулла мен тушунмайдиган тилида нималарнидир ўқиди. Эрим мулланинг айтганларини такрорлаб борди. Менинг иккала кўзим ҳам мулланинг ялтираб турган пўлат пичоғида эди. Мен шу пайтда кўрққанимдан ҳаёт билан хайрлашиб, 10 ёшлигимда онам ўратган дуоларни билганимча эслаб, ўқидим. Шу ҳаёллар билан ўтиранимда, эрим секин тирсаги билан мени туртиб, мулланинг айтганларини такрорлашим кераклигини айтди. Мен мулланинг айтганларини тўғри, аниқ талаффуз қилишга ҳаракат қилдим. Ҳаммаси тугатилган кейин мулла мени «моғолча» деб мақтади. Кейинчалик билсам бу ўзбекча «Никоҳ» экан. Кейинчалик мактаб-интернатда ишта кириб ишладим. Мен ўзимча яхши палъто, этик, иссиқ кийимлар оламанда Украинага-Она ватанимга кетаман деб юрдим. Орадан йиллар ўтди. Ҳар доим эрим ҳазиллашиб «Нечта палъто ва этик кийиб тугатдинг? Сен ҳозир ҳам кетмапсан!» дейди. Йиллар бир-бирини қувлашиб, чакмоқ каби ўтди. Ўғилларимни ўйлантириб, қизимни турмушта узатдим. Мана орадан 38 йил ўтибди. Шу вақтлар орасида оиламда хурсандчилик ҳам, ҳафачилик ҳам бўлиб ўтди. Баъзан Ватанимни соғинсам самолиётга ўтириб учиб бораман. Яна оилам кучоғига қайтаман. Келинларим, набираларим эрим ва таниш-билишларим менинг қайтганимдан хурсанд бўлишадилар.

Ҳаёт ўзининг муаммолари билан гўзал, ширин, ҳаёт учун курашиш, яшашнинг ўзи қизиқ.



Сафарова Мухтарим

ЁШЛАРИНИНГ СҮЮКЛИ МУРАББИЙСИ

Сафарова Мухтарим 1970 йилда Тошкент Давлат Чет тиллари институтини инглиз тили факультетини битириб, Денов шаҳаридати Охунбобоев номида 2-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб иш бошлади. У инглиз тили фанини ўқувчилар олтига сингдиришда самарали ишлади. «Ёш таржимон» тўғрисида ташкил қилди. Ўқувчиларга фан сирларини ўрата бошлади. У мактабда ўз фанини чуқур билимдонлиги, ишбилармонлиги, ташаббускорлиги, талабчанлиги билан ўқитиб келган. 1974 йилда янги қурилган 3-мактабга директор этиб тайинланди. Шу вақтдан бошлаб қурувчилар билан бир сарфла туриб тинимсиз меҳнат қилди, мактабни қурди, фан кабинетлари, синфхоналарини замон талабига жавоб берадиган даражада дид билан жиҳозлади, ўқув моддий базасинини мустаҳкамлади. Шаҳар ва вилоятда ўтказиладиган семинарлар, олимпиадалар, санъат байрамлари, спартакиадаларда катта шаҳар миқёсдаги барча талбирлар шу мактабда ўтказиладиган бўлди. Намунали мусиқа хонаси ташкил этилди. Мактаб ошхонаси Республикада ўтказиладиган кўрик-танловда биринчи ўринни эгаллади. 1991 йил мактабнинг томи тўлиқ шифер билан алмаштирилди.

Ҳудудас, у қисқа вақт ичида мактабни республикага танитди. 1993 йилда 4-ҳозирги 77-мактабга директор этиб тайинланди. У ҳозирга қадар тиниб-тинчимас раҳбар сифатида жуда кўп ишларни амалга оширди. Мактабда математика, инглиз тили, она тили, биология фанларидан чуқур ўрганиладиган синфлар ташкил қилди. 2002 йилда мактабни «Йил мактаби»га тайёрлаб, вилоятда қатнашди. Мактаб кўрсаткичлари бўйича таърифа синов майдончаси ташкил этилди, математика, ҳукуқшунослик, рус тили, инглиз тили фанларидан С.Рахимова, Ф.Тантиркулова, Ш.Бердиев, А.Азиев каби ўқувчилар фанлар бўйича ўтказиладиган олимпиадаларда туман ва вилоятда нуфузли ўринларни эгаллашди. Б.Сатторов ва

Д. Бўроновлар спартакиадада қатнашиб, спортнинг кураш туридан Республика миқёсида совриндор бўлишга сазовор бўлишди.

2008 йил 10 январ кўни ўз аризасига кўра директорлик вазифасидан озод этилиб, шу мактабда инглиз тилидан дарс бериб келмоқда.

Сафарова Муҳтарам Комилловнанинг Халқ таълими соҳасидати хизматлари муносиб тақдирланган. 1987 йилда Ўзбекистон Республикаси «Халқ таълими аълочиси», 1989 йил Ўзбекистон Республикаси «Фахрий ёрлиғи», 1995 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Ёшлар мураббийси» фахрий унвонлари билан тақдирланганлар.

Сиз шохлари бағанд дарахтсиз,
Шохингизда қушлар сайрайди
Хавас қилар ҳар битта шотирд,
Сизга меҳр билан қарайди

Ҳар сўзингиз иншо яратмиш,
Шероэининг сатрларидан.
Шабодалар шеър олиб ўтмиш,
Рўмингиз атирларидан.



НЕВАРАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МОМОСИ

Соқиева Санобар Тангиркулова 1940 йилнинг 8 март кунинда Ангор туманига қарашли Шароф Рашидов жамоа хўжалигида олдий қолхозчи оиласида таваллуд топган.

1946 йилда Ангор туманидаги Муқимий номили мактабнинг биринчи синфига ўқишга борди. 1957 йилда мактабни тугатиб, ўша йили Термиз шаҳридаги Ойбек номили педагогика институтининг химия-биология факультетига ўқишга кирган 2,5 йил ўқитандан кейин Қашқақларё Педагогика институтининг химия-биология факультетига ўқишини давом эттирган. 1961 йилда институтни тугатиб, Термиз туманидаги 11-сонли мактабда иш бошлаган. 1962 йил турмушта чиқиб, 4 нафар фарзанднинг онаси бўлган.

Ҳаёт сўқмоқлари шунақанги паст-баданликлар билан ўралганки, Санобар ўзининг меҳнатсеварлиги билан ҳаммага намуна бўлган. У доим яхши ишлаб, яхши яшаган. Санобарнинг оталари Соқиев Тангиркул бир неча йиллар қолхозларда раислик қилган. Раҳбар инсонлардан бўлган. Қизи меҳнатсеварлигини отасидан ўрганган.

Мактаб жамоасида ўз ўрнини топган Санобар 1974 йил 4-сон Улуғбек номили мактабда директор, 1975 йилдан “Пахтаобод” қишлоқ кентгаши раиси лавозимида ишлаган. Унинг фарзандлари уй-жойли, турли касб эгасидир. 4 нафар фарзанднинг орқасидан яна тўртта фарзанди бор, улар келин ва кўёвларидир. Катта ўғли — Муҳаммадов Баҳодир маҳалла посбони, иккинчи фарзанди — Муҳаммадова Дилбар онасининг издоши, яъни “Пахтаобод” ҚФЙ раиси, учинчи фарзанди — Муҳаммадов Шавкат Ички Ишлар Ходими, кичкина кенжаси Муҳаммадов Илҳом “Тўзгал-Намуна” фермер хўжалиги бошлиғи, келинларининг бири врач, бири ҳамшира, бири фермердир. Наваралари ҳам талаба, ҳам ўқувчи. Мана шундай оила соҳибаси Санобархон ҳозирги вақтда турмуш ўроғи билан қариллик гаштини суриб, 15 набиранинг сеvimли момоси бўлиб яшамоқда.



БАРЧИНОЙЛАР ОТ ЧОПТИРГАН ЗАМИНДА

Барчинойлар от чоптирган заминда Истиқлол шарофатидан унинг муносиб издошлари етишиб чиқмоқда. Қадим ва навқирон воҳанинг, мустақилликни мустаҳкамлаш ишита камарбаста бўлиб буюлкорлик майдонида от сураётган барчинсифат аёлларидан бири Рўзигул Тўхтаевна Сафаровадир. Рўзигул Сафарова Сурхон воҳасининг Шеробод туманида таваллуд топган. Ҳам бобои, ҳам деҳқон отасининг, табиат йиғлаган жойларда йиғлаб, табиат яшнаган жойларда яшагувчи қалбига боқиб, ёш Рўзигул тўлқинланиб кетарди. Шу тўлқинлардан тоштан дилда илк бор, «Улғайганимда еру сувнинг, ўсимлигу дарахларнинг, ҳайвону паррандаларнинг ҳимоячиси бўлман» деган муррак оруз-умидлар пайдо бўлган эди. Бу оруз-умидлар кейинчалик Рўзигулнинг нафақат ҳаёт йўлини белгилаб берди, балки унинг умр мазмунига, қисматиға айланади. Аввал Музабот туман режа-иқтисод техникумида таълим олган Рўзигул Сафарова 1986 йилда Тошкент кишлоқ хўжалиги институтини ўрмон хўжалиги муҳандиси мутахассислиги бўйича тамомлади. Юракдаги мақсадларини амалга ошириш учун ўзи туғилиб ўстан юртдан имконият эшиklarини излаган Рўзигул, иш фаолиятини Музабот тумани «Навбахор» жамоа хўжалигида боғ агрономи вазифасидан бошлади. Касбга садоқат ҳамда филойиғларча қилинган меҳнат бесапар кетмади. Рўзигул Тўхтаевнанинг ўзи танлаган соҳада ўрни, эътибори ошиб, 1989-1999 йилларда вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасида турли вазифаларда, жумладан етакчи, бош мутахассис, инспекция бошлиғи лавозимларида иш олиб борди. 1998 йилда Рўзигул Сафарова Тошкентта ишга таклиф қилиниб, кейинги тўрт йил давомида Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасида бош мутахассис бўлиб ишлади.

Рўзигул Сафарова 2001 йилдан буён Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси сифатида фаолият юритмоқда. У раҳбарлик қилган йилларда мазкур кўмитанинг вилоят ижтимоий ҳаётидаги ўрни анча юксалди. Вилоятда табиатга зарар етказувчиларга нисбатан муросасиз қураш кучайтирилиб, агроф-муҳит муҳофазаси, наботат ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш ҳамда ривожлантириш йўлида сезиларли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Ватанга муҳаббат унинг ҳар қарич еридан тортиб, ҳар туп гиёҳини сева олишдан бошланади, — дейди Рўзигул опа.

Она юртнинг табиатини кўриқлаш, ривожлантиришдек асл фарзандлик ишида сенинг ҳам арзimas бўлсада улушнинг бўлиши учун интилиб яшаш улкан бахт. Шу бахт юракка куч-қувват бағишлайди.

Рўзигул Сафаровани ҳаётта, қурашга илҳомлантириб турадиган яна бир куч — унинг oilаси. Турмуш ўртоғи Х.Жўраев муҳандис бўлиб ишлайди. Фарзандлари Зумрал ва Жасурбек мактаб ўқувчилари. Рўзигул Тўхтаевна кечқурун ишдан ҳориб қайтиб, эрталаб яна ишга бориш учун oilаси бағридан чиқар экан, билатига янгидан куч, ғайратига-ғайрат қўшилганини ҳис этади.





ОТАДАН ЎТГАН ХИСЛАТ

Самиджонова Тоджихол Ходжиевна 1951 йил 1 августда Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида машҳур раис Ҳожи Карл Маркс номи ўрта мактабни муваффақият билан тугатиб, шу йили Тошкент Давлат фармацевтика институтига ўқишга кирди. 1973 йилда институтни ҳам муваффақият билан тугатди. Ёш мутахассис тинмай ўрганиш ва иш фаолиятини Сурхондарё вилояти дори-дармон бошқармасига қарашли 30-дориҳонада провизор-технолог лавозимидан бошлади. Тоджихол ўз малакасини тинмай ошириш йўлида бир неча бор Тошкент Давлат фармацевтика институтига бўлиб, стуж мутахассислардан дори-дармон тайёрлаш сирларини ўрганиб қайтди. Термиз шаҳридаги 1,94 ва 131-дориҳоналарда раҳбарлик лавозимларида фаолият юритди.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин тadbиркорларга кенг йўллар очилди. 1995 йилдан 131-сонли дориҳона «Хуршид» хусусий дориҳонасига айлантирилди. Бу даврдан бошлаб дориҳонадаги дорилар ассортименти янада кенгайтирилди, дори-дармонлар ишлаб чиқариш йўли кўйилди. Термиз шаҳар аҳолисини керакли дори-дармонлар билан таъминлашда бу дориҳона ўз ҳиссасини кўшди. Тоджихол опа ўз иш фаолияти даврида кўплаб шотирлар тайёрлаш, ҳатто неварча шотирлари ҳам ҳозирги кунда халқ хизматида.

Саришта бека, меҳрибон она, уздабурон тadbиркор, саҳоватли аёл Тоджихол опа Самиджонова фаол хизматлари учун бир неча мартаба Республика ва вилоят раҳбарлари томонидан Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Тоджихол Ходжиевнанинг дadasи Ҳожибой ота Самиджонов ўн беш йил хўжаликка раислик қилган хурматли инсон. У киши раислик қилган йиллари хўжалик ҳар томонлама туркираб ривожланди.

Отам жулда меҳнаткаш эди. Ўзи ҳам тинмасди, бошқаларга ҳам тиним бермасди. «Ишла ер тўйса, сан ҳам тўйсан», — дерди доим у. Ёлгон гапирган, кўли қинғир одамларни ёмон кўрарди. Боғаларга ҳам хўжалик абзодларига муомала қилгандай муомала қилар эди. Хўжалик абзодларининг тўй-маракаларининг бошида турар эди. Tadbirkorлик ҳислатлари отамдан ўтган десам ҳам бўлади. Онам уй бекаси бўлиб, боғалар тарбияси билан шугулланар эдилар. Икки опам ўқитувчи ва икки акам турли соҳаларда давлат хизматчиси бўлиб ишлагандлар.

Тоджихол Ходжиевнанинг турмуш ўртоғи 1975 йилдан бери шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимида турли лавозимларда ишлаб келган. Ҳозирги кунда Республика шoшилинч тиббий ёрдам илмий маркази Термиз филиалида ишламоқда. Тўрт фарзандлари бор, улардан учтаси олий маълумотли, кенжа фарзанди лицейда таҳсил олмоқда. Улар ақли, уздабурро ва самимий ёшлардир. Бу фазилатлар уларга ота-оналаридан ўтган, албатта.





КОМПЬЮТЕРНИНГ МОЊИР БИЛИМДУНИ

Саломова Раъно Восиевна 1967 йил Сурхондарё вилояти Денов туманида туғилган. Отаси — Саломов Абдувоси, онаси Улбекаларнинг талабчан тарбиячилиги остида ўсиб-ўлғайди. Оилада улар 10 фарзанд эдилар: Абдуназир Термиз шахар Малака ошпиш институти ректори; опаси — Саломова Шарофат уй бекаси; кичик опаси — Саломова Барчин эса Республика харбий қисмда бўлим бошлиғи; укаси — Саломов Йўлдош Термиз шахрида ИИБда завхоз; синглиси — Саломова Саодат ҳамшира; кичик синглиси — Саломова Иқбол эса мактабгача тарбия муассасаси ходимаси; кенжа укаси — Саломов Собир фермер бўлиб фаолият кўрсатишмоқда.

Раъно Саломова оилали. Турмуш ўртоғи Ментбой Бердиев 1967 йили Денов туманида туғилган, М.Т.Р.да механик-тракторчи. Қайнотаси Бердиев Чори ва қайнонаси Бердиева Тожихоллар келиндарининг хизмати ақли ва талбиркорлигидан мамнун. Икки қизи ҳам олий маълумотли.

Раъно Саломова 1975-1985 йилларда Денов туманидаги 3-ўрта мактабнинг 10-синфини тамомлади. 1990 йилда Термиз Давлат педагогика институтининг математика-информатика факультетини тугатган, меҳнат фаолияти 19 йил Саломова Раъно 1990 йилдан Денов шахридаги 4-ўрта мактабда математика ўқитувчилигидан иш бошлаган. 1993 йилда Денов шахрида очилган Вилоят тасарруфидати 3-инсей-интернатга математика-информатика ўқитувчиси сифатида тавсия билан ишга қабул қилинди.

2001-2007 йилларда у Денов туманидаги ихтисослаштирилган 3-умумий ўрта таълим мактаб-интернатида математика-информатика ўқитувчиси, ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимларида ишлади. 2007 йилдан ҳозирга қадар эса Денов туманидаги 67-санаторий мактаб-интернат директори вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Раъно Саломова иш фаолияти давомида жонқувур ва меҳрибон устоз сифатида шогирдлар меҳрини қозонди. 1996 йил у тайёрлаган ўқувчилардан Эркин Султонмуродов математика бўйича вилоятда 1-ўринини, Республикада 3-ўринини эгаллади. Бундан ташқари Эрназарова Шаҳно информатика фанидан вилоят олимпиадаларида биринчи ўринини эгаллаб, Республика олимпиадалари қатнашчиси бўлган. 1966 йилда янги яратилган 5-синф дарслигининг ўқитилиши бўйича туман ва шахар ўқитувчиларида 2 ҳафталик дарс ташкил этиб, ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатди.

Раъно Саломова 1999 йил 9-синфининг информатика дарслиги бўйича Республика "Тажриба синов майдончаси" тажрибасини ўтказиб, Республикада ва вилоятда ишлари оммалаштирилди. 2003 йилда 10-синф информатика дарсларида тақрибчи сифатида қатнашди.

Раъно Саломова 1998 йилдан буён Самарқанд шахрида ўтказилаётган Республика информатикларининг "Компьютер саводхонлиги" кўрик танловига қатнашиб вилоятда 1-ўринини республикада ҳам фахрли 1-ўринини эгаллади ва вилоят ва республика Фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалар соҳибдори бўлди. У кўрик-танловга информатика фани бўйича совғалар соҳибдори бўлди.

Раъно Саломова қандай ишни бошлагасини ўз натижасига эришгунча тинчимайди. Туманда, вилоятда ташкил этиладиган анжуманларга ўз маърузаси билан ҳар доим фаол қатнашади ва фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Раъно Саломованинг ўз услуби бўлиб фанига шогирдларини қизиқтира олганлиги учун унинг шогирдлари Республика, Вилоят ва туманларда информатика ва математика фанидан нуфузли олийгоҳ, коллеж, мактаб ва ташкилотларда фаолият юритмоқда.

Компьютерлашган замон тараққиёти Раъно Саломовалек билимга ҳаминша эҳтиёжманд, чунки бутунги тараққиётни техникасиз тасаввур қилиш қийин.





ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ОИЛАСИНИНГ ВОРИСАСИ

Сарбосева Курбаной Алаудиновна 1966 йилнинг 29 мартида Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида темирйўлчилар оиласида туғилган.

Онаси Сарбосев Алаудин, 1929 йил Тошкент вилоятида туғилган, Термиз вагон депосида 1945 йилдан 1994 йилга қадар ишлаган, "Меҳнат фахрийси", ҳозирги вақтда нафақада. Онаси Тошмуллоева Робия 1936 йил Самарқанд вилоятида туғилган. 1994 йил вафот этган.

Улар оилада 8 фарзанд бўлишган: акаси Сарбосев Салоудин Тошкент темир йўл муҳандислар институтини тугатган, Термиз темир йўл масофаси дистанциясида уста бўлиб ишлайди, онаси Сарбосева Зудайко Термиз Давлат университети физика-математика факультетини тугатган, физика-математикадан олий тоифали ўқитувчи, онаси Сарбосева Зухра Термиз тиббиёт билим юртини тугатган, 1-тоифали ҳамшира, акаси Сарбосев Насриддин Термиз курйилиш техникуминини тугатган, Термиз "Темирйўлйўловчиларини" корхонасида вагон кузатувчиси, укаси Сарбосев Рамазон Тошкент Тиббиёт институтини тугатган, Термиз шаҳар 1-сонли болалар поликлиникасида врач, укаси Сарбосев Рустан Термиз "Темирйўлйўловчиларини" корхонасида вагон кузатувчиси бўлиб ишлайди.

Курбаной Алаудиновна 1973–1983 йилларда Термиз туманидаги Абдулла Набиев номида ўрта таълим мактабинини имтиёзли туғилган сўнг, 1983 йилдан Термиз шаҳар халқ сулида суд мажлиси котибаси бўлиб ишлай бошлаган. Ёшликдан хукукшунос бўлишни ороу қиларди. Термиз шаҳар сулида бир неча йиллар Республика Олий сулида судья бўлиб ишлаган Фарход Асланов, вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи Чори Алаировларни ўз устози деб билди. Устозлари унга хукукшуносларнинг ўта машаққатли, масулиятли, лекин жуда шарафли бўлган касбларини кунг билан ўратилишган.

Халқ сулида ишлаб юртан вақтларида Тошкент Давлат университетида хукукшунослик факультетига ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда сиртдан ўқинишга кириб, 1991 йил муваффақиятли равишда тугаллаган.

1987 йил темирйўлчи — Термиз локомотив депосида машинист-ёрдамчиси бўлиб ишловчи Абдурахмонов Музаффар турмушга чиқди ва 1990 йил Термиз темир йўл бекатига юрист-машахатчи бўлиб ишга келган ва шу йили Термиз транспорт прокуратурасига депонхона ходими сифатида ишга ўтган. Транспорт прокуратурасида темир йўл, ҳаво ва сув транспорти таъкилотлари ва ҳудудда қонунчиликка оғинамай рноз қилинишини назорат қилиш бўйича устозлари, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасида ишловчи Норможи Халилов, Мусесар она Носирова, нафақадати Нутфулла Насриддиновларнинг раҳбарлигида прокуратура ходимларининг шарафли ва ўта машаққатли феолиятларини ўрганиб, меҳр кўйган.

2005 йил июн ойидан ҳозирги кунга қадар Термиз локомотив депосида ходимлар бўлиб ишловчи вазирасида ишлаб келмоқда. Локомотив депоси жамоеси унинг учун жуда қадри. "Уларда ҳақиқий ишчилар, пўлат отларни жинговлаб минган ўз касбининг феолиятларини кўриш мумкин", — дейди у. Ходимлар бўлишда ишлаб келган йилларида бир қанча тепловоз машинистлари ва тепловозларини таъмирловчи чигангарларни филокорона меҳнатлари оқилгона тақдиранишнинг учун керакли бўлган хужжатларини расмийлаштириб тақдим этиб келмоқда. Шу йилларида 1 нафар чигангар "Фахрий темирйўлчи" унвони олди. 2 нафар тепловоз машинистлари "Шуҳрат" ордени олинди, бир қанча машинист ва чигангарлар, таъмирлаш бригадалари "Ўз касбининг устаси" бўлишлар.

Ўзи темирйўлчилар оиласида воита стан эди. Турмуш ўртоғи ҳам темирйўлчи. Катта фарзанди — Абдурахмонов Алишер Тошкент темир йўл касб-хунар коллежини машинист ёрдамчиси мутахассислиги бўйича тугатди, ҳозирги вақтда янги тарихий темир йўлда пўлат отларда — тепловозларда машинист ёрдамчиси сифатида ишлаб келмоқда. Қизи — Абдурахмонова Нафиса Термиз тиббиёт коллежида 2-босқичида таълим олмоқда. Келгусида врач бўлишни ороу қилди. Кичик фарзандлари — Сардорбек ва Бекзодлар мактаб ўқувчиси.

Ўз ҳаётидан мамнун темирйўлчилар ворисиси ҳали ҳам ҳаракатли ва иштигишда, ороулар отушида бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Султонова Мусокинахон



МЕХНАТДАН БАХТ ТОПГАН

Султонова Мусокинахон Икромжонова 1958 йил Сурхондарё вилояти Узун туманидаги «Гунча» қишлоғида туғилган.

1975 йил 32-сонли ўрта мактабни битириб, шу йилида Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг инглиз тили факультетига ўқишга кирган. 1980 йилда иш фаолиятини собиқ 69-сонли мактабда инглиз тили ўқитувчиси вазифасидан бошлаган (ҳозирги 11-умумий ўрта таълим мактаби). 2005 йил шу 11-умумий ўрта таълим мактабда директор вазифасига тайинланди. Ҳозиргача шу мактабда раҳбарлик қилиб келмоқда. Оилаги: тўрт нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Абдусамат Мақсудов соғлиги яхши эмаслиги сабабли ҳозирги кунда нафақада. Ўғли Мақсудов Дилмуроджон 1983 йилда туғилган. Тошкент давлат Иқтисодиёт университетининг Иқтисодиёт факультетини тугатган, ҳозирда бош ҳисобчи вазифасида ишламоқда. Ўғли Мақсудов Дилшод эса 1985 йилда туғилган. Ҳозирда Тошкент Ирригация ва мелiorация институтининг Гидроэнергетика факультетига ўқийди. Ўғли Шерзод Мақсудов эса 1986 йилда туғилган. ҳозирги кунда Тошкент давлат Иқтисодиёт университетининг Халқаро Иқтисодиёт факультетига ўқийди. Ўғли Мақсудов Бунёд эса 1991 йилда туғилган. Ҳозирда Узун тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг III-курс талабаси. Қизи Мақсудова Ҳуриятхон Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманидаги 171-сонли мактабда инглиз тили ўқитувчиси вазифасида ишлайди.

Майгунки, миллийлик ва умуминсонийлик чамбарчас ботлиқ ҳолиса. Ўзбекистонда яшаётган халқлар, ўзига хошлиқни йўқотмаган ҳолда, умумий руҳиятта, ҳулқ-атворга эга бўлишга интилишмоқда. Чунки бу миллатларро тоғувлик манбаи бўлиши ягона маънавий-руҳий нетизини вужда келтиришга сабаб бўлади. Бу борада чет тилларни ўрганиш, эркин мулоқотга киришга олиш малакасига эга

бўлиш ёшларимизга жуда катта ёрдам бермоқда. Айниқса, жаҳон халқларининг асосий алоқа воситасига айланган инглиз тилини ўрганиш ва ўргатиш борасида жуда кўп ақлий ишлар қилинмоқда. Ўзи раҳбарлик қилаётган таълим муассасасида ҳам ички интизомни ташкил қилиш, турли ислохат ва янгиликлар киритиш ишларида бош-қош бўлиб келди. Жамият ривож, тараққиёти олди бир маҳалда, биргина онда, керак бўлса, биргина инсоннинг жонбозлигига ботлиқ бўлганлиги сабабли юрбошимиз халқ орасидан чиққан бундай жонқуяр инсонларни унутмайди. 2000 йилда Мусокинахон Султонова Президентимиз томонидан Давлат мукофоти «Шуҳрат» медали билан тақдирланди ва у ҳозирги кунга қадар «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга тадбиқ қилиш, ёш авлодни баркамол ва зинъли, Ватанга фидойий қилиб тарбиялашдек масъулиятли ва шарафли ишга бош қўшиб келмоқда.

Мехрдан улуг'роқ фазилат йўқдир,
Мехр куёшидан ёруғдир жаҳон.
Мехр башариятта азиз илдиэдир,
Оламнинг меҳвари меҳрибон инсон.





ФИДОЙИ

Илму-маърифатни ёш авлодга етказиш йўлида фидойи устоз-мураббийлардан, жамоатчи зиёлилардан бири Робия Тўлакова бўлдилар.

Тўлакова Робия Ҳасанова 1942 йил 9 апрелда Сурхондарё вилояти, Шеробод туманидаги Кухитанг жамоа ҳўжалигида таваллуд топган. У дастлабки ўрта маълумотни “Зарабоғ” қишлоғидаги ўрта умумий таълим мактабидан олди. Мактабни тавомиллаёт, Термиз Педагогика олий ўқув масканининг “Химия-биология” мутахассислиги бўйича ўқишга кириб, уни 1963 йилда муваффақиятли битирди, олий тоифали ўқитувчи касбига эга бўлди. Робия Тўлакова дастлабки иш фаолиятини ўн ўқитган “Зарабоғ” қишлоғидаги 32-сонли умумий ўрта мактабда химия-биология фанидан ёшларга сабоқ беришдан бошлади. 1964 йилда турмушга чиқди. Оилавий зарурат юзасидан у бир неча илм масканларида ёшларга таълим берди. Жумладан, 1964-1966 йилларда Музработ туманидаги 1-сон мактабда, 1966-1967 йилларда Ангор туманидаги Ҳамза номи мактабда, 1967-1968 йилларда Термиз шаҳридаги Карпов номидаги мактабда, 1968-1970 йилларда Термиз тиббиёт билим юртида ёш авлодга ўз касби бўйича таълим берди.

Робия Тўлакова 1971-1992 йилларда Термиз шаҳридаги 2-сон умум ўрта мактабда ўқитувчи, бош усулбчи, директор ўринбосари вазифаларида фаолият юритди. 1993-1997 йилларда Термиз шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси вазифасини бажарди. 1998-1999 йилларда Термиз шаҳар ЭКОСАН жамғармаси раиси вазифасида ишлади. Робия опа 2000 йилдан меҳнат фахрийси. У босиб ўтган заҳматли меҳнат фаолияти давомида юртига, халқига айниқса ёш авлодга нисбатан адолатли, меҳнатсевар, гамхўр ва билимдон инсон сифатида танилди ҳамда обрў-эътибор топти.

Халқ таълими авлочиси Робия Тўлакова ҳам устоз-мураббий сифатида, ҳам сеvimли она сифатида бағри бўғун саодатли аёلدир. Турмуш ўртоғи Термиз Давлат университети “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони соҳиби Чори Жумаев билан тўрт фарзанди Ватанга муносиб инсонлар сифатида камол топтириб вояга етказдилар. Фарзандлари Шоҳида олий тоифали психолог, Икромжон — иқтисодчи-ирригатор, Комилжон ҳужуқшунос, Моҳидхон ҳам иқтисодчи, Қўйинг-ки барча келин-куёвлари ҳам жонажон юрт равнақи йўлида меҳнат қилишмоқда. Биз бағри бўғун оиланинг меҳрибон волидаси ҳамда минглаб шогирдларнинг азиз устози Робия она Тўлаковага донию бахту саодат, зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.



Турсунова Зулфина



АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР

Бугун жамиятнинг деярли ҳеч бир муаммосини, келажати буюк давлат қуриш вазифасини ҳам аёллар иштирокисиз ҳал этиш мушкул. Арабча "аёл" сўзи — "оила" калимаси билан ўзакдош. Эски тилимизда "оила аъзолари" тушунчаси, "аҳли аёл" бирикмаси билан ифодаланган.

Турсунова Зулфина Ҳайдаровна 1952 йил 21 сентябрда Саросиё туман Шарғун шаҳар, Чинор қишлоғида туғилган.

Отаси — Ҳайдар ака Турсунов 1993 йилда оламдан ўтган.

Онаси — уй бекаси, нафақада.

У 1970 йили Саросиё тумани Шарғун шаҳридаги 62-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, Термиз Давлат Педагогика институтининг Филология факультети "Ўзбек тили ва адабиёти" бўлимига ўқишга кирди. 1974 йили институтни тугатиб, ўқитувчилик иш фаолиятини бошлади. 1975 йили Қизилқум тумани Қосим Раҳимов совхози 14-ўрта мактабиди (Ўзбек тили ва адабиёти фанидан) ўқитувчи, 1976 йилдан бошланғич синфлар илмий бўлим мудири, 1982-1983 йилгача директор муовини, 1984 йилдан 1989 йилгача мактаб директори лавозимларида хизмат қилди.

1990 йилдан совхоздаги 120 ўринли "Наргис" боғалар боғчасида мудира вазифасида, 1995 йилдан 2004 йилгача Истара ширкат хўжалигида раис муовини, хотин-қизлар кенгаши раисаси вазифасида ишлади.

2004 йил август ойидан шу кунга қадар "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида ишлаб келмоқда. Камтарона иш фаолиятини баҳолаб, бир неча марта вилоят, туман ҳокимларининг Фахрий ёрлиқлари, 2006 йилда "Мустақилликнинг 15 йиллиги" нишони билан тақдирланди.

Маҳалладаги шиори Алишер Навоий бобомизнинг:

Юз туман нопок эрдин яхшироқ
Пок хотунлар оёғининг изи...

Маҳаллада 685 оила, 3215 аҳоли, 1500 нафар хотин-қизлар, 1118 нафар воята етмаган ёшларимиз бор. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Фармон ва қарорларини ҳаётга жорий этиш, аёллар маънавиятини, оила маданиятини юксалтириш мақсадида иш олиб бормоқда.

Турсунова Зулфина беш нафар фарзандни тарбиялаб воята етказган. Уч нафари олий маълумотли. Саккиз нафар невараларининг меҳрибон бувижониси.





Туранова Моҳидда

ОНА ВАТАНИННН АРДЌҚЛАБ

Буюк аждолларимиздан қолган машхур қалом бор: "Ватанни севмоқ — иймондандир". Қаҳрамонимиз жонажон Ватан меҳру муҳаббатини дилига нурли моҳ қилиб жойлаган — Моҳидди Туранова билан сизни таништирмоқчимиз.

Туранова Моҳидди Турдиевна 1976 йилнинг 11 декабрида таваллуд топган. У ўзи учун ардоқли Музабот қишлоғида воғта етди. Термиз туманига қарашли 23-ўрта таълим мактабида ўқир экан, тарих фанига меҳр қўйди. Олағма машхур аждоллари, Ватаннинг шонли тарихидан хайрагланиб, бетакрор юртига меҳр қўйди у. Моҳидди Ватан севгисини қиёлагани — Турди отанинг ҳаёло қалок қўлларидан, воғидаси Шарофат аянинг нурли сиймосидан, азиз бувижони Улуғ момонинг салокатли ҳаётидан, иккинчи жаҳон урушида шахид бўлган бобоси Хусан отанинг матонатидан, қўйин-ки, барча нуруний ҳамқишлоқлари, мухтарам устозларининг меҳр тўла ўғитларидан ўрганди. Шу сабаб мактабни тугатган, Термиз Давлат университетининг Тарих факультетига ўқинишга кирди. Бу қўллуғ илм масканини муваффақият билан яқунлаб ўзи ўқиган мактабда ёш авлодга тарих фанидан сабоқ берди.

Ҳозирда Термиз Давлат университетига феолият қўрсатмоқда қадимий Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйи муносабати билан Термиз Давлат университетига машхур жаҳон тарихчилари иштирокида ўтган анжуманда қатнашган Моҳидди юрт тарихи бўйича илмий изланишлар қилишнинг дилига тўккан эди. Эеро, "Сополди тепа", "Қампир тепа" каби тарихий қаламжолар қанча тадқиқ этилса, шунча янги-янги муҳим тарихий далиллар қалф этилаверди. Моҳидди кейинги йилларда туман, вилоят, республика матбуотида мунтазам қатнашиб, ўнлаб илмий-тарихий мақолалар чоп этирди. Моҳидди шу давр мобайнида 7 та илмий-тарихий услубий тавсинанома асосида учта қўлланма тавсинанома яратди. Моҳидди Ватан мавзусидаги шеърларини суйиб ўқийди, қалби юрт муҳаббати билан нурланади:

Менинг Ватан ичра ватанларим бор,
Мангу завог топмас чаманларим бор.
Термизийлар каби жавоҳирларим,
Бухорийлар каби маъданларим бор.

Биз, юраги юрт муҳаббати ила лиммо-лим тўлган Моҳидди Турановага илмий изланишларида зафар ва муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламиниз.



Тўраева Саломат



ОТАНИНГ ОҚ ФОТИХАСИ

Саломат Тўраева 1955 йил 29 мартда Термиз шаҳрида туғилган. Шаҳардаги 1-мактабни 1972 йилда тугатиб, Саратов шаҳридаги Педагогика институтига ўқишга кириди. Отанинг оқ фотиҳасини олган, дунё-дунё ибратли ишларидан илҳомланган Саломат болалигиданоқ эл-юрт қорига ярашни, одамлар учун керакли бўлиб яшашни олдига максад қўйган эди. Унинг бундай жонкуяр бўлиб шаклланишида отаси Абдулфайз Тўраевнинг тарбияси сабаб бўлган. Замонасининг машҳур кишиси саналган А.Тўраев хозирги "Дўстлик" жамoa хўжалигини узоқ йиллар бошқарган раиси эди. У нафақат вилоятда, балки республикада ҳам бообу кишилардан бири саналган. Раислик чоғида Абдулфайз Тўраев энг катта ёрдамни мактабларга қаратган, жуда қўллаб-қувватлаб ёшларни олий ўқув юртига кириб ўқишларига сабаб бўлган. Уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган. Зийси, илми юқори бўлган эл доим тинч ва тўқ яшашини билган.

Оғир касаллик туфайли Абдулфайз Тўраев вафот этди. Саломатхон бир дам суюнган, ишонган, суйган отасидан ажралиб қолади. Лекин онаси, отасининг яқин дўст-биродарлари қизининг синиқ кўнглига йўл топишади. Шундай улғувор отанинг қизи бўлиш, қайсибир маънода унинг бошлаган ишини давом эттириши кераклигини тушутиришади. Унга маънавий мадад бериб, институтни мувафақиятли тамомлашга ёрдам беришади. Орувлари бир дунё бўлган отанинг умидлари ерда қолиб кетмади. Саломатхон мана 33 йилдирки шотирларининг сеvimли устози, мактабнинг энг фаол, замонавий услубда фаолият юритадиган ҳурматли устоздир.

Саломат Тўраева ўқувчиларга рус тилидан сабоқ беради. Рус тилининг бой имкониятларини ёш йигит-қизларга тарғиб қилади. Ўқувчилари ҳам улғу рус ёзуви ва шoirларининг асарларини

Саломатхон ёрдамида ўрганадилар. Бу муаллима изланувчан, ўзи устида тинмай иш олиб борадиган педагогдир. Компьютерни яхши билган бу ўқитувчи ўз сабоқларини масофаги дарс ўтиш бўйича Авлоний номидаги малага ошириш институти олимлари билан намойиш этди. Алоҳида сертификатга эга бўлди.

Тиниб-тинчимас Саломатхоннинг турмуш ўртоғи ҳам ўқитувчи. Улар 5 нафар фарзандларини ўзлари сингари софдил ва пок, тиришқоқ ва илмга чанқоқ этиб тарбияламоқдалар. Бу хонадонда зийс гулшани дом гулпириб туради.

Хозирда Саломатхон Тўраева вилоят рус тили жамoаси ассоциациясининг фаол тарғиботчиси.





ДОИМ ОЛГА ИНТИЛИНИНГИЗ, АЁЛЛАР!

«Хар бир инсон бетақдор, ҳар биримизга Яратувчи тақдорланмас қиёфа, феъл-атвор, қобилият, имконият, ҳислат берган. Лекин имкониятларимиздан қай даражада фойдаландик, нимага эришилди — нималарни бой бердик. Умримиз қандай ўтапти, ҳаёт йўлимиз нималардан иборат бўлмоқда, охир-оқибат бу дунёдан қандай кетамиз».

Бу жумлалар аслида ўзини билган, ўзига берилган ноёб неъмат — ҳаётни қадригайилган ҳар бир инсонга аялган вақти-вақти билан ўз-ўзига ана шундай саволлар бериб туриши зарурлигини ҳис қилган ана шундай инсонлардан бири — Ташмухамедова Асилтош Аҳлижон қизидир. Тузал Фаргона волдинисининг Марғилон шаҳрида 1949 йил 1 январда энгиллар оиласида таваллуд топган. Асилтош ҳаётда ўз ўрнини топган олти фарзатнинг онаси, 12 неваранинг бувижонисидир. Турмуш ўртоғи — Рамазон Жўраев эса устоз, ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда.

Асилтош 1968 йилда умумий ўрта таълим мактабинини тугатган, Саратов Давлат педагогика институтининг Филология факультетига ўқишга кириб, 1973 йил ушбу олийтоҳни муваффақиятли тамомлади. 1974 йилдан Кумкўрғон туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабидида ўз ишини бошлади. 14 йиллик устозлик меҳнати давомида хурматта сазовор бўлди. 1987 йилдан 1991 йилгача Кумкўрғон туман фирқа кўмитасида йўриқчи вазифасида иш олиб борди. 1991 йилдан Кумкўрғон туман Хотин-қизлар кўмитаси раиси, 1995 йилдан иш фаолияти давомида туман ҳокимлигининг Оиди, оналик ва болалиқни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўринбосари вазифасида ишлади. У оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг маънавий-ахлоқий асосларини ва маданий манфаатларини тақомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратиб бораётидиган қатор ишларни амалга ошириб келди. «Энг мурувватли кўшнини»,

«Иборатли маҳалла», «Иборатли оила», «Ўз билан юзлашган», «Энг тадбиркор келин» каби кўрик-танловларни ўтказиб, вилоят ва республика босқичларида фахрли ўринлар соғириндори бўлди. Президентимизнинг тўй-маросимлари ва урф-одатлар тўғрисидаги қарорларни фуқаролар орасида татбиқ этди. Вилоятларо ўтказилган турли мавзудаги тадбирларни муваффақиятли ташкил этиб келди. Тумандаги кам таъминланган кўп болали оилаларнинг 300 нафарга яқин фарзандларининг суғнат тўйларини ўтказди, юзлаб кам таъминланган кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Шу жумладан 2004 йилдан туман Болалар жамғармаси раиси сифатида, болалар ва ўсмирларни буюк Ватанимизга муносиб фарзандлар қилиб воёга етказиш, ҳар томонлама етук, маънавий баркамол, жисмонан соғлом ва бақувват қилиб тарбиялаш, етим ва нотирон болаларни ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ундан ташқари Асилтош Тошмухамедова Тошкент шаҳри «Ўзжасомарказ» савдо кўرғазмасида қатнашди. Кам таъминланган оила хотин-қизларини иш билан таъминлаш мақсадида, қишлоқда қосоначилиқни ташкил қилиб, Туркия тикув машиналарини шартнома асосида олиб келтирди. Олиб бораётган фермер хўжалиги ишларида давлат томонидан белгиланган пахтачилик, пилла, ғалла режаларини олишти билан ғалланинг кўшимча даромадни ишчиларига ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам сифатида тарқатиб берди. 20 нафар қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлади. Яқин фурушатларда, фермер хўжалиги жойлашган ҳудудда аҳолини тоза ичимликлик суви билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. Асилтошнинг бу юмушларида устозлари М. Юнусова, С. Зунуноваларнинг ҳиссалари бор, албатта. Уларнинг ҳаётга интилувчанлиги, замон билан ҳамнафас бўлиш ҳислатлари опага дарс бўлиб, мана шундай ютуқларга эришиб келмоқда. Ўз набаотида Асилтош опа Ташмухамедова ҳам ўз шогирдлари Д. Кўзиева, Р. Жўраева, З. Абдураимова ва Ж. Жўраевларга ушбу ҳислатларни берди ва ҳозирги вақтда бу шогирдлари турли соҳаларда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Доим олга интилинигиз, аёллар!

Тўдаева Мамлакат



САВОБ ИШЛАР БЕСАМАР КЕТМАС

Тўдаева Мамлакат 1957 йилда таваллуд топган. Боғалик орусини амалга ошириш ниятида Самарқанд Давлат тиббиёт институтига ўқишга кириди ва уни 1980 йилда муваффақиятли тамомлади. Сўнг врач-педиатор сифатида фаолият юритган. Мамлакатхон меҳнат фаолиятини 1980 йилда Денов туман Марказий шифохонаси меҳнат фаолиятини интернатга ўташдан бошлаган. 1982 йилдан 1992 йилга қадар эса туман боғалар шифохонасида врач ординатор, кейинчалик бўлим бошлиғи давозимиди фаолият юритган. Мамлакатхон Тўдаева малакани шифокоргина эмас, ташкилотчи, етакчи, янгиликларни кўра билган, иш тажрибасида тез қўлай олаётган раҳбар сифатида ҳам ўзини намойн этди. Шу сифатлари ҳисобга олиниб уни 1992 йилдан эътиборан Денов туман бош врачининг оналик ва боғаликни муҳофаза қилиш бўйича муовини вазифасига тайинлашди. Шундан буён Мамлакат она туманда оналик ва боғаликни муҳофаза қилиш, ҳомиладор оналар ва боғаларга бўлган профилактик ва тиббий хизмат кўрсатиш ишларига раҳбарлик қилиб келмоқда. Хукуматимиз Мамлакат Суяровнинг шижоатли меҳнати ва фаол жамоатчилик ҳаракатини ҳисобга олиб, 2002 йилда «Шуҳрат» медали билан мукофатлаган.

Тиниб-тинчимас Мамлакатхоннинг ташаббуси билан туманда туманлараро репродуктив саломатлик маркази, боғалар ва ўсимлар поликlinikаларида ўсим қизлар учун гинеколог хоналари ташкил қилинди.

Қаҳрамонимиз тиббиёт ислохоти йўлида қабул қилинган барча қарорларни ўз вақтида, мунтазам бажаришга ҳаркан қилади. Турмушнинг, сервайратлиги ва камтарчилиги билан туман, вилоят тиббиёт ҳодимлари орасида катта фарқ эга. «Доню энгилликларга ишлаган, ўз устиди ишлаган толкайилган, ишланган, жонкуяр шифокоримиз Мамлакатхонга бўлган катта ютуқлар тилиб қолганиз. Бу жонкуяр аёлининг савобин ишлари, самараси меҳнат фаолияти ҳаммамиз учун ўрнат бўлади» дейишдан ҳамкабилари.

Тўраева Озода



ДОИМО ОГОҲ АЁЛ

Тўраева Озода Тўраевна 1957 йилда туғилган. 1979 йилда Тошкент Санъат институтини тугатган, 2006 йил 27 майдан буён Термиз шаҳар «Юлдуз» МФЙ раиси давозимиди ишлаб келмоқда. Озода Тўраевна Термиз шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўтасида ўзининг батакор одамийлиги, меҳрибонлиги ҳамда билимдонлиги билан ажralиб туради. У ўзининг зиммасига бевосита юклатилган хизмат вазифаларини аъло даражада бажармоқда. Айни вақтда катта ташкилотчилик қобилиятларини намойн этиб, маҳаллада бир қатор талбирларни ўтказиб келмоқда.

Унинг бевосита раҳбарлигида маҳаллада «Балли қизлар», «Намунали оила», «Энг яхши келинчақ» каби талбирлар ўтказилиб, шаҳар миқёсида совринли ўринларни эгаллашга муяссар бўлишди.

Маҳалла ҳудудида кам таъминланган ва кўп боғли оилалар, ўғаллар парваришига муҳтож қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳар доим Озода Тўраеванинг диққат эътиборида. Уларни қадрлаш, аҳволидан доимо хабардор бўлиб туриш, «Наврўз», «Хотира ва қадрлаш» кунларида уларга дастурхонлар ёзиб, совға-саломлар тарқатиш Озодахоннинг сави-ҳаракатлари туфайли «Юлдуз» маҳалласида яхши йўлга қўйилган.

Маҳалла ҳудудида ёш қизлар ўртасида тарбиявий ишлар олиб бориш, яраттириш комиссиялари орқали ҳар хил оилавий низоларнинг ечимини топиш каби ишларда ҳам раис жонкуярлик қилиб келмоқда. Озода Тўраеванинг ташкилотчилик қобилиятлари 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» да янги қирралари билан намойн бўлди. Шаҳар ҳокимлигининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури бўйича бажарилиши лозим бўлган барча талбирлар «Юлдуз» маҳалласида юқори савияда ташкил этилди. Маҳаллада коммунал тўловларининг

шаҳар бўйича энг юқори даражада бажарилиши кўп жиҳатлардан Озода Тўраеванинг савй-ҳаракатлари туфайлидир. Бугина эмас, у катта бир жиноятчини қўлга олишда ИИБ ходимларига катта ёрдам берди. Чунки у донио огоҳ аёл. Озода Тўраева намунали оила соҳибаси, 2 нафар фарзанднинг меҳрибон онаси, 4 нафар набиранинг севимли буяиси. Ўзининг камтарлиги, ҳушмуоолалиги ва одамларга ғамхўрлиги туфайли маҳаллада катта оорўта эга.



Тошўжаева Муҳаббат



ЯХШИЛАР ЁДИ

Муҳаббат Тошўжаева 1950 йил Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида туғилган. Рус тили ва адабиёти институтини тугатгач, 1971 йида Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги мактабларнинг бирита ишта юборилди. 1972 йида Шерободлик ўқитувчи Муҳиддин Абдуллаева турмушта чиқди.

1975 йил март ойида Ленин йўли райони (ҳозирги Қизилқор) ташкил топди. Тақдир бизларни ўша ерда учраштирди.

Ҳаётда шундай инсонлар борки, уларни бир кўришдаёқ чуқур ҳурмат ҳиссини тўясан. Муҳаббат билан илк суҳбатимиздаёқ унга ҳурматим ошган. Бағалди бўйли, сочлари ҳам бағалди турмакланган чиройли бу аёл ниҳоятда кам гап, босиқ, вазмин эди. Ортиқча бирор-хатти ҳаракатни ёки райком партиянинг баъзи ходимларига хос бўлган калондимометликни унда кўрмасдингиз. Район партия комитети инструктори сифатида ўзи бошқарган соҳа одамлари билан ўзаро ҳурмат асосида босиқлик билан иш олиб борарди. Мен партия учёт секторида ишлай бошладим. Иккаламизнинг ўртаминиздаги дўстлик аста секин мустаҳкамланиб бориб, унинг сўнги нафасигача давом этди.

Муҳаббатхон сўнгра мактаб директори, борча мулдраси сифатида фаолият кўрсатди. Қарерда ишлаган бўлса меҳнаткашлиги туфайли, ўта билимли бўлгани учун кўп кишиларнинг ҳурматида сазовор бўлди. Одамлар юратилган жой олди. Ёшув қарининг ҳурматида сазовор бўлди. Шунинг билан биргаликда тўрт нафар фарзандини еру кўкка ишонмасдан ювиб таралди, тарбияланди.

Менда энг чуқур таассурот қолдирган нарса унинг ўз оиласига муносабати эди. У ўз фарзандларини шунчаки меҳр билан тарбияладикки, ўзини кўпинча унутиб қўярди. Унинг бу меҳнатлари ўз самарасини берди. Бугун фарзандлари ўларнинг самарали меҳнатлари билан ҳалқига, давлатига хизмат қилишмоқда. Фарзандлари у орзу қилган инсонлар бўлиб етишди.

Бизнинг дўстлигимиздан ҳамкасбларимиз ҳам қариндош уруғимиз ҳам бохабар эди. Бу дўстликка ҳамма ҳавас билан қарарди. Иккаламизнинг суҳбатларимиз ҳам баъзи дўтонларнинг суҳбатидан ҳам фарқ қиларди. Афсуски у ёш кетди. 1991 йилда автоҳалокат туфайли оламдан ўтди.

Дўстдан айрилиш мента оғир кечди. Лекин унинг хотираси ва дўстлиги юратимдан чўқур жой олган. У билан бирга ишлаган фаолият кўрсатган ҳар бир инсон унинг одамтарчилигини, камтарлигини, меҳнаткашлигини, оқила аёл эканлигини доимо эслаб турардимлар. Уни ҳурмат билан хотирлайдимлар.

Термулиб турсангиз қумдек тўкилсам,
Чоқларим чирсиллаб жондек сўкилсам.
Худота юкунсам, Сизга юкунсам,
Бошқатдан яшасак ярашарминкан.

Дўстимни хотирлаб:
Сожила Пулатова



Тошбоева Иқлимхон

ХУНАРМАНДИНИНГ НУРЛИ КЎЛЛАРИ

Меҳнат барча замонда инсон боғласини юксак мақсадга кўтарган. Иқлимхон Тошбоева ўз фаолияти билан нафақат Сурхон воҳасига балки Республикага танилган хунарманда-тадбиркорлар сарасига кирди. Тошбоева Иқлим 1952 йилнинг 18 декабрыда таваллуд топган. У боғалигидан меҳнатга тобланди. Мактабда ўқигач, 1974-1975 йилларда «Сотувчи» курсини битириб, 3-сон ўрта мактабда 1979 йилларгача савдо ходимаси бўлиб ишлади. 1981-1984 йилларда шахар шифохонасида, 1987 йилдан Шўрчи кинолаштириш идорасида, 1991 йилда Шўрчи «Маданият уйида» меҳнат қилди. Сурхон элининг минг йиллар давомида шаклланган хунарманчилиги сержило миллий либослари кўзларни қувонч ва ҳайратларга соғатди. Иқлимхон ҳам ёшлигидан миллий либосларга меҳр қўйди. Меҳрибон устозларидан бу хунарнинг сир-асрорларини ўрганиб улғайди, вояга тайбиркорликка кенг йўللار очилди. Иқлимхон Тошбоева ҳам ўзининг рангинг либослари билан 2000 йилдан бошлаб «Ташаббус» фахри ўринларга сазовор бўлди. 2003 йилда «Ташаббус» кўрик-танловида вилоят бўйича биринчи ўринни қўлга киритди ва «ЮНЭСКО»нинг «Бойсун баҳори» фестивалида қатнашиб, миллий либослар кўргазмаси бўйича унинг либослари I-даражали диплом билан тақдирланди. Унинг сирли ва нузли кўллари ила бунёд бўлган миллий либослар қатор кўргазмаларда намоиш этилмоқда. Иқлимхон тиккан миллий либосларни санъаткорларимиз кийиб Япония, Жанубий Корея, Туркия, Малайзия, Германия, Бельгия, Хиндистон, Испания, Хитой каби мамлакатларда олқиништа сазовор бўлиб қайтишмоқда.

Иқлимхоннинг хунармандчилик ишлари Термиз Давлат Университети, Шўрчи Дон маҳсулотлари корхонаси, вилот «Кўпирчоқ театри» кўнлаб туманлар ва коллежлар ансамбли иштирокчилари томонидан кийилиб кўзалари қувонч ва хайратларга тўлдиримоқда. Иқлимхон қорақалпоғистоннинг «Айқулаш» ансамблига, Қашқадарёнинг «Лолақизғалдоқ» болалар гурӯҳига, Тошкент шаҳридан «Аббос» гурӯҳига, Ўзбекистон ҳалқ артисти Рушана Султоновага, Швецариялик Катя Данилага, «Сурхон» гурӯҳига, хонанда Ҳосида Раҳимова гурӯҳига миллий либослар тикиб берган. У «Дўппи тикилим ипаклари тилиодан» кўрик-танловда туманда биринчи, вилотда иккинчи «Энг улуғ устоз» номинациясида ғолиб бўлган. Иқлимхон Тошбоева меҳрибон она, севимли бувижон сифатида ўз хунарининг сир-асрорларини фарзандларига ўратмоқдалар. Иқлимхон Тошбоевага заҳматли ва шарафли фаолиятларида янги-янги зафарлар тилаб қоламин. Иқлим онани қайноналари тирик бўлганларида Турсуной Солиқованинг куйидати мисрадарини уларга атаган бўлар эди:

Тили қошлар қошингизда жилвоганар
Бошингизда зар дўппилар тилдоганар,
Ифорларга тўлиб кетди оstonалар,
Оstonамни чаман қилган гулим қизим.



Турсева Менсүлү

ЁНИК КЎНГИЛ

Турсева Менсүлү 1949 йил 5 январда Сурхондарё вилотининг Узун тумани «Жончекка» кишлоғида туғилган. У бахтиёр бир оилада дунёга келди. Отаси Йўлдош ота, онаси Қиммат аялар бир бирдарига меҳр-оқибатли, вафодор инсонлар бўлишган. Оилавий муҳит ҳам тинч-осуда, тўзал ва нурафшон эди. Бундай дароҳда тарбия топган фарзандлар ҳам қобил бўлиб етишдилар. Икки ўғил, тўрт нафар қизининг барчаси эл юрт хизматига шай инсонлар.

Менсүлүв қизлари эса кўнгли юмшоқлиги билан ажратлиб турар эди. Унинг нитоҳуларидан нима демоқчилигини билиб олиш мушкул эмасди. Унинг учун ҳаётда бетоналар, бировлар йўқ деса, ҳаммани ўзига яқин кўради. Одамларга бирдек ишонади. Бирдек ҳаммага яхшилик соғинади. Бундай ёник бегубор кўнгли билан у оиласидатиларни, қариндош-уруғлари, кўни-қўшинларининг меҳрини қозонди.

1965 йилда А. Навоий номидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг муваффақиятли тамомлаган Менсүлүв Тошкентта йўл олди. Олий ўқув юртига кириб ўқиш унинг катта орузси эди. Олий кишлоқ қизи шаҳарликлар билан илмда куч синашди. Ва алал оқибатда Тошкент Политехника институтининг Энергетика факультетига биринчилардан бўлиб қабул қилинди. Ушбу олийтоҳни 1970 йилда муваффақиятли тутатди. Йўлланма билан ўша йилнинг сентябр ойида Шўрчи туман электр тармоқлари корхонасига муҳандис-диспетчер бўлиб ишга қабул қилинди, ва ушбу дароҳда 12 йил ишлади. Шу йиллар мобайнида у катта тажриба ортирди. Одамлар билан ишлаб, паст-бадандан хабардор бўлди. Аммо унинг ёник кўнгли ёрқинлигича қолди. Ҳаммадан аввало яхшиликни излайдиган, виждонига хиёнат этмайдиган ҳамкасблари борлигидан жамоадатилар ҳам хушнуд эдилар.

Ментеулв 1970 йилда турмушта чиқди. Турмуш ўртоғи Абдуназар Норқобиров врач бўлиб хизмат қилди. Уларнинг ақлли-хушли икки ўғли ва икки қизлари бор.

1982 йилда у Шўрчи район ижроия кўмитасига ишга тақлиф қилинади. Ментеулв 1986 йилгача бу даргоҳда йуриқчи бўлиб фаолият юритди. 1986-1994 йиллар давомида район ижроия кўмитасига маънавий масалалар бўйича раис ўринбосари бўлиб ишлади. 1994-2003 йилгача туман ҳокимлиги ташкилий ва кадрлар масалалари бўйича бўлим бошлиғи, 2003-2005 йилларда бош мутахассис давозимда фаолият юритди.

Ментеулв Тўраева масъул вазифаларда, етакчи давозимларда ишлади. Дом одамлар орасида, ҳамюртлари кўз олдига фаолият юритди. Ва ҳамма вақт олқишлар олди, раҳмат эшитди, қанчалар хизмат зинаповларида юкори кўтарилмасин, онласини, бола чақаларини алоҳида қадрлади. Уларнинг тарбиясига шундай бир масъулият билан ёндошди. Ментеулв опанинг ҳаётида қувончли кунлари кўп бўлган. Бахтиёрлигининг бири шунки, у ота уйида қамол топти, яхшиликка таянган бу даргоҳда олган тарбияси унинг келажатига ҳам асос бўлди. Унинг фахри шунки, ака-укалари дом бошида парвона. Ментеулв турмушта чиққанда ҳам, фарзандлик, набиралик бўлганда ҳам ака-укасининг парвоналигини ҳис этиб турди. Ваҳолантки Ментеулв опанинг акаси академик Назарали Тўраев укаси Эргаш Тўраев Фан докторлари. Илму-урфон дунёсининг кўзга кўринган вакилларилир. Шундай бир оқибатли ака-укалар, опа-сингиллари билан Ментеулв опа беҳад фарғланади. Уларнинг барчаси Сурхондарёнинг қамолоти учун, Ватанимиз истиқбол учун хизмат қилмоқдалар. Бундай одамлар орасида бўлиш барча аёллар учун бахт бўлса керак. Ментеулв опанинг фарзандлари ҳам худди ўзи сингари тиришқоқ, масъулиятли. Ментеулв Тўраева эл-юрт орасида, меҳнат жамоаси ичига эъзозда шотирдлари кўп.

Баҳор чечаклари изинтиздалур,
Офтоби ифори юзингиздалур.
Ҳаёт гўзаллиги дунё чиройи,
Меҳр-муҳаббатли кўзингиздалур.

Турдиева Робия



МАЪРИФАТ ЧИРОҒБОНИ

Ҳалқимиз тарихида ўтган Бибиҳоним, Гулбаданбетим, Зебунисо, Нодирабетим, Увайсий, Анбар Отин, Зулфия каби ақл-заковатли, нафосати, назокати билан ибрат бўлувчи фаришта сифат аёллар ҳозир йўқ дейсизми? Бор! Улардан бири Робия Турдиева! Эзулик тарқатувчи мураббий, қомил инсон тарбиячиси сифатидаги жонбозлигида қараб, уни бахтиёр чирғобони дегинг келди кишининг. Унинг мактаб кўюғида ўтказган булун ҳаёт йўлига бирор кўз қирини ташлаган инсон ҳам асл илм фидойиси, ёшлар тарбиячиси худди мана шундай бўлиши кераклигига ишонади.

Турдиева Робия 1939 йил 25 майда Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида туғилган. Отаси Турдиев Карим 1898 йил туғилган ва 1973 йил вафот этган. Онаси Турдиева Руқия 1906 йил туғилган ва 1990 йил вафот этган.

1946 йил Денов шаҳрига кўчиб келгани учун у 1948 йилнинг сентябриддан Денов шаҳридаги 2-сонли Охунбобоев номи ўрта мактабнинг 1-синфига бориб, унинг 1958 йили 10-синфини тугатган.

1958 йил Қарши Давлат институтининг тарих ва филология факультетига ўқишга кириб, уни 1963 йили тугатган.

1963 йили Денов туманидаги 5-Мичурин номи ўрта мактабга тарих ва филолог касби бўйича ишга жойлашди.

1965 йили шу мактабда илмий бўлим мудири вазифасида 1967 йили Денов туманидаги собиқ Буденний номи 8-йиллик мактабда директор, 1970 йил Денов туманидаги 17-ўрта мактаб директори давоимида ишлаган.

1976 йил Денов туманидаги Мичурин номи ўрта мактабда директор, 1977 йил 1 сентябрдан 1977 йилнинг 31 декабригача Денов туманидаги 33-ўрта мактабда директор, 1978 йил январидан туман ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари, 1979 йилнинг август ойидан

Денов туман партия кўмитасида ташвиқот ва тарғибот бўйича бўлим бошлиғи, 1981 йилнинг 1 апрелидан туман ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари, 1981 йилнинг 15 май ойидан шаҳар кўмитасининг Илеология ишлари бўйича 3-чи котиби, 1990 йилнинг 25 апрел ойидан шаҳар ижроия кўмитасида умумий бўлим бошлиғи, 1998 йилнинг февралидан то ҳозирги кунгача Денов туман «Сувқова» ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамиятда ходимлар бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келган.

У 1992 йилдан Халқ Демократик партияси аъзосидир. 1973 йилдан 1980 йилгача туманда хотин-қизлар кўмитасининг раиси бўлиб ишлаган. 1965 йилдан 1995 йилгача қишлоқ советининг ҳамда Денов шаҳар, Денов туман советининг депутаты қилиб сайланган.

Ҳозирги вақтда у Денов туман Халқ Демократик партиясининг Пленум аъзоси, Денов шаҳар хотин-қизлар кенгашининг аъзоси Робия Турдиеванинг филокорона меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган.

1981 йилнинг август ойида Афғонистон Республикасининг бир гуруҳ болалари Денов туманидаги пионер лагерига яхши дам олганлигини ҳисобга олган ҳолда 1981 йилнинг 16 сентябрида Ўзбекистон Республикаси қасаба уюшмаси Президиумининг фахрий ёрлиғи, жуда кўп мартаба Ўзбекистон Республикаси фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

1992 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кўннининг бир йиллиғи муносабати билан «Мустақиллик эсдалик нишони» билан тақдирланган.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиғи муносабати билан эсдалик нишонига лойиқ кўрилган. 1997 йилда жаа Ўзбекистон Республикасининг «Халқ маорифи аълочили» нишони билан тақдирланган.

Ўсиб келаётган Янги авлодга ким эгуликни ўргатади, ким уни Ватанга, халққа салоқат руҳида тарбиялайди, ким уни етук инсон қилиб воёга етказадим? Албатта, оналар, устозлар. Фарзандлар камоли учун ҳормай-толмай хизмат қилувчи Робия Турдиевалек кўнли инсонлар тарбиячилари ҳаммаша эъзозу ҳурматга лойиқдирлар.

Киёси йўқ асло, меҳри бир дарё,
Ўхшаса ўзига ўхшайди ўзбек.

Болаларига-ку билдирмас, аммо,
Дунёда болам деб яшайди ўзбек.



Тўхтаева Кудрат

КўНГИЛЛАРГА МАЪРИФАТ УЛАШИВ

Дейдиларки, “Устоз мураббий юратида беҳисол товланувчи нур хазиналари барқарордир. Мурғак қалблар бу нур манбайидан қувват олиб камол топади”. Дарҳақиқат устоз-мураббий таърифида бунданда ажиброқ эътирофлар айтсақда камлик қилади. Қаҳрамонимиз Кудратхон опа Тўхтаева ҳам ана шундай ўқитувчи-мураббий масъалани ардоқлаб фаолият юритаётган устозлардан ҳисобланади.

Тўхтаева Кудрат 1957 йилнинг 11 сентябрида Бойсун туманида таваллуд топган. 1964-1974 йилларда тумандати 1-сон ўрта мактабни “Олтин медал” билан якунлади. 1974 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг Физика факультетини муваффақият билан битирди. 1978-1981 йилларда Бойсун туманидаги 1-сон мактабда, 1984-1996 йилларда Музработ туманидаги 14-сон мактабда ўқитувчи, 1996-1999 йилларда шу мактабда илмий бўлим мудири ҳамда 1999 йилдан мазкур 14-сон мактабнинг директори лавозимида фаолият юритмоқда. Кудратхон Тўхтаевага 1991 йилда Халқ маорифи аълочили унвони берилди. Ўтган давр мобайнида мактаб ўқитувчилари турли фанлардан, жумладан физика фанидан мунтазам виллоят ва Республика олимпиадаларига фахрли ўринларни эғллаб келишмоқда. Мактабнинг “Кўнфрот” жамоаси Республика “Қувноқ стартлар” телевиэион кўрик танловида 2001 ва 2006 йилларда 1-ўринни эғллашга мушарраф бўлишди. Мактаб 1999 йилдан туман мактаблари ичида рейтинг бўйича 1-ўринни кўлдан бермай келмоқда. Ўз ҳаётини ёш авлодга илму маърифатдек қўтулғ неъматни улашишга бағишлаган Кудратхон Тўхтаева “Шухрат” медали, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 ва 15 йиллиғи кўкрак нишонлари соҳибаси ҳамдир. 20 та шогирди устози йўлини танлаб физика фани ўқитувчилари бўлиб етишдилар.

Қудратхон опа меҳрибон она у 5 нафар фарзандини Ватанга муносиб инсонлар сифатида воғта етказиб улайтирмоқда. Ўғли Одилжон Турдиев Самарқанд Архитектура институтини битирган. Қизи Дилдора Турдиева Тошкент Ирригация ва мелорация институтини якунлади. Қизи Дилрабо Турдиева эса Тошкент Тиббиёт академиясининг 3-курси талабаси. Ўғиллари Орифжон ва Ақромжонлар мактаб ўқувчиси. Биз халқ таълими аълочиси, устоз-мураббий Қудрат опа Тўхтаевага шарафли фаоллигларида омаллар тилаб қоламиз.

Ҳаёт дарсин берувчи, эй устозларим,
Бавзан кўнгли ўқитганда ҳамрозларим,
Сизга бўлсин дилмиллати эзу каломим,
Сизга бўлсин кўлимда тор, хуш созларим!



Таваширова Зумрад

ПЕШКАЛАМ ДИРЕКТОР

Болалигидан лойим берилгучи “Қим бўлмоқчисан?” деган савол Зумрадни ҳеч қийнамаган. Атрофидаги жажжи болакайлар бир куни доктор бўлман деса, иккинчи куни банк бошқарувчиси бўлман деса чуғур-чуғур қилишганида у «ўқитувчи бўлман, тамом вьесалом» дерди. Раҳматли отаси Юсуф ака, онаси Жуматул аялар қизларидати доноликни, иқтодорни аввалдан сезишган. Бугалдиган бола бошидан маълум, дейишганидек 1965 йил 7 ноябр Денов туманида дунёга келган, Зумрад Таваширова илроқли, зукко қиз бўлиб воғта етди. Мактабда пухта билим олди. Устозлари унга алоҳида ишонч билдириб, синфда, мактабда ўтказиладиган турли йиғинларда, анжуманларда масбулйетли вазифаларни юклашарди. Қизча эса барча топишиқларни чаққонлик билан бажарар, синфдошлари, мактабнинг бошқа ўқувчиларини осонлик билан бошқара оларди. Дардан бўш вақтлари ҳам унинг атрофида дўст-дўгоналари ариматан. Жажжи қизалоқлар ҳам дам-бадам Зумрадлар яшайдиган хонадон эшитини тақиллатиб келаверишарди. Ахир, Зумрад опалари уларга устоздек бўлиб қолган, билматан дарсларини ўргатган, маслаҳатини аямайдиган яқинлари бўлиб қолган эди-да. Йиллар қаҳрамонимизнинг қарорини янада қатъийлаштирди. У 1982-1984 йиллар давомида Денов туманидаги Равно Узокова номи Педагогика билим юртида ўқиди. 1989-1993 йилларда Тошкент шаҳридаги Низомий номидаги Педагогика институтининг «Педагогика ва психология» факультетини муваффақиятли тамомлайди. Меҳнат фаолиятини эса 1987 йилда Кумкўрғон тумани 36-умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчи сифатида бошлаган. Ушбу даргоҳда 1992 йилгача фаолият олиб борган. 1992-1997 йилга қадар Бандихон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабида аввалига ўқитувчилик қилди. Тажрибали ва ташаббускор Таваширова Зумрад Юсуповна ўз иш тажрибасини ҳамкасбларига улашишдан толмади.

Болалар психологясини янада чуқурроқ ўзлаштирди. Улар билан тили топиша олди. Ҳамкасблари орасида ҳам алоҳида ҳурмат-эҳтиромга эга бўлди, ва кўп ўтмай шу мактабнинг директори вазифасига лойиқ топишди. Энди жамоа бир тан, бир жон бўлиб иш юрита бошладилар. 1997 йилда эса у Бандихон туманидаги 9-ўрта таълим мактабига директор бўлди. Зумрад нафақат агрофлагиларга талабчан, балки ўзи устида ҳам тинмай ишлайдиган, илми-зиёсини ошириб борадиган аёл. 2006 йилда Зумрадди Бандихон туманидаги «Агроекоат» касб-хунар коллежига директор этиб тайинланган.

Замонасининг илгор одамларидан, олимларидан бири бўлиши Жеймс: «Мен бажарётган ишларим ҳаёт-мамат масаласидек жуда муҳим, деган фикрда ҳаракат қилман» деган экан. Зумрадхон ҳам бир вазифасини чин дилдан бажаришга кўникиб қолган. Одамларга доим кўнгилни очиб ашайди. Ва улардан ҳам шундай муносабат кўрмоқда. Бир оилани бошқариш нечоғли мушкулдирлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо бир неча юз, минг кишилик жамоага раҳбарлик қилиш оғир ва марсулалитилгинини биламизми? Ҳис қилга оламизми. Яна раҳбар — аёл киши бўлсанми? Зумрадхон барча оғирлиқни елкасига олиб, оиласини ҳам туллатиб, раҳбарлик қилётган жамоасининг ҳам ҳурматига эришиб ашамоқда. Унинг жонкуярлиги муносиб тақдирланган. Зумрадхон «Халқ маорифи аълочиси» унвони билан тақдирланган. Уч ўғил ва бир қизин ҳам одамларга меҳрли, меҳнатга саложатли этиб тарбияламоқда.

— Болалик орзуларим ушланганидан жула бахтиёрман. Мен шу юртим учун, унинг келажати учун озми-кўпми ҳисса қўшаётганимни ўйласам, бир бахтим юз бўлгандек бўлади. Ҳамкасбларимму, маҳалладошларимдан раҳмат эшитсам, ҳурмат кўраётганимни сезсам, юз бахтим минг бўлади, туман бўлади. Бугунимиз, эртанимиз, келажатимиз учун янада файрат билан ишлагим келади, — дейди Зумрад Тавашарова.



Усмонова Розия

ЭЛ ЭЪТИВОРИДАГИ АЁЛ

Усмонова Розия Мейликовна 1957 йил Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида таваллуд топган. 1975 йилда Китоб туманидаги Алишер Навоий номи 1-умумий ўрта таълим мактабинини тамомлаб, Тошкент Тўқмачинлик ва енгил саноат институтига ўқишга кирди ва уни 1980 йилда муваффақиятли тамомлади. Уша йилдан бошлаб Денов туманидаги туманлараро улгўрчи савдо корхонасида иш фаолиятини бошлади. 1986 йилдан 1997 йилгача Ушн пахта тозалаш заводига ўз мутахассислиги бўйича самарали меҳнат қилди. 1997 йилдан ҳозирги кунгача Қизилқум туман халқ таълим бўлимида Қадрлар бўлими услубчи, мактабгача таълим муассасалар услубчиси, «ёш техниклар» ижодиёти маркази директори вазифасида ишлаб келмоқда.

Усмонова Розия Мейликовна қайси вазифада ишлаган бўлса ўша ерда аввало меҳнат интизомига риоя қилади. Жамоанинг обрў-эътиборини қозонди. Меҳнат фаолияти давомида кўплаб турли тадбирларни ташкилотчиси сифатида ҳамкасбларининг ишдан бўш вақтларида мазмунли ва мароқли дам олишлариغا шаронглар яратиб беришда раҳбариятга яқиндан ёрдам берди. Туман Халқ таълим бўлими Хотин-қизлар кенгаши раиси сифатида туман ҳокимлиги Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда боғчаларда ва мактабларда ишляётган хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда боғчаларда ва мактабларда ишляётган хотин-қизлар билан учрашувлар ўтказиб, аёлларнинг жамиятдаги, бола тарбиясидаги ўрин, онгига ва иш жойида ўзининг юриш-тутиши, хулқ-аъвори, бўйича суҳбатлар ташкил қилиб берди.

14-22 ёшгача бўлган қизлар ўртасидан «Зулфияхоним» издошларини топиш мақсадида қизларнинг қобилияти, истеъдодига қараб, кўрик танловлар ташкил этиб боради. Улар орасидан муносиб талабларни топиб бир неча йилдан бери вилоят миқёсида ўтказиляётган

«Зулфия» Давлат мукофоти танловларига иштирок қилиб келмоқда. Уйда ўтирган ва иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида 2007 йилдан бошлаб «Гипарис» хусусий корхонасини ташкил этиб, 18 нафар хотин-қизларни иш билан таъминлади. Боғчаларда ижодий — меҳнат рақобатини йўлга, юзата чиқарди. Илгари Халқ таълими бўлими 3-4-та боғчани юқори ташкилотларга намуна қилиб кўрсатган бўлса, энди эса аксарият боғчалар ободончилик, тозалик, боғчаларнинг боғчада қамрови, маънавий ва маълумотли мутахассисларнинг сифат таркибини яхшилатиши, ранг-баранг талбирларнинг тартибли равишда амалга оширишлари ҳам Усмонова Розия Мейликовнанинг хизматлари самарасидир.

Усмонова Розия Мейликовна жамоатчи ва фаол ҳодим бўлиши билан биргаликда ибратли оила бекаси ҳамдир. Турмуш ўртоғи Эшбой ака Усмонов кўп йиллардан бери пахта-саноатини ривожлантириш бўйича етакчи раҳбарлардан бири сифатида ишлаб келаётган бўлса, фарзандлари Фотима, Зухра, Эркин, Равадлар ҳам олий маълумот эгаси бўлиб ота-оналари касбинини улуғлаб Республикамининг турли вилоятларида иш олиб бормоқдалар.

Усмонова Розия Мейликовна ишдан бўш вақтларида кўпинча ўйига ва фарзандларининг истиқболига шошилади. Чунки бир-биридан ширин набиралар ҳам севишли момосининг суюкли ва ардоқли донатидан маъзи ширин бўлган зурриётларидир.



Умидова Сафия

ОМАДЛИ АЁЛ

Умидова Сафия Раҳмановна 1960 йил 5 сентябрда Жаркўртон тумани «Жалоир» маҳалласида туғилган. Отаси — Жўраев Раҳмон — қолхозчи. Онаси — Жўраева Ойсара — уй бекаси. Оилада 9 фарзанд — 5 ўғил, 4 қиз.

1967 йил 9-умумий ўрта мактабнинг 1-синфга ўқишга борди. Мактабни намунали ҳуш ва аъло баҳоларда битирди. 1977 йил ўрта мактабни тугатди. Шу йили хўжаликлараро бўрдоқчилик базасида ишлаб, ишдан ажралмаган ҳолда Бойсун касб-хунар билим юртига ўқишга кирди. Билим юртини оператор-матн кўчирувчи бўлимини тугатди. 1986 йил «Қизил Октябрь» (хозирги Н.Мирзаев номидаги) жамоа хўжалигига ишга ўтди. Шу йиллар ичида «Комсомол» жамоа хўжалигида ва партида етакчи лавозимда ишлади. Ташкилотнинг бир неча Диплом ва Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

1996 йил шу жамоага бритадир лавозимига тайинланди. Хар йили режа ва топшириқларни ортиги билан бажариб келди. 1998 йил декабрь ойида Кумкўртон туман ҳокими Н.О. Чориев номига ер олиб, фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисида ариза берди. Ариза ижобий ҳал бўлди. Шу йили фермер хўжалигини ташкил этиш ҳақида туман ҳокимининг қарори чиқди ва фермер хўжалигига «Халқ йўли» деб ном берилди. 1999 йил Республикада Хотин-қизлар йили деб эълон қилиниши — республикада хотин-қизларига катта имкониятлар очиб берди. У 1999 йил 2 январда «Халқ йўли» фермер хўжалигига раис этиб тайинланиб, 24 гектар ер майдони ажратиб берилди. Сафия Умидова 1999 йилдан то хозиргача Ўзбекистон ХДП туман кенгаши фермер хўжалигига ҳомийлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон ХДП туман кенгаши раиси С.Р. Зуннунова ва раис ўринбосари М. Номозов, ҳисобчи Х. Алмурадовлар фермер хўжалиги раҳбарига ўзларининг дўстона маслаҳатлари билан бирта амалий ёрдамини аямай келмоқдалар.

Натигада Сафия опа туманда илгор фермерлардан бири. Туманда бўладиган тадбирларда фаол қатнашади. Хўжалик даромади ҳисобидан 1 та Т-4А трактори, 1 та Т-28 трактори ҳам сотиб олди. Хўжалик кам таъминланган оилаларга ёрдам бериб келмоқда. Ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисидаги юртбошимизнинг қарорига асосан у ҳам тендерда қатнашиб, 42 гектар майдонни ютиб олиб, хўжалигини кенгайтирди. Хўжаликдан 20 нафар донимий ишчи бор. 2007 йил ҳосил ҳисобидан 2 дона ТТД — 80 тракторини лизинг асосида сотиб олиб, фермер хўжалиғи моддий-техника базасини мустаҳкамлади.

Оиласи — турмуш ўртоғи Умидова Эргаш механизатор, ўнлилари — Шовкат Тошкент Давлат Аграр университетида дарс беради, Шерзод фермер хўжалигида иш бошқарувчи, қизи — Умидова Датофат — уй бекаси. Ўғли — Шерали — Тошкент Иқтисодиёт университетининг магистранти, қизи — Умидова Меҳринисо талаба. Тадбиркор фермер раҳбарининг келажаги порлоқ. Чунки, унинг ворилари — фарзандлари ота-онасининг издошлари бўлиш учун билим ва мутахассисликларни эгаллаш йўлида тинмай билим олмақдалар.



290



Умарова Гулчехра

ЧЕХРАСИ ГҮЛ, ВОССТАН ИЗНИ ГҮЛ

Шерободлик Тилла аканинг оиласида дунёга келган бу қизга Гулчехра деб исм қўйишди. Гулчехра камолга етган сари нозик хулқ-атвори, ширинсуҳан, қоши камон, бўйи-баста хиромон бўлиб борди.

1955-1966 йилларда ўрта мактабни аяло даражада тугатиб, Музработ Алоқа филиалига алоқачи бўлиб иш бошлади. Қисқа вақт ичида ишчилар ўртасида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди. Уни Касаба уюшмаси ҳисобот йигилишида касаба уюшмаси раиси қилиб сайлашди. Бу ишонч Гулчехра опанинг кучига-куч қўшди. Аввало кексалар янни филиалнинг собиқ ишчилари холидан хабар олишни ўз йўлига қўйди. Давлатимиз байрамларида, хайит кунларида собиқ ишхонасида совға-салом берган ҳар қандай кексалар олам-олам қувонч билан дуо қиладиган бўлди. Тўй-маррақаларда ишчиларнинг бошини қорۇштириб, алоқчида хўракат-эҳтиром билан боришни ташкил этди. Кам таъминланган ишчиларни рўйхатини қилиб, моддий ёрдамни ушуксиз беришга эришди.

Хуллас, жамоа янги касаба уюшмаси раисидан миннатдор бўлди. Бу ишлар билау бир қаторда у Музработ туман Халқ сулида маслаҳатчи, Музработ туман хотин-қизлар қўмитасининг раёсат кенгаш аъзоси бўлиб фаолият олиб борди.

Турмуш ўртоғи Рўзи Бегимов билан доим аҳил-иноқ яшади. Ўзаро ишонч ва ҳурматга асосан Бегимовлар оиласига яратган беш фарзанд берди. Ҳозирда қизи Лобар олий маълумотли ўқитувчи, 44-сонли ўрта мактабда рус тилидан дарс беради. Ўғиллари: Шерзод, Бекзод, Улутбек, Нурбеклар ишбилармон-тадбиркор бўлиб етишди. Гулчехра Умарова ҳозирда 13 набиранинг бувижониси. Ҳар йили “Алоқачилар кўни” байрамида опанинг хонадонига шогирдлари, илгари бирта ишлаган ҳамкасблари гуллар билан ташириб буюришади. Бу эҳтиром Гулчехра Тиллаевнанинг анъаналари, бошлаб берган ишлари давом этгаётганидан дарак беради.

291



ЭЛВ ЮРТ ХИЗМАТИДА

Нон — улугъ неъмат. Халкимиз дастурхонита бу муборак ва кутлугъ неъматни тортик килиш ҳам шарафли меҳнатдир. Менсгулв Усмонова ўз фаолияти билан ушбу шарафли касбни ардоқлаб келатган ватандошларимиздандир.

Усмонова Менсгулв 1957 йилда Шўрчи тумани, Олатемир жамоа хўжалигида таваллуд топган. 1963-1973 йилларда 16-ўрта таълим мактабни, 1973-1975 йилларда эса Термиз кишлоқ хўжалик техникумини бухгалтер ихтисослиги бўйича муваффақиятли битирди.

Иш фаолиятини 1975 йилда жамоа хўжалигида ҳисобчи вазифасида бошлади. 1982-1995 йилларда Шўрчи Дон маҳсулотлари ҳиссдорлик жамиятида ҳисобчи, 1995-2003 йилларда ушбу даргоҳда бош ҳисобчи ўринбосари, 2003-2005 йилларда эса бош ҳисобчи лавозимида фаолият юритди.

2005 йилдан “Шўрчи дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг бош ҳисобчи ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.

Менсгулв Усмонова намунали онла соҳибасидир, турмуш ўртоғи Э.Мадминов МТП АЖда ҳолмлар бўлими бошлиғи, қизи Муқаллам «Шўрчи дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятида ҳуқуқшунос бўлиб ишлайди.

Менсгулв опа ширин-шакар набираларининг сеимли бувижониси. Менсгулв Усмонова шундай ёзди: “Раҳматли отажоним Усмон

Бобоев доим, “Қизим, ким бўлишингдан қатъий назар барчага қўлингдан келганча яхшилик қил”, — дегуви эдилар. Отажонининг бу ўғитлари ҳаётимнинг бош мазмунни асл мақсагга айлانتган, шу боис бу панд-насихатни фарзанд набираларимнинг қалбларига жо айлатим келди. Чунки, биздан бу дунёда қолаётгани яхшиликдир”.

Дарҳақиқат, инсон фарзанди учун бунданда мунаввар ва шарафли мақсад бўлмаса керак.



САОДАТ КАЛИТИ

Усмонова Мадинахон Асқаралиевна 1949 йил Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида туғилган. Тақдир тақозоси билан ёшлигида онаси билан Сурхондарё вилоятига кўчиб келишди. Отаси Усмонов Асқарали милиция ходими, онаси Усмонова Зайнабхон уй бекаси бўлишган. Оилада 7 фарзанднинг тўнғичи бўлган Мадина болалигида маърифатли, ниҳоятда жонкуяр бувиси Розия бувининг эрталарининг, ширғили, ниҳоятда майин овозда доира чалиб айтган кўшиқларини тинглашни севарди. Мадинага одамларни, Ватанни севиниш, яхшилик, эзгуликни, одамлар дардига шерик бўлишни, уларни тинглай олишни, шу мунис меҳрибон инсон - бувижониси ўратган бўлиб, у киши ўзининг бой кутубхонасига эга эди.

Мадина 1971 йилда Термиз Давлат педагогика институтини битириб, Шеробод туманининг 12-ўрта мактабида ўқитувчи бўлиб иш бошлади. 1978 йилда Мадинани «Кўхитонг» боғалар боғчасига мудирга қилиб тайинлашди. Ўшанда боғча бир гуруҳдан иборат бўлиб, 1-12 нафар бола катнашарди, холос. Мадина аввало ишни боғчани обод қилиш, уни чиройли кўرғазмалар билан бойитишдан бошлади. Боғалар учун кичик спорт майдончаси, машғулот хоналари, методик кабинетни ишга туширди. Чиройли ўйинчоқлар, боғалар учун мавсумий кийимлар, телевизорлар олиб келинди ва бу ишлар ўз самарасини бериб, фарзандларини боғчага берувчилар сони кўпайди. Боғча 90 ўринли 3 та гуруҳдан иборат максагга айланди.

1979 йилда яна 4 та кишлоқда боғча очилиб, уларнинг ишини ташкил этишда, тарбиячиларга услубий ёрдам беришда Мадинахон бош-қош бўлди, унинг «Ғунча» номли боғчаси худудда танҳо боғча макомини олди. Бу касбга меҳр қўйиб, файрат билан ишлаётганда уни Зарбоғ кишлоқ йигитини раис муовини лавозимига тайинлашди.

Мана, йипирма етти йилдирки у ўз ишини шарафлаб келди, бу иш бора-бора ҳаёти мазмунига айланди. Иш фаолияти давомида у кўплаб ажралиш арафасидаги оилаларни яраттирди, низолни жанжалларни ҳал қилиб, адоватнинг олдини олди, қаерда жанжал бўлса, ярим тулда ҳам етиб борди, аразлаган келинчақлар, янги оилада кўним тополмаган қизларнинг яхши яшаб кетишлари учун кўшни районларга бориб келишдан ҳам эринмади.

Ҳозир кишлоқда мустақиллик туфайли ўзгаришлар катта, қолеж, янги мактаблар, савдо ва маиший хизмат бинолари қурилади, қуриляпти. Пошхургада катта миқёсда кўплик қуриляпти. Етти маҳалла аҳли халқ хизматига. Ҳарбир маҳаллада иш кабинетлари бор, маҳалла маслаҳатчилари учун алоҳида хоналар ҳам мавжуд. Усмонова уларнинг фаолиятини яхшилаш, кабинетларини жиҳозлашга бош-қош. Бодлар, ёшлар спортида ишқибоз, янгиликларга чанқоқ, ҳар бир маҳалланинг ҳашар йўли билан яратган футбол, волейбол майдонлари мавжуд. Қабристонлар, йўллар, зибратгоҳларда, маҳаллаларда тез-тез ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Опа ва унинг 7 маҳалласи агрофида бирлашган халқ донмо изланишда, ҳаракатда, ҳаракат бор ерда барака бор.

Унинг илк раис бўлиб сайланиши ҳеч эсдан чикмайди. Бу 1994 йил илк баҳори бўлиб, Зарабоғ (ҚФЙ) кишлоқ фуқаролар йиғини ниҳоятда худди катта, тумандан узоқ ва четгара кишлоқларда жойлашган бўлиб, унинг раҳбаридан жуда катта куч, маъсулиятни талаб қиларди. 15 кишлоқнинг кекса-ю ёшлари яқинлик билан «Малинани раис қиламиз», дейишди. Хуллас, ўша кунни худди биринчи марта аёл киши раис бўлди. Мана, 15 йилдирки Усмонова шу худдида раис, унинг исми ҳам — аъмоли ҳам «Опа» бўлиб кетган. Ўша кунда Малина опа ҳамкишлоқларнинг ишончидан, қўллагиндан ниҳоятда тўлқинланди, чунки у шу юртда эъзо, эътибор топди, қалр топди.

У ети фарзанднинг меҳрибон онаси. Катта қизи — Тошкент юрлик техникуминини, ўғли Фахриддин Тошкент политехника университетинини, Дилафруз медицина техникуминини, Абдоржон Иқтисод коллежини, Умаржон кишлоқ хўжалик техникуминини биттиришлар. Фарзандларининг ҳаммаси Чаманжон, Аббосжонлар ҳам баҳолан қудрат халқ хизматчилар, невараси бувижони ардоғида. Турмуш ўртоғи А. Бердиев унга ҳаминша тайин бўлди, Малина яхши оилага келин бўлганди — қайноғаси Берди боёо чин отасидек, қайноғаси Иззат момо чин онасидек суйиб ардоқлагини. Уларнинг меҳр энеси туфайли маҳалла аҳли эл-юрт ҳурмат-эъзозига сазовор бўлди. Шу-да саолат!



ЭЛИНИНГ ДУОСИНИ
ОЛГАН АЁЛ

Хоналиева Гулсара Джураевна — 1946 йил 15 декабрда Сурхондарё вилояти Термиз тумани Паттакесар кишлоқ советининг Четгара маҳалласида қолхозчи оиласида дунёга келди. 1952 йил Агишар Навоий номли 14-умумий ўрта таълим мактабига ўқишга қабул қилинди. 1959 йил 7-синфни тамомлаб, Қарши шаҳридаги медицина билим юртига ўқишга кирди. 1963 йилда билим юртини тамомлаб келиб, Термиз туманидаги Янгиарик касалхонасига ҳамшира бўлиб ишга кирди. 1966 йил Термиз туманидаги Дўстлик ширкат хўжалигининг Мангузар маҳалласидаги фельдшер-акusherлик пунктида ва сўнгра Паттакесар акушерлик пункти мудир вазифасида ўз ишини давом эттирди. 1967 йил Термиз туманидаги Паттакесар кишлоқ фуқаролар йиғинида раис вазифасига тайинланди ва бу вазифада 1976 йилга қадар иш олиб борди. Иш фаолияти даврида кишлоқ, туман, вилоят кенгаши депутаты бўлиб сайланди. Тиниб-тинчиманган Гулсара Хоналиева 1970-1975 йиллар орасида Термиз давлат университетининг биология факультетини сиртдан ўқиб тугатди. 1976 йил собиқ Жданов номли қолхозда кишлоқ хўжалик ишлари бўйича раис муовини вазифасига тайинланди. 1979 йилда Тошкент Кишлоқ хўжалиги институтига қолхоз раислари тайёров курсида малакасини оширди. 1986 йилга қадар раис муовини вазифасида иш олиб борди. 1986 йилдан Паттакесар кишлоқ фуқаролар йиғинида раис этиб тайинланди. Икки сайловда ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси пленум аъзоси бўлиб сайланиб, мажлисларда ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб келди. Туман Хотин-қизлар кўмитаси раислигида ҳам ишлаб келди. 2002 йилга қадар Паттакесар кишлоқ фуқаролар йиғинида раис вазифасида иш олиб бориб нафақатга чиқди. 4 нафар фарзанднинг меҳрибон, меҳнаткаш онаси. 13 нафар набиранинг бувиysi.



ТОНГТИ ТИЛАКЛАР

Оппоқ тонгги оппоқ тилаклар билан кўтиб оладиган Карима хар кунгилдек иш кунини режалаштирди. Бутун ҳам у кишлоқ фуқаролар йиғинининг навбатлиги анжуманини ўтказиши керак. Ундан кейин фуқаролар орасида хукукий масалалар юзасидан тушунтириш ишлари олиб бориш режасини тузиши, масъул раҳбарлар билан учрашиши, бир-икки фаол аёллар билан кўришиб, янги ишлар, муаммолар юзасидан суҳбатлашиб ултуриши керак, қандай яхши, хар кунинг шундай мазмунли ўтса, тўлиб-тошиб ишласанг. Оилангдан, фарзандларингдан кўнглинг хотиржам бўлиб, сени куттандлар, сента ишонгандлар қолганга шодсанг. Киладетган меҳнатларинг самарали бўлса, мақсадларинг ушалса. Қандай яхши, Карима шундай хаёллар билан оппоқ тонгги қаршилайди. Унинг бутунги кўни ҳам унумли бўлишига ишончи қомил. Зеро, тонгги тилаклар доим ижобат бўлади.

Денов туманидаги «Фарғона» кишлоқ фуқаролар йиғини раисаси Хўжаева Карима Нуриддиновна 1948 йилда Денов туманидаги Москва жамоа хўжалигининг энгил оиласида туғилган. 1967 йилда Денов туманидаги 19-ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Давлат университетига ўқишга кирази ва мажкур даргоҳни 1974 йилда тамомлайди. У иш фаолиятини Денов туманидаги 13-ўрта мактабда ўқувчилар етказиши вазифасидан бошлади.

Кейинчалик она тили ва адабиёти ўқитувчиси, ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари вазифаларида ишлайди. Карима Хўжаева Халқ маорифи аълочиси. 1966 йилнинг июнидан то хозирга қадар Денов туманидаги «Фарғона» кишлоқ фуқаролари йиғини раиси вазифасида фаолият юритиб келмоқда. Унинг ташаббуси билан фуқаро йиғинида бир неча маротаба вилоят миқёсидаги тадбирлар муваффақлиги ўтказилиб келмоқда.

Карима Хўжаева «Фарғона» кишлоқ фуқаролар йиғини қарашли маҳаллаларнинг инфраструктурасини ривожлантиришда, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашда, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашда, маҳаллалар ҳудудларида янги иш ўринларини яратиш тўғрисидаги ташаббускорликларни қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда раҳбарлик қилмоқда. Туман аҳолиси, жумладан кишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси ўртасида сиёсий, ижтимоий, тарбиявий, хукукий масалалар бўйича тушунтириш, тарғибот ишларини самарали олиб бориш натижасида соғлом муҳит яратилишида филокорона меҳнат қилмоқда.

Доим хайрли ишлар хаёлида юрган Карима Хўжаева беш нафар фарзандини вояга етказган меҳрибон она ҳамдир. Катта ўғли Қомилжон олий маълумотли. Тошкент Автомобил йўллари институтини тамомлаган. Қозимжон ва Дилфуза — хукуқшунос. Гўлнора — иқтисолчи. Дилрабо — моделер-дизайнер. Барча фарзандлар пойтахтда олий маълумот олишган. Улар ҳам оналарининг ёнига кириб, эл-юртнинг яхши кўнларига ошуфта бўлиб хизмат қилмоқдалар. Ойдин тилаклар уларнинг ҳам йўлларини ёритиб турган бўлса не ажаб!





ҲАР ЕРДА ХОЗИР, ҲАР ЕРДА НОЗИР

Ҳамма ҳамма билан эди-ю, Жарқин кизча кўтирчоқларини кўйтиси келмасди. Мактабга чиқибди ҳамки, кўтирчоқлари билан «тарбиявий соат» олиб борар, уларни дўтоналари билан ҳам ўртоқ қилтиси келарди. Маҳалласининг жажжи ўғил-қизчалари ҳам Жарқин опаларининг олдидан кеттилари келмасди. Чунки опалари уларни жула-жула эркаклар, турли эртақ-топишмоқлар айтиб, завқлантирарди. Ҳатто онаси ёпаётган бўйсиллоқ нонлару, сомсаларни ҳаммадан аввал кўтирчоқлари-ю, кўчани тўлдириб юрган дўтонажонларига, сингилчаларига илиниб олиб чиқиб берарди. «Жарқин тушмагур-а, бунча болажон бўлмаса, ўзи ҳали бола-ю, шу маҳалланинг кичкинтойларини уоштириб юрибди», — деб қоларди онаси.

Йиллар унинг болаларга бўлган меҳрини қучайтирса-қучайтирдики, асло сўндирмади. Келинг, Жарқин Худойбердиева билан сизларни яқиндан таништирайлик. Худойбердиева Жарқин Эргашевна 1950 йил 10 январда Сурхондарё вилоятининг Жаркўрғон туманида туғилган. 1974 йилда Денов Педагогика билим юртини муваффақиятли тамомлаган. 1968-1975 йиллар давомида Жаркўрғон туманидаги «Юлдузча» болалар боғчасида тарбиячилик қилди. 1975 йилдан то ҳозирга қадар шу тумандаги 27-сонли «Кўзумчучоқ» мактабча-таълим муассасасининг мудираси.

Боғалик орзуларини рўёбга чиқарган Жарқин Худойбердиева эндиликда муассасанинг раҳбари, етакчиси. Шундай бўлсада, қоноз-қаламларидан, мажлис йигиниларидан олтириб вақт топиш дегунча боғчаси тарбияланувчилари ёнига шошади. Иложи борича ҳар бир гуруҳга кириб, болажонлар билан суҳбатлашади. Болалардек содаси, тўғри сўзи бўлмайди. Улар тарбиячилари ҳақида ҳам, овқатлари-ю, дам олиш соатлари ҳақида ҳам керакли «маълумот» бераоладилар. Айниқса Жарқин оналари ширин-ширин таллари билан эркаклигини куталлар, Жарқин

— Ёрқин, ёруғ, ёруғлик эмасми, исми-жисмига мос мулдир қалам боستان жой ёришиб кетган гўё. Куёш нури ўткирлашиб, чаргон бўлади гўё. Тарбиячилар ҳам мулдирлари таширфини масъулият билан қабул қилишади. Билишади, Жарқин опа тўғри талаб қилади, тўғри маслаҳат беради.

Жарқин опа ҳаммаси орасида туман, вилоят миқёсида ҳам ўз обрў-эътиборига эга. У мулдир этиб тайинланганидан сўнг, қўл остидаги боғчасини кенгайтиришга эришди. Тезда таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Бола соғлиғи — келажак соғлиғи эканлигини биллиб, боғча тарбияланувчиларини спорт билан дўстлигини мустаҳкамлашга эришди. Бу ерда спорт мусобақалари, «Соғломжон-полвонжон» талбирлари доимий ўтказилиб туради. Шу сабаб ҳам бу боғча туманда доим биринчиликни олиб келади. «Балли, кизлар!», «Сурхоннинг жажжи гўзалли», «Хайр, боғчажон» талбирлари ҳам намунавий тарзда ўтказилади. Буларнинг ҳаммасига Жарқин Худойбердиева бош-қош. «Пахтабод» маҳалласи аҳлику кўяверинг, доим мулдирнинг дуо-жонини қилишади. Маҳалласи ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқ йўлларини таъмирлашда ўзининг хисасини кўшган мулдир жону-диллари. Болажонларини, набиралари «Кўзумчучоқ»да тарбияланашаётганидан ҳам хурсандликлари ортади. Ҳар ерда ҳозир, ҳар ерда нозир Жарқин опа 40 йиллик меҳнат фаолияти давомида эл дуосини, хурматини олди. Беш нафар фарзандини ҳам турмуш ўртоғи Аликул Холбоев билан олиғи маълумотли, инсофли этиб тарбиялади. Болалари ҳам ота-она изидан кетиб, одамлар учун яшаш, Ватан учун меҳнат қилишни ўзларига шараф деб билдиллар. Шундайлар ораминда янада кўпайишини биз ҳам истар эдик. Омад сизга, Жарқин опа!





ОРЗУ ҚИЛСА АРЗИЙДИГАН АЪЛ

Нега Менталини онага ҳавас қилса арзийди дерсиз. Аввало у 11 фарзанднинг 6 қиз, 5 ўғлининг онаси. Улар ўқимшли, идрокли, укувли фарзандлар. Бири ўқитувчи, бири телекоммуникация боғланмаси бошлиғи, бири пахта ОТХЖ муҳандиси, бири фермер... Фермер қайси ўғли денг туртинчи фарзанди Худоберова Баҳодир. Фермер хўжалиғи номи ҳам, зафари ҳам шу ўғли билан боғлиқ. Бир неча ўғли қизи шу хўжалик ишчиси. Иш деса улар жон бериб жон оқашлар. Ўзининг бу ердаги меҳнати-чи? Бекис ... бекис. Ахир олдин неча-неча йиллар олдин колхозчи бўлиб ишлаб келган бўлса, мана 1993 йилдан буюн «Баҳодир» фермер хўжалиғида тажрибали пиллакор. Биланларини ишчиларга ўргатувчи устоз. Қолаверса қўли барақали.

«Баҳодир» фермер хўжалиғи аъзоларининг самарали ишлашлари учун барча шарт-шароитлар тўлиқ яратиб берилган. Бунда ҳам онасининг йўл-йўриғи, маслаҳати муносиб ўрин тутган.

Халиева Ментал ва унинг фарзандлари маҳаллада кам таъминланган оидаларга қўлидан келганича моддий ёрдам бериб, кўмаклашиб келмоқда. 2003-2004 йиллардан буюн «Кайран» маҳалласидати мактаб ўқувчиларини мактаб ўқув қуроллари билан таъминлаш, мактабни жорий таъмирлашга амалий ёрдам бериб келмоқда. «Кайран» маҳалласи ҳудудидати 3 км масофа йўлга тош ва қум ётқизиб, ободонлаштириш ишларини олиб боришмоқда.

Бундан ташқари Халиева Ментал маҳаллада кайвонлиқ қилиб, тўй марбакаларда бош-қош бўлади. У камтарин, хушмуомага инсон, ўз маҳалласида, меҳнат жамоаси орасида яхши обрў-этиборга эга. Дарвоқе, Ангор туманидати «Баҳодир» фермер хўжалиғи аъзоси Ментал Халиева 1940 йилнинг 1 май кўни туғилган. Салоқатли меҳнати эвазига 2005 йилда «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланган.



Ф И Д О И Й

Холмирзаева Феруза Абдулғаева 1973 йили Жарқўрғон туманида энгли оиласида туғилган. 1990 йилда ўрта мактабни, 1995 йилда Термиз Давлат университетининг рус филологияси, 2001 йилда эса Тошкент Давлат Иқтисодиёт институтининг маркетинг мутахассислигини тамомлаган. Ферузанинг таржуми ҳоли олдиёта ўхшаб кўринсада, аммо у мустақиллик туфайли ўз қадрини топган, ўзига ишонган, ақли ва салоҳиятини ишта солиб инсон нималарга қодир эканлигини намоиш эта олган замондош аёлларимиздан биридир.

Барчаси олдийитина бошланганли. Олий даргоҳни битирган пайтида иккинчи фарзандининг тарбияси билан шуғулланаётган Ферузата “Сурхонтаминот” ҳиссалорлиқ жамиятида қимматли қозғалар бўйича мутахассис вазифасида ишта тақриф этишди. Нозик ишнинг қирраларини тез ўзлаштирган Ферузада ўз мустақил ишини ташкил этиш нияти пайдо бўлди. Натижада 1997 йили вилотда биринчи бўлиб аҳолининг ташқи режама, полиграфия ва дизайнерлик соҳасидати талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш туфайли ўз мустақил ишлаб чиқаришини бошлади ва янги технологиялар асосида йўлга қўйди. Бу ерда 777 турдати тақрифнома ва таширфномалар 2000 дан ортиқ қозғалар мустақиллик ва ташқи рекламаларни барча турларини ишлаб чиқаришда қисқа муддатда эришганини айтишнинг ўзи қифойдир. 21 киши иш билан таъминланди. Ҳозирги кунда “Офис Арт Дизайн” номи билан машхур қорхона 2003 йилда 82,3 млн. сўм даромад қилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 376,5 млн. сўмдан ошди. Рентабеллиқ даражаси муттасил ошиб бормоқда. Қорхона пехларида Хитойдан келтирилган сўнги русумли йирик форматли фотопапилалар чоп этувчи “INFINT”, “ROLAND-780” ДАСТТОҲИ, Чехословакияда ишлаб чиқарилган “ROMAYOR-14” қозғалар мустақиллари чоп этувчи дасттоҳлари, “RIZO” ва “KONICA”

компанияларнинг замонавий тежор минитипография дастгоҳлари ишлаб турибди. Доимий янгилик изилан юриш, изиланиш, аҳоли эҳтиёжларини ўраниш, мижозлар талабига яраша иш тутуш, ишлаб чиқариш маданиятининг юқори эҳлишти муваффақиятларининг асосий омилли бўлмоқда. Шу билан бирта Феруза чет эл тажрибасини ҳам самарали қўлamoқда. Шу мақсадда Япония, АКШ, Германия, Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатлар корхоналарида илмий стажировкалар ўтди. Қилинган меҳнатлар ўз самарасини бермоқда. Феруза 2003-2007 йиллар мобайнида вилоятда “Энт яхши талбиркор аёл” номинациясини, 2003 йили “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони, 2005 йили Республика маҳалла жамғармасининг “Маҳалла жонкуяри” кўрик-танлодининг биринчи ўрин соҳибаси бўлиб, кўкрак нишон билан тақдирланди. Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгазининг 19-сайлов округи депутати.

Сурхондарё вилояти “Зарафтош жамоатчилиги илмий маркази” ранси сифатида вилоятда нодавлат нотижорат ташкилотлари харажатини ривожлантиришга ҳисса қўшиб келмоқда. Феруза раҳбарлик қилаётган корхона жойлашган “Жайхун” маҳалласи хайрия талбирларининг доимий ташкилотчиси ва ҳомийсидир. Мақтаблар, кутубхоналар, кам таъминланган оилалар, қариюларга доимий ёрдам кўрсатади. Кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйларини ўтказиб туради, аъло баҳодаларга ўқиётган мақтаб ўқувчилари учун стипендиялар жорий этилиб, жами хайрия талбирларга ажратилган маблаглар 59 млн сўмдан ошди. Ишбилармон аёл Термиз Давлат университетининг иқтисодинет кафедраси ўқитувчиси сифатида кичик бизнес ва талбиркорлик асосларидан талабларга сабоқ бериб, илмий-педагогик фаолият ҳам олиб бормоқда. Сурхондарё кичик бизнесни ривожлантириш илмий ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ҳолмирзаева Ферузахон онгали, 4 нафар фарзандларининг меҳрибон онаси, намунали оила бекаси.

Биз ана шундай ақл-заковатли, ватанпарвар, фидойи, ҳар қандай ишда ҳам ўзини кўрсата оладиган замондошларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.



ЮРАГИДА ЎТИ БОР УШИНГ

Ҳолмирзаева Бахтинисо Эшмўминовна 1963 йилда Шўрчи туманида туғилган. 1984 йил Душанбе Давлат Педагогика институтининг инглиз тили ўқитувчиси мутахассислиги бўйича битирган. 2000 йил август ойидан буён Шўрчи туманидаги 16-ихтисослаштирилган мақтаб-интернат директори.

Бу лавозимга эришгунча у қуйидаги вазифаларни бажариб келди.

1984-1994 йй. — Шўрчи туманидаги 28-ўрта умумий таълим мақтаби ўқитувчиси;

1994-998 йй. — Шўрчи туманидаги 3-ўрта умумий таълим мақтаби ўқитувчиси;

1998-2000 йй. — Шўрчи туманидаги 3-ўрта умумий таълим мақтаби ўқитувчиси;


2000 йилдан ҳозирги вақтгача Шўрчи туманидаги 16-ихтисослаштирилган мақтаб-интернат директори лавозимида ишлаётди.

Ҳозирда у директорлик қилаётган мақтаб-интернат туманда ягона ихтисослашган мусассса ҳисобланади. У шу вазифада ўз ишини пухта билиши, ўзига юклатилган вазифаларни бекаму-қўст, сидқидилдан бажариши билан болкалардан ажратиб туради. Ўзининг тартиб-интизомли, ташаббускор, ушдабурон, омиликор раҳбар эканлигини кўрсатади. У қисқа вақт ичида ташкилотлар ёрдамида мақтаб-интернатнинг молдий-техника базисини яхшилаш бўйича бирмунча нбротли ишларни амалга оширди.

Мақтаб-интернат ўқувчилари вилоят ва республика фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Мақтаб-интернатда ҳар йили қўллаб ўқувчилари олий ўқув юрғларига кирмоқдалар. Таълим соҳасида эришган ютуқлари учун Бахтинисо Эшмўминовна «Ўзбекистон Республикасининг 10 йиллиги» ҳамда «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

Бахтинисо Эшмўминовна туман хотин-қизлар кўмитаси бошқаруви кўмита ишларида фаол иштирок этиб келмоқда. У оқила, зукко ва тафаккури кенг аёл. Туман фаоллари ва тумандати умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ўртасида катта обрўга эга.

Бахтинисо опа ибратли оила бошлиғи, тўрт нафар фарзандлини тарбиялаб воита етказмоқда. Ўз устида тингмай ишлайди, ўзининг сиёсий, маънавий ва касбий билимларини ошириб бормоқда.



ЯШАНГ, ЭЪЗОЗХОН АЛИЕВНА!



Холматова Эъзозхон

Холматова Эъзозхон Алиевна 5 апрель 1950 йилида Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятида туғилган. Шу йили ота-онаси Сурхондарё вилоят Денов шаҳрига доимий ишлаш учун кўчиб келишган.

1958 йилда Денов шаҳридаги 2-Охунбобоев номи ўрта мактабга ўқишга бориб, 1968 йилда уни қумуш медалга тугатган. Шу ондаёқ Эъзозхон Тожикистон Республикаси Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига сирдан ўқишга кирди ва Денов туман халқ судида суд мажлиси котибаси бўлиб ишлай бошлади. Ушбу университетни 1974 йилда тугатди ва Денов тумани Юридик маслаҳатчисида Адвокат бўлиб ишлай бошлади. 1976 йил апрель ойида Денов туман Халқ судьялигига сайланди ва 1982 йил июнида Халқ судьяси вазифасига сайланди. 1982 йил июнь ойида Денов шаҳар Халқ судьяси вазифасига сайланди ва 1987 йил июнь ойида шу вазифада ишлади. 1988 йил январь ойидан 2003 йил июль ойигача Денов шаҳар 2-сон Давлат Нотариал идорасида катта нотариус вазифасини бажарди. 2003 йил июль ойидан хозирги кунгача Денов туманида Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимида ишлаб келмоқда. 1997 йилда Сурхондарё вилояти нотариуслар ўртасида наъмунали нотариусликни олгани учун Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан қимматли соғва ва Фахрий ёрлик билан мукофотланди. Эъзозхон Алиевна Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан Адлия Вазирлиги томонидан Фахрий ёрлик билан тақдирланди.

Қизи — Жумаева Ёкутхон 1982 йилда туғилган. Тожикистон Республикаси Миллий университетининг Юридик факультетини тугатган, 2 нафар фарзанди бор. Ўғли — Жумаев Давронбек 1986 йилда туғилган. Тошкент Давлат Юридик институтининг 4-боққич талабаси, 1та фарзанди бор.



Устозлари: Акбар Хайдаров собиқ сулҳинг раиси, Жумакул Сайдуллаев собиқ Адлия бошқармаси бошлиғи, профессор Шарифжон Тогойназаровлар.

Шотирлари: Тоғаев Абдумалик — адвокат, Маврупова Зулхумор — собиқ нотариус, Исломов Хидирали — юрист.

Ўзбек миллий таомларини ўз қўли билан пишириш ва уларни севиб тановул қилишни яхши кўради, рўздорда туғиллик билан ҳам шугулланади.

Хукуқ-тартибот ишлари: Деноваги «Хаёт» телевидениесида, «Чағаниён» газетасида долзарб масалалар бўйича чиқишлар қилган; Мавзуси: 2008 йил — «Ёшлар йили», «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинган Фармон тўғрисида, Адвокат ТВ, Янги Солиқ коллежси ҳақида, Деноваги 6-сон К. Каримов, 16-сон Х. Муродов маҳалларида «Аёлларнинг жамиятдаги роли» ҳақида суҳбатлар ўтказган.

Мақсади: Тинчлик бўлисин! Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик жамият барпо этишда фаол қатнашиш.



АЁЛ БЎЛМОҚ БАХТИ

Хурмат ва муҳаббат. Бу икки эгизак туйғунни ифодаловчи сўзлар бир-бирини тўлдирлади, мукамаллик ҳосил қилди. Бировни хурмат қилмай севиб бўлмайди ва ёки акси. Меҳр бўлмаган жойда хурмат ҳам йўқ. Бирининг иккинчисисиз бағри кенгик.

Хурматлашадими, севишадими? Инсоний, бегубор, биродарона севишга, иззату хурматга сазоворимизми? Бўлсەк, лойиқимизми унга? Инсоният яратилибдигни ҳамма давр ва ҳамма замонларда шу ўй билан безовта яшайди.

Умр бўйи Хосият Хурсанова шу саволлар билан кунора тўқнаш келади. Ҳар кунни ишни якунлаб, атрофдагиларнинг хурмат-этиборидан кўнгли тоғдек кўтарилди. Бу самимий муносабатлар Хосият опанинг меҳнатларида мукофот. Унинг умр саҳифаларида бир назар ташлайлик:

Хосият Хусанова 1934 йилда Сурхондарё вилояти Бойсуң туманидаги Тузбозор маҳалласида ишчи оиласида туғилган. 1956 йил туман марказидаги 1-мактабни аъло баҳоларда якунлаб, 1958 йилда Бойсуң туманидаги туман кутубхонасида бош кутубхоначи вазифасида иш бошлади. 1960 йил тажрибали меҳнаткаш ўз ишнинг устаси тезда эл назарига тушган ёш Хосият она тумандаги қишлоқ совети раислигига ишга кўтарилди. Олдингига бошидан тиррак дўпписи тушмаган ўзбекона либослари ўзига ярашган ўзбек аёли бу ишни ҳам аъло даражага олиб борди. 1963 йли Хусанова Хосият Шеробод район советига депутат қилиб сайланди.

Мустақилликдан сўнг 1991 йил Ўзбекистон Халқ Демократик партиясига аъзо бўлдилар. 1970 йиллар тумандаги ЗАГС мудираси лавозимига ишга кўтарилди. Туман раҳбарлари тавсияси асосида 10 йил ЗАГС мудираси вазифасида ишлаган. Ҳаёт орзулари жуда кўп эди. Бир кам дунё деганлари шу бўлса керак. 12 йил фарзандсиз гам-аламла юрдилар.

Шундай аёнинг албатта сеvimли ёри бўлади. Умр йўлдошлари ҳам 12 йил биргаликда ҳам чекишли. Оллоҳга минг шукрки онанинг 12 йиллик орзуси рўёбга чиқди. Хосият опа ҳар қаламда “Оллоҳга шуккур!” — мен ҳам элта қўшидим дер эдилар.

Хосият опа тажрибали билимдон аёл эдилар. Фарзандларининг меҳрибон онаси. Умр йўлдошлари Саттор ака Курбонов Бойсун туманидаги автотех хизмат бошлиги лавозимида тинмай ҳалол меҳнати қилганликлари учун 1990 йил “Меҳнат ветерани” ордени билан тақдирланган ҳамда Бойсунда 1-фермер эди.

Хосият опанинг 4 нафар фарзандлари бор. Шундан қизлари Гулбаҳор Курбонова Бойсун туманидаги 47-мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси. Насиба Бойсун туманидаги агросановат касб-ҳунар коллежида география ўқитувчиси. Ўғиллари Умедулло ҳамда Ўткир Курбоновлар ота касбини давом эттириб фермерлик вазифасини олиб бордилар. 7 набагининг сеvimли бувижониси 2001 йил 3 сентябрда оламдан ўтдилар. Ҳамманинг қисматида бор бу. Аммо бу дунёга бирин-кетин келмоқ бор экан-у, навбати билан кетмоқ йўқ экан.

Хосият опанинг армони 4 та Оллоҳдан тилаб олган фарзандларининг роҳатини кўриш эди. Навлоҳ, ажал беомон, илинж йўқ, юпанч йўқ, лекин таскин бор — яхшилар ўлмайди.

Бир дарахт йиқилса, иллизин қолур,
Бир одам ўтса гар, юлдузи қолур,
Қулоқда товуши, дур сўзи қолур,
Яратган билади, бандаси билмайди,
Яхшилар ўлмайди.
Ҳаммамиз келганимиз, демак кетмоқ бор,
Хурлар даврасида сайр этмоқ бор,
Жонни эгасига гулдек тутмоқ бор,
Яратган билади, бандаси билмайди,
Яхшилар ўлмайди.
Биз билмаймиз, улар биллиб юртайлар,
Тоҳо тушимизда келиб юртайлар,
Улар жаннат ичра қулиб юртайлар,
Яратган билади, бандаси билмайди,
Яхшилар ўлмайди!



Холлиқова Зилола

МЕҲРИ ДАРЁ УСТОЗ

Холлиқова Зилола 1968 йил 8 мартда Музработ тумани Сатторов жамоа ҳўжалигида туғилган. 1984 йилда Музработ тумани 8-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синфини тамомлаб, шу мактабда кўни узайтирилган гуруҳ тарбиячиси, 1985 йил сентябрдан 9-умумий ўрта таълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1988 йил Термиз давлат университетига ўқишга кириб, 1993 йилда тамомлаган. 1996 йил Сурахондарё ВХТБ томонидан ташкил этилган педагогик ўқитувчиларининг вилоят босқичи биринчи ўрин соҳиби, 1997 йилда Бухоро шаҳрида ХТВ томонидан ўтказилган педагогик ўқишларда мувофақиятли натижа эриб “Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси” нишони, Халқ таълими Вазирлигининг Ташаққуриномаси, ХТВнинг Мактов ёрлиқлари билан мукофотланган. 1999 йилда “Йил ўқитувчиси” туман босқичи толиби, вилоят босқичи 3-ўрин соҳиби. 1998 йилдан мактаб бошланғич синфлари бўйича илмий бўлим мудири, 2002 йилдан 54-умумий ўрта таълим мактаби директори, 2004 йилдан 8-умумий ўрта таълим мактаби директори бўлиб ишлаб келмоқда.

2005 йилда “Муқаддас дарё” номи китоби чоп этилган. ХДП аъзоси. Музработ туман кенгаши депутати. Оилали, 2 нафар фарзандининг меҳрибон онаси.

Биз мустақиллик йилларида олдимизда турган энг устувор вазифа — соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу орзу-интилишларимизни рўёбга чиқариш аввало Зилолахондек маърифат аҳлининг қўлида. Зеро, ҳар бир инсон қалбида унутилмас из қолдирган мактаб, инсонийлик фазилатларини юракка жо этган меҳрибон устознинг ўрни алоҳида эҳтиромдир. Болагаримизни миллий қадриятлар руҳида камол топтириш, биз кимларнинг,

қандай буюк зотларнинг вориси эканимизни фарзандларимизга етказиш, уларнинг аждодларимиз қолдирган улуг ва бетакрор меросининг муносиб давомчилари этиб тарбиялашда Зиёлохондек жонқуяр маърифатчиларнинг хизмати катта.

Ватанимиз тараққиётини йўлида жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсининг тобора юксалишида, ҳаётимизнинг барча йўналишларидаги ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилашда ёш авлод таълим-тарбияси муҳим ўрин тутали. Зиёлохон раҳбарлик қилаётган 8-умумий ўрта таълим мактабда ҳам ёшларга теран-соғлом тафаккур соҳиби бўлиб етишишида хизмати беқиёс бўлган меҳрибон устозлар, фидойи мураббийлар, ғамхўр ўқитувчилар кўп. Давлатимиз бу азиз инсонларни хурматини ўрнига қўймоқда. Биз ҳам уларга меҳр ва маърифат нури донию йўллариниғизни ёритсин, деймиз.



Хўжамкулова Зайнаб



ЭЛ ЭЪЗОЗИДАСИЗ

Инсон меҳр оқибати, салोकати, сабр бардошини ва меҳнати билан улуг. Мана шу ғазилатлар оламзотни эл орасида обрўли ва керакли, ҳаётда саодатманд қилади. Қолаверса камтарлик, ҳаюллик ва тенгликни ўзига касб қилиб олган киши қаерда бўлмасин ўз ўрни ва насибасини топа олади. Фидойи инсон, меҳрибон тиббиёт ходимаси Зайнаб Хўжамкулова энг улуг ғазилатларга эга, дея таврифлаш мумкин.

Буни опанинг машаққатли ва фахрланса арзигulik ҳаёт йўли исботлаб туради.

Жамоатчилик, маҳалла аҳли ҳаммани ҳам ўзига эл биланвермайдди. Инсон ўз дардини уни тушунадиган, кўнглига ҳамдам бўла оладиган кишига дастурхон қилади. Зайнаб опа Хўжамкулова эл юратининг кўзгусига айланиб, юртдошлари муаммоларини ўз ташвишлари деб билувчи жонқуяр инсон бўлгани учун ҳам маҳалладошлари орасида эъзоз хурматли. Опага қараб туриб, унинг фаолиятини кузатиб "Ҳамиш эл ардоғида бўлинг, опахон" дегиси келади кишининг бениҳтиёр.

Хўжамкулова Зайнаб 1940 йил 29-январда Сурхондарё вилояти Термиз туманига қарашли «Паттажесар» қишлоқ фуқаролар йиғинини, «Наврўз» маҳалласида туғилган.

Отаси 1941 йил «Улуг Ватан уриши» да қатнашган, онаси уй бекаси, 3 нафар болани вояга етказди. 1959 йилда ўрта мактабни тугатиб, Қарши тиббиёт билим юртига ўқишга кирган. 1963 йилда ўқини тугатиб, Қарши шаҳар «Деконобод» туманига қарашли Болалар туғруқхонасида ишлашни бошлаган.

1965 йилда ҳокимият томонидан Қизилча қишлоғига ишга юборилган. 1968 йилда «Деконобод» район меҳнаткашлар депутатли сафига сайланди. Хўжамкулова Зайнаб опани хизматларини вилоят ҳокимлиги томонидан турли Фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

1975 йилда Қашқадарё вилоят тиббиёт бошқармаси томонидан фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. 1975 йил март ойида туманининг газетасида «Жонқуяр шифокор» маърузида у ҳақда мақола чоп этилди.

1984 йил Сурхондарё вилояти Термиз туманига кўчиб келиди, ўша йили Термиз тумани «Намуна» жамоа хўжалигига қарашли кишлоқ фуқаролар тиббиёт пунктида акушеркалик иш фаолиятини бошлади. Шу йиллар давомида яхши ишлаганлиги учун Термиз туман «Кизил Ярим Ой» жамияти томонидан фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

1992 йилда ҳам тиббиёт ходимлари кўни муносабати билан аҳолининг соғлигини сақлаш ҳамда даволаш ишларида фаол иштирок этганлиги сабабли фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди.

У яшаган хўжаликда бўлсангиз, Зайнаб Хўжамқулова ҳақида илқ таплар эшитасиз. Бўнинг боиси бор албатта, Зайнаб Хўжамқулова туман тўғруқ бўлимига ишга жойлашиб, у ерда ҳафас қилгудек ишлар олиб борди. Бу ишчиларни соғлигини муҳофаза қилиш, уларга кўнгилдигудек муомала, тиббий ёрдамни кўрсатиш шу онларда елиб-югуриб меҳнат қилмоқда. Шўнинг учун ҳам Зайнаб Хўжамқуловани меҳнат аҳли, депутат этиб сайлади.

Зайнаб Хўжамқулова депутат сафида ҳам иборатли ишларни амалга оширди. Хўжамқулова Зайнаб тез-тез сейловчилар билан учрашиб, улар томонидан кўнгилдан келадиган ишларни ва ечимлай ётган жумбоқларни ечишга аҳоли ўртасида иш олиб борди.

Хозирги кунда Зайнаб Хўжамқулова қариялик гаптини сурмоқда. Зайнаб Хўжамқулова онглани 5 нафар фарзанди, 6 нафар невараси бор. Хозирда «Наврўз» маҳалласида маҳалла кайвони онахонлардан бири бўлиб аҳоли ўртасида иш олиб бормоқда.

Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат
Вафо ҳунаридир, меҳнат олати.

Онамсан, ёримсан синглимсан фақат
Дунёда энг азиз дўстим, ягона.



Хўжамқулова Ҳосият



ҲАР ЕРДА БИРИНЧИ

Хўжамқулова Ҳосият Ишбоевна Сурхондарё вилояти Узун туманида 1961 йил 16 февралда туғилган. 1983 йилда Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалиги механизациялаш инженерлари институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини Сурхондарё вилояти Сарисийё совхозовострой трестининг молия-иқтисод бўлимида иқтисодчи сифатида бошлаган. Ҳосиятхон 1983-1989 йиллар мобайнида ушбу даргоҳда ўз касбининг сирларини ўрганди. Аввалгига ҳамкасблари чаққонгина, зийракгина бу қизга синов назари билан қаради. «Кечагина Тошкентдан, ўқийшдан келган қизнинг кўнгилдан нима келиши мумкин» дея ҳаё қилишганми, бу бизга қоронгу. Аммо кўнлар ўтгани сари Ҳосиятнинг ёниб-қуйиб ишлаши, зиммасидати вазифаларни сидқидилдан бажариши, масъулиятни, бурчини хис эта олиши ҳамкасбларининг хурматиға сабаб бўлди. Атрофдагилар Ҳосиятнинг ўз ишининг устаси бўлиб кетишиға кафолат ҳам берадиган бўлишди. Ҳосият эса камтаринлиқни маҳкам тутди. Катталарға хурматда, кичикларға оламлир билан ишлашни, уларнинг кўнгилларига йўл топишни ўрганди. Бу ер унинг илк ҳаёт мактаби бўлди.

Ишға масъулиятли, ҳаюл олам раҳбарларнинг ҳам ишончига сабаб бўлди. Қаҳрамонимизнинг тиришқоқлиги, янгликка интилиши ва ўзи устида ишлай олиши муқасадлиларнинг ҳам эътиборини тортди. Ва унинг ёшгина елкасига катта-катта вазифаларни ишониб топширишди. Ҳосият Хўжамқулова 1989-1999 йиллар мобайнида Сурхондарё вилояти, Тўпалантсувқурилиш бошқармасида етакчи иқтисодчи бўлиб фаолият юритди. 1999-2005 йиллар орасида Сарисийёсувқурилиш ҳиссдорлик жамиятида, Сарисийёсувқурилиш хусусий инженеринг консалтинг

компаниясида молния иқтисод бўлими бошлиғи лавозимида ишлагди. У қаярда, ким бўлиб ишлагасин сидқидилдан, виждонан ишлагди. Ва ҳамма вақт турмуш ўртоғи Мурод Тождилиновнинг кўллаб-қувватлаганлигини ҳис этди.

Ҳаётда доим голиб келаётган, ишласа ҳам энг яхшилардан бири бўлган, зиммасидати вазифаларни ҳам энг биринчилардан бўлиб бажара олган бу дилбар аёлнинг фарзандлари ҳам ота-она изидан бориб, элита, юртига хизматларини аямайдиغان фуқаролар бўлиб етишмоқдалар.

Бугунги кунда келиб Ҳосият Ҳўжамқулова Тошкент ирригация ва мелiorация институти сув ҳўжалигини бошқариш кафедраси ассистенти. Катта ўқитувчи. Ҳосиятхон 2005 йилдан ушбу дароҳда фаолият юритмоқда.

У яна бир давонни ошишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу илму-урфон давони. Унинг ҳам сарҳадлари кенг. Унинг ҳам савоблари улғу. Ўйлаймизки, бугунги кунга келиб илмий иш устида ишлаётган Ҳосият Ҳўжамқулова ҳали бизни кўп улғу ишлари билан хушнуд қилади. Илму эиё йўлидаги уринишларингизга барака тилаймиз, Ҳосиятхон!

Дил Ҳимматингдан ҳаёт гулистон,
Кўл қудратингдан ҳаммаёқ бўстон.



Ҳўжамқулова Бибиҳол



ШОГИРДЛАР КАМОЛИНИ ТИЛАГАН УСТОЗ

Мамлакатимизда ёш авлод тарбияси учун бел боғлаган жонқуяр мушлималар талай. Улар орасида Бибиҳол Ҳўжамқулова номи алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки у шогирдлари камолини кўриб беҳад қувонади: "Тоҳ-тоҳ, ўзим-ўзимдан қувонаман, Эҳ, мана булар яхши ўқиган экан, тарбиямизни тўғри қабул қилган экан; деб ўтмишимни эслаб, меҳнатимдан, ҳаётдан, умрининг беҳудда ўтмаганидан қувониб кетаман". Бибиҳол Ҳўжамқулова меҳнат фаолияти, тиришқоқлиги ва сабр-бардошлилиги туфайли, бизнингча мана шундай гаштли ва тотли қоникши ҳиссига эришса олган.

У 1946 йил 2 мартда Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани "Оқтош" фуқаролар йиғини "Кўча" кишлоғида хизматчи оиласида туғилган. Отаси-Тангриев Ҳўжамқул 1940-1955 йилларда қолхозда бош ҳисобчи вазифасида ишлаб келган. Онаси-Тўрақулова Ойнаҳол кутубхоначи бўлиб ишлаган, партия авзоси бўлган. Оиладати маърифатли ва жамоатчиликда фаол муҳит Бибиҳолни ҳам шу руҳда тарбиялашга сабаб бўлди.

1953 йил Низомий номи мактабнинг 1-синфига қабул қилинган. Бибиҳол 1963 йилда намунали хулқ ва аъло баҳоларда тугатди. Уша даврлардаги партия ташаббусига асосан Бибиҳол 1963 йил Сурхондарё вилояти Шеробод туманига "Янтийер"ни ўзлаштириш учун келди ва 1964 йилдан бошлаб эса Мирзо Улғубек номи 2-сонли мактабда бошлангич синф ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлади. Фидойи меҳнат қадрисиз қолмайди. Бибиҳол 1965 йил Гагарин туманидаги 5-сонли мактабга директорлик лавозимида тайинланди. 1965 йили тенгдоши Бобонов Абдусаломга турмушта чиқди. Турмуш ўртоғи шу орада ҳарбий хизматта ҳам бориб келди. 1969-1974 йилларда Бибиҳол ва турмуш ўртоғи билан биргаликда Қарши Давлат Педагогика институтининг тарих факультетини тамомлашди.

Уша йиллар Бибиҳолилар оиласи учун оғир кечди: ҳам ўқиш, ҳам иш. Аммо улар чилдам, сабр-бардош ва меҳнаткашликлари билан енгиб ўтишди. Биргаликда пахта, пилла ишларига ёрдам беришди, мактаб биносини янгидан қуриш ишларига кўмаклашдишди. "Бу қийинчиликларнинг роҳатини мен оиламиздаги тинч-осойишталик ва бахтда деб биламан" дея ўз матонатини яна бир бора исботлайди, Бибиҳоли опа.

Албатта ёш директор олдида анчагина қийинчилик ва масъулиятлар турди. Бу борда Бибиҳоли Хўжамқуловга юртдошлари Ибротим Раҳимов, Амин Хайитов, каби маърифат йўлбошчилари катта кўмаклош ва елкадош бўлишди.

Б. Хўжамқулова бир неча бор туман, вилоят ва Республика ўқитувчилар сёзларида делегат бўлиб қатнашди.

Оиласи мустаҳкам: Беш фарзанди (2 ўғил, 3 та қиз), 15 дан ошиқ неваралри бор.



Чориева Марзия



УСТОЗЛИК БАҲТИ

Марзия Чориева 1959 йилда Жарқўрғон туманидаги Сурхон совхозида туғилган. Биология фани ўқитувчиси, мутахассислиги бўйича 1982 йилда Термиз Давлат Педагогика институтини тугатган. У ўзининг фанини жуда пухта ўзлаштирган бўлиб, биология фани бўйича катта билимга ва сўз бойлигига эга. Нутқи равон, ўз устида тинимсиз ишлайди. Ўз касби ва методик маҳоратини оширишга катта эътибор билан қарайди. У ёш ўқувчиларга устозлик қилиш, иш ўргатиш маҳоратини яхши етгаллаган.

Марзия Чориева ҳар бир дарсга киреётганида пухта тайёргарлик кўради ва дарс ўтказишга ўта маъсулият билан ёндашади. Ҳар йили ўқувчилари биология фани бўйича ўтказиладиган фан олимпиадаларининг вилоят ва республика босқичларида фахрли ўринларни етгаллаб келади.

Марзия опа 1997-2001 йилларда мактабда маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб, бу соҳада олиб борган фаоллиги Республика маънавият маркази томонидан ўрганилганда «намунали» деб топилди ва унинг бу боралати ишлари вилоят миқёсида омалаштирилган.

Марзия Чориева 1996-1997 ўқув йилида ўқувчилар билиминини баҳолашнинг рейтинг тизимининг 2 вариант тажриба синовидан ўтказишга раҳбар этиб тайинланди. Тажриба-синов тўлиқ таҳлилдан ўтказиб берилди.

1999 йил «Йил ўқитувчиси» кўрик танловида қатнашиб, вилоят босқичида II ўринни олишга сазовор бўлди.

2001-2002 йиллар давомида Халқаро кўмак жамғармаси «SOROS» жамияти томонидан «Болаларда ўқиш ва ёзиш орқали танқидий фикрлашнинг ривожлантириш» дастури бўйича ўтказилган семинар-тренингда фаол иштирок этиб, «Ўқитувчилик» ва

«Тренерлик» сертификатларини олишга муваффақ бўлди. Сертификатор сифатида вилоятда биринчилардан бўлиб ўқитувчилар жамоалари ўртасида «Дарс жараёнида замонавий усуллардан фойдаланиш» бўйича Вилоят таълим маркази билан ҳамкорликда ўтказилган катор семинар-тренингларда фаол иштирок этиб келмоқда.

«Тренер»лик тажрибасига эга бўлганлиги сабаб 2002-2003 ўқув йилида у фаолият кўрсатаётган мактабда Республика Халқ таълими вазирлигининг буйруғи билан «Янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш маркази» ташкил этилди. Марказга раҳбарлик қилган Марзия опа бир катор туманлардан тажриба ўрганиш учун кетган ўқитувчиларга янги педагогик технология усулларини ўзлаштиришга яқиндан ёрдам берди, қўллаб-қувватлаб берди.

Марзия Чориевнинг хизматлари кент жамоатчилиқ томонидан эътироф этилиб, 2003 йил давлат мукофоти «Шуҳрат медали» билан тақдирланди. Бу Марзия опанинг педагогик маҳорати ва меҳнат фаолиятининг муносиб қадрланганлигидир.

У 2003-2004 ўқув йилида ТДУ қошидаги Академик лицейда матнавий-матрифий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасида намунали фаолият кўрсатди. 2005 йилдан бошлаб 14-умумий ўрта таълим мактабидида ўқитувчилик фаолиятини давом эттириб келмоқда. 2005 йил декабр ойида Марзия Чориева «Дарс жараёнида замонавий усуллардан фойдаланиш» номли ўқув қўлланмасини нашрдан чиқарди. Бу қўлланма ёш ўқувчилар учун зарур қўлланмага айланган.

Устоз мураббий Марзия опа таълим соҳасидаги долзарб муаммолар ва тарбия мавзусида оммавий ахборот воситаларида доимий мақолалари билан қатнашиб боради. Жумладан, Матрифат газетасининг 2006 йил 15 феврал сонидида берилган «Демократия ахлоқсизлик эмас» мақоласи оининг «Энг яхши мақоласи» номинатсиясига эга бўлди.

Марзия опа 2006 йил «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танловининг Республика босқинида фахрли II ўринини эгаллади ва «Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими аълоҳисси» унвонига сазовор бўлди.

Марзия Чориева қаерда, қандай лавозимда ишлаганин, барча жихатлари билан замон талабларига тўлақонли жавоб бера оладиган, интеллектуал салоҳияти кучли, билимли, оқил, фозил, тажрибали муаллима эканлигини ўз фаолияти орқали исботлай олади.



СИЗА БАХТ
ТИЛОВЧИ ИНСОН

Назира Чориева 1957 йилнинг 22 апрель санасида Денов туманида хизматчи оиласида дунёга келди. Мактабни аъло баҳолар билан тугатди. Матрумоти олий. Кўп йиллардан буён Қизилқум туман фуқаролик ҳолати даълатномадорини ёзиш бўлимида мудир вазифасида ишлаб келмоқда. У ўз касбининг жон-дишдан севадиган ташаббускор, жонкуяр, ўз соҳасининг билимдони. Қанча-қанча бахтиёр оилаларни ташкил қилишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Йиллар давомида бир қанча нотинч оилаларни қайтадан тикланиб оёру топишида ўз ҳиссасини қўшган инсон.

1975 йилида ташкил топган кўрик Қизилқум туманига ишга юборилган Назира опа ва у кишининг турмуш ўроғи Менгловул ака иссиққини иссиқ, совуққини совуқ демасдан чўл заҳматларини бира етиб, эл хизматида бўлишди ва муқаддас оила кўрғонини мустаҳкамлаб элим, юртим деб яшаб келаётган заҳматқаш, меҳнатқаш инсонлардандир.

Бугунги кунда бу оила нафақат туманда, вилоят ва республикада ҳам ўз ўрнига эга бўлган оилалардан бири ҳисобланади.

Назира опа Чориева нима муваффақиятларга эришган бўлса, ўз билимни зукколиги, меҳнати, камтарлиги ва инсонларга бўлган хурмат-иззати туфайлигина бу муваффақиятларга эришмоқда. Назира опа ўз вазифасидан ташқари жаннат ишларида ҳам фаоллигини қўлдан бермай келаётган аёлларининг биридир.

Назира Чориева вилоят ва туман хотин-қизлар кўмитасининг рўсат аъзоси, туман воёта етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг аъзоси, вилоят мудирлар кенгашининг раиси сифатида ҳам намунали иш олиб бормоқда.

Назира Чориевнинг иш фаолиятини қузатар экансиз, унинг ҳуқуқий-тартибот ишлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Назира опа мустақиллигимизнинг 15 йиллиги муносабати билан Мустақиллик юбилей нишони, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиғи, Республика Адлия Вазирлигининг фахрий ёрлиғи, вилоят ва туман хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиғи, адлия бошқармасининг «Энг намунали ФХДё бўлими мудир», 1-даражали диллом соҳибидир.

Назира опа Чориевалар оиласи ибратли ва намунали оилалардан саналади. Оила бошлиғи Ментдовул Чориев вилоят дарётранспорти агентлигида бош мутахассис лавозимида меҳнат қилади. Бу оилани ҳақли равишда хукуқшунослар оиласи десак муболаға бўлмайди. Оилада беш нафар фарзандли тарбиялаб, эл қорига ярайдиган кадрлар қилиб етиштиришда ота-онанинг хизмати беқийёсдир. Бош фарзанд олгий маълумотли хукуқшунос Зафаржон Чориев вилоят ички ишлар бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича жиноят қилдирув бўлимида иш олиб бормоқда. Қизлари Хужар Ҳамроева ҳам олгий маълумотли хукуқшунос. У ҳам хукуқшунос соҳасида Термиз шаҳар ФХДё бўлимида катта назоратчи вазифасида ишлаб келмоқда. Фарҳоджон эса олгий маълумотли иқтисодчи бўлиб ўз соҳаси бўйича меҳнат қилмоқда. Файратли ва шижоатли Дилбар эса олгий маълумотли хукуқшунос бўлиб, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида катта маслаҳатчи бўлиб иш олиб бормоқда. Кенжа ўғиллари Боҳодиржон эса Ўзбекистон Республикаси Миллий Университетининг толиби. Ментдовул ака ва Назира опалар бугун 6 нафар набиранинг меҳрибон буви ва бувасига айланишган. Келажақда бу набиралар ҳам оила шажарасини давом эттирувчилар бўлишга нишонаниз.

Шу Ватаннинг бир қизиман, битта юлдузи,
Унинг учун ариштайдир этсам жон инсор.
Ўзбекистон деб аталган шу уллуғ юрда,
Яшапман шунинг ўзи мента — ифтихор.



Чориева Мухаббат



ҲИКОЯГА МОЙИЛ АЁЛ

Ҳа, юрист — Мухаббат Чориева шундай аёл бўлмаса у ўзи ҳақида шундай чиройли гапиролмасди:

6 ойлик чакалоқлигимда онам колхозчилар билан далага тракторда ишга кетаётганида трактор йўл ёқасидати зовурта кулаб кетган экан. Онам ҳаминша ўз тақдирини, ўзининг ва менинг тирик қолганлигини мўъжиза деб ҳисоблардилар. Мента ҳаминша самимий ва ҳақиқий инсон бўлишим, одамларга ҳаминша яхшилик қилишим лозимлигини кулоғимга куйиб келганлар. Ҳозир ҳам одамларга қилган яхшилигим ўзимга яхшилик бўлиб қайтишини ҳар доим эслатиб турадилар.

Дарвоқе, 1983 йилда мактабни аъло баҳолар билан тугатганман. Хукуқшуносман. Инсон ниати ҳолис бўлиб, пок орзу билан яшаса Оллох уни мақсадига етиштириши муқарраб эканлигини тан оламан. Бу менинг ҳаётимда бўлиб ўтган. Ҳаётимни дақиқалар ҳал қилган.

Одамларга айтиб турадиган сўзим: «Яхшилик қилиш қўлингдан келмаса, ёмонлик қилишдан ҳам ўзингни тий, шу ҳам Оллох дартоҳида битта яхшилик сифатида қабул қилинар экан. Дунёда ёмон одам ёки ёмон нарсанинг ўзи йўқ, фақат биз нотўғри мулоҳазаларимиз билан ёмон деб баҳо берамиз, лекин инсон Оллохнинг олгий мавжудоти, у фақат уша ақли етган нарсатагина қолдир». Оилда аёл билан эркак бир-бирининг фикрини, дунёқарашини, хоҳиш-истагини ҳурмат қилишини билиб яшаса, оилда келишмовчиликлар, қўйди-чиқдилар келиб чиқмайди. Ёлгон сўзлашнинг ҳам ёлгон сўзлаганларни ҳам ёмон кўраман. Лекин унга чора кўришдан йироқман. Аёл киши ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб яшати лозим. Мен бу фикрларимга доим амал қиламан. Оилам мустаҳкам.

Турмуш ўртоғим Раҳмонов Рустан — шифокор. Фарзандларим Рашидов Аскаржон 1993 йилда туғилган. Тошкент юридик коллежи 3 — курс тоғлиби. Қизим Рашидова Моҳира — 1994 йилда туғилган. 8-синф ўқувчиси, ўғлим — Мухаммад-Али эса 3-синф ўқувчиси, қишлоғимиз мактабда таҳсил олишади.

Ҳаётимдан мамнунман. Касбимни яхши кўраман. Касбдошларимни, устозларимни жўла хурмат қиламан. Устозларимдан бир умр қарздорман.



Чорисова Иқбол

ОБЎҲСИ БИЛАНД АЎЛ

Ўзоқ йиллар давомида халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилган Чорисова Иқбол опа 1943 йилнинг 20 сентябрида педагоглар оиласида туғилиб воята етган.

Ўрта мактабни аъло баҳолар билан битирган тиришқок, зўжко қиз Иқбол ой исмига монанд иқбол сари интилиб, 1959 йил Қарши давлат педагогика институтига ўқишга кириб, уни аъло баҳолар билан тамомлагач, 1964 йил ўз фаолиятини Денов тумани "Хайробо" пастекасидаги 50-сонли умумий ўрта таълим мактабидида ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилигидан бошлади.

У ўзининг билими, тиришқоқлиги билан эл ичиди обрўта эришди, меҳнати билан кўзга ташлана бошлади. 1971 йилда Денов туман хўжаликларида мактабгача тарбия болалар муассасалари бошқармаси бошлиғи, 1973 йилда эса Денов шаҳар ижроия кўмитаси раиси даво зиммита тайинланди ва ўзининг самарали меҳнати билан обрў-этибор қозонди.

1976 йилдан 2005 йилга қадар Денов тумани хўжаликларида мактабгача тарбия муассасалари бошқармаси бошлиғи бўлиб меҳнат фаолиятини давом эттирди.

1985 йилда илмга чанқок, интилувчан Иқбол опа иккинчи мутахассислик бўйича Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтига сиртдан ўқишга кирди ва 1991 йилда агроном мутахассислигига ҳам эга бўлди. 2006 йилдан буён Иқбол Бойтўраевна "ҚИБ ва бошқалар" маърулипти чекланган жамияти раиси даво зиммита ишлаб келмоқда.

Меҳнат жараёнида бир неча марта халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутаты этиб сайланди. 1981 йилда Ўзбекистон Республикаси "Халқ маорифи аълочиси", 1982 йилда "Ўзбекистон меҳнат фахрийси" унвонлари билан тақдирланган. Қўйлаб вилоят



республика танловлари галибаси. Хуллас, Иқбол опа энди ардоқ топди, умрини, соғлигини халқимиз фарзандлари тарбиясига, она Ватанимиз равнақи йўлига бағишлади.

Иқбол опа ишдан чарчаб келганда 4 нафар фарзанди-ю, 9 нафар набиралари ардоғида ором олади.

Чориева Иқбол опа қаерда ишлагасин, у ҳақида самимий, эъозли сўзлар айтишди.

Эл эҳтиромини топиш энг муқаддас иш. Иқбол опа ҳақиқатдан ҳам иқболли аёл.

Сўзингиз ширинки бол боғлаб новватта келибдур,
Кўнглингиз нозикки парилар иззатта келибдир.
Бу хил иззатаро, илтифотаро,
Дунё кўржика келибдир, таровотта келибдир.



З И Ё К О Р

Робия опа 1933 йилда Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманининг Қўшарик маҳалласида олдиқ деҳқон оиласида туғилди. 1941 йилдан, токи 1948 йил охиригача Шеробод туманидаги собиқ 4-сон қизлар меҳрибонлик уйида тарбияланди. 1-синфдан-7-синфгача Шеробод туманидаги 12-сон ўрта мактабда ўқиди. 1948 йилнинг охирида Бойсун туманига келди ва 8-синфга кириб ўқийини давом эттирди. 1949 йилнинг бошидан боғалар кутубхонасига ишга кириб, иш фаолиятини бошлади. 1994 йил мактабни тутатди. Шу давр ичида яъни 1955 йилда Тошкентдаги Маданий-оқартув техникумида сирдан ўқиди ва 1958 йилда кутубхоначилик мутахассислиги бўйича тутатди.

1949 йилнинг бошидан токи 1982 йилнинг май ойларигача Бойсун туманидаги боғалар кутубхонасига ишлади. Иш даврида долмий ҳолда мактаб билан боғланган ҳолда иш олиб борди, айниқса боғалар билан ишлашни ёқтирарди. Улар билан викториналар, савол-жавоблар, боғалар ёзувчиларининг асарларидан конференция ва кечалар ўтказарди. У кўлига китоб тутказган ўша боғаларларнинг ўзлари ҳозирги кунда турли жабҳаларда меҳнат қилишмоқда. Оилалик-8 фарзанднинг онаси. Боғаларининг ҳаммаси ўқимшли. Ўғли ирригатор, қизининг бири шифокор, икки қизи иқтисодчи, бир ўғли муҳандис, қолганлари ҳам турли касб эгалари. Турмушидан мамнун. Меҳнат фахрийси.

Робия Шомирзаева маҳалла аҳлининг хурмат-эъозига сазовор эиёкор.



ҚОВИЛИҲТ ЭҲАСИ

Шаймарданова Нафиса Қоржовна 1967 йил 14 октябрда Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида зияли оиласида дунёга келган. Отаси Қоржов Шаймарданов жуда қовилиқли математика ўқитувчиси бўлган.

Онаси Мухаммадиева Ойсултон «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор».

Шаймарданова Нафиса ёшлигидан оқна сингари шифокор бўлишни оруз қилиб, 1974 йилда Карл Маркс номида 1-мактабнинг биринчи синфига ўқишга боради. У илк устози Зайтуна опадан аниқро сабоқларини сидқидилдан ўрганган ва 1984 йилда шу мактабнинг 10-синфини «Олтин медали» билан битиради.

Шу йилнинг ўзлаёқ Тошкент тиббиёт олийгоҳига фақат биргина «5» баҳо билан биринчилар қаторида қабул қилиниди.

Шу олийгоҳнинг даволаш факультетини 1990 йилда аъло баҳолар билан тамомлади.

Шунаси қизқарлиқи, у ўқиб юрган вақтларида, таълилга келган кунларида доимо онаси ёнида бўлиди, ишларида ёрдамлашди ва ўранди. Балким шунинг учундирки, онасидек ҳозир акушер-гинеколог бўлганлир. Онаси Ойсултон Мухаммадиевадек тиббиёт ходими бўлиди.

1990 йилдан буён Шўрчи тумани туғруқхона бўлимида акушер-гинеколог бўлиб ишлаб келаётир.

Иш жараёнида юзлаб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолишда ўз меҳнатини аямасдан хизмат қилиб келмоқда.

Нафиса оилали. Барча аёллар қатори у оиласини муқаддас деб билади.

У уч фарзанднинг онаси. 2 ўғил ва бир қизи бор. Турмуш ўртоғи Қурбонов Рустам ҳусеини талбиркор, кўп ишларида маслаҳатларини аямасдан ёрдам бериб туради.

Нафиса тўлқинлиганиб гапирди. Биз оилада 6 нафар фарзанд бўлиб, ҳаммамиз олий маълумотли. Учимиз онамиздек шифокормиз. Мен акушер-гинеколог, опам Махфуза анестезия-реаниматолог, укам Шаймарданов Эркин — жарроҳ бўлиб ишлаб келмоқда. Оиламиздаги уч синглим эса отамиздек болаларга турли фанлардан билим бериб келмоқда.

Шаймарданова Саодат рус тилидан, Гавхарой-болшангич таълимдан, Нилуфар эса чет тилидан дарс бериб келмоқда.

Бизнинг шу соҳаларни танлашимиздан отамиз Шаймарданов Қоржов бобо қанчалик хурсанд бўларди. Илоҳим руҳлари доимо шод бўлиб юрсин. Биз ота-онамиздан доимо миннатдормиз.

Шаймарданова Нафиса 2005 йилда тумандати шифохонанинг бош шифокорининг оғалик ва боғалик ишлари бўйича ўринбосари бўлиб ишлади. 2007 йилдан бери туғруқхона бўлим мудираси давозимда сидқидилдан ишлаб келмоқда. Шўрчи туман халқи ва тиббиёт ходимлари у кишининг ишидан мамнундир. Нафиса ўзининг зукколиги, ақлилиги, талабчанлиги билан доимо эл ардоғида. У бир неча марафоба вилоят ва Шўрчи тумани «Фахрий ёриқлари» билан мукофотланган. Шундай бўлишга қарамасдан у доимо илганида, ҳар доим маслаҳатлашиб биргаликда жарроҳлик операцияларини қилиб инсонлар ҳаётини сақлаб келмоқда.

Устозлари Қариева Турсуной, Мукаррам Қараматова, Абдурахмон Поляновлар Нафисадан доимо ёрдамини аямайдилар.

Нафиса ўзи ҳам ёш шифокорларга устозлик қилиб, ўзининг билимини, тиббиёт сирларини ўратиб келаётир.

Нафисахон соғ бўлинг халқимизнинг саломатиги учун ўз меҳнатингизни аямасдан халқимизнинг ишончини доимо оқтайсиз деган умиддамиз.



Шарафутдинова Дилдор



ЁНИК КҮНГИЛ ЧИЗГИЛАРИ

Дилдор Шарафутдинова 1963 йилнинг 21-мартида дунёга келган. Эътибор бердингизми? — айни Навруз кунин! Шундан бўлса керак ҳамisha кўнгли баҳор унинг. Касби жиддийликни чўрткесарликни талаб этсада қалби баҳорнинг иссиқ ёмғирини, настаринларнинг насмини сўрайди. Нигоҳлари одамлардан фақат яхшилик қилдиради. У аёл, у ожиза, у заифа... Лекин бир сўзи билан оқни-оққа ажрата билган, бир ҳукми билан қорани-қоралатган малакани мутахассис.

Дилдорхон мактабни фақат аъло боҳоларга битирди ва Самарқанд Давлат университетига хужжатларини топширди. Энг тажрибаги устозлардан сабоқ олди. 1986 йилда Дилдор Олий ўқув юртини муваффақиятли тугатди. Ўша йилдан бошлаб у Сурхондарё вилоят прокуратурасида катта инспектор лавозимида ишлаш бошлади. Ўзини етук мутахассис сифатида намоён қилган Дилдorni 1987 йилда Термиз шаҳар прокуратурасида прокурор ёрдамчиси этиб тийинлашди. 1989 йили Денов туман прокуратурасида прокурор ёрдамчиси бўлиб фаолият юритди. 1990 йилда эса Дилдор Шарафутдинова Сарносийё туман халқ судьяси этиб тайинланди. 1995 йилдан эътиборан Сарносийё туман ФХДё бўлими мудираси сифатида иш олиб борди. У қаерда ишлагасин, атрофидаги ҳамкасбларининг, ҳамфиқрларининг эъзозида, хурматида бўлди. Одамлар оғирини енгил қилди. 2000 йилда Дилдор Шарафутдиновани Сарносийё туман ҳоким ўринбосари, Хотин-Кизлар кўмитаси раиси этиб тайинлашди. Мана бир неча йилдирки, у туман хотин-қизларини бошини бир ерга қовуштириб, турли тадбирлар, йиғинлар уюштирмоқда. Энг асосийси аёлларнинг ташвишларини тинглаб уларга ёрдам бермоқда.

Оиласи ҳам файзли унинг. Турмуш ўртоғи Жўрабой Хафизов Сарносийё туман Миллий банк раис ўринбосари. Ўғиллари Жаҳохир Тошкент Молия институт талабаси. Катта қизлари Парвина Тошкент менежмент-технология коллежининг талабаси. Кенжа қизлари Паризод тумандати 2-ўрта таълим мактаби ўқувчиси. Ота-она талаба фарзандларининг эл-юрт хизматини қилаётган салокатли, фидойи бўлиб вояга етишларини истайдилар ва бунинг учун оилада барча асос, ўрнат бор. Зеро, бу хонадон эгалари чин маънода «Элим деб, юртим деб» яшайдилар.





КЕЛАЖАК БОҒИНИНГ БОҒБОНИ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, уларнинг босиб ўтаётган йўлини кечираётган умрини мевали дарахтга ўхшатиш мумкин.

Бу каби инсонларни ҳар кўни, ҳар они эзгуликка, меҳр ва муҳаббат ва яхшиликка йўғирилган бўлади.

Оз кўзаридан самимият ёғилиб турган бу аёл бир неча йиллардан буён нуфузли илм ўчоқларидан бири бўлган Сарносий туманидаги Шарун шаҳрида 20-сонли Ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатида моҳирлик билан бошқариб келмоқда.

Янгиликка интилувчан, жисми жони фидойиликка йўғирилган бу аёлни ҳамisha қайноқ меҳнат жараёнида учратасиз.

Зухра Жабборовна бутунги ишни эртата қолдирмайлиган аёллар тоифасидан.

Шу бонс, у ўқитувчи, тарбиячи, аиникса ёш ўқитувчиларни меҳрибон, ҳурматли, ишбилармон раҳбарига айлانган.

Ўз ишини билимдонлиги, иш учун қувватлиги ҳар бир инсонга қўлидан келганча ёрдам бериш ҳислатлари падари бузрукворлари Термиз Давлат Университетининг нуфузли домлабларидан бири бўлган Профессор марҳум Жаббор ака Эсановдан ўтган бўлса ажаб эмас.

Зухра Жабборовнанинг шахсан ташаббуслари билан мактаб-интернати «Иқтидор» туруҳи «Ўйла, изла, топ!» Республика шосуида қатнашиб, мутлоқ «Чемпион» деган юсак унвонни қўлга киритди.

Мактаб-интернати кўп тармоқли, ўзига ҳос қийинчиликларини ижобий ҳал қилаётган қаҳрамонимиз Зухраҳон, бадий ижода ҳам вақт топиб, ўз ишидан илҳомланиб ажойиб тўртликлар мазмунли, дилларни жунбўшга келтирувчи шеърлари билан марказий нашрлар «Маврифат», «Ишонч» ва «Послда» каби газеталарига вақти-вақти билан чиқиб туриши диққатга сазовордир.

У киши вилоятда ўтказилган «Ўқитувчи ижодкорлар» кўрик-танловда фахрли иккинчи ўринни олиши фикримизнинг далилидир. Зухраҳоннинг «Отоҳ бўлинг!» шеърдаги бу мисралар;

Отоҳ бўлинг ўғлонлар,

Сергак туринг посбонлар.

Ватинни саклай билинг.

Тупроғи пок бу юртта,

Муносиб фарзанд бўлинг!

Ҳар бир ўқувчи ва ўқитрин ёшларни отоҳликка даъват этадиган Зухра Жабборовна моҳир, тажрибали раҳбарлиги туфайли у кишининг методик тавсиялари дарс ишланмаларидан ўқитувчилар баҳраманд бўлмоқда.

Яқинда Зухраҳоннинг маслаҳатлари билан педагогик ходимларнинг дарс таҳйиллари дафтарлари вилоят халқ таълими ходимлари учун фойдаланишга тавсия этилди.

Бутунки кунда Зухра Эсанова раҳбарлик қилаётган мактаб-интернатга қалам ранжиди қилсангиз, бу ерда озодликка мавжланиб турган гулзорга дид билан жиҳозланган синфхоналарига кўзингиз тушиши билан сизга бир ором, хуш кайфият, ҳушлуқлик бағишлайди.

Шу нарсани қувонч билан алоҳида таъкидлаш лозимки, мактаб-интернати битирувчилари МДХ давлатларининг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олмақдалар.

Москва Давлат Университетида Соҳибов Ёлдор информатика факультетида, Акрамов Сардор ҳуқуқшунослик факультетида таҳсил олаётган бўлса, Жена Фозилов Тюмень Политехника Институтинида ўқийгани давом этирмоқда.

Қўлгаб шогирдлари жонажон республикамиз олий ўқув юртларининг талабаларилидир.

Юртимизнинг эртанги кун ривожига фидойи устозининг юзлаб, минглаб шогирдлари ўз ҳиссасини қўшса ажаб эмас.





АДАБИЁТГА ОШУФТА КЎНГИЛ ЭГАСИ

Момоҳол Эшпўлатова 1950 йил 1 мартда Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида туғилган. Отаси — Т. Эшпўлатов ўқитувчи, онаси — М. Кулсоатова уй бекаси.

1966 йили тумандаги 36-ўрта мактабнинг 10-синфини тугатиб, Термиз давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга қабул қилинган. 1970 йили институтни муваффақиятли тугатиб, Шўрчи шаҳридаги ўзи ўқиган 36-ўрта мактабда иш фаолиятини бошлаган. Ўшанда унга 4-синф (бошланғич) ҳамда 5-синфнинг она тили ва адабиёти фани дарсларини беришган эди. Момоҳол ўзининг илк орау-ниятларига эришган эди ва катта қизиқиш билан ишга берилиб кетди. Чунки у болалигидан она тили ўқитувчиси бўлишни орау қиларди. Бадиий асарларни жону дили билан сезиб ўқир, уларнинг бепоён оламига бутунлай шўнғиб кетарди. Ўқиниши ўзининг бахти деб билар, ўқитувчи бўлсам энг бахтли инсон бўламан деб ўйларди ўшанда. Аммо бунга эришиш учун катта меҳнат талаб қилишини ҳис қилган Момоҳол хормай-толмай меҳнат қилди ва мана шу меҳнатининг кетида олзий бахт топди. Истиқболини теран тасаввур қила олди. Чунки унинг учун ўқитувчилик ниҳоятда фахрли касб эди. Устозлари Н. Басирова, Х. Кулсатовларнинг она тили ва адабиёт дарсларини зўр қизиқиш билан тинглади, уларнинг ҳар бир ҳаракатлари, гаплари, тавсияларини ўзининг педагогик фаолиятига тадбиқ этди.

Турмуш ўртоғи Умркул Собиркулов қурувчи-муҳандис, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш билан бир қаторда фарҳанглари интиҳоми устида ҳам қаттиқ турарди. Болаларининг келажакда ўқилиши, тарбияси, ахлоқ одоби инсонлар бўлиб етилиши ота-онанинг асосий орау мақсади эди. Уларнинг ниятлари амалга ошди, катта ўғиллари Шўҳратжон

Тошкент медицина институтига ўқиб, фан номзоли илмий даражасига эга бўлди. Илмий-текшириш институтининг “Тери ва таносил” касалликлари бўлимида илмий ходим бўлиб ишлади. Иш фаолияти такозосига кўра пойтахтда яшаб қолган. Турт фарзанди бор. Умр йўлдоши Муҳайё Аҳмедова эса Тошкент медицина институтининг кутубхонасида кутубхоначи бўлиб ишлайди.

Ўғли Бахтиёржон хусусий тадбиркор, келини тиббий ходимаси. Уларнинг 3 нафар фарзанди бор.

Қизлари Мавжуда ўқитувчи, 3-нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи ҳам ўқитувчи. Момоҳол Эшпўлатова ҳозирда нафақада, турмуш ўртоғи билан энг тотгли дамлар гаштини сўриб, неваралари билан эъзозу хурматда турмуш кечиршимоқда.

Момоҳол Эшпўлатованинг ижодий ишлари омалаштирилди. Бир неча бор вилоят, Республика фаҳрий ёрлиқларига сазовор бўлди. Унинг номзоли “Моҳир педагог”, “Методист ўқитувчи”, “Катта ўқитувчи” унвонларига тақдим этилди, тақдирланди.

Кечиримли устозим,
Адолатли, меҳрибон
Дардли чоғда ҳамрозим,
Қадрингиз ўтар бу он.
Чорласайди болалик,
Чалинсайди кўнгирок
Жон дея бағрингизга,
Отилар эдим шу чок.





Заргинева Жамила

ЮРАГИДА ГҮЛ УНГАН АЁЛ

Жамила Эргашева 1956 йилда Жаркўтон туманида таваллуд топган. Отаси олдий ишчи бўлиб ишлаган, онаси элнинг кийимини тиккан, гиламинини тўқиган ва Жамила ўқийдиган 2-мактабда фаррошлик ҳам қилган. Онаси билан мактаб синф хоналарини ювгани бирга боралдиган жажжитина Жамиланинг энг катта орузи — келажакда шу тоза, ёруғ хоналарда ҳамма болаларни ўзига маҳнли қилиб математика фанидан сабоқ бериш эди. Хар куни синфхоналарини ювиб бўлгач, муаллимлари туралдиган жойда туриб, бўм-бўш синфхоналарга қараганча, ҳаёдан математикадан дарс ўтарди...

Тўққизинчи синфда ўқиб юрган кезлари укаси вафот этди. Қалбида пайдо бўлган тубсиз огрикни қогозга тушириб, бироз таскин топгандай бўлди. Шу-шу қогоз-Қалам унинг қадрдон дўстига айланди. Ёзган ҳикоялари вақтги матбуот нашрларида чоп этилиб, ўз муаллифига эътибор ва шухрат олиб кела бошлади. Шунданми, болаликлари режалари ҳам ўз-ўзидан ўзгариб, Жамила мактабни битиргач, Тошкент Давлат дорифундузининг журналистика куллиётига ўқишга кирди. 1974-1979 йиллари маъмур куллиётда таҳсил олиб, ўзи танлаган соҳани чуқур ўрганди.

Жамила Эргашева 30 йилдан буён матбуотнинг энг отир ва масъулиятли тармоқларидан бири — таътачилликда ишлаб келаяптир. Шундан дастлабки беш йилда Жаркўтон туман газетасида ишлаган бўлса, ўн икки йилнинг бир йилда 250-260 марта 45-50 минг нусхада чоп этиладиган вилоятнинг бош наشري — “Сурхон тонти” газетасига бағишлади. Бу ерда мухбир, етакчи мухбир, бўлим мудирли вазифаларида ишлаб, минглаб публицистик мақолалар ёзди, газетхонлар қалбидан жой олди. Вилоятнинг турли бурчақларидан

“Жамила опа, сўнги илнжиким сизсиз...”, “Жамила қизим, бор умидим сендан...” деб бошлангувчи хатларнинг кети узилмасди. Жамила умрининг энг навқирон, соғлом ва гўзал даврини мана шу умидвор кўнгилларга гуллар экишга, ўзининг қалами билан улар учун нажот қалъаси, адолат қалқони бўлишга бағишлагди. Сурхондарёда у бормаган қишлоқ, у кирмаган маҳалла қолмади ҳисоб. У қасрга борса, ортидан бир ёруғ из қолди, олди сўз қолди. У қасбининг севди, ўзидан-да устун қўйди, не ёкса, юракларга етиб борсин деб юракдан ёзди.

1997 йили вилоят Хотин-қизлар кўмитасининг тақлифи билан фаоллият тўхтаб қолган кўмита наشري “Назокат” газетасини бош муҳаррир сифатида қайта тиклаб, “Аёл ва замон” номи билан чоп эта бошлади. Айни пайтда бу газета нафақат хотин-қизларнинг, балки ҳар бир оила аъзосининг қадрдон дўстига айланди.

Газетачилик қанчалик оғир соҳа бўлмасин, Жамиланинг алабейта бўлган қизиқшини сўндира олмади. Унинг қисса ва ҳикоялари республиканинг энг нуфузли нашрлари бўлган. “Шарқ юлдузи”, “Саодат”, “Гулистон”, “Ёшлик”, “Санам”, “Ўзбекситон алабейти ва санъати”, “Ўзбекистон овози”, “Ишонч”, “Ойла ва жамият” каби ўнлаб газета ва журналларда чоп этилди. Адибанинг “Изҳор” (1992 йил), “Интиқом” (1995 йил), “Таназзул” (1997 йил), “Аёл жодуси” (2005 йил) номли қисса ва ҳикоялари жамланган китоблари муаллифга катта шон-шухрат олиб келди. Адибанинг бахти шундаки, унинг китоблари ҳеч қачон жавонларда қолиб кетмаган, янги ҳолида сақланмаган, ҳаминша қўлма-қўл бўлиб ўқилган, эскириб, униқиб юрган.

Жамила Эргашева “Ўзбекситон мустақиллигининг 15 йиллиги” кўрак нишонни соҳибаси. Республика “Атирул” кўрик-танлови ғолибаси, “Адиб Собир Термизий” номидати мукофот совриндори.



ОЙДАН ГЎЗАЛ ОЙТОШ ЭДИ

Ойтош опа 1937 йили Шўрчи тумани Олатемир қишлоғида деҳқон oilасида туғилган. 1-8-синфларни Олатемир қишлоғидаги 16- мактабда, 9-10-синфларни 1- мактабда тугатган.

1957-1960 йилларда Шўрчи тумани Зарбдор қишлоғидаги 38-ўрта мактабда бошланғич синф ўқитувчиси, 1960-1963 йилларда ушбу мактаб директори лавозимида ишлади.

1982 йил вафот этди. 6 нафар фарзанди ва набиралари, шогирдлари қалбида Ойтош опа мангу яшайди. Турмуш ўртоғи Йўлдош ҳожи бобонинг илтимосига кўра шоир Аҳтамкул Карим ушбу шеърни бобо номидан ёзган.

АРМОН

Йўлдош ҳожи бобонинг айтганлари

Шамоллар ҳам тоҳо мендан ортда қолган,
Югурганман кийинклайин саҳроларда.
Болагитим совуқ уруш тортиб олган,
Умрим, оқиб борапти дарёларда!

Волидамдек менга мунгли боқди дунё!
Сабок олдим умрим ўтиб борган сари.
Боболарим бошиб ўтган ул зим-зиё,
Йўллар бўлди ҳаётимнинг сардафари.

Отам кетди, бир кечада чўқди Онам,
Акам кетди, ғам устига ёғилди ғам.
Ўпирилар юрагимнинг деворлари,
Болалиқнинг дамларини тар эсласам!

Еганимиз танамизга ош бўлмаган,
Ўтмишимни ўйлаб дилим қон бўлади.
Етим эдим, бир вақтлар кун кўрмаган,
Дилни очсам юз мингта дoston бўлади.

Тақдиримдан ногимайман, бари ўтди,
Бошим узра тоҳ ой чиқди, гоҳи куёш.
Дилни ишқнинг тулзорига олиб кетди.
Юрагимда муҳрланиб қолган Ойтош...

Кейин нима бўлганини айтолмайман,
Ким айтди сирлашиб гул терганини.
Шоир болам, бу мавзуга қайтолмайман,
Ҳаёт мендан қайтиб олди берганини!

Учта қатта қарз турарди қисматимда,
Бирни юртнинг хурлигини кўриш эди.
Иккинчиси, из қолдириш бу Ватанда,
Учинчиси, уч марта ҳаж қилиш эди.

Қарзларимни адо қилдим десам бўлар,
Нимаданлир яна кўнглим тўлмаяпти.
Борган сари куёшимнинг нури сўнар,
Кўзларимга сира уйқу келмаяпти!

Шамолларга ёлвораман ўчирмасин,
Тулпроқларда муҳр бўлган изларимни.
Ғамларимни юрагига кўчирмасин,
Шодлигини кўрай ўтил-қизларимни...

Айтинг, мени изламасин, издошларим,
Куёш чиқиб-манзилга етди денглар.
Кўзларимда қотиб қолган кўз-ёшларим,
Йўлдош ҳожи, унсиз келиб-кетди денглар!

Йиллар асов бунчадар тез ўтапти?
Армонларга қоригитириб йўлларини.
Сиз билмаган бир улўғ зот кетапти,
Ойга, чўзиб титраётган кўлларини!



МАШАҚАТЛИ КАСБ ЭҒАСИ

Ҳалима Ҳайдаровна Эшонкулова 1941 йил 10 февралда Шеробод тумани марказида таваллуд топди. Отаси — Эшонкулов Ҳайдар хизматчи бўлиб Иккинчи жаҳон урушидан қайтиб келмади. Онаси — Ражапова Кумри 18 ёшдан бошлаб илораларда кичик ҳодимликдан ўша давр партия ташкилотининг Хотин-Қизлар масдаси бўйича котиб даражасига, кейинчалик эса туман Пиллачиллик илорасини узоқ йиллар бошқарди. Кумри опа етмиш ёшгача тумандаги “Окжўртон” қишлоқ кенгашининг раиси бўлиб ишлаб келгандлар.

Ҳалима ўқувчилик йилларидаёқ фаол жамоатчи, ўша даврнинг ёш ташкилотчиси бўлиб ишлаб, мактаб педагогик жамоаси ва ўқувчилар орасида ҳурмат-эътибор қозониб улгурди. 1988 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг Ипакчилик факультетига ўқишга кирди. Ҳалиманинг Ипакчилик институтига ўқишга кириши ҳам тасодиф эмас эди. Чунки онаси бош бўлган туман ипакчилик ишларида кўмаклашар эди. Шунинг учун ҳам унда ипакчи-агроном бўлиш орауси уйғонган бўлса не ажаб. Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг Пиллачиллик факультетини 1963 йилда муваффақиятли битириб, она юрти — Сурхондарёга йўлланима олди. У ёшлар билан катта ташкилотчилик ишларида намуна кўрсатди. Ёшлар билан ишлаш канча кўрғазмали, намунавий бўлсин, ўша давр пиллачиллик соҳасида ҳам мутахассислар етишмас эди. Ана шунини ҳисобга олиб, вилоят раҳбарияти уни вилоят Пиллачиллик бошқармасига бош агроном вазифасига тақлиф қилди. Ўз касбинини жондан севган Ҳалима бу тақлифга жавобан 1965–1985 йиллар ичида шу вазифада ишлаб, вилоят пиллачилигида кескин ўзгаришлар қилди, туғчилик базаси, пиллакурти боқиш учун барча шароитларни ташкил қилди. Натижада ҳар бир кўти уруғидан 50 килограмм пилла ҳосили олинган бўлса, бу кўрсаткич вилоят миқёсида 70 кг. га ошиб кетди. Бир неча йил

Республикада биринчилар қаторида давлат режаларини муваффақиятли бажарилди. Шу йиллар ичида у 5 марта голиб бўлганлиги учун нишонлар билан мукофотланди. Бундан ташқари “Меҳнат шўҳрати” медали, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими” унвони билан тақдирланди.

Термиз тумани Пиллачиллик илорасидаги ишларни яхшилаш мақсадида 1986 йилдан бошлаб у ерта бошлиқ қилиб ўтказилди. Термиз туманида 2000 йилгача Пиллачиллик илорасида бошлиқ бўлиб ишлаб, иш бошлаган даврда туман атити 130 тонна пилла ҳосили етказиб берган бўлса, кейинги йилларда давлатга 160–180 тонна ҳосил етказиб бериб, вилоятда қарвонбоши бўлиб олдилар. Барча инсонларда бўлганлидек Ҳалима Ҳайдаровна бироз соғлиғи заифлашиб 2000 йилда нафакага чиқди. У вилоят миқёсида ишлаган даврларида вилоят Хотин-Қизлар кенгаши сифатида жамоатчилик ишларини олиб борар ҳам эди. Икки фарзалининг онаси, 10 набиранинг буvisи Ҳалима Ҳайдаровна соғ-саломат қариллик гапигини сўрмоқда.





МЕНТНОРГА МИНГ РАҲМАТ!

Раҳматни у даставвал қариялардан эшитди. Эшикдари олдинни суғириб-сидириб, сузлар сепиб юртанида. Онаси ёнита кириб, юмушларини биргаликда бажарганида. Биринчи синфлаёқ алифбени чиройли қилиб ўқиб берганида. Мингнор баҳор фаслида тугилгани (1958 йилнинг 25 мартида Жарқўрғон тумани) учун ҳамми, кўнгли илк баҳор гулларидек гўзал бўлди. 1975 йилда Қумқўрғон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги 2-ўрта мактабни олтин медал билан тамомлади. У чиндан-да, ниҳоятда тиришқоқ ва қобилиятли эди. У кимё фанини жуда яхши кўрарди. Шу боис ўша йилиёқ Тошкент Давлат университетининг кимё факультетига ўқишга кирди. Олтин медалини оқлади, чунки у берилиб-берилиб ўқиди, домлаларидан фақат “бадди, қизим”, “раҳмат” деган қадри сўзларни эшитди. Уни университетда қолиб ишлашга, илм билан шугулланишга таклиф этишди. Аммо Ментнор Эрмўминова бу таклифни қабул қилмагани, қилаолмас эди ҳам. Чунки уни она шаҳрида ўқувчилар кутарди. Кимё фани ўқитувчилари етишмаслигини Ментнор Абдураимова биларди.

Ментнор жонажон мактабига қайтди, муаллим бўлиб, болаларга билим берай, деб, уларни илм чўққилари сари илҳомлантирай, деб. Уни бутун жамоа бағрини очиб кутиб олди. У ҳам бағри кенглик билан, ажиб бир оташ билан ишлади. Кимё фани хонасини ташкил этди. Ҳатто бу фанга қизиқувчилар учун қўшимча соатлар уюштирди. Шотирларди парвоз қилиб учиганда уларга оқ йўл тилди.

1996 йилда тақдир Ментнор Эрмўминовани Термиз туманидаги 8-умумий ўрта мактабга йўллади. Мана 12 йилдирки, 8-мактаб ўқувчилари кимё фанидан Ментнорхондан таҳсил оладилар. Ментнорнинг ўқувчилари туман вилоят олимпиадаларига ҳар йили албатта қатнашиб совринли ўринни оладилар. 2005 йилда эълон қилинган

Республика интернет тармоғида эълон қилинган “Бир соатлик” энг яхши дарс режасини тузиш” танловида қатнашиб сертификат олишга сазовор бўлган.

Кейинроқ янги педагогика технология асосидати танловда ҳам иштирок этиб, химия фани бўйича сертификатлар олган. Эрмўминова Ментнорнинг турмуш ўртоғи Бўриев Абдувоитнинг хизмати ҳам каттадир. Аёлини эъзозлаган архившунос Абдувоитжон Ментнорхонга ҳар соҳада қўмақлошди.

Ментнорхон 6 нафар фарзанднинг меҳрибон онаси ва 3 нафар набирасининг сеvimли бувижониси.





ЁШЛАРИНИНГ МАЙДҲОРИ

Адолат Эшонкулова 1947 йил 10 январда Сурхондарё вилоят, Шеробод туманида туғилган. 1954 йил “Макаренко” номида мактабга ўқишга бориб, уни 1964 йил аъло баҳолар билан рус синфини тугатди. Отаси Эшонкулов Хайдар вафот этган. Онаси Ражапова Кумри ҳам ота, ҳам она бўлиб фарзандларини тарбиялаган.

Адолат Эшонкулова партия ва совет илораларида ишлаган. Туман партия ташкилотига хотин-қизлар бўйича котиба бўлиб, кейин туман пилданилик ранси, шаҳар ва қишлоқ кенгаши ранси бўлиб ишлагди. Отаси Халима Эшонкулова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган “Қишлоқ хўжалик ходими” фахрий унвонига эга. Бир неча орден ва медаллар билан тақдирланган.

1969 йилдан хозиргача Термиз давлат университетининг рус филологияси кафедрасининг доценти бўлиб ишлаб келмоқда.

Адолат Эшонкулованинг бир қатор илмий мақолалари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Москва, Қарши институт каби тўғламларида 100 дан ортиқ илмий мақолалари, 10 та методик қўлланмалари чоп этирилган. “Русский язык”, “Словесные игры”, “Рус тили миллатлараро дўст” ва ҳамкорликда “Ўзбек тили” дарсликлари нашр этирилган. Бир неча симпозиумларда, Республика анжуманларида қатор илмий мақолалари билан ҳам қатнашиб келган. Хозирги кунда Термиз давлат университети хотин-қизлар қўмитасининг ранси ва рус филологияси кафедрасининг доценти.

2006 йил Фарғона давлат университети “Аёл ва экология” анжуманларида ўз мақолалари билан қатнашди. Ёш талабалар ва университет хотин-қизлари ўртасида “Аёл ва саломатлик”, “Ёш келин-куёвларга оид этикаси”, “Қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳни олдини олиш”, “Миллатлараро тотувлик-барқарорлик омили”, “Қуръон-шарқ халқларининг диний, илмий ва маданий мероси

сифатида” мавзуларида ва Ўзбекистон республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 3434-сонли фармонини мазмун моҳиятини тушунтириш мақсалида семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказиб келмоқда.

Адолат опа одамларнинг ютуғидан қувонади. Хамиша ташаббус билан қуйиб-ёниб юрадиган, дўстларини, яқинларини меҳр билан қалдрайдиган олима аёл.

Турмуш ўртоғи Хуррамов Шўкур Хуррамович, биология фанлари доктори, профессор, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” унвонига эга. Уч нафар фарзандининг меҳрибон онаси ва ўн нафар набираларининг сеvimли бувиисдир.





МЕҲРИ ДАРЁ ХОЛАЖОНИМ ...

Момохоҳ Эгамбердиева Термиз тумани «Саловат» кишлоғида дунёга келди. Ҳалол меҳнат кечириб яшайдиган меҳрибон она-онасидан эрта ажраган. Момохоҳни ва Курбонжоннинг холаси Бибиҳол момо ва почаси тарбиясига олди.

Момохоҳ жуда зийрак меҳнаткаш бир қарашда киши дилини тушунадиган бўлиб камолга етди. Момохоҳни лолақизғалдоқдек ял-ял кийиниши укаси Курбонжоннинг доимо тоза, озода юриши Бибиҳол энанинг синҷовлиги меҳрибонлигидан эди. Атрофидаги яхши одамлар устозлар, холажонисининг филолиги туфайли Момохоҳ ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, Термиз Давлат Университетида ўқишга кирди. Қизи Момохоҳни олғий ўқув даргоҳига кирган кунни Бибиҳол эна учун энг қувончли кун бўлди. Университетни тугатган аввал ўқитувчи, сўнгра 11-мактабга директор этиб тайинланди. Она изидан борган укаси Курбонжон ҳам ўқитувчи бўлиб етишди.

Момохоҳ холажонига муносиб суянчиқ бўлди. Маврифатчилар орасида обрў эътибор топиб 14-мактабга раҳбарлик қилди. Ўзининг талбиркорлиги ижодкорлиги изланувчанлиги ва талабчанлиги туфайли мактаб салоҳиятини барча кўрсаткичлар бўйича кўтариб, мактабни вилоят миқёсидаги таянч мактабларидан бирита айлантирди. Момохоҳ Эгамбердиева оилада ҳам бахтли бека. Турмуш ўртоғи Ҳудойберди Абдуллаев опата бир умрлик маслаҳатгўй мадакор бўлди. Яратган Момохоҳ опани 3 фарзанд билан сийлади.

Фаолияти давомида Момохоҳ Эгамбердиева Халқ таълими аълочиси унвони билан мустақиллигининг 15 йиллиги нишони билан тақдирланган. Ҳа том маънода Момохоҳ она бугун саодат соҳибаси бахт бекаси. Бу нурли ҳаёт учун у аввало яратганга шукрлар айтди. Ўқиш, оқ ювиб, оқ тараган холаси-онажониси Бибиҳол энага умр тилайди.



МЕҲРИ ДАРЁ МУРАББИЙ

Салтанат Юсупова — мураббия. У Тошкент Давлат университети — (ҳозирги — Ўзбекистон Миллий Университети)нинг романо-герман факультетини тамомлаб, ўз юрти Андижон вилояти, Хўжабод туманидаги 1-мактабда ўқитувчилик қилиб юрарди. Қўнғирот юртидан келган Алпомишдай, Чориев исмли йигит бу дилбар, қувноқ қизни ўзига эл қилиб олиб кетди. Салтанатхон Сурхонни туғилган элидай суйди, бир оз туپори кўринса-да, дангал, кўнгли очик, бахшифеъи сурухонликлар билан эллашиб кетди. Сурухондарёда у ўқитувчилик қилди инглиз тилидан дарс берди. Кейинчалик шу 11-мактабда директор ўринбосари, мактаб директори, Термиз шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимларида ишлади. 1995 йилдан мактабгача таълим-тарбия тизимида боғча мудираси. Салтанат она “Халқ таълими аълочиси” нишони билан тақдирланган. Биз, асли покиза илдиэларимизни англай бошладик. Халқ таълими вазирлиги қарори билан мактабгача муассасаларда, жумладан, Салтанатхон Юсупова раҳбарлик қилаётган боғчада ҳам тажриба-синов тариқасида диншунослик курси ўқитилди. Жонкуяр мураббиялар кизикарли ўйинлар воситасида кичкинтойларни мустақил фикрлашга, сўз бойлигини оширишга, ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан баркамол бўлишларида фаолият юритмоқдалар. Боғчада кўнлаб эрталиклар, талбирлар ўтказилади. Спорт, рақс, инглиз тили тўтарақлари ташкил этилган. Боғчанинг мўъжазгина ҳайвонот боғи бор. Бу ерда машгулотлар табиат билан мулоқот тарзида олиб борилади. Атроф-муҳитни покиза асраш, жониворларга меҳр-шарфат кўникмалар орттирилади. “Учинчи минг йиллик боғаси” дастури боғча ҳолда чикариш асосий мақсаддир. Салтанат Юсупова 10 та олобнома — шарқона одоб-ахлоқ услубий кўлланмалар муаллифидир. Вилоят халқ таълими бошқармаси ўқув-методик маркази ушбу кўлланмаларни фойдаланиши учун республика мактабгача таълим муассасаларига тавсия этган.

Тарбия моҳиятини аёл асосан ўз оиласида теранроқ англайди. Салтанат Юсупова ўз фарзандлари тарбияси билан шугулланаётиб болалар руҳиятини ўргатди. Нима қилса, бола қалбидати Аллоҳ ато этган бетубор туйгулардан узоқлашиб кетмайди? Уларга қаттиққўл бўлиш керакми ё меҳрибон? Салтанатхон ўша оралиқ йўлни тошгани учун оиласи тинч, фарзандлари элга, ота-онасига муносиб ўсишди. Тўнғичлари Нодирахон инглиз тили ўқитувчиси. Фотима-Зухра, Сайқалбек, Муаттар ота йўлидан кетишди — ҳуқуқшунос. Санжарбек “ЮНЕСКО” нинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида ишлайди. Болалар дутор, пианино, донра дээрли барча мусиқа асбоблари чалишди. Кўй, кўшнқ ошно қалблар, мусиқага, оҳангга тўла хонадон...

Аёл — онанинг фидойилити керак. Фарзандларнинг барчаси инглиз тилини мукаммал билишди. Келинлари Севара Зуннудова Ўзбек Миллий Академик театрида дизайнер-рассом бўлиб ишлайди. Неваралари бир этак. Опа уларга она, бўви, маслакдош, сирдош, дўст, қувончларига эш, муаммоларига елкадош.

Инсон оиласи, фарзандлари, халқи билан бутун! Салтанатхон Юсупованинг умр ва ҳаёт тажрибасидан келиб чиқадиган мухтасар ҳулоса шундай.



Юлдовова Зухра

КЎЛИ ЕНГИЛ ОНАХОН

Тиббиётдаги энг қийин соҳа жароҳлик. У табиатан жуда қучли билим ва масъулиятни, касалдан катта ҳалқни, унинг яқинларидан, қучли ҳайжонни талаб қилади. Аммо инсонларни керак бўлса, ҳаётга қайтарди, умиди сўнгган одамларда умид уйғотди, Маъна шундай онр ва матонатни талаб қилувчи касб эгаси, моҳир жароҳ Зухра Юсуповалар. У 1940 йилда Бойсун туманида дунёга келган. Қадим Бойсуннинг тўзати табиати, хушхаво, хушманзара, кўркем жойлари, дардга даво бўлувчи нолик ва ёввойи ўт-ўланлари Зухрани қаттиқ ҳайратга туширган шундай соф ҳаволи юрт одамлари ҳам касал бўлиши мумкинми, деган ўйга солган бўлиши мумкинки, ҳар ҳолда у ёшлигида врач бўлишни орзу қилди.

Отаси Мисиров Абдурахмон 1900–1969 йилларда яшаб ўтган. Онаси Мисирова Бахтигул эса 1900–1982 йилларда яшаган. Онаси Мисирова Шарофат 1926 йилда туғилган. Зухра онанинг турмуш ўртоғи Шавкат Юнусов 1939 йилда туғилган ва ҳозирда нафақада, қариллик гаптини сурмоқда. Қизи Юнусова Гулнора Тошкент фалсафа ва ҳуқуқ институтини аспиранти, ўғли Бахтиёр Юнусов Сурхондарё вилояти ҳокимияти ташқи иқтисодиёт ишлари бўлими масъул ходими, ўғли Баҳром Юнусов эса Тошкент шаҳри УзБАТ — Ўзбекистон, Британия, Америка кўшма кохонасида маркетолог.

Зухра Юнусова 1958–1965 йилларда Тошкент Давлат медицина институтини тамомлагач, иш фаолиятини Бойсун туман Марказий шифохонасида ортизатор-жароҳ врачини лавозимини бажариш билан бошлади. Шундан сўнг 1965–1969 йилларда Бойсун туман “Сайроб” СУБ бош врачини, 1969–1970 йилларда Термиз шаҳар 1-сон вилоят шифохонасида бош врач муовинини, 1970–1977 йилларда Термиз шаҳар катталар поликлиникасида бош врач, 1977–1988 йилларда Термиз шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудирини, 1988–2000 йилларда Термиз шаҳар дарё порти МСЧда бош врач вазифаларида фаолият юритди.

У ҳамиша ҳавас қилгулик уй бекаси, ҳавас қилгудек касб
эгаси бўлганлиги билан ҳамма яхши инсонларнинг эътиборини
тортди, уларга қўмақлашди, улардан ёрдам олди. Ҳаётга тегаран назар
билан боқди. Инсон инсон учун кераклиги ҳақиқати фалсафани бир
зум унутмади.

Сен аёлсан — шу ягона ҳақиқат,
Қолганлари ёлгон, миш-мишлар фақат
Аёл зоти ўзи буюк мўъжиза
Ахтармагин ундан номанкул жиҳат.



Юлдашева Озода



ОБОД ЮРТИНИНГ ОЗОДАСИ

Юлдашева Озода Чориевна 1943 йил 15 майда Шеробод туманидаги В. Қодиров жамоа ҳўжалигида таваллуд топган. 1950 йилда 5-сон Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги ўрта мактабга ўқишга кириди. 1961 йилда саккиз йиллик мактабни тамомлаб, 1962 йилда Термиз шаҳридаги боғча мудирларининг тайёрлаш махсус курсларига ўқишга кириди. Ўқиниши тамомлаганидан сўнг илк бор қишлоқда очилган мавсумий боғчага мудираллик қилди. Озодахоннинг қизлик фамилияси Чориевна. Озода Чориевна деса катта авлод вакиллари жуда яхши билишди. У ўз даврининг қаҳрамони, тилларда дoston бўлган қадрли исмдир. Озода Чориевна 1969 йилда қалб даявати билан Шерободдан ажратиб чиққан Музrabot туманига чўл ўзлаштиришга отланган. Ўша даврлар у ерлар ҳақиқатдан ҳам мардларнинг майдони эди. Озода ёшлик шижоати қалбига сиғмай, файрати қайнар чўл қувлашни мақсад қилди. Унга қадар ёшларга етакчилик қилган, турли марбул вазифаларни сийқидилдан бажарган, юратилган ўти тинч қўймаган Озодахон мутасадди раҳбарларнинг ҳам ишончига кирганди. Шу сабаб у энг қайноқ ерни, қизгин меҳнат йўлини таниганида атрофдагилар ажабланишмади. Озода Юлдашева кечани-кеча, кундүзни-кундүз демай меҳнат қилди. Шерободдан бортан ўнлаб раҳбарлар ва мутахассислар сафига туриб, чўлқувар деҳқон, чорвадор ва қурувчилар билан елка-елка ишлади. Туман маданият бўлимининг мудирли сифатида ўнлаб ашула ва рақс дасталарининг ташкил топишига бош-қош бўлди, унинг марказий ва жойлардаги кутубхоналари халққа маърифат тарқатди. Туман мутасадди раҳбарлари унинг алоҳида иқтидори ва қобилиятини сезиб, уни энг оғир ва муомалаги жойларга раҳбарлик лавозимларига юборди. Туман радиоэшиттириш тахририятига кўп йиллар муҳаррирлик қилди. Туман хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасида чўл аёлларининг бошини бириктирди.

Ёш хотин-қизлардан меҳнататорлар жамоесини ташкил қилди. У нафақага чиққунда қадар ҳам фаол раҳбар, ташкилотчиллик қобилиятини кўрсата билди. Болалар боғчаси мудираси, туман халқ таълими бўлими назоратчиси ва бошқа лавозимларда ҳормай-толмай иш олиб борди. Бутунга келиб Озодахон опа меҳнатларининг меъясидан баҳраманд бўлиб, кечаслик таштинин сурмоқдалар. Кечати мактаб ўқувчиси ёшлар етакчиси бўлун кўнларининг хўрма-эътиборига сазовор инсондир. Кўйининг қишлоғида туғилган оддий қиз олий маълумотли бўлиб, одамларга танилди. Устозларни эъзозлаб, ўзи ҳам қатор шогирдлар етиштирди.

Озода опа Юлдашева меҳнат фаолияти давомида Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси бўлди. Бир неча марта республика, вилоят ва туман раҳбар ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

— Мен ҳаётда қанлайдир даражада из қолдирганимдан, одамлар кўнлига йўл топа олганимдан бахтиёрман, — дейди Озода опа. — Айни маҳалда рўзгорим ва онламин ҳам унутганим йўқ. Турмуш ўртоғи ҳам мутаасил ташкилотларга раҳбарлик қилдилар. Донм мени қўллаб-қувватлаб келдилар. Фарзандларимизни ҳам ҳалол, пок қилиб тарбиялашга ҳаракат қилдик. Улар ҳам олий маълумотли, бола-чақали. Мен уларни ҳам Ватанини севишга, қадрлашга, халқ учун ҳолис хизмат қилишга ундайман. Бундан ортиқ бахт-борми инсон учун. Муҳаммад Юсуф айтганидек:

Меҳру садоқати сийму зар санам,
Мунглигини, мунисам, муштинларгинам.
Парвонам сенсану бошимда мулом,
Қадрингга етмайин келганим алам.



Юлдашева Ҳалима

БАХТИ КУЛГАН АЁЛ

Юлдашева Ҳалима 1955 йил 20 феврал куни Музработ туманида туғилган. Миллати ўзбек, ўрта маълумотли. 8 нафар фарзанднинг меҳрибон онаси.

Бош фарзанди Бахромова Бўринош. Олий тоифали ўқитувчи, Музработ туманидаги 21-сонли мактабда ўқитувчи. Ўғиллари — Бахромов Азизхон олий маълумотли Ангор туманидаги ўрмон хўжалиги қисб-хўнара коллежи ҳисобчиси. Бахромов Азизхон туманидаги «Силлосирихон» фермер хўжалиги иш бошқарувчиси. Бахромов Анвар олий маълумотли, Термиз шаҳридаги ҳарбий қисм оркестри созандаси. Бахромов Акбар олий маълумотли, Ангор туман ҳокимлиги Архитектура бўлими етакчи мутахассиси. Бахромов Акмал Тошкент давлат иқтисодиёт университетини талабаси. Қизлари — Бахромова Хуришда Ангор туманидаги 2-сон умумий ўрта таълим мактабиди ўқитувчи. Бахромова Фариди Термиз давлат университетини молия факультетини талабаси.

Отаси Юлдашев Ҳабibuлла хожи хозирги кунда 82 ёшда қаршилаган нафақахўр, бутун умри давомида ширкат хўжалиги аъзоси бўлган. Илоҳим умрлари энди бўлсин. Онаси Абдуллаева Мукаддас 2003 йили вафот этганлар, у киши ҳам ширкат хўжалиги аъзоси бўлганлар.

Ака-укалари маориф хизматчилари олий маълумотли педагоглар. Келинлари ўқитувчи, тikuвчи. Хозирги кунда нафақада 13 нафар неваранинг сеvimли бувижониси бўлиб, уларни тарбиялашда ёрдамлашмоқда.

Турмуш ўртоғи Бахромов Исохон Носирович «Меҳнат Шуҳрати» орденни, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Пахтакор» унвонлари соҳиби. Муҳтарам Президентимиз у кишининг намунаги меҳнатларини юксак баҳолаб, «Дамас» автомашинасини совға тариқасида бердилар.

Ўтган йил улар учун бахтли келди десам адашмаймиз. Сабаби кичик ўғли Акмал ҳамда қизи Фаридалар олийтоҳ талабалари бўлган бўлса, турмуш ўртоғига Президентимиз фармонлари билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиши воҳамиз, Ангор тумани аҳли, оила аъзолари учун Мустақиллик байрамита катта тухфа бўлди.

Унинг оиласи аъзолари туманнинг барча тадбирларида қатнашади, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга баҳоли қудрат ёрдам берди. Бойсун туманидаги 12-сонли Меҳрибонлик уйига оила аъзолари билан тез-тез бориб туради. Ангор туманидаги 9-сонли умумий ўрта таълим мактаби ҳамда «Гулистон» маҳалласини оталикка олганлар. Ўзи уй бекаси бўлсада шёр ёзишта жуда қизиқали;

Ўн еттида турмуш қурдим жуда тез,
Худо бизга фарзанд берди кетма-кет, бири ўғил бири қиз.

Хавас қилса арзигудек яшаётимиз иккимиз,
Эл-юртнинг орасида бахти кулган аёлман.

Юрт тинчлигини тилаган,
Эл бойлигини сўраган.

Фарзандларим жойлаштириб, ором олган аёлман,
Ўзбек халқи отаси юрт бошимиз омон бўлсин!

Фарзандлари соғ-омон бўлсин, Эл юртга хизмат қилсин,
юртимиз тинч бўлсин, кеч қачон бахтимга кўз тегмасин. Турмуш ўртоғининг умрлари зиёда бўлсин, деб ниёт қилади. Ниётларингиз ижобат бўлсин Халима опа!



Якубова Ойимжон

ДОИМ АДОЛАТЛИ БЎЛДИ

Ойимжон Якубова 1958 йилда Урганч шаҳридаги Ал-Хоразмий номи 13-сонли ўрта мактабга ўқишга борган. 1968 йилда ушбу мактабнинг 10-синфини тамомлагач, шу йилнинг июль ойида Урганч шаҳар судига архивариус бўлиб ишга кирди, 1969 йил феврал ойидан бошлаб суд мажлиси котибалик вазифасига ўтди ва 1969 йил сентябрь ойида Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик куллиётининг кундузги бўлимига ўқишга кириб, 1974 йилда уни муваффақиятли тамомлади. Шу йили сентябрь ойида Шеробод туман матлубот жамиятига ҳуқуқшунос бўлиб ишга кирди. 1975 йил март ойидан бошлаб Музробод туманида муҳрдор бўлиб, 1975 йил август ойидан бошлаб 1986 йил май ойига қадар Шеробод туманида ҳуқуқшунос маслаҳат уйида ҳимоячи бўлиб ишлади.

Ойимжон 1986 йил май ойидан Шеробод туман судининг раиси этиб сайланди. 1995 йил июнь ойидан 2006 йил 21 сентябрь ойигача Қизилқум туман судининг раисаси вазифасида ишлаб келди. Ҳозирги кунда Ойимжон опа нафақада.

«Оилаликман, 1971 йилдан Якубов Бобомурод билан турмуш қуриб яшаб келмоқдаман. Мен оила аъзоларим билан Шеробод туман Исо Термезий жамоа хўжалигининг Тароқли қишлоғида яшайман», — дейди у.

У масъул вазифаларда ишлаганда доим адолатли бўлди. Давлат мулкани, инсон ҳуқуқларини доим ҳимоя қилди. Шу боис у хурматга сазовор бўлди. Турмуш ўртоғи Бобомурод Якубов билан Алоҳ берган олти фарзандига ҳалол нон едирди, покиза сув ичирди. Уларга ҳаётларидек гўзал исмлар қўйди: "Мукаддас, Марҳаб, Олтиной, Маҳбуба, Маҳмуджон, Баҳодир. У ҳозир нафақада экан, ўн олти набираси, фарзандлари унинг атрофида парвона.

Қурбонова Моҳира



ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДҲР ДҲНЁ

Моҳира гўдаклик чоғиданок улкан орзулар огушида яшади. Мактабда ўқиб юрган давридаёқ адолат посбони бўлишни дилига тугиб қўйган эди. Мактабни аяло баҳоларга битириб, Тошкент Давлат юридик институтига ўқишга кирди.

Меҳнат фаолиятини 1992 йилда Музrabод туманида прокуратура нозирлигидан бошлади. Сурхондарёликлар меҳнаткаш, доно, мард бўлишади. Бу фазилатлар уларнинг қонили мавжуд. Моҳира шундай юрт фарзанди эканидан доим фахрланиб яшайди. Касби доирасида жуда кўп марта адолат ҳимоячиси бўлиб ҳалол одамлар ҳаққини ади билан ҳимоя қилди. Қонунчилигимиз дунёда энг инсонпарвар эканини уқитириб чарчамайди. Не иш қилса, қонунга таяниб қилди. Ҳар бир гапни қонун юзасидан гапирди. Қимнидир жар ёқасидан кутқариб қолди. Қимтадир тўғри йўл кўрсатди. Қимнидир ўз-ўзига ишончини уйғотди. Адолат ғолиб қунларда бахтиёр яшади.

“Қунлар келар, қунлар ўтар бир-бирига қўл бериб. Салоқату жасоратдан ҳикматлар яралган. Мард ва асил фарзандларнинг толеи бағланлидир. Яратувчи, яшнатувчи, бунёдкор ҳамда гўзал. Сурхондаё — ҳур Ватаннинг табаррук бир гўшаси. Қишлоқлару гул боғлари, ҳаёт завқидан яшар. Пахтазору, ғаллазори — қут-барақа дунёси. Уни севиб ардоқлайди ҳар бир тангли фарзанди”.

Моҳирани истеълодли қизи Заринтор ёзган юқоридаги сатрлар онаси ҳаёти саҳифалари ўқиб илҳомланган деса арийди. Зеро, Моҳиранинг ҳаёт ва фаолияти китоб қилиб ёза арийди. Ёзилса ўша китоб номи: «Адолат. Гўзаллик» деб аталар эди.

Қурбонбекова Гулсара



ЮРАГИДА ҚУЁШ ЯШАётган Аёл

Қурбонбекова Гулсара 1950 йил Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида туғилган. 1957 йилда Сурелков номили мактабга ўқишга бортан ва шу мактабни 1967 йилда тугатиб, шу йили Тошкент қишлоқ ҳўжалити институтининг “Пиллачилик” факультетига ўқишга кирди.

1972 йили институтни тугатиб, меҳнат фаолиятини Жарқўрғон туман пахта тозалаш заводида бухгалтер бўлиб ишлаш билан бошлади.

1973 йил апрелида ўрта Осиё пиллачилик илмий текшириш институтининг Жарқўрғон таянч пунктда илмий ходим бўлиб ишлаш бошлади ва бу ерда 1988 йилгача ишлади. Ишлаб юрган даврда Сурхондарё шароитига мос келадиган навларни етиштириш устида иш олиб бортан энг асосий ишларидан бири, қузда тут уруғини сепиб, қишлатиб, эрта баҳорда тўлиқ униб чиқишини ва иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлишини исботлади ва бу иш Давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқаришга қўлланилди. Ва яна бир ишлари Сурхондарё шароитида 3 марта қурт боқиш мумкинлигини текшириб кўрилди.

1988 йилдан Жарқўрғон туман пилла куриштиш илорасида агроном бўлиб ишлаш бошлади. Меҳнат фаолиятида бир неча бор Фаҳрий ёрлиқлар ва бошқа мукофотлар билан мукофотланди. Шулар жумласидан, 1989 йили вилоят касаба уюшмаси томонидан берилган “Қумуш тола” сотиш ва топширишга берилган Фаҳрий ёрлиқдир.

Турмуш ўртоғи Турлиқулов Нормамат ҳам пиллачи агроном. Ҳозирда тутчиликка ихтисослашган “Мажнун тут” фермер ҳўжалитини бошқармоқда. Фарзандлари ҳаммаси олиғи маълумотли. 5 нафар фарзанди ҳам олиғи, фарзандли бўлиб кетипшган. Ҳаммаси ўз соҳиси бўйича ишлайди. 5 нафар фарзандли тарбиялагани учун “Оналик медали” берилган. 14 та неваралари бор. 25 йил пиллачилик соҳисда ишлаб, ҳозирда нафақада.



ОНА ДУОСИНИ ОЛГАН ФАРЗАНД

Марямхон, ҳали у мактабнинг юқори синфиди ўқиб юрган кезларида, биргина оруз билан яшарди. Тезроқ шифокорликка ўқинса-ю, хаста онасининг дардига даво топса. Мактабни «Олтин медал»га битириб, Самарқандга борганида ҳам шу оруз унга ҳамдам эди. Сўнг фирдавсмонанд шаҳар йўллари бир қадам бўлиб қолиди. СамМининг аълочи талабаси ой сайин уйдан, онасидан хабар оларди. Халгча хола қизининг оқибатлигидан қувонса-да, яна тагин олмас йўллардан сарсонгар-чилликдан ранжийди. қайси она бемор ҳолида ҳам ўзини ўйлатайди?!

— «Мендан ҳавотир олма, болам. ўқинингни ўйла. Яхши ўқитин!» дея насихат қиларди. Қиз хўп-хўп дерди-ю, ўз билганидан қолмасди.

У олий билимгоҳда ҳам курсининг олди талабаси бўлиб ўқиди. Она бағрига имтиёзли диплом билан қайтди. Олган билимлари онасининг хасталикларига ҳам наф қилди. Сарикча чалинган, сўнг овқатдан тежаллар, парҳезлардан руҳан толинган она доктор қизининг қаровида қувватга кирди. Оллоҳ умр берган экан, бу йил 86 баҳорни қаршилади.

Ҳикоямиз қаҳрамони Марям Қобулова 1955 йил Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида таваллуд топган. 1962 йили тумандати 21 - сон ўрта мактабнинг биринчи синфига қабул қилиниб 1972 йилда ушбу мактабни Олтин медал билан битирди. Шу йили Самарқанд Давлат Тиббиёт институтига ўқишга кирди.

1978 йили институтнинг «Даволаш иши» факультетини акушер-гениколог мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тугатди. 1978-1979 йилларда вилоят туғриқхонасида интернатура ўтади. 1979-1981 йилларда Жарқўрғон тумани марказий шифохонасининг туғриқхона бўлимида, аёллар маслаҳатхонасида акушер-гениколог вазифасида ишлади. 1981-1982 йилларда

Жарқўрғон тумани марказий шифохонасида гинекология бўлими бошлиғи, 1982-1990 йилларда туғриқхона бўлимида, аёллар маслаҳатчиси акушер-гениколог вазифасида ишлади. 1990-1993 йилларда туман марказий шифохонасида гинекология бўлими бошлиғи лавозимига кўтарилди.

1993-2004 йилларда Жарқўрғон туман марказий шифохонасида акушерлик комплекси бошлиғи ва туман бош акушер-геникология вазифасида ишлади. 2004 йилдан буён Жарқўрғон тумани марказий шифохонаси бош акушер-гинеколог ва 1-туғриқ бўлимида катта акушер-гинеколог вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

У бахтли оила бекаси, вафодор ёр, меҳрибон она. Турмуш ўртоғи Мухаммади Чориев Термиз Давлат университети доценти. Физика-математика фанлари номзоди. Ўғли Шерзод Мўминов университет ўқитувчиси, кичик ўғли Фарҳод Темир йўл бошқармаси ҳисобчиси. Қизи Яйра Тошкент Тиббиёт Академияси талабаси, келини Нигора Тошкент врачлар малякасини ошириш институти клиник ординатори.

Биз Марям Шерматовна каби фидойи аёлларни қанча ардоқласак арзийди. Чунки унинг ниёти эзгу, касби машаққатли ва шарофли.



Кувондиқова Саодат



ТУМАН ЖОНКУЯРИ

Саодат Кувондиқова 1956 йил 30 октябр кунинда Термиз тумани, «Қаҳрамон» маҳалласида туғилган.

Ирис момо, куёви Чори билан қизи Мاستуранни ёнита чақириб, «Болажонларим, турмуш кўриб яшётгандарингга ҳам йилдан ошди, ажралиб, бахтларингга синаб кўринглар, десак кўнмайсизлар, тушунаман бир-бирингизни кўзларинг қиймайди, Жўра укамнинг катта қизини фарзанд қилиб олдинглар, укамг ҳам, Санам келин ҳам рози, улар ёш ҳали боғалари кўп бўлади» — деди. Шу кундан бошлаб уч-яшар қизалоқ Саодатхон Чори акани «бобо», Мастура опани «Амма» деб уйига қадам қўйди. Бундан уларнинг шодлигининг чеки бўлмаган. Бир-бирита салоқатли, диёнатли бўлган, содда, самимий бу икки инсон қизинани оқ ювиб, оқ тарали. Уни эл хизматида бўладиган етук инсон қилиб, тарбиялашни ният қилдилар.

1963-1973 йиллари — ўрта мактабда ўқиди. «Мактаб-менинг севимли масканим эди, чулки мактабимизда Рамазоновна ўқувчиларга яхши муомалада бўлишарди. Ўқитувчилик касбига иштиёқ айнан шу масканда туғилган» дейди Саодатхон.

1973 йили Термиз Давлат Педагогика институтининг чет-тиллар факультетига ўқишга кириди. 1979 йил ўқишни тамомлагач, тумандати 18-мактабда ўқитувчи бўлиб иш бошлади.

1980-2004 йилларда ўзи ўқитган 5-мактабда ўқитувчи, директор ўринбосари, 2004-2007 йилларда 10-мактабда директорлик лавозимини ишлади.

У 2007 йилда эса Термиз тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимига тайинланди.

«Мен ўттиз йилча мактабда ишладим, ёш авлод тарбиясига озми-кўпми ўз ҳиссамни қўшдим, бундан жуда гурурланаман. Хозирги иш фаолиятим ҳам ёш авлод тарбиясининг давоми деб биламан, ҳар бир оилادا соғлом муҳит яралиши, у ерда улғайган фарзандлар ҳар томонлама соғлом ва етук бўлишлари учун бор имкониятимни ишта соламан» — дейди Саодатхон Кувондиқова.

Саодатхон Кувондиқова озгина доқайлик ҳам кичик Ватан-оилани барбод қилиши мумкинлигини аёлга ҳам, эркакка ҳам жони ачиб тушутирди. Молдий ёрдамга муҳтожларни эътибордан қочирмайди. Бу йўлда саҳоватпешаларнинг ёрлагидан фойдаланади, Маслаҳатчиларни ишта жалб қилади.

Зеро: Соғлом аёл керак ҳаётга,

Фарзанд ўстиришга, рўзгор тутишга,

Ёр кўнглини овлашга, меҳмон қутишга,

Ва яна қанча дардини ичга ютишга

Соғлом, кучли, ўктам аёл керак ҳаётга!

Ойла қуриш, фарзандли бўлиш ҳар бир қизнинг азалий орузи. Саодатхон ҳам шу йиллар ичида ўрал ака билан турмуш қуришиб, шириндан шакар тўрт фарзандли бўлишди.

Катта ўғли Азимжон Термиз Давлат Университети молия бўлиминини тамомлаб, молиячи, кичик ўғли Шуҳратжон шу олий дароҳнинг жисмоний тарбия бўлимини туталлаб, жисмоний тарбия фани бўйича ўқитувчи, катта қизи Манзура Тошкент Давлат тиббиёт Академиясини тамомлаб, хозирги кунда шифокор, кичик қизи Сабохатхон ўрта мактабни тамомлаб, олмаси сингари шифокор бўлиш учун хозирдан тайёрларлик кўрмоқда.

Саодатхон, уч нафар укаларига куюнчак опа, турт нафар фарзандларига меҳрибон она, невараларига суюкли буви, энг муҳими бобоси ҳамда аммаси (Аллоҳ раҳмат қилсин) ният қилганидек доимо эл хизматида бўлишдан бахтиёр.





АНГОРНИНГ ТОШКЕНТЛИК КИЗИ

Асли Тошкент шаҳрида 1966 йилнинг 2 июлида таваллуд топган. Курбонова Шарипа Шокиржоновна Ангор аҳолисининг меҳрини қозонган. Келинг бўлунгача бўлган йўл ҳақида батафсилроқ тўхталсак.

Шарипахон дом одамларда соддаликни, самимийлик ва камтарликни қадрлаб келган. Дутоналари, яқинлари даврасида ҳам унинг ўз ўрни, ўз сўзи бўлган. Мактабда ўқиганда ҳам 1982-1988 йилларда Тошкент шахар Шайхонтоҳур туманидаги "Орзу" чарм-галантерей ишлаб чиқариш бирлашмасида фаолият юритганида ҳам чакмоқдек феъл билан ҳаммани ром этган. У беварқликни кўтара олмайди. "Орзу"да муҳандис-технолог вазифасида ишлаганида ҳам одамлар билан ишлай олмиш қобилияти кўл келди. Кимни "опа" деди, кимни "сингилжон" деб тўғри йўлга солди.

1991 йилда Тошкент Давлат техника ўниверситетини муваффақиятли тамомлади. Малякали мутахассис меҳнат фаолиятини Термиз шахар аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш "Саодат" ишлаб чиқариш корхонасида қадрлар бўлими бошлиғи сифатида давом эттирди.

У қаерда фаолият юритмасин турмуш ўртоғи Худойкул Курбонов доим кўллаб қувватлади. Шарипахон 1999-2004 йиллар давомида Ангор туманидаги "Феруза" ишлаб чиқариш корхонасида бош муҳандис бўлиб ишлади. 2005 йилдан эътиборан турмуш ўртоғи билан бирга "Курбонов Абдулҳамид" фермер хўжалигини ташкил этди. Фермер хўжалигида паррандачилик, чорвачилик, пахта ҳамда галла етиштириш мўлжалланган. Бу хўжаликнинг 100 гектарга яқин ер майдони бор. Шарипахон турмуш ўртоғи билан биргаликда шу ерларни обод қилишга, мол-ҳол, паррандаларни кўпайтириб, одамларни иш билан таъминлашга астойдил бел боғлашган.

Кўпчиликнинг дуосини олган бу оила маҳалладошларига, муҳтожларга доим кўмак бериб келади. Шарифахон Курбонованинг ширин сўзи, меҳрибонлиги сабаб, ишбилармонлигига донолиги, ташкилотчилигига талбиркорлиги учун уни Ангор тумани марказидаги "Дўстлик" маҳалласи аҳолиси раис этиб сайлашган.

Мана 20 йилдирки Шарипахон шу эл хизматида. Турмуш ўртоғининг доимо кўллаб-қувватлаб келиши, кўмаги туфайли қаҳрамонимиз оилада ҳам, жамоат ишида ҳам бахтини топти. Уч нафар фазанди унинг фаҳри ва қувончидир. "Ниятим-етти хазинанинг бири ҳисобланган паррандачилик соҳасини ривожлантирсам туман аҳолисини гўшт тухум билан таъминласам. Чорвачилик фермаминизда парвардиш қилинаётган чорва моллари сонини кўпайтириб гўшт сўт маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарсам дейман. Яна бир ниятим фарзандларим ҳам отаси ва мен сингари одамлар хизматини қилиб эл назар солган Ватан равнақида ҳисса қўшадиган одамлар бўлиб етишсалар дейман". Шарипахоннинг бу орзу-ниятлари ижобат бу ишига шак-шубҳа йўқ. Чунки — унинг орзулари пок, ниятлари ойдин. Эзгу-ниятлар эса албатта амалга ошажақ.

Гўзал бордир гўзаллардан энёда,
Унинг хизматида юртинг келади.
Одобли, икромли, хуш-хулқ озода,
То ўлгунча бирга бўлгинг келади.





САНАМЛАР САРВАРИ

Санам Курбонова. Бу исм-шарифни бутун Сурхондарёликлар турур билан тилга оладилар. Истиклол берган бахт туфайли «Меҳнат шuhrat» ордени соҳибаси, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвалдор” унвонига сазовор аёл у.

Ўша олдий сут соғувчи Санам опа, эндиликда мамлакат чорвалдорлари анжуманлари иштирокчиси, фаоли. Юрт чорвасининг тақдирига, жавобгар инсонларининг бири. У иш фаолиятини Кумкўртон туман Москва қолхозидан — сут товар фермасида сут соғувчиликдан бошлаган. Хозирда Кумкўртонда энг номдор ширкат хўжалиги бўлган С. Бойматов ширкат хўжалигида бош пудратчи.

2006 йилдан фермер хўжалиги раҳбари. Санам опанинг ушбу ютуқларида турмуш ўртоғи, меҳаник Холмурод Курбоновнинг хизмати катта. Уларнинг уч ўғил, бир қизлари бор. Ўғли Шuhrat отаси касбини давомчиси, меҳаник бўлди. Қизи Замира 5 мактаб ўқитувчиси. Ўғли — Шерали ширкат хўжалиги аъзоси. Ўғли — Ўрол Термиз Давлат Университети талабаси.

Санам Худойназаровна камтарини, тўғри сўз, қўл остидаги ишчиларга нисбаттан доимо ғамхўр, меҳрибон. Шунинг учун қўл остидаги ишчилар хурмат ва эҳтиром билан қарайдилар. Таъбиқки хозирги кунда турмуш даражаси ва сифатининг тобора ўсиб бориши ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, унинг меҳнатини ҳолисона баҳолаш ва рағбатлантириш масаласига улкан ғамхўрлик билан қарамоқда. Бугунги кун чорвалдори жамиятда ўз ўрни ва қадр-қимматга эга. Шундай санамлар сарвари Санам опата сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадони ва фермасига файзу барака тилаймиз.



ТАЪЛИМ УЎҚЛАРИДА

Маррифатпарвар аъллома Абдул্লা Авлоний ёш авлод таълим тарбиясини «Ҳаёт ва мамот» масаласи деяр бу шарафли касбнинг нақадар улуглигини таъкидлаган. Ҳалима Курбонова шарафли касбни ардоқлаб, эъозлаб келаётган устоз мураббийлардан.

Курбонова Ҳалима 1942 йилнинг 5 июлида Пошхурт қишлоқ уюшмасига қарашли Вандоб қишлоғида таваллуд топан. 1950-1960 йиллари Ангор туманидаги 32-сон ўрта мактабда таълим олди. 1961-1966 йиллари Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих филология факультетида ўқиди. Педагогик фаолиятини 1966 йилда Ангор туманидаги 31-сон ўрта мактабда ёшларга таълим беришдан бошлади. 1967-1987 йиллари Шеробод туманидаги Агроесервис илм масканида фаолият юритди. 1987 йилдан Музабод туманидаги 33-сон ўрта мактабда ёш авлодга таълим бериб келмоқда. Ҳалима Курбонова иш фаолияти давомида бошланғич синфлар учун «Диктантлар тўплами», 2-4 синфлар учун «Математикадан ёзма ишлар тўплами» дарини ёзди. Бу тўплам, қўлланмалар туман мактабларининг барчасига омағалаттирилган. 1994 йилда Ҳалима Курбонова Ҳалқ таълими аълочиси фахрий унвонига, 1996 йилда эса Олий тоифали ўқитувчи, 1999 йилда «Шuhrat» медалига сазовор бўлди. Ҳалима опа 7 фарзанднинг меҳрибон онаси, 15 набиранинг суоқли бувижониси. Турмуш ўртоғи “Ҳалқ таълими аълочиси”, “Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими” Одинақул Бозоров туман «Нуронийлар» жағфармаси раиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Улар фарзандларининг Ватанга муносиб инсонлар қилиб тарбиялаб воғта етказдилар. Дейдиларки: устоз юрган йўлларда ёруғлик кўпаир экан, ҳарорат кўпаир экан, яхшилик кўпаир экан. Устоз боستان изларни эзгулик шабадалари зиёрат

килар экан. Дов-дарахтлар, гул-гунчалар яшил барглари, жонбахш ифторлари ила устозга эҳтиром билдирар эканлар. Биз “Халқ таълими аълочиси” устоз-мурабий Ҳалима опа Курбоновата ёш авлодга таълим беришдек шарафли ва заҳматли фаолиятларида янги-янги зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Илму ирфон бўстониди,
Гуллар ҳамроз бўлсин Сизга.
Нур алёрлар ҳамроҳ бўлиб,
Ул навоси бўлсин Сизга.



Кўзиева Ойсоат



МАҲАЛЛА ФАҲРИ

Кўзиева Ойсоат Тўраевна 1966 йил 29 ноябрда Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрида туғилган. Маълумоти ўрта-маҳсус. 1983 йилда Фафур Ғулом номи 6-ўрта мактабни тугатиб, Жарқўрғон тумани 215-техника билим юртига ўқишга кириб, 1984 йилда муваффақиятли битирди. 1984 йилда Денов туман «Ҳийстон» маҳалласига келин бўлиб тушди. Иш фаолиятини 1984 йилдан Амир Темуր ширкат хўжалигида ишчи вазифасидан бошлади. 1990-1992 йилларда туман истеъмолчилар уюмасида тикувчи, 1995-1997 йилларда туман марказий касалхонасида хўжалик бекаси, 1997-1999 йилларда туман “Нилуфар” кичик корхонасида хисобчи, 2000-2001 йилларда Амир Темуր ширкат хўжалиги котиби, 2001-2003 йилларда маҳалла фуқаролар йиғинида котиба вазифасида ишлади. 2005-йил август ойидан бери то ҳозирги кунга қадар «Ҳийстон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Турмуш ўртоғи Алимарлонов Шерали 1962 йилда туғилган. Кизи Алимарлонова Дилноза 1986 йилда туғилган, туман маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги «Пистамозор» қишлоқ фуқаролар йиғинида клуб мулири бўлиб ишлайди. Кизи Дилрабо 1987 ва ўғли Алимарлонов Фаррух 1988 йилда туғилган, туман халқ банки ходими, кизи Нормуронова Дилдора 1991 йилда туғилган.

Отаси — Кўзиев Тўрамурад 1924 йилда туғилган, 1999 йил вафот этган. Денов тумани гўшт комбинатида бош хисобчи бўлиб ишлаган. Онаси — Кўзиева Зубайда 1928 йилда туғилган, 1982 йил вафот этган. Уй бекаси бўлган.

Мавланлар ичра мавланимсан, Ватаним!
Чаманлар ичра чаманимсан, Ватаним!
Ўзбек деган ор-номусим, имонимсан, Ватаним!
Менинг мушфик онажонимсан, Ватаним!
Сени соғинаман бир пас кўрмасам...



ЮЛДУЗИ ЧАҚНАГАН АЁЛ

Қўлдошева Шахноза Абдуллазизовна 1976 йил 26 июлда Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида энгил оиласида туғилган. 1982-1983 йилларда Термиз шаҳар А.Навоний номидаги 11-мактабда ўқиган ва илмий таълим олиган 1992-1993 йил март ойида ўтказилган иқтисодий фанларнинг 1 ва 2 шўбаларида "Экология" фани бўйича қатнашиб, Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги томонидан Фахрий ёрлик ва кўчрак нишони билан тақдирланган. 1993-1998 йилларда Термиз Давлат университетини илмий таълим олиган.

1997 йилда Ўзбекистон номидан Давлат стипендиаси соғириндори. 1998-2001 йилларда Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси "Умумий ва илмий" кимё институтини аспиранти. Экология мутахассислиги бўйича "Оролининг экологик муаммоларини хал қилишда ушбу таълим тузилмасида қўйилмаган асосида кимёвий мутахассислар" мавзусидаги номзодлик диссертация ўз вақтида устози проф. А.О. Азизов раҳбарлигида халқ билан.

Аспирантурада тахсил олиш мобайнида илмий ишга, фанларга бўлган қизиқиши туфайли номзодлик минимумларини аъло баҳога тўлиқлади. Республика ва халқаро илмий анжуманларда давралини энт долзарб экологик муаммолари ва уларни бартараф этиш мавзусида ўз маърузалари билан иштирок этган. Телевидение, радио ва матбуотда ҳам ушбу мавзуда чиқишлар қилган. Жамиятдаги фаол иштирокчини ижобий баҳолаб, Тошкент шаҳар Ўзбекистон тумани ҳокимияти томонидан 2000 йилда Ўзбекистон тумани "Ёш олимлар" аъзоси этиб сайланган.

Илмий таълимни мукаммал ўрганиб, 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан АҚШ Кент университети профессорлари ҳамкорлигида "Хавфли ва захарли моддалар курси" дастури асосида диплом-сертификатини олишти эришган.

2001 йилдан буён ўз илмий фаолиятини Термиз давлат университетини, экология ва табиатдан фойдаланиш кафедрасида давом эттирмоқда. Шунингдек, таълим ёшларга етарли билим бериш, уларга даъват қилишнинг замонавий методларидан фойдаланиб, маънавий илмий саноатини ошириш йўлида бир қатор ишлар қилишга эришмоқда. Ҳар бир ўқитувчи давралини муаммолари маърузалар, электрон давралилар асосида ўқилишини ташкиллаштириш билан биргаликда унинг "Иқлимшунослик ва экологик мониторинг", "Экологик саноат ва барқарорлик масаллари" "Экология ва Т.М.Қ.", "Кимёвий экология" каби мутахассис фанлар бўйича маъруза матнлари, саволномалари университет кутубхонасида таълабалар қўлланма сифатида фойдаланмоқда. Шу билан биргаликда давралининг долзарб минтақавий муаммоларини ўрганиш учун долзарб масалалар, шунингдек "Экология кеча, бүгүн, эртага" тўғрисида раҳбари. Ҳар йили битирувчи талабаларининг илмий, оммавий, маънавий ишларида раҳбарлик қилади.





Курбонова Адолат

НУРГА ТЎЛДИР ЮРАКЛАРНИ

Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилияти, эҳн-заковати, тиришқоқлиги, энг аввало, унинг онаси, қолаверса, тарбиячилари ҳаракати, матонати, меҳру-саложати билан боғлиқ эканлиги, табиий. Шу бонс ҳам аёлга эътибор, аёллар интилишлариға, қизқиншлариға йўл очиб бериш буғунги сиёсатимизнинг ҳам устивор йўналишларидан бириға айланиб бормоқда. Адолат Курбонова ёш авлод тарбияси учун қуёниб меҳнат қиладиган заҳматқаш педагоглардан. У болаларни жула севади. Асгида ҳам энг яхши педагог болани яхши кўрадиган педагогдир. Унинг тарбияланувчилари ундан кўрқинмайди, ундан ҳайқинмайди, балки унга интилишди, унинг меҳр тўла кўзларини, бол тўла сўзлари ёш қалб эгаларини нақадар хурсанд қилди. «Ёмон бола бўлмайди», — дейди Адолат опа-қалбита фақат ва фақат яхшилик уруғини сочин керак. Ёмонликлардан асраш зарур» ҳақиқатдан ҳам Адолат опанинг иш фаолиятини кузата туриб инсон тарбиясида эзгулик, ҳақиқат, адолат, меҳр, саховат, оқибат тушунчаларининг қанчаллик теран моҳият касб этишиға яна бир бор амин бўласан киши.

Адолат Курбонова 1957 йил 14 апрел куни Сурхондарё вилояти Сарисий туманида дунёға келган. Отаси Шафи Хусанов 1932 йили Сарисий туманида дунёға келган. Шу туманда мол тайёрлов МЧЖ да ишчи бўлган. Ҳозирда эса нафақала. Онаси Хусанова Назокат 1939 йилда туғилган. У асосан 5 та боласининг тарбияси билан шуғулланиш билан машғул бўлган, болаларининг ҳаммасини энгил-марифатли инсон қилиб тарбиялашни ўзининг энг олий мақсади деб билган. Меҳрибон она ўз орзу-ниятиға эришди. Адолатхонининг синглиси Робия ва укаси Баҳром талбиркор, яна бир синглиси Саодат ва укаси Шокир мактаб ўқитувчиси.

Адолат Курбонова аввал ўрта мактабни 1993 йилда эса Термиз Давлат Университетининг тарих факультетини тамомлади.

Термиз шаҳар Адвокатурасида адвокат бўлиб ишлайдиган Абдуқодир Курбонов билан турмуш қургач, қайноғаси Хуррам Курбонов ва қайноғаси Ойсанам Курбоновларнинг меҳри ва кўмаги билан жамиятда ўз ўрни ва мавқеини топишға эришди. 1976 йилда Сарисий туманидаги 68-сонли мактабда иш юритувчи; 1976-1977 йилларда 68-мактабда катта етакчи; 1977-1986 йилда 45-сонли мактабда етакчи давозимларида ишлади. 1986-1987 йилларда меҳнат тажрибаси ошган Адолатни Ангор тумани Ёш натуралистлар масканида тўғарақ мудир этиб тайинлашди. 1987-1992 йилларда Ангор туман 2-болалар боғчасида услубчи, 1992-1993 йилларда Ангор туман халқ таълими бўлими услубчиси, 1993 йилдан хозирға қадар эса Ангор туманидаги 1-сон «Семурх» мактабгача таълим муассасаси мудираси давозиминида ишлаб келмоқда. Тўртта фарзанди бор: ўғли — Курбонов Муҳиддин 1980 йилда туғилган. Термиз шаҳрида молия бўлимида ҳисобчи; қизи Нилуфар Курбонова 1981 йилда туғилган; қизи Махфуза Курбонова 1986 йилда туғилган Термиз давлат университетидида ўқийди; ўғли — Шохислом Абдуқодиров 1990 йилда туғилган. Тошкент Давлат юридик институтининг II-курс толиби.

Адолат Курбонова ҳам меҳрибон аёл ҳам фаол жамоатчи сифатида ҳавас қилгулик фазилатларға эга. Давлатимиз томонидан унинг хизматлари тақдирланди:

2007 йил унга «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони берилди. Қуйидаги шечр Айни Адолат Курбонова учун ёзилгандек кўринади:

Сен-эзгулик, неқбинлик рамзи,

Сенда бари ҳаётбахш, тўзал.

Қилич эмас бу қошлар асти,

Жаллод эмас, жонбахшир кўзлар.

Нафасингдан тозарар хаво,
Қадамингдан яшнайдил замин.



БАРҚАМОЛ МИЛЛАТНИНГ КОМИЛ ТАРБИЯЧИСИ

Тарбияга бел боғламаса, аниқликки, юрт келажати бой берилади. Фарзандларни фидойилikka йўналтириш, илм-фанга кизиқтириш, Ватан равнақи учун, курашга чорлаш ҳар бир ота-онанинг, ҳар бир устознинг, қолаверса, маҳалла кўй, умуман бутун миллатнинг масъул вазифасидир. Меҳнати ақл-ғайрати билан юрт фарзандлари тарбияси учун хизмат қилаётган Хайринисо Қиличевани иймон ва иродаси мустаҳкам аёл, фидоний раҳбар, атрофдагиларга меҳр-муруватли олийжаноб инсон, энг асосийси, миллатнинг ҳақиқий тарбиячиларидан, дейиш мумкин. Унинг қисқа, аммо ҳавас қилтулик таржимаи ҳоли билан танишган киши бунга иқрор бўлади. Қиличева Хайринисо 1950 йил 10 январда Термиз тумани Мангузар ҚФЙ ҳудудида туғилган.

1966 йил мактабни тугатиб Термиз Давлат Педагогика институтининг тил ва адабиёти факультетига ўқишга кирди.

1970 йил ўқишни имтиёзли диллом билан тугатиб, ўзи ўқиган қадрдон мактабга ўқитувчи бўлиб, ишлаган. Кейинчалик илмий ишлар бўйича мактаб директор ўринбосари бўлиб ишлай бошлади.

1976 йилда Термиз туманидаги Янги қурилган «Бойчечак» болалар боғчасига мудира этиб тайинланди.

1985 йилдан Янгиқариқ ҚФЙ муовини бўлиб ишлай бошлади. 1989 йил яна мактабга қайтди.

1991 йилдан Термиз туманидаги 21-мактабга директор этиб сайланди.

1993 йил май ойидан 1998 йил май ойигача Янгиқариқ қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси вазифасида ишлаб келди. Бу даврда қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуди маҳаллаларга бўлиниб, Янги тизим иш бошлади. Бу ишларни қонун доирасида ташкил қилиш, йўлга қўйиш билим ва меҳнат талаб қилади.

1998 йилда Янгиқариқ ширкат хўжалиги идорасини мактаб ва болалар боғчаси билан узвий боғлаш ҳамда келажак авлодни тарбиялаш мақсадида янгиликлар яратиб, уч километрлик йўлни асфальт ётқизилиб мактаб ва болалар боғчаларига бориладиган чанг, уйдим йўлларни текис, раван йўлларга айлантиришда бош қол бўлди.

1998 йил май ойидан Термиз туманидаги жонажон мактабига яна қайтди. 16-мактабга директорлик вазифасида ишлай бошлади. 2000 йилгача мактабда ўқув-тарбиявий ишларини йўлга қўйиш, таъмирлаш, иситиш системаси, кўкаламзорлаштириш ва бошқа соҳаларда катта ютуқларга эришилди. 2000 йили мактабнинг 16 та битирувчиси Олий ўқув юртларига ўқишга кирди. 2000 йил сентябр ойидан қариллик нафақаси таътини неваралари кучюғида ўтказмоқда.

Хайринисо Қиличева тарбия борасидаги олий мақсадларини олиси ён атрофларидати ёшларга ўргатишда ўзини маъсул деб билиб келмоқда. Ҳозирда 5 нафар фарзанди ва 7 нафар невараси бор. Фарзандларининг ҳаммаси олий маълумотли, ҳаммадари халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилиб келмоқда. Улар меҳрибон ойиждонлари фидойилигини давом эттиришда астойдил бел боғлашган.





САОДАТ МАНЗИЛИ

Дунёда одам боласи борки орзу-умидлар қучоғида умргузаронлик қилади, фарзандлари ҳаёти боғини садарайхондир, албатта ҳар кимнинг илк истаги вояга етгач, оила қуриб ҳаёт давомчилари — фарзандлик бўлиб уларнинг икболини кўриш. Бирок, одам боласи бу дунёга синов учун, қўллаб дардлар билан қурашиб уларга шифо излаб заҳмат чекиши учун ҳам келар экан. Дано халқимиз «Дард борки шифоси бор», дейди. Бу борада энг кутлуғ касблардан ҳисобланган шифокорлик касбини ардоқлаб фаолият юритаётган мунис Ватандошларимиздан бири — Равно Қиличева бўладилар.

Равно Қиличева 1957 йилнинг 1 мартида Термиз туманида таваллуд топган. У тумандати Янги ариқ жамоа хўжалигида ўсиб-ўлғайди. 1964-1974 йилларда 16-сон умумўрта мактабда таълим олди. Равно тиббиёт олийгоҳига ўқишга кириб, уни 1980 йилда муваффақият билан якунлади. Равно Қиличева 1980-1983 йилларда вилоят туғриқхонасида врач-ординатор вазифасида ишлади. 1984-1992 йилларда Термиз туман I-сон марказий шифохонасида туман бош акушер-гинеколог, туғриқ мажмуаси бўлим бошлиғи вазифаларида фаолият юритди. Равно Қиличева 1992 йилдан буён С. Салимов номи вилоят «Жайронхона» Физиотерапия шифохонаси гинекология бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда. Оилада бефарзандлик муаммосини бартараф этиш борасида Россиянинг Харьков шаҳрида махус малака ошириб келган Равно Қиличева куч-ғайратини бу жабҳадаги муаммоларни ҳал этишга сафарбар этиб келмоқда.

— «Сиз истаган аёл зотида сўраб кўринг-чи, у ўзини қачон бахтиёр санайди. Хатто бўйи етган қизлар ҳам турмушта чиқсам, ўғлим ёки қизим бўлса, исмини шундай қўлман деб исм танлаб

юришади. Етмишдан ошган момом ҳам фарзандлари дийдорини кўрса, қандайдир жонланиб, меҳрда талпинилади. Бефарзандлик азоб. Ўзим ҳам орада фарзандлик бўлолмай, кўп қийналганман. Бефарзанд аёл ҳуржак охта ўхшайди. Давралардан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолади. Мен турур ила қайд этишим керакки шифохонамизда бу каби муаммолар ечими самарали бўлмоқда», — дейди у.

Дарҳақиқат, қисқа давр мобайнида бу муаммо билан Равно Қиличева бўлимга мурожаат этган аёллар хонадонни чақалоқнинг жонбахш овозига тўлиб кетмоқда. Фаранд — улғу неъматдир. Равно Қиличева ҳам сеvimли она. Турмуш ўртоғи тадбиркор Эркин Баҳрамов билан бир қиз ва икки ўғлини Ватанга муносиб фарзандлар қилиб вояга етказишмоқда. Қизи — Баҳрамова Шаҳно Тошкент Давлат жаҳон тиллари институтини битириб, Термиз Олимпия заҳиралари коллежиде ёшларга сабоқ бермоқда. Ўғли — Отабек Баҳрамов Термиз академик лицей толиби. Иккинчи ўғли — Азизбек Баҳрамов вилоят футбол мактаби ўқувчиси.

Биз халқимиз хонадонларига фаранд неъматидек муборак бахтни бахшида этишда жонбозлик қилаётган шифокор Равно Қиличевани эзгу ишида муваффақиятлар тилаб қоламиз.





ЭЛ СУЙГАН ВА ЭЛНИ СУЙГАН АЁЛ

Қосимова Санобар Саломовна 1953 йил 29 декабрда Сурхондарё вилояти Бойсун туманида дунёга келган. Отаси — Салом Қосимов фаол, меҳнаткаш инсон бўлган. Турли раҳбар лавозимларида ишқидилдан меҳнат қилган. Бойсун туманида ичимлик сувини шаҳарга қувурлар орқали хонадонларга олиб келиш ишларида етакчилик қилган. Салом аканинг хизматлари давлатимиз томонидан бир неча бор тақдирланган. Санобархоннинг онаси Пардахоҳ ая 10 нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараган. Уруш йиллари эса икки нафар етимни ҳам бошини силаб, уйи-жойи қилган мунис онадир. Қарамонимиз мана шундай меҳридарё, фидойи ота-она кўлида тарбия топган. Ва барча яхши фазилатлари, одамийлиги, тиришқоқлиги ота-она меросдир. Санобархон болалигидан ўқитувчи бўлишни орзу қиларди. Аммо тақдир тақозоси билан 1970 йилда Термиз тиббиёт техникумининг доришunosлик бўлимига ўқишга кириди. Ушбу дароҳуни 1972 йилда тамомлаганидан сўнг Бойсун туманидаги дорихонада доришunos бўлиб ишлайди. Бу ерда ҳам одамларга ёрдами тегатганини биллиб кўнгли анча таскин тонали. Лекин, доришunosлик бошқа, муаллимлик бошқа. Кўнгли амрита қарши бориш осон иш эмас. Ёшликлари орзуи уни барибир тинч кўймайди. Санобархон 1987 йилда Термиз Давлат университетининг педагогика ва бошлангич таълим методикаси факультетига ўқишга кириди. Ушбу дароҳуни 1993 йилда тугатганидан сўнг мактабда ўқитувчилик қилади. Директор ўринбосари лавозимига кўтарилди. 1997 йилдан эътиборан Бандихон «Бизнес мактаби»да маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлайди. Олий тоифали ўқитувчи сифатида ёшларга сабоқ беради. Санобархон Бандихон маҳалласида маслаҳатчи вазифасида ҳам фаолият юритади. Маҳаллаошлари унинг куйди-пиштилигини, ҳар

бир ишта алоҳида масъулият билан ёндошишини яхши билишляди. У йиғин-анжуманлар уюштиришга бел боғласа, ҳамма баб-бараварита киришляди. Бефарқлар қолмайди. Ота-онаси, момосининг ўттиларита амал қилиб, халқига, ватанига филойилик билан хизмат қилади. У «Эл хизматини қилсанг, юкинг ерда қолмайди» дея ўқтиришган улар. Санобархон бу ўттиларни ҳам ёшларга тез-тез эслатиб туради. Беш нафар фарзандини ҳам шу руҳда тарбиялай олган. 6 нафар шириндан-шакар наवरалари бувижонисининг мазмунли, ҳаётйй эртақларини тинглаб катта бўлишмоқда.

Ота дуосини олган, ота изилан кетган Санобар Қосимова учун бетога йўқ. Барча ўқувчилари ўзининг житаридек бўлиб кетган. Шундан бўлса керак хонадони доим меҳмонлар билан, ўқувчилари, ҳамкасблари билан гавжум бўлади. Бу ерта ташриф бюурган инсон борки, зиё нуридан, меҳрдан, кўтаринки кайфиятдан руҳланади. Хонадоннинг азиз бекаси — Санобархоннинг нулли чеҳрасидан кўнгли ёришляди. Эл суйган ва элни суйган бундай аёлларимиз янала кўп бўлсин, дея ниёт билдирамиз биз ҳам.



Қодирова Муъссар



ЎЗИНГИЗ ГУВОҲ БЎЛАСИЗ

Қодирова Муъссар Жумаевна 1962 йил 26 октябрда Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида туғилган. 1986 йил Тошкент Медицина институтини даволаш ихтисослиги бўйича тамомлаган. 1986 йилда вилоят 1-сон катталар поликлиникасида тажриба ўтаган. 1987-1988 йилларда вилоят соғлиқни сақлаш бўлимида врач-диетолог, 1988-1998 йилларда Термиз шаҳар 3-поликлиникаси терапия бўлими бош терапевти, 1998-1999 йилларда Термиз шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудираси вазифаларида ишлаган. 2003 йилдан ҳозирги кунга қадар вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Муъссар Жумаевна 2002-2003 йилларда “Саломатлик” лойиҳаси доирасида Буюк Британиянинг Халқаро Ривожланиш Департаменти мутахассислари ҳамкорлигида ишлаб чиқилган умумий амалиёт врачларини тайёрлаш дастури асосида ташкил этилган ўқинишда ўз малакасини оширди. Бу унга жуда катта тажриба келтирди.

Турмуш ўртоғи Маматмуродов Сафар, «Семанко» ИТИ вилоят филиали директор ўринбосари лавозимида ишлайди. Кизи — Маматмуродова Нилуфар 1982 йил Термиз шаҳрида туғилган. Шаҳардаги 13-мактабда ўқитувчи. Ўғли — Маматмуродов Феруз 1986 йилда туғилган. Термиз Давлат университети талабаси. Бу икки фарзанд ота-онанинг кўз нури келажакдир.

Муъссар Жумаевна 2007 йилда «Соғлиқни сақлаш аълочилиси» нишони билан тақдирланган.

Касаба уюшмасида ишлаш — инсон соғлигини ўйлаш, уни химоя қилиш, ҳолидан хабар олиш демакдир, унга маҳрини бериш демакдир. Муъссар Қодирова ана шундай «Меҳри раҳбарлардан» биридир. У билан учрашсангиз, бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз.

Қорасева Ҳосият



ОТА ДУОСИН ОЛИБ

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган бу аёл дом олдига интилиб яшайди. Йўқ, йўқ у ўзини турли хом ҳаёллар билан алламайди, осмондаги кўл етмас юлдузларни кўзламайди. Шу замонда, шу заминда ўтаётган кунларнинг сарҳисобини қилиб, келажак учун режалар тузди. Аммо режаларини амалга оширишга ўраганган. «Қониди бор лейишадн» бундайлар ҳақида...

Қорасева Ҳосият Ўроқовна Сурхондарё вилоят Денов туманидаги ҳозирги «Ўроқ Қорасев» маҳалласидаги «Шарк ҳақиқати» кишлоғида 1939 йил 1 сентябрда дунёга келган. Отаси Ўроқ Қорасев жамoa хўжалигини 25 йил ранс бўлиб бошқариб келган. У кишининг шижоатли меҳнати, олампарварлиги-но ишбилармонлиги ҳали ҳам унутулмаган. Забардаст, бир сўзга, дангал ранс ўз хўжалигини энг қийин даврларда ҳам қатъият билан бошқариб, фуқаролар фаровонлигини биринчи ўринга қўйган. Қаҳрамонимиз Ҳосият Қорасева ана шу кишининг фарзанди. Қиз ота-изидан бориб, одамлар учун, келажак авлодлар баркамоллигини ва тарбияси учун ўзини жавобгар сезиб меҳнат қилмоқда, яшамоқда.

Ҳосиятхон 1964 йилда Бухоро вилоятидаги Педагогика институтини муваффақиятли тамомлаган бўлсада, меҳнат фаоллигини анча илгари бошлаган. 1956 йилдан эътиборан 5-7 синф ўқувчиларига она тили ва адабиёти фанидан сабоқ берди. Шижоат ва интилувчанлик ота мерос демаликми, ўша илк устозлик қилган кезаридаёқ у ҳамкасблари олдига ўзгача бир ҳурматта, шогирдларининг эҳтиромита эришди. Ҳосиятхондаги битмас туланмас қувват, гайрат атрофдагиларни ҳам илҳомлангирар, илгарига интилишларига сабаб бўларди. «Қиз бола — палаҳмон тоши» дейишди. 1957 йилнинг айни ёзида Нурмамет Аҳмедова турмушта чиқди. Сўнг бирин-кетин саккизта фарзанд дунёга келди. Қарангки, саккиз фарзанднинг ҳаммаси олий маълумотли бўлиб, турли лавозимларда элга хизмат қилмоқдалар.

Бирлари шифокорликни танлаган бўлса, иккинчилари педагогика соҳасида фаолият юритмоқдалар. Ҳосият опанинг турмуш ўртоғи ҳам оилавий анъаналар чекинмай, узюк йиллар давомида тумандати атропромда бош ҳисобчи бўлиб ишлаган. Ўз ишининг устаси ва устозига айланган замондошларимиздан бири.

Самарали меҳнат, фидойилик медалларини бермай қолмайди. Ҳосият опа 1979 йилдан эътиборан I-сонли умумий ўрта таълим мактабига директор этиб тайинланди. Таъбиркорлик отамерос эмасми, директор биринчи навбатда мактабни иқтисодий жиҳатдан оёққа турғазига бел боғлади. Оралдан бир йил ўтмаёқ икки тектар ер олиб, бир тектарида боғ барпо қилди, яна бир тектарида ўқувчилари учун спорт шаҳарчаси ташкил этди. Сўнг бирин-сирин «қуёнчилик», «чорвачилик» фермалари яратилди. Мактаб бюджетидан ташқари топган маблағлари ҳисобига бинони қайтадан жиҳозлаб олди, ўқитувчи ва ўқувчилар рабатланттирилди. 1980 йилнинг ўзидаёқ ўқувчилар ёзи таътилда дам олишлари учун оромтоҳ ташкил этилди. У ҳозирги кунга қадар фаолият юритиб, келмоқда. 2008 йилнинг ёз фаслида ҳам мактабнинг 100 нафар ўқувчиси мазкур оромтоҳда дам олган, соғлигини мустаҳкамлаган. 1989 йилдан буён мактаб 0,70 гектар боғи, 02 сотих лимонарийсидан келтирилган даромаддан фойдаланиб, ўз-ўзини бошқариб келмоқда.

«Халқ маорифи аълочиси», «Дўстлик» ордени нишондори Ҳосиятхон Қорасева раҳбарлигидаги бу мактабнинг донг-дароғи туман, вилоят четарасидан ташқари чиқиб, республикада ҳам обрў-эътибор топган. Ўқувчилари туман, вилоят, ҳатто республика фан олимпиадаларида фақат етакчи ўринларни эгаллашади. Ушбу илм даргоҳининг ўқитувчилари ҳам вилоятда, республикада ўтказилган танловларда, анжуманларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар. Ўқувчиларнинг 50-60 фоизи олий ўқув юрталарига ўқишга кириб, таҳсил олишмоқда. Шу йили «Олимпиада мактаби» дея ном олган ушбу даргоҳнинг туманда бир неча филиалларида иш юритмоқда. Асосий бино ёнида эса кўшимча спорт хонаси, ва спорт зали қуриб, ишта туширилди. Бу бари ютуқларнинг орқасида эса фидойи, кўнгли кенг ва юратига ўти бор ҳосият опа турибди. Ота дуосини олган, халқнинг назарига тушган, кекса-ю ёшнинг ҳурматида сазовор бўлган бу ҳосиятли аёлнинг умр йўли савоба, эҳтиромга, зиёга тўла. Ҳорманг энди, Ҳосият опа!



Ғисоева Зулфия

МАЛАК НУРЛАРИ БОР УСТОЗ КЎЛИДА

Улуғ аллоҳларимиз: "Таълим бергувчи устоз кўллари фарштаннинг кўллари кабилдир. Чунки у шу нафис кўллар билан шотирларни маърифат сари етаклайди", — дея таъриф беришган. Халқ морифи аълочиси, Зулфия опа Ғисоева ҳам ана шундай ўқитувчи-мураббийлардан биридир. Зулфия Ғисоева 1936 йил Шеробод шаҳрининг Окхўрон мазҳасида таваллуд топган. 1943 йилда шаҳардаги I-сон ўрта мактабнинг I-синфига ўқишга борди. Бу давр дунё халқлари бошига кўйлаб қирғинбаротлар солган "Иккинчи ғам ва қийинчиликлар даври эди. Эндигина илму урфон йўлида олимаётган мурражжина Зулфиянинг хотирасида бу йиллар бир умрга мустаҳкам муҳрланиб қолди. Бироқ, давр қийинчилигига қарамай мактабни муваффақиятли тугатиб, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг Химия-биология факультетига ўқишга кирди. Муборақ илм даргоҳини 1957 йилда тугатиб, олий маълумотли педагог бўлиб етишди. Шу йили туғилиб воята етган юрти Шеробод шаҳрининг қадрдон I-сон мактабда иш фаолиятини бошлади. Зулфия Ғисоева мактабда ёш авлодга сабоқ бериш билан бирта мактаб жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, ўқитувчи-мураббийлар орасида ўз ўрни ва ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлди. У бу йиллар давомида мактаб хотин-қизлар гуруҳига раҳбарлик ҳамда партия ташкилотининг котиби вазифасини бажарди.

1971 йилда Шеробод туманидаги Собир Раҳимов номидаги 27-сон мактабда иш фаолиятини ёшларга химия-биология фанидан дарс бериш билан давом эттирди. 1972 йили бошланғич партия ташкилотининг котиби, 1976 йилда эса мактаб касаба ташкилотти раиси, 1980-1986 йиллар давомида тарбиявий ишлар бўйича мактаб

директори ўринбосари вазифасида ишлаган. Зулфия Ғисова 1986 йилдан меҳнат фаҳриен. Умри давомида илму маърифатни ёш авлодга етказишдек муқаллас касбига садоқат кўрсатиб ишлаган Зулфия опанинг шогирдлари ҳозирги кунда Ватанимиз равнақи йўлида турли жабҳаларда фаолият юритишиб, юртимизга муносиб фаранглар сифатида хизмат қилишмоқда. Уларнинг барчаси устозлари Зулфия Ғисовадан мамнун ва миннатдорлар.

Миннатдоримиз сиздан устоз,
Маърифатни ёр эгдингиз.
Қалбимизга нурлар бериб,
Бахт-иқбол қарор эгдингиз.



Ғисова Ойтош

СИЗ СУРХОН ХАЛҚИНИНГ ҚАЛБИДА, ДИЛИДА

Ойтош Ғисова халқ манфати йўлида тинимсиз меҳнат қилиб, обрў-эътибор қозонган юртининг салоқатли қизларидан бири эди. У 1938 йил 22 февралда Шеробод районида Оққўрғон қишлоқ советида таваллуд топган. 1946-1956 йилларда Шеробод тумани марказида Макаренко номи 1-ўрта мактабда таҳсил олди ва шу мактабни олтин медал билан битириб, ўша йилиёқ Термиз Давлат Педагогика институтининг физика-математика куллиётига имтиҳонсиз қабул қилинди.

1961-1967 йилларда ўзи ўрта маълумот олган 1-мактаб ўқувчиларига физика-математика фанларидан дарс берди.

Ойтош Ғисова билимдон ва ташкилотчилиги туфайли 1967-1970 йилларда Шеробод туман партия комитетида инструкторлик вазифасида ишлагач, 1970 йилда халқ депутатлари Шеробод туман ижроия комитети раисининг ўринбосарлиги лавозимига сайланди.

Ғисова ўзи туғилиб ўстан тумани ташкил этилган дастлабки куниданок чўлқуқлар сарида туриб фаол меҳнат қилди. 1976-1985 йилларда туман партия комитетининг котиби лавозимларида ишлаб хўрмат орттирди. 1989 йил апрель ойидан умрининг охиригача туман хотин-қизлар кенгашининг раиси сифатида фаолият кўрсатди, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш, улар учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш, ёш оилаларни мустаҳкамлаш, бева-бечораларга ғамхўрлик кўрсатиш учун аёллик ва оналик меҳри билан иш олиб борди.

Ойтош Ғисова фаол жамоат арбоби фаол жамоатчи эди. У узоқ йиллардан бери халқ депутатлари район кенгаш котибчилиги қайта-қайта сайланиб келди. Айни пайтда ЎзХЛП туман кенгашининг авзоси ҳам эди. Унинг хизматлари ўз вақтида муносиб тақдирланди. О. Ғисова “Хўрмат белгиси” ордени, “Шавкатли меҳнати учун” медали ва бошқа кўлиаб мукофотлар билан тақдирланган. У кишининг номини абадийлаштириш учун ўзи яшаган кўчага О. Ғисова номи берилди.



ЭНГ ЯКИН КЎМАҚДОШ

Мамлакатимизда илму урфон маснадини ардоқлаб, ёш авлод камолоти ҳаётининг мазмунига айланган жонкуяр ўқитувчи-мураббийлар кўплаб топилди. Минглаб шогирдларнинг азиз, устози Зиёда опа Хайдарова ҳам ана шундай инсонлар сарасига мансубдир.

Зиёда Хайдарова 1949 йилда Термиз туманида таваллуд топган, Термиз шаҳардаги 11-сонли мактабнинг 8-синфини битирган, 1963 йилда Ангор педагогика техникумига ўқишга кирди. Мазкур илм даргоҳини 1966 йилда тугатиб, иш фаолиятини Термиз туманига қарашли 8-умумий ўрта таълим мактабига бошлангич синф ўқитувчиси вазифасидан бошлади. Зиёда Хайдарова юқори илм чўққиларини эгаллаш мақсадида 1974 йили Термиз Давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Бу муборақ илм даргоҳини 1979 йилда муваффақиятли тугатиб, мактабда “Она тили ва адабиёти ўқитувчиси” вазифасида ишлаб бошлади. “Нур, нур билан зиё топади”, — дейдилар. Аслида Зиёда Хайдаровага ўқитувчи-мураббийлик ота меросдир. Шу сабаб бу кутлуғ касб унга янада азиз, янада мукарамдир. Бу касбга муҳаббат унга қиблагоҳи — отаси, юртта азиз устоз сифатида танилган инсон Хайдар ота Жўраевдан ўтган. “От ўрни, той босади”, дейди халқимиз. Зиёда Хайдарова отасига муносиб ўринбосар бўлаолди. Бунинг севишли фанини ёш қалбларга етказишда ўзига хос усуллар билан ёндошиш тизимини яратганлигида намоён бўлади. Мураббийнинг бу фидокорлиги Термиз туман халқ таълими бўлими томонидан эътироф этилгандир.

Мактабда ижод завқи юратида учкун отган ўқувчи бор-ки, Зиёда Хайдарова ташкил қилган “Адабиёт тўғриси”га таълиқлади. Адабиёт хайратларга тўла буюк уммондир. Опа бу уммон хайратларини

шогирдлари юратига кўчиришни хоҳлайди, бу йўлда бор тажрибаси билан ёшларга тиргак бўлади. Кунин келиб унинг шогирдлари орасидан юртимизга танилган ёзувчи, шоирлар, журналистлар етишиб чикса ажаб эмас. Зиёда Хайдарова олти нафар фарзандини ҳам илмлар эгаллаб ўқимишли бўлишида ўз куч-қувватини аямди.

Маҳалласида ҳам Зиёдахоннинг ўз ўрни бор. Турли талбирлар, йигиндлар борки усиз ўтмайди. Зиёда Хайдарова маҳалла ва мактаб ҳамкорлигида ишларда икки томон учун ҳам кўшқанотдир. У ота-оналар ўртасида “Соғлом авлод тарбияси” мавзусида суҳбатлар, учрашувлар уюштирди. Унинг учун “бетона” деган тушунча йўқ. Барча ўқувчиларини ўз фарзандларидек кўриб, уларга меҳру муҳаббат билан ёндошиб эътибор беради. Шунинг учун бўлса керак, Зиёда Хайдарова ёнидан шогирдлар аримайди.

Қалби қайноқ, меҳри дарё, азиз устоз Зиёдахоннинг нурли орзу-умидларга қоришган эзу ишлари янада зиёда бўлсин деймиз.



Ҳамроева Шарофат



БАНДИХОНЛИК МУАЛЛИМА

Уни устоз дея ҳурмат билан тилга олишди. Маҳалладаги ёши-қарининг эътиборига, эъзозига эришган Шарофатхонни бежиз машаққатли ва оғир меҳнатни елкасига олган. Тўғри, орамизда ўқитувчи-мураббийлар кўп. Аммо ҳамма ҳам Шарофат Ҳамроева сингари болажонларнинг юрак-юрагига сингга олмайди. Уларнинг болалигидати иқтидори йиллар ўтган сайин ортаборди. У нафақат болалар даврасида, балки кўни-кўшни, маҳалла-кўй даврасида ҳам ўз сўзига эга бўлган доно мураббийга айланди. Бугунга келиб, унингсиз на мактабда, на маҳалла-кўйда тадбирлар ўтмайди. У ташкилотчи, етакчи, янгиликка ўч муаллима. 1962 йилда Бойсун туманидаги Бандихон қишлоғида туғилган Ҳамроева Шарофат Муҳиддиновна муаллимлик ота мерос десак муболаға бўлмас. Сабаби, унинг отаси Муҳиддин Ҳамроев узоқ йиллар раҳбар лавозимларда ишлаган, иш фаолиятининг асосий қисминни эса ўшларнинг таълим-тарбия жараёнига бағишлаган. Ҳозирги кунда тумандаги ихтисослаштирилган 14-мактаб-интернатда директор бўлиб фаолият юритмоқда. Онаси Ойжамол Эргашева ҳам маълум маънода тарбиячи. У ўн нафар фарзандини камолга етказди.

Шундай бир зисли оилادا вояга етган Шарофат ўқитувчилик касбинини танлаганига ажабланмаса ҳам бўлади. У 1979 йилда Термиз Давлат педагогика институтининг филология факультетига ўқишга кирди. 1983 йилда институтни муваффақиятли тугатиб, тумандаги Мичурин номи мактабга ишга кирди. Бу ерда тажриба мактабинини ўтайди. Ўз сўзига, ўз услубига эга бўлади. 1993 йилдан бошлаб Ҳамид Олимжон номи мактабда фаолият олиб боради. 2004 йилдан эътиборан I-сон умумий ўрта таълим мактабида ишлай бошлайди.

Олим тоифали ўқитувчи саналган Шарофатхон бу даргоҳда хотин-қизлар кўмитасининг раиси бўлди. Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, амалиётчи-психологик сифатида ҳам фаолият олиб борди. Мактабининг ўқувчи ва ўқитувчилар жамоаси уни ҳурмат қилиб қолиш. Жонқуяр, меҳрибон, ширинсўз муаллима қай бир тадбирини уюштирмасин, қандай йитинга бошчилик қилмасин, барча тадбирлари олқишта сазовор бўлди. На фақат ўз мактабида балки қолган энг маскалларида ҳам обрў-эътиборга эришти. Шарофатхон 2007 йилдан то ҳозирга қадар Бандихон туманига қарашли касб-хунар коллежиди ўқитувчилик фаолиятини давом эттирмоқда. Ўқувчиларининг ташаккури, ота-оналарининг ҳурмати, маҳалланинг иззати — бари-бариси Шарофатхоннинг маъқенини ошириб, йўлларини ёритиб боради. Турмуш ўртови Олим Эшпўлатовнинг қўллаб-қувватлаши 6 нафар фарзандининг муҳаббат, 5 нафар набирасининг ардоғи унинг йўлларини йўлчи юлдуздек ёритиб туради гўё.





БАРЧАГА БАХТ ТИЛОВЧИ АЁЛ

Ҳамракулова Умида 1951 йилда Бойсун тумани Кучкак кишлоғида туғилган. 1967 йилда Бойсун туманига қарашли 7-сонли ўрта мактабнинг 10-синфини битирди. 1969 йилда Бойсун тумани алоқа бўлимида телефонистка бўлиб ишлади. 1974 йилда Музабот туман Матлуботсавдо жамияти томонидан ташкил этилган 1 йиллик ўқув курсини “Сотувчилик” йўналишини битириб, 1975 йилдан то 1993 йилгача Музабот Матлуботсавдо жамиятида сотувчи бўлиб ишлади. 2004 йилдан 2006 йилгача “Ободон” кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли “Низомов” номи маҳалла фуқаролар йиғинида диний маърифат ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаган. 2006 йилдан бошлаб нафақада.

Турмуш ўртоғи Раҳмонов Тошмурад Музабот тумани Матлубот жамиятида 40 йил таъминотчи бўлиб ишлаб, ҳозирги кунда нафақада. Ўғли Саматов Шавкат Тошкент Давлат ҳарбий курсантлар тайёрлаш олий мактабини битириб, Шўрчи тумани ИИБда инспектор бўлиб ишламоқда. Қизи Жабборова Сурайё Музабот ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежининг тикувчилик йўналиши бўйича таъминлаган. Ҳозирги кунда Денов туманида яшайди. Сурайёнинг 4 нафар фарзанди бор.

Умида опа 1991 йилдан то ҳозирги кунга қадар ХДП аъзоси. 2002 йилда Американинг “САИР-Ўзбекистон маҳалла ҳаракатини сармоллаш” дастурини 3 марта Сертификатини кўлга киритиб, Фахрий ёрлиқ билан тақдирланган.

Умида опа барчага яхши ният тилайди. Шунинг учун уни эл-юрт ҳурмат қилади. Эл эъзозиди бўлмоқ бахти уни тарқ этмасин.



КЎЗЛАРИДА ЮРАГИ АКС ЭТГАН

Гул фасли баҳорда туғилган бу қизнинг исмини Гулжамилла қўйдилар. Катта-катта кўзлари маъноли бокувчи қизалоқ ҳамиша хайратлар оламида яшайди. У Термиз шаҳрида ўзи ўқиган мактабни энт аълочи ўқувчиларидан бўлди. 1967 йилда эса аъло баҳолар билан мактабни битирди. Ўша йили Термиз Давлат медицина институтининг педиатрия факультетига ўқишга қабул қилинди.

Ушбу Олий ўқув даргоҳида Гулжамилла тиббиёт фанининг сиру-асрорларини ўрганди. Илму-маърифат намояналари бўлган устозларга ҳавас билан бокиб, улардан ўрганганларини ақл ва қалб шурига жойлаб шифокор бўлиб етди. У илк марта Сурхандарё вилоят юқумли касалликлар шифохонасига ишга келган кунини, оппоқ ҳалат кийиб беморлар ҳузурига қирғандаги ҳолатини, ёшгина қизга барча беморлар «дўхтир» «дўхтир қизим», деб мурожаат қилгандаги лаҳзаларни ҳаяжон ила эслайди.

У ҳали-ҳамон ишхонаси-шифохонага учиб келади. Кечда олиасига қушдек шошилади. Аёлни бахти шу бўлса керак.

Бахтдилардан бири бўлиши Гулжамилла Ҳайитова шу шифохонада олдий врач ординатор, сўнгра бўлим бошлиғи, 1995 йилдан ҳозиргача бош врачнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари бўлиб фаолият юрймоқда. Шифохона хотин-қизлар кўмитаси раиси сифатида шифокор дўноналарининг дарддоши сирдоши керак жойда ҳимоячиси.

Гулжамилла опа турмуш ўртоғи врач Назар ака билан 4 фарзанднинг ота-онаси, 4 набиранинг бобо-бувисидир.

Мен Гулжамилла Ҳайитбоевадек аёлларнинг кўзига қараб гўзал қалб, юракни кўраман. Бу юракка меҳр ошиб кўрган. Бундай аёллар жамиятимизнинг кўрки, гурури ҳисобланади. Улар борки юрт кундан-кун боғ-бўстонига айланади. Улар борки яхшилар, яхшилик кўтади. Чунки яхшиликнинг қаноти бор. У Гулжамилла опата ўхшаши аёллар юрагидан дунё сари қанот қоқайди.



ЗИЁГА ЙЎҚРИЛГАН УМР

Умр ёш билан ўлчанмайди. У ориништа ўтирилиб қаратганингда, шундай кўз ўнгинида турлиниб турган эгу ишлар билан ўлчанали. Орамингда шундай фидоний инсонлар борки, улар ҳақида қанча тапирсак ҳам оз.

Гулбинисо Ҳайтова салкам 30 йиллик умрини ёш автода таълим-тарбия беришга бағишлаб келмоқда. Она асли Деновлик. 1961 йилнинг 27 февралда Денов туманидаги 8-март жамоа ҳўжалигида Очили бобо онласида олтинчи фарзанд бўлиб дунёга келди. 1968-1978 йиллари жамоа ҳўжалигидаги ўрта мактабда таҳсил олди. Устозни Қора Тошмуродов ёш Гулбинисонинг умр йўлларини маврифат чироқлари билан ёритиб, унинг қалбига физика, математика фанларига инебатан қизиқиш уйғотди. Дарҳақиқат, ҳалқимизда «Устоз отангдан улут» деган ҳикмат бор. Она болани дунёга келтирса, устоз унга инсоний ҳислатлар беради. Боланинг ҳақиқий инсон бўлиши тарбияга, унинг муаллимига бовариқ. Ана шундай устоз ўтишга қулоқ тутган Гулбинисо опа 1982 йилда Термиз Давлат Педагогика институтининг физика-математика факультетини нигиёзди диплом билан тамомлаб, катта ҳаётга шаҳам қалам қўйди.

Шу йили Жарқўронта келин бўлиб тушди. Илк фаолиятини Абдулла Қаҳҳор номи 24-мактабда бошлади. Муаллимлик фаолиятининг дастлабки кўнидан бошлаб болаларни табиат фани деб эътироф этилган физиканинг сирли оламига жалб этиш, илмга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида даредан бўйи вақтда тўтараклар фаолиятини жонланттириб, фанта оид қизиқарли кеча ва тадбирлар уюштириб борди.

1997 йилдан бошлаб ўз фаолиятини 15-ихтисослаштирилган мактаб-интернетда давом эттириб, унга бидирилган ота-оналар ишончини оқлади, иқтидорли, зукко болаларнинг меҳрини қозонди.

Тиниб-тинчимас муаллима машғулларини интерфаол усулларда ўтишга, илгор тажриба ва фан анигликларидан унумли фойдаланишга, кўргазмалликка алоҳида эътибор қаратади. Ўз устида қатъий ишлаши, изланиши бонс дарс ишланмалари туман, вилоят миқёсида оммалаштирилди. 2005-2006 йиллари китоб шаклида нашрдан чиқарилиди. 2006 йилда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган «Йилнинг энг яхши физика фани ўқитувчиси» Республика кўрик-танловида қатнашиб фахрли ўринни кўла киритди. 1999 йилдан Олий тоифали ўқитувчи, 2001 йил «Ўзбекистон Республикаси Ҳақ таълими аълочиси» кўрак нишони соҳибасидир. Ҳозирги кўнда иқтидорли муаллима дарсларда турли ноанъанавий усуллардан кент қўлламоқда. Дидактик материаллардан фойдаланади. Дарс бериб келаётган ҳар бир синф «Ақлий заковат-маънавий салоҳият» дарси, ҳафтада бир марта «Бинто», «Кеастер», «Кроссворд» мусобақа дарсларини ташкил этади.

Гулбинисо Ҳайтова ҳаминша давр талаблари асосида ёшларга таълим-тарбия беришда устоз бўлиш билан бирга оилада суюкли рафнка, 5 фарзанднинг меҳрибон онаси, шириндан-шакар икки нафар жажжи неваранинг суюкли бувижониси ҳамдир.





ОЗОДА

Ҳакимова Озода Амануллаевна 1965 йил 8 март куни Шўрчи туманида таваллуд топган. Ўрта мактабни аъло баҳолар билан битирган Озода 1988 йил Термиз давлат педагогика институтига сиргдан ўқишга кирди. Интилувчан, тиришқоқ Озода 1982 йилдан 1986 йилгача 36 ўрта мактабнинг ёшлар етакчиси лавозимда ишлади. 1986-87 йилларида Шўрчи туманидаги (ўша пайтдаги комсомол кўмитаси институтори), 1987-91 йиллари Қизилқум тумани комсомол кўмитаси котиби, 1991-99 йилларида Шўрчи туманидаги 36 ўрта мактаб ўқитувчиси, 1999-2003 йилгача Шўрчи туман ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси, 2003 йилдан ҳозирги вақтга қадар Шўрчи тумани ҳокими ўринбосари — туман хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимда ишламоқда. Истиқлол йиллари шарофати билан пешонасида қуёш норлаган Шўрчи тумани нафақат Сурхондарёда балки, республикада ўз ўрнига эга бўлган меҳнаткаш, маънавияти юксак инсонлар раънақи йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган, тонгларини шукроналик билан дуолар қилиб кутиб олаётган аёллар масканидир. Шўрчилик аёллар қишлоқ ҳўжалигининг барча жабҳаларида илторлиқни қўлдан бермаётган талбиркор аёллардир.

Муҳтарам, Президентимиз айтганларидек “Биз учун мустақиллик — Аллоҳнинг ўн эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларида эғалик қилиш, ҳалқимиз қўдрати, салоҳияти, ақлу-заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озода ва обод ватан қолдиришдир”. Юртимиз раҳбарининг ушбу дино сўзларини умрининг мазмунига айлантирган шўрчиликлар соғлом авлод тарбиясини муқаддас ва шарофли вазифа деб биладилар.

Шўрчилик аёллар сардори Озода Амануллаевнани бир лаҳза ҳам беғамлол юртанини кўрмайсиз. У гоҳ маҳалларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этаётган маърузачилар орасида, гоҳ шинам қилиб қурилган спорт мажмуаларида “Отан, онан ва мен — спортчилар оилам” беллашувини, гоҳ мактабларда қизлар клуби давра суҳбатлари, гоҳ ҳаётта энди қадим қўяётган ёш оилалар лаврасида, гоҳ микрокредит олиб энди талбиркорлик режаларини бошлаётган ёш талбиркор аёллар орасида, гоҳ фермерликдан дон таратган миришкорлар ҳўзурини кўрасиз. Бу ишлар Озданинг жону-дили. Чунки, у ўз касбини, бағри дарё одамларни жула-жула яхши кўради.

Озода Амануллаевна оилаги, турмуш ўртоғи Нурухон Тураев билан 3 фарзандни тарбиялаб камолта етказишмоқда. Аслида, шўрчининг ҳар битта боласи унинг боласи. Ҳар бир шўрчиликнинг ютуғидан Озданинг боши осмонга етади. Мустақиллик берган бахтни кўзларига оби кавсар этиб сўтмоқ, бу осоишта кунларни қадрига етмоқ, Ватанни иймон билан севмоқ, ҳалол меҳнат унинг умр мазмуни. Биз унга келажак ишларида омаллар тилаймиз.

Ота умрим ўтгани сайин,
Яқин келди Ватан деган сўз.
Шундан ўтган кунларим кутлуг,
Шундан келар кунларим азиз.
Ота умрим ўтгани сайин,
Юрагимга жойланди шу сўз.
Шундан кўзим нуруларга тўлди,
Шундан эртан сирланди сўзсиз.





Хошимова Дилгором

ДИЛГОРГА ОРОМ ДИЛГОРОМ

Хошимова Дилгором 1963 йил 11 апрелда Жаркўрғон шаҳрида хизматчи oilасида туғилган. 1986 йил Термиз давлат педагогика институтининг тарих факультетини битирган. 2002 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг амалий психология факультетини сиртдан тамомлаган. Мутахассислиги тарих фани ўқитувчиси, амалий психолог. ЎзЛиДеП аъзоси. 3-чақирик халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг 16-Сурхон сайлов округидан депутат бўлган. Ўзбекистон Республикаси "Халқ таълими аълочиси", унвонига сазовор бўлган.

1980 йилдан ўз меҳнат фаолиятини бошлаган. 1980-1987 йиллар 2-умумий ўрта таълим мактабида бош етакчи, тарих фани ўқитувчиси, 1998-2005 йилларда туман Халқ таълими бўлими ташхис Маркази раҳбари вазифасида ишлаган. 2005 йилнинг март ойидан ҳозирги кунга қадар Жаркўрғон туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимига фаолият юритиб келмоқда. 1998 йилда халқ таълими бўлими қошида ўқувчиларни касб-хунарда йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказида раҳбар вазифасида ишлаганида вилоят миқёсида туман кўрсаткичи рейтингга бу йўналиш бўйича туманда мавжуд 50 та умумий ўрта таълим мактаблари ва йўналтириш хоналари ва бурчаклари ташкил этилди. Уларда ўқувчилар учун касб танлаш имконияти доирасини кенгайтирувчи бarcha маълумотлар тўплами жамланди. Кўргазмалар ташкил этилди. Касб-хунарда йўналтириш учун 9-синфни битирган. "Қизиқувчилар харитаси", "Шахс йўналганлигини аниқлаш", "Шахсни коммуникативлик ва ташкилотчилик қобилиятини аниқлаш", "Деференциал-диогности сўровнома", "Касб танлаш мотивини аниқлаш", Шахс типи ва унга мос шахсларни аниқлаш" каби

методикаларни олиш ва уларни жамлаш натижасида 2000 йилда 9-синф ўқувчиларининг 121 нафар ўқувчига касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга ўқиш учун тавсифнома берилган бўлса, 2004 йилда уларнинг сони 3849 гата етди.

"Ўқувчиларни касб-хунарда йўналтириш асослари", "Ўқувчиларнинг касбтак мойилликларини ўрганишда психологик тестларнинг аҳамияти" мавзуларида Республика илмий-амалий конференцияларда ўз мавзудлари билан иштирок этган.

2004 йил сентябр ойида юқоридати хизматлари инобатта оlinиб, "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси" кўрақ нишони билан тақдирланди. 1998-2005 йилларда жамиятчилик асосида туман халқ таълими хотин-қизлар кўмитаси бошлангич ташкилоти раиси сифатида фаолият кўрсатди. 2002 йил 1 февралда туманнинг 28-умумий ўрта таълим мактабида "Таълим тўғрисида" ти қонуннинг бажарилишида хотин-қизларнинг роли ва ўрни мавзусида вилоят миқёсида амалий семинар ўтказди.

2005 йил 28 мартдан буён Жаркўрғон туман ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси вазифасида ишлаб келмоқда. Бу ўта масъулиятли лавозимда Дилгоромхон бор куч-ғайратини ишта солиб меҳнат қилмоқда. Истиқбол йиллари бarcha ўзбек аёллари тақдирида юксак бурилиш ясади. Жаркўрғонлик оналарнинг тонгги дуолари-ўзбекнинг бахтига кўз тегмасин — дея ўтаётган умридан мамнун раҳбар аёллардан биридир.

Турмуш ўртоғи Алишер Хошимов билан тўрт қиз ва бир ўғилни тарбиялаб вояга етказмоқда.





ТИНИБ ТИНЧИМАС АЁЛ

Хайитова Зумрад 1968 йилда ўрта мактабни тугатган. У иш фаолиятини Шўрчи гишт заводда ишчиликдан бошлаган. 1972-75 йилларда «Сурхон» комбинатида техник ходима бўлиб, 1975-1985 йилларда Кумкўрғон туман матлубот жамиятида дўкон мушраси, калрлар бўйича ўринбосари, 1985-1991 йилларда савдо маркази директори, 1991-1002 йилларда Кумкўрғон туман «Аралаш моллар савдоси» корхонаси директори вазифасида ишлаган. 1992 йилдан бўён «Кумкўрғон савдо» ҳиссасдорлик жамияти раисаси вазифасида ишлаб келмоқда. Мавлумоти олий, 1978 йилда Сурхондарё Гидромелиорация техникуминини, 1983 йилда Термиз кооператив техникуминини ва 1990 йилда Самарқанд кооператив институтини тугатган.

Зумрад Хайитова савдо тизимидаги узоқ йиллик меҳнати давомида катта тажриба орттириб, аҳолини озиқ-овқат моллари билан таъминлашда муваффақиятли ишлаб келмоқда.

У бошчилик қилаётган корхона фаолияти давомида фуқароларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш, уларга молдйй ёрдам кўрсатиш, нопирон ва кам таъминланган оилаларга беравраз муруват ёрдам кўрсатиб келмоқда ҳамда 45 нафар кам таъминланган оила болаларига суннат тўйи, 26 нафар келин-куёв тўйини ўтказишда ҳомийлик қилди. Шунингдек, кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича 30 нафар талабани Термиз Давлат Университетига ва пойтахт билимтоҳуларига ўқишларида ҳомийлик қилиб келмоқда.

Зумрад Хайитова туман Кенгаши таркибида депутат сифатида фаол иштирок этмоқда, унинг аҳолини газ билан таъминлаш борасида олиб бораётган ишлари яъни Кумкўрғон орқали газ қувурининг 7,2 км 219дм турбасига ҳомийлик қилгани ва уни кўриб ишга туширди ва халқнинг ҳурматига сазовор бўлди.

Савдо тизимида ислохотларни амалга ошириш мақсадда биринчи бўлиб жамиятнинг акциядорлик жамияти, яъни «Кумкўрғонсавдо» акциядорлик жамиятини ташкил этди.

Тадбиркорлигини назарга олган ҳолда вилоят ҳокимлигида тадбиркор аёл уюшмасини тузиб, 1994 йил март ойидан вилоят тадбиркор аёллар уюшмаси раисаси вазифасида фаолият кўрсатиб, бир қанча хайрия ишларига ҳомийлик қилди.

1996 йилда Республика хотин-қизлар кўмитаси бошчилигида ҳамда вилоят хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда тадбиркорлик бўйича Республика миштақавий тадбиркор аёллар семинари «Кумкўрғонсавдо» базасида ўтказилди. Президентимизнинг кадрлар тайёрлаш миллий дастурини кўллаб-қувватлаган ҳолда мактаб ва лицей ўқувчиларини рабатлантиришда степенциялар жорий қилганини ва ўқув қуроллари билан таъминлашда кўмаклашганлиги учун халқ таълими Вазирлигининг 1998 йил «Халқ маорифи аълочиси» унвони билан тақдирланди.

Қишлоқ аёлларнинг иш билан таъминлашда ва тадбиркорлигини ўрнатилда ўрناق бўлганлиги учун 2000 йилда Республикада «Энг фаол тадбиркор» номинациясинини олди. Ушбу меҳнатларини қадрлаб давлатимизнинг «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланди.

Зумрад Хайитова тажрибали, билимли, тадбиркор аёл, зимаасига юклатилган вазифаларни вижлонан бажаради. Оилаги 9 нафар фарзанди ва невараларини тарбиялаб вояга етказмоқда.

Қуёшдек нур сочар ойдек юзидан,
Меҳри товланади икки кўзидан.
Менга онам дўстлир ва битта танам,
Меҳрим дарёсини берсам бўлар кам.
Мангу паноҳида асрасин, Этам !.



Ҳайитмуродова Гулсара



ОШОҚ НИЯТЛАР

Ҳайитмуродова Гулсара Ҳолбоевна 1956-йил 5 сентябрда Термиз туманида таваллуд топган. 1979 йилда ўрта Осиё Педиатрия институтини тамомлаган. Мактабда олий ўқув юртида ўқиб юрган кезларидаёқ болалар шифокори бўлишни орзу қилган. Билими ва бор кучини келажак авлодни соғлом кўриш учун сарфлашни ўзига шарафли куч деб билган. Унинг учун ўзининг боласи, бетона бола деган тушунча йўқ. Касрда бўлмасин, қай вазиятда Қолмасин маслаҳати, ёрдами керак бўлса, донм тайёр туради. Шунинг учун бўлса керак ишонаси ҳам, хонадони ҳам донм гавжум. Унинг ширинсуханлиги, одамонулиги атрофида дўстларининг, меҳрибонларининг кўпчилиги сабаб.

“Болалар шифокори бўлиш — жуда катта шараф билан биргаликда катта масъулят. Врач болалар билан ишлаш экан, болаларнинг кўнглини билиши, улар қаби сўзлаша олиши улардек дунёни пок, рангли кура билиши шарт. Болалар олдига ёлгон гапиролмайси, уларни алдаб бўлмайди. Фақат ширин сўз, меҳрибонлик билан муомала қилиш керак. Ва албатта малака, ва билим даркор. Болалар шифокори ўзи устида ишламай қўйса у келажакка ҳиёнат этган бўлади. Ахир юрт келажати соғлом болалар билан безосита боғлиқку!”. Гулсара Ҳайитмуродова ҳам ўзининг ушбу фикрларига амал қилиб яшайди ва ишлайди. У ўз меҳнат фаолиятини 1979 йилда 1-Вилоят шифохонасида бошлаган. 1980 йилдан эътиборан Антор туманидаги Болалар поликлиникасида участка педиатори бўлиб ишлайди. У ҳар бир хонадондаги болаларни номма-ном билиб олган эди. Кимнинг қандай касаллиги бор, ким-қандай вазнда, кимга кўпроқ эътибор зарур... Донм оқ ҳалат кийган докторлардан қочган болаларлар Гулсара опани кўрдилар дегунча тиллари биррон бўлиб, қувнаб қолишар дегн. Ахир опалари уларга ҳеч оғрик, уқол қилмасдида.

Тўғри, уқол қилса ҳам сира оғритмасди. Ширин эркалаб гапирганидаку, болаларнинг икки юзларига қон югуриб, тетиклашиб кетишарди. Гулсара Ҳолбоевна 1990-1992 йиллар давомида Антор туман Марказий шифохонаси Чақалоқлар бўлимида неонатолог бўлиб фаолият юритди. 1992-1993 йилларда марказий шифохонанинг 1-Болалар бўлимида врач-педиаторлик қилди. 1993 йилдан хозирга қалар эса Антор туман марказий шифохонаси болалар поликлиникасида участка педиатори бўлиб ишлаб келмоқда.

Турмуш ўртоғи Ҳамдамов Тоштемир билан тўрт нафар фарзандни тарбиялаб ююга етказишган. Катта қизлари Мавлуда, ўғиллари Акмал, Аҳмадлар олий маълумотли. Кенжтойлари Аҳмед туманидаги 8-ихтисослашган мактаб интернатда таҳсил олмоқда.

Гулсарахоннинг келажак орзу-ниятларига келсак, улар улкан. Гулсара дунёни тинч, обод, ватанимизни кўркем, ўзи туғилиб ўсган юртини порлоқ кўришни истайдн. Болаларни эса ҳеч касал бўлмасликларини хоҳлайди. Ва бунинг учун у кучини, гайратини сира-сира аямайди. Унинг тапларига ишонаверинг. Буни сизга кўнгли врачлик либоси сингари оқ ва пок шифокор айтмоқда.





ХОРАЗМИЙ ИЗДОШИ:

У ечомайдиған жумбоқнинг ўзи йўқ дейишди.

Ҳисоб илмининг ўткир билимдони. Касби тақозосига кўраминики ёки бошқами ҳар бир ишда аниқлиқни севади, ишта вақтида бориш, бажариши керак бўлган топшириқларни режалаштириб олиши, саранжом саришталик, тежамкорлик ҳамма ҳаммаси Тожиҳол опа учун хос.

Тожиҳол Файзуллаевна 1956 йил 10 май Денов туманида туғилган. 1972 йилда Денов туманидаги 19-ўрта мактабни тугаллаб, Тошкент давлат Низомий номидаги педагогика институтининг математика факультетига ўқишга кирган. 1967 йилда институтни муваффақиятли тугатиб, Музафот илгарити Гагарин туманидаги 18-ўрта мактабга математика фани ўқитувчиси бўлиб иш бошлаган. 1985 йилдан 40-умумий ўрта таълим мактабда математика фани ўқитувчиси бўлиб, 2005 йил феврал ойидан бошлаб мактаб директори лавозиминда ишлаб келмоқда.

Ҳавас қилгудек оиласи бор. Турмуш ўртоғи Музаффаров Бобоҳон «Бобоҳонов Жамолуддин» фермер хўжалигини бошқаради. Ўғиллари Музаффаров Фазилдин Термиз унитар Нефт базасида бош таъминотчи бўлиб ишлайди. Музаффаров Сайфилдин Термиз йўл вокзалида назоратчи бўлиб ишлайди.

Қизлари Музаффарова Феруза, Наргизалар ўқитувчи Музаффарова Хуршида эса ҳамширалик қилади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг бир гапи бор, “Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз — жамиятимиз аъзоларини, авваламбор воёта етиб келатган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбиди миллий ғой, миллий мафкура, ўз ватанига меҳр-салоқат туйғусини ўйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир” ҳақиқатдан ҳам халқ,

жамиятнинг барча тармоқлари, шу жумладан, таълим соҳаси ҳам ёш авлод келажатги, ватан равнақи ва юрт манфаатлари учун хизмат қилмоғи керак. Фарзандлар онги, тафаккурига хотиралар ўйғотиш, уларни маънавий жиҳатдан тарбиялаш ўтмишдан ажодлар фаолиятидан ўрнак олишга ўргатиш, қадим боғиш учун олға йўналтириш лозим. Аслида ҳам бутунги замонавий педагогиканинг асосий йўналиши шунга қаратилган. Тожиҳол Ҳақимова таълим тизимининг бош мақсади ва асосий тизимлари моҳиятини теран англаб етган раҳбар педагоглардан. Келинг унинг ўз сўзларига қулоқ тутайлик. “Мен ўз билим ва кўникмаларимни келажатимиз ворислари бўлган фарзандларимизни ватанига, ота-онасига, элу юртига солиқ, меҳр-муҳаббатли бўлиб тарбияланишлари учун сарфлаб жамоа билан ҳаммаша ҳамкор ва ҳамнафасликда ҳаракат қиламан” эзу ишларинингизни Оллоҳ қўлласин, математикадек қийин ва айни пайтда қизқарли керакли фан сирларини эшикларини шотирларинингиз учун кенг очиб беришдан ҳеч қачон чараманг, Тожиҳол опа.

Дил ҳимматингдан ҳаёт гулистон,
Кўл қудратингдан ҳамма ёқ бўстон.



ЗУЛФИЯ МҶМИНОВА
СУРХОННИНГ
МУҲТАРАМА
АЁЛЛАРИ

Ношир: М. Раҳимов
Муҳаррир: М. Хайитова
Техник муҳаррир: А. Мойлинов
Мусахҳих: Г. Дониёрова
Саҳифаловчи: М. Холжаева

Босишта рухсат этилди: 05.03.2009й. Бичими 60x84¹/₁₆
Times U2 гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи: 25,5. Нашр босма табоғи: 25,0.
Буюртма № 44. Адади: 1500 дونا.

«Fan va technology» нашриёти.
100003. Тошкент, Олмазор кўчаси, 171.

«Shoakbat» Хусусий илмий ишлаб чиқариш корхонаси.
100031. Тошкент, Тўғон Режанетов кўчаси, 1а.

